


Анвар Намозов

# Ўотаниш



**Дивар Намозов**

# Ўотаниш

Қиссалар



ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»  
2014



УЎК: 821.512.133-3

КБК 84(5Ў)7

Н 77

**Намозов, Анвар.**

Н 77 Нотаниш / А. Намозов. — Тошкент: «O‘zbekiston»,  
2014. — 336 б.

ISBN 978-9943-28-153-0

Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз! Яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам, эзгулик ҳам, ёвузлик ҳам мужассам унда. Бойси, одамлар турли-туман. Уларнинг ўз дунёси, қарашлари, мезон-ўлчовлари бор. Кимдир нафс қулига айланса, ким учундир олижаноблик юксак туйғу. Биров хушомадга таяниб кун кечирса, ўзгалар бу иллатни ўзига сингдирмайди.

Ушбу китобда жамланган қиссалар сиз, азиз ўқувчиларни турфа тақдир эгалари билан таништириб, ўйлашга, мушоҳада юритишга мажбур этади.

УЎК: 821.512.133-3

КБК 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-28-153-0

© «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2014

---

## НОТАНИШ

**Ф**айбаров тебранма курсида ўтирар экан, кўзларини юмиб олган эди. Иш оғир, ўзига хос юки бор. Мансаб пиллапоялари бўйлаб кўтарилиш четдан қараганда, яхшидир, аммо унинг залвори, машаққатларини ҳар ким ҳам ҳис этолмайди. Ақлий меҳнат бўлса-да, тинкангни қурилади, эзиб ташлайди. Босиб-босиб чой ичганинда ҳам чарчоғинг босилмайди. Кейин котиба тайёрлаб берган аччиқ қаҳвани симирасан — гўё бошингга дармон киргандек бўлади. Бу эса вақтинчалик «даво». Кўзларингни очиб, стол устидаги қовозларга термилганинг ҳамон яна онг-шуурингни ташвишлар кемира бошлайди. Бироқ иш тутаб, уйга қайтар маҳалинг ўзгача ҳиссиётлар оғушида бўласан. Ҳайдовчи эшигини очиб берган машинанинг юмшоқ ўриндиғига чўккач, дилинг яйраб кетади. Тезроқ уйга бориб, хотининг, бола-чақанг хушнуд ҳолда кутиб олишларини, йўқ, аввал битта-иккита қўни-қўшни кўриб қолиб, қўлини кўксига қўйганича салом беришини ўйласанг, бошқача бўлиб кетасан. Майли, кимдир ҳавас қилар, бошқа бирови ҳасад кўзи билан боқар, ҳар ҳолда муносабатлар олий даражада!..

У машинага ўтирар экан, чеккароқда турган нотаниш кимсага кўзи тушди. Тавба, бир ҳафтадан буён кўзини лўқ қилиб туради. Ким ўзи бу? Мақсади нима? Файбаровнинг ҳузурига кирмоқчи эмиш! Нима масалада дейишса, айтмабди. Шахсий ишим бор, деган эмиш! Қабулхонадан ҳайдаб чиқаришгач, энди пастда пойлайдиган бўлди. «Мелисага айтамиз», дейишганди, Файбаров кўнмади. «Йўқолиб кетар», деб қўйди. Мана, энди яна



совуқ нигоҳлари билан таъқиб қилишни қанда қилмаяпти. Файбаров кеча ўринбосари Маъсумовга тайинлади. У тушиб, роса сўроқ-савол қилган бўлди. Кейин шалвираб қайтиб чиқди. Нотаниш дайди яна ўша гапни такрорлаганмиш: «ўзи билан гаплашаман, шахсий ишим бор...»

Файбаров уйига ета-етгунча шу ҳақида ўйлади. Кейин уйига етиб боргач, бу одам эсидан чиқди. Хотини овқатдан олдин келтирган бир пиёла чойни сипқордида, иштаҳаси очилиб кетди. Кейин ҳаммомга кириб, улкан ҳовузга калла ташлади. Илиқ, мусаффо сув бугунги чарчоқларини сидириб олгандек бўлди.

Хотини, болалари билан яйраб суҳбатлашгач, уйку элита бошлади. Қани эди, ухламаса! Кўзларингни юмдингни, яна эртанги кун бошланади. Тагин ташвишлар, муаммолар... Йирик корпорациянинг ишлари ҳам йирик. Икки юз чоғли одам унинг оғзига қараб туради. Файбаров, айниқса йиғилишда бунини бошқача туйғу билан идрок этади. Ана шу идрок этиш асносида дили яйрайди. Ходимларини уришиб-сўкса, янада улуғворлик туяди ўзида...

У эрталаб ишхонага киришда яна ўша дайдига кўзи тушди.

— Э, манови дайди йўқоладими, йўқми? — деди ҳайдовчига таъби тирриқ бўлиб.

— Билмасам, Халил ака, менгаям ёқмаяпти, — жавоб берди ҳайдовчи йигит. — Бир-икки марта тепиб ҳайдаб юборган эдик, яна пайдо бўлди. Олдингизга кирмаса, бўлмасмиш!

— Телба бўлса керак, тавба, бундан бошқа ишим йўқми? — зарда қилди Файбаров.

Яна ишга шўнғиди. Тушдан кейин маликалардек бўлиб Ноила пайдо бўлди. Нозик қўллари билан Файбаровнинг елкаларини уқалаб қўйди.

Ноила ҳам шу дайди ҳақида сўз очди.

— Намунча тешиб қўйгудек қарамаса, арпасини хом ўрибманми, — деди. — Мабодо қариндошингиз эмасми?

Файбаров олайиб қараган эди, келиб суйкалди:

— Вой, ҳазиллашдим-ку, кечиринг!.. Олдингизга кирмоқчи бўлаётгани учун айтяпман-да!

— Менга қара, Зоҳидга айт, ўшани йўқотсин бу атрофдан. Бирор нарса йўқолган, деб ёзсин, ўзимнинг ҳам жонимга тегди.

Ноила кўзларини катта-катта очиб сўради:

— Қаматиб юборасизми?

— Нима, раҳминг келяптими?

— Вой, гапларини! Сўрадим-да!..

\* \* \*

Дайди яна уч кун ўтиб пайдо бўлди. Тагин ўша таъқиб этувчи нигоҳ!

Файбаровнинг жаҳли чиқиб, Зоҳидни чақирди-да, уни роса сўкди...

Ўша куни кечқурун эса дайди тушига кирди. Қинғирқийшиқ тишларини кўрсатиб, алланималар деди у. Файбаров ҳеч нимани тушунмади. Уни урмоқчи эди, қўлини кўтаришга ҳам кучи етмади...

Тавба, тушига кирадиган бошқа одам қуриб қолганми?

Зоҳид роса таъзирини берган бўлса керак, дайди кўздан йўқолди. Файбаров ҳайдовчига сездирмай, машина ичида ўтирганича ойнадан хавотирли қараб уни излаган бўлди. Йўқ, кўринмайди, дайдилар уйида бўлса керак! Дайдилар уйи! Шунақа даргоҳ бормикан ўзи?!

Орадан бир ҳафта ўтди. Файбаров ишда ўтирганида хизмат телефони жиринглаб қолди.

— Халил Муроодович, сизни кимдир сўраяпти, аммо исм-фамилиясини айтмади, — деди котиба. — Шахсий иши бор эмиш!

Файбаровнинг эсидан чиқиб кетган эди. Нотаниш кишининг «шахсий иши» борлиги ҳам дайдини ёдига солмади. Боз устига кайфияти чоғ, ҳозиргина Маъсумов муллажиринглари бериб, чарчоқларини ёзиб юборган эди.



- Ким дединг?
- Танишингиз экан.
- Бўпти, улайвер...

Бироздан сўнг сокин муסיқа тўрт-беш сония янграб, хириллаган овоз эшитилди:

- Халил, ўзингмисан?

Файбаровнинг бирдан жаҳли чиқиб кетди. Халил дедими? Сенсирадими? Ким ўзи бу муттаҳам? Шахсий масалада қўнғироқ қилиб, қўполлашганини-чи! Ҳатто, қариндошлариям бундай оҳангда гаплашишмайди. Тоғасию, амакилари мулойим тарзда мурожаат қиладилар. Умуман айтганда, улар қўнғироқ қилишгаям ботинишмайди.

- Алло, Халил?

— Ҳой, кимсан? — бақирди Файбаров. — Кимга телефон қилаётганингни биласанми?

— Албатта, биламаң, — жавоб берди хириллаган овоз. — Сен Халил Файбаровсан, нима бўпти шунга?

- Ким бўлиб ишлашимниям биласанми?

— Биладан. Корпорация хўжайинисан. Неча кундан буён ҳузурингга киролмаяпман. Мана, энди телефон орқали гаплашяпман. Қабул қилмайсанми мени?

Бу пайтда азбаройи жиғибийрони чиққан Файбаров ўрнидан туриб кетган эди. Бирорта синфдоши ҳазиллашяпти, деса, бунақа бефаросати йўқ. Агар душманларидан кимдир, деб ўйласа, бўлишиям мумкин эмас!.. Ҳа, ўзи айтиб турибди: ўша дайди! Башараси совуқ, кўзлари тешиб қўйгудек қарайдиган нотаниш кимса!

— Сени ким ёллади, айт, — бақирди Файбаров. — Нима керак ўзи сенга? Нега тинч ҳаётимга кириб келиб, оромимни ўғирлаяпсан?

— Ўзингни бос, хавотир олма! Мен эски танишингман! Унутиб қўйибсан, шекилли?

Файбаров ўзини босишга ҳаракат қилса-да, удалай олмади:

— Менинг сендек танишларим йўқ, билдингми? Кейинги вақтларда танишларим шунақанги кўпаймоқдаки...

— Сен нега ҳузурингга киришимдан кўрқяпсан? Баъзи нарсаларни эслатиб қўймоқчи эдим, холос. Қачон кирсам бўлади? Кўришмаганимизгаям анча...

— Менга қара, бу ер ҳар хил қаланғи-қасанғилар келадиган идора эмас. Иккинчи телефон қилма. Қорангниям кўрсатма! — шундай деб Файбаров гўшакни тақ этиб ташлади.

«Унутиб қўйибсан» эмиш! Ўзинг кимсан-у, баъзи нарсаларни эслатишинг нимаси?.. Тавба, нима гапи бор экан?

Эски таниш...

Файбаров хотирлашга уриниб кўрди, аммо сира эслай олмади. Кейин шунгаям бош қотираётгани учун ўзидан жаҳли чиқди. Ҳеч қанақа таниш-паниш эмас. Ҳузурига кириб олиб, ўзини қадрдондек кўрсатади-да, пул сўрайди.

Котиба боғланиб, яна ўша киши қўнғироқ қилаётганини айтди. Файбаров унга бақриб берди. Котибанинг уни ўчди. Шу билан ҳаммаси тинчигандек эди. Бироқ...

Кечқурун ўша дайди яна Файбаровнинг хизмат машинаси рўпарасида пайдо бўлди. Ҳатто, ҳайдовчи ҳам ёғиниб, сўкиниб қўйди. Файбаровга, «Бир марта гаплашиб қўйсангиз, нима қилади, хўжайин?» дегандек қараб қўйди.

— Менга қара, — деди Файбаров машина ойнасини туширар экан, овозини балаңдлатиб, — бутун жуда чарчаганман, эртага эрталаб кел, нима гапинг бўлса, айтсан!..

Машина ёғиллаб йўлга тушди. Ҳа, бир марта гаплашмаса, бу девона келаверади. Эшитиб кўрсин-чи дардини? Балки, ростдан ҳам танишидир? Аммо ишхонадагилар гапирмасмикан? Бошлиқ қандайдир тиланчини хонасида олиб ўтирибди, дейишмасмикан?..



Эртасига Файбаров хонасига кириб келиши билан орқасидан кўрқа-писа котиба эргашди. Анчагача ботинолмай турди.

— Нима дейсан, чайналма, — деди Файбаров.

— Анув... одам олдингизга кирмоқчи эмиш!

— Ким?

— Кеча ўзингиз айтганмишсиз, эрталаб кел, деб.

Файбаровнинг ёдидан кўтарилган эди, ҳозир эслаб, пешанаси тиришди. Индамай турди. Баҳона топмоқчи бўлди. Кейин бу қароридан қайтди. Гаплашса, гаплашибди-да!

— Қаерда ўзи?

— Қабулхонада.

Файбаров сал тин олди. Котиба, кўрқяпти, деб ўйла-масин, тагин. Беш дақиқа гаплашади-да, кейин чиқариб юборади.

— Бўпти, кирсин, аммо дарҳол орқасидан киргин-у, юқоридан сўрашяпти, тез келсин, дейишяпти, дегин!

— Хўп, — котиба кўзларини пирпиратиб чиқиб кетди.

Бироздан сўнг эшик очилиб, ўша сўхтаси совуқ пайдо бўлди. Ранги оппоқ, юзлари сўлгин. Файбаровнинг баттар пешанаси тиришди. Ўзини ишга андармон қилиб кўрсатаркан, унга олайиб қараб қўйди. Кўришиш учун қўл чўзиш у ёқда турсин, мутлақо менсимадиям!

— Бу — менман, — деди дайди. — Эслаб кўр-чи!.. Ис-мим...

Файбаров қоғоздан бош кўтармай жавоб берди:

— Биродар, мен сизга ўхшаган бекорчи эмасман, ҳар бир келган одамни эсла-а-а-б ўтирадиган. Ота-онангиз тарбия бермаганга ўхшайди. Маданиятли одам дуч келган кишини сенсирамайди, билдингизми?

— Ҳа, сен анча ўзгарибсан, — бўш келмади нота-ниш кимса. — Агар ҳозир эслай олмасанг, кейин пушаймон бўласан.

— Сенсираманг, дедим сизга! Пўтписа ҳам қилманг.

— Мен сенга бор гапни айтдим. Ҳузурингга олди-орқангга қараб юр, деб кирдим ўзи! Ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормай қўйдинг, биродар! Бунақада ишларинг тескари кетади.

Ғайбаров қошлари чимирилиб, секин ўрнидан турди. У ниҳоятда жаҳлга минган эди:

— Менга қара, кимсан ўзи, а? Бир нотавон, бечорасан-у, маслаҳат берганингни қара! Ким бўлибсанки, менинг ишларимни тафтиш қиласан? Уст-бошингга бир қара, ахлатхонадан чиқиб келяпсан, шекилли? Тагин ҳалол-ҳаромдан гапирасан!

— Мен сен билан бирга ишлаганман, Ҳалил. Бозорда, эсингдами?

— Нима?! Қанақа бозор? Билиб қўй, мен сени танимайман, эслашга уринмайман ҳам! Бор, чиқиб кет!

Нотаниш киши бироз жим турди-да, унга кўз остидан ғалати қаради:

— Майли, чиқиб кетаман. Бироқ билиб қўй, мени кўп излайсан ҳали! Тавбангга таянадиган кунларинг олдинда! Эҳтимол, ҳозир билинмас, аммо шундай кунлар келадик, хато-ю, гуноҳларингни бирма-бир ёдга ола бошлайсан. Шунга мажбур бўласан! Мен фақат шу ҳақда айтишга келгандим.

— Ҳар ким хатоси учун ўзи жавоб беради, — тўнғиллади Ғайбаров. — Гапинг тугаган бўлса, сенга жавоб, жаноб башоратчи! Сенга иккинчи марта бу ерга келмаслигингни тилаб қоламан!

Бу вақтгача котиба икки марта кирган, Ғайбаровни аллакимлар сўраётганини айтиб, чиқиб кетган эди.

— Мен ҳам сенга чин дилдан хатоларингни англаб етишингни тилаб қоламан, — шундай деб дайди меҳмон эшик томон юрди.

Ғайбаров сўкинмоқчи эди, аммо гап чўзилиши, бу дайди яна қолиб кетишини ўйлаб қўл силтади. Ҳар ҳолда энди тинч қўяр! Бирорга тўғрисиўз бўлса керак, бировлар-



нинг гуноҳ, хатоларини эслатиб юрадиган. Аммо кайфитини тушириб кетди.

Бозор эмиш! Ҳозир кўнглига бозор сиғадими? Иш қалашиб ётибди...

Маъсумов кирди. Ўша турқи совуқдан қутулгани учун табриклаган бўлди. Кейин қилинган ишлар тўғрисида ҳисоб бера бошлади. Файбаров унга разм солиб, кўнглига гулгула тушди. Бояги дайдини шу ёлламаганмикан?

Э, йўқ, Маъсумов — шогирди-ку! Исми нима эди-я! Аввалбошдан Файбаров уни Маъсумов, Маъсумов, деб келган. Оғир кунларида суюган. Йўл-йўриқ кўрсатган. Иккиннинг кўпдан-кўп сири бор. Бир-бирига ишонишади-да!

— Охирги юк бўйича гап-сўз чиқиб қолди, — бош чайқаб деди Маъсумов. — Ноқонуний иш қилганмишмиз!

— Бу нима деганинг? — ҳайрон бўлди Файбаров.

— Эсингиздами, сизга айтгандим, ҳеч ким сўрамайди, деган эдингиз?

Файбаров тан олди:

— Ҳа, эсимда, нима бўлгити шунга?

— Хавотирли жойи йўқ, бироқ титкилашса чатоқ бўлади, Халил Муродович.

— Титкилаб нимаям қилишарди? Жа қўрқоқсан-да!.. Мана, омбор мудирига тўнкаб қўявер. Ўшанинг имзоси бор-ку! Ишқилиб бизнинг фамилиямиз ёзилган ҳужжатларда ҳаммаси жойидами?

— Жойида-жойида, аммо омбор мудириям анойи эмас-да! Мабодо ёзиб берадиган бўлса...

— Тавба, яна ваҳима қиласан! Ўзинг ҳам жуда майдалашиб кетяпсан-да!

Маъсумов ҳужжатлардан кўз узолмай чиқиб кетди. Ростдан ҳам ваҳиманинг уяси! Қўрқоқ! Бу дунёда ҳал этилмайдиган иш бор эканми? Ноқонуний! Шуюм гап бўлди-ю!..

Шу кунни Файбаров кечгача ғайрат билан ишлади. Деразадан ташқарига тикилганича қараб турганди, хонасига

бегона кишилар кириб келишди. Хужжатларни кўрсатиб, Файбаровни сал доводиратиб қўйишди.

Маъсумов айтганича бор экан — бу мутлақо жиддий масала эди. Омбор мудирини чақиритганида, лаби гезариб, бир балоларни айтиб ташлади.

Файбаровнинг пайтавасига қурт тушиб қолди. Наҳотки, шу ишни деб овораи сарсон қилишса? Нима бўлганда ҳам мол ушлаб қолинган-ку! Қолаверса, ўша ноқонуний юк билан боғлиқ хужжатларда Файбаровнинг имзоси йўқ! Бироқ текширувчиларнинг таъкидлашича омбор мудирини тушунтириш хатида ҳаммаси Файбаровнинг кўрсатмаси билан бўлганини қайд этибди. Бу ҳақда шунча одам ичида ҳам шартта-шартта айтиб ташлади. Файбаров секин Маъсумовга қараган эди, у елкасини қисиб, ҳеч нима демади...

Файбаров оддий ҳисоблаган муаммо каттаргандан-каттараверди. Ишхонани жиддий тарзда текширишга тушдилар. Омбор мудирини қамалиб кетди. Файбаров, менинг имзоим қўйилмаган, деб туриб олди. Аммо кичикроқ бўлса-да, бошқа камчиликлар чиқиб қолди («ҳа, энди титкиласанг, чиқаверади-да!») Ҳафта охирига бориб, Файбаровга курсини бўшатиб қўйиши лозимлигини чиройли қилиб тушунтириб қўйдилар. У ҳанг-манг бўлиб қолди. Пул орқали ишини битирмоқчи эди, бу муаммо сал бошқача якун топди: майли, қолади, аммо ўринбосар сифатида! Унинг жойига ҳозирча Маъсумов ўтиради. Тўғрироғи, унинг номзодини Файбаровнинг ўзи кўрсатди. Ҳозирча у бошлиқ вазифасини бажарувчи бўлиб турсин, кейин мана бу гаплар тинчигач, яна ўрин алмашадилар.

Маъсумов бу таклифга кўнмаган эди, Файбаровнинг ўзи кўндирди.

— Гап бор, — деди сирли қилиб. — Сен ишни бемалол бошлайвер.

— Майли, сиз учун, Халил Муродович розиман, бироқ хонангизда ўтирмайман.



— Ўтирасан! Вақтинча, деяпман-ку сенга!

Ғайбаров ҳали олдинда нималар кутаётганини билмасди, албатта...

\* \* \*

Шу куни кечаси Ғайбаров негадир ухлай олмади. Худдики, шогирди Маъсумов унинг курсисини тортиб олаётгандек туюлаверди. Бунга ишонгиси келмагани сари ҳадик-хавотири ортарди. Нега унга топширди? Аслида бошқа чораси ҳам йўқ эди. Меҳнат таътилига чиқиб кетса, ким билсин, нималар қилишади! Терговни бошлаб юборадиларми? Маъсумов эса... ишончли! Ахир шунча вақтгача Ғайбаров унинг елкасига қоқиб келган, йўл-йўриқ кўрсатган. Ҳар ҳолда устозининг бошини уриб ёрмас! Вақтинчалик эканлигини унинг ўзиям билади-ку! Қолаверса, Ғайбаровнинг таклифига осонликча кўнмади! «Мен бундай қилолмайман», деб туриб олди. Ғайбаров вазиятни обдан тушунтиргач, ноилож рози бўлди. Аммо...

Барибир амал курсиси ёмон-да! Унга ўтиргач, оҳанрабодек ўзидан узоқлаштирмайди, сира тургинг келмай қолади. Шундай ёпишқоқ курсики, ажрала олмай, ўзинг билиб-билмай, меҳр-оқибатни, яқинларингни унута бошлайсан. Тебраниб ўтирганинг сайин фақат роҳат-фароғат ҳақида ўйлай бошлайсан!.. Ғайбаров бу фикрини тезда ўзгартирди: одамига боғлиқ, албатта... ҳар ким ҳам бунақа боғланиб қолмайди. Маъсумов ҳам шу тоифадан бўлиши... керак. Ғайбаров унинг феълини билади-ку! Барибир тез-тез эслатиб туриши лозим. Ўзи бу қанча вақтга чўзилади? Наридан бора, бир ойдир-да! Аммо... бир ой ичида ишхонани остин-устун қилиб ташлаш ҳам мумкин-да!..

Ғайбаров хотинига бугунги ғавғолар ҳақида билдирмади. Акс ҳолда кайфияти бузилиб, қўрқиб кетади. Эртаиндин мавриди билан тушунтирар.

Хотини барибир сезди:

— Тинчликми, нима гап?

— Ҳеч гап йўқ, — кўзини олиб қочди Файбаров. — Ўзларинг қалайсизлар, яхшимисизлар?

Хотини жавоб бермади. Эрига зимдан қараб тура-верди.

Файбаров озгина тамадди қилиб ўрнига чўзилди. Тезроқ ухлаб, эртага биринчи навбатда Маъсумов билан гаплашишни кўнглига тутиб қўйди. Аттанг, вақтинчалик деб расмийлаштирабди-да! Майли, эртага тўғрилаб кўяр! Маъсумовга нима дейди? Хавотирланаётганини сездириб қўймасмикан? Э, сезса, нима?! Бу курсига ўтиргунча не-не заҳмат чекканини билади-ку уям! Кўрган, гувоҳи бўлган!.. Ҳа, айнан гувоҳи бўлган. Шуниси кўнгилини хижил қиладиям. Бир пайтлар Халил Муродович Собир Жабборовичнинг ўрнини қай тарзда эгаллаганини билди! Ё, тавба, худди яқин ўтмиш такрорланаётгандек! Собир Жабборович билан ҳам шундай бўлган эди-да! У... Файбаровнинг устози эди, ахир! Тўғри, ишхона ҳозиргидек катта эмасди, ходимлар ҳам кам эди. Афсуски, мана шу Маъсумов ҳам бор эди. У пайтларда сал гўлроқ, содда эди. Балки ўзини шунақа тутгандир? Қув, олғир бўлишни мана шу Халил Муродович ўргатди. Кейин-кейин ўзига ёрдамчи, бўлим мудир, ўринбосар қилиб олди. Худди Собир Жабборовичга ўхшаб! Нақадар ўхшашлик, такрорийлик! Худди кеча содир бўлгандек ҳаммаси!..

Файбаров у ёнбошидан-бу ёнбошига ўгирилиб яхши ухлай олмади. Эртасига ишга боши ғувиллаб борди. Маъсумов ўтирганини билсаям тўғри ўзининг хонасига қараб юрди. Киришдан олдин секин томоқ қириб қўйди.

Маъсумов уни кўриши билан сакраб ўридан турди. Кела солиб қўшқўллаб кўришди. Уйдагиларни, янгани, болаларни сўради. Файбаров хушламайгина жавоб берди.

— Ўтирибсанми? — деди кейин. — Тинчми ишқилиб? Қўнғироқ бўлмаяптими?

Шогирди хўрсиниб, секин шипшиди:



— Бўляпти-да, Халил Муродович! Ҳали узоқ давом эта-  
диганга ўхшайди.

Файбаровнинг қошлари чимириди:

— Нега узоқ давом этаркан? Келишганимиздек қил-  
дик-ку! Ё сенгаям эътирозлари борми? Тинчитиб юбора-  
миз, дейишди-ку, яна нима истайдилар?

— Билмасам... Барвақтроқ келгандим, уч-тўрт марта  
сизни сўрашди. Мени танимайдиган одамлар, нуқул ос-  
мондан келишади.

— Нима қилай, кўринмай тураймикан? — ўйла-  
ниб гапирди Халил Муродович. — Нега бунча ёпишиб  
олишди-я!

Маъсумов елкасини қисди. У ҳам ўйланиб қолган эди.

— Мени сўрашганида нима дединг?

— Аризасини ёзган, дедим.

— Жим бўлишдимми?

— Қаёққа кетди, дейишди. Билмадим, дедим.

— Билдирма, — тайинлади Файбаров. — Мен ановилар  
билан гаплашиб кўрай-чи!.. Айтгандай, кабинетинг қаер-  
да эди?

Маъсумов ўнғайсизланди:

— Халил Муродович, шу ерда ўтира қолинг. Менга  
ноқулай бўляпти. Ўтиролмаёпман.

Файбаров кулимсираб деди:

— Юзингдан унақага ўхшамайди-ку! Аксинча, мен  
сенга ёқиб қолганми, деб ўйлаёпман.

Шогирдининг туси ўзгарди. Аммо хижолат тортгани-  
дан эмас, қандайдир норози бўлгандек туюлди Файбаров-  
га. Унга синовчан тикилди. Орага офир жимлик чўккан  
эди. Худди бир пайтлар Собир Жабборович билан Халил  
Муродовичда рўй бергандек! Ажаб, Файбаров худди шу  
ҳолатни эслади. Ростдан ҳам такрорланаётган бўлмасин  
тагин. Йўғ-ей, нималар деяпти? Шундай бўлганида ҳам  
оддини олиши керак.

— Нега индамайсан?

— Жаҳлимни чиқарасиз-да, Халил Муродович!

Файбаров зил кетди:

— Балки, кечирим сўранг, дерсан?

Шу пайт котиба кириб, ноқулайликка чек қўйган бўлди, бироқ унинг ўзи ўнғайсизланиб қолди. Кимга му-рожаат қилишни билмасди.

— Нима гап? — сўради Файбаровдан олдин Маъсумов.

— Ҳалиги... кечаги мажлис баёнига имзо қўйсангиз, девдим.

— Қани беринг, — Маъсумов шундай деб котиба узатган қоғозни олди.

Файбаров баттар диққат бўлди. Ёпирай, бу атайин қиялпими? Тасаввурида, алақачон амал ўзиники-ку! Тасаввурида эмас, мана ҳозир, шундоққина кўзи ўнгида!

У, ҳатто ўтирмаган эди. Маъсумов имзо чекиб, котиба чиқиб кетгунича қаққайиб тураверди.

— Юринг, Халил Муродович, хонангни кўрсат, дедингиз, шекилли?

Файбаров уни эргаштириб чиқди. Вақтида тўғридаги мана шу хонани Маъсумовга берса бўларкан. Жинқарча шогирди ўтираверсаям иш битарди. Негадир қизганган эди. Қандайдир меҳмонхона қилиб қўйганди, нуфузли мижозлар, хориждан келадиган ҳамкорлар учун. Энди, ким билсин, Маъсумов қаёққа олиб боради?..

Хонаси анча нарида экан. Файбаров энди эслади. Бир пайтлар, икки-уч йил олдин бўлса керак, шу хонада ўтиришини айтган эди. Демак, вақти келиб, ўзи ўтириши кераклигига ҳукм чиқарган экан. Оддийгина, кичкина хона! Бу ерда қандай ўтиради? Ходимларнинг кўзига қандай қарайди? Қай бирига, бу — вақтинчалик, деб тўшунтиради? Ростдан ҳам... вақтинчаликмикан? Тавба, ўзиям ишонмаяпти! Кеча қандай кун эди-ю, бутун не кўргиликлар тўшяпти бошига?



Ўз хонасига қайтмоқчиам бўлди. Аммо юқоридан бўладиган қўнғироқлардан чўчиди. Қўнғироқ қилишмагани билан жойида қолганини эшитиб қолишса, сира қўйишмаса керак. Умуман, бу ишда қолгани қулоқларига чалинса-чи? Кетиши керакми? Ахир, қачонгача алдайди?

Шу тарзда Файбаровни ваҳима босиб келарди. Бир қўнғил, кет, бу ердан, дерди. Кейин саркаш хаёллари, шунча йиллик меҳнатини саробга айлангириши мумкин эмаслигини уқтирарди. Тинчиб қолса, яна курсисига ўтирар? Ўтиб кетар-ей, ўлдими!

— Марҳамат, Халил Муродович, — жой кўрсатди Маъсумов. — Битта-иккита бегона одамларнинг овозини эшитсангиз, чиқмай турасиз-да!

Файбаров тўнғиллаб қўйди:

— Ақл ўргатма! Бу ёғини ўзим биламан.

— Майли-майли... Эҳтиёт шарт, айтаман-да!

Маъсумов чиқиб кетди. У эса шалвираганича қолди. Назарида, энди асло ортига қайтмайдигандек, ҳатто бу жой ҳам омонатдек туюлди. Битта-иккита бегона одам... Нима, энди девор ортидаги қулоқ бўлиб ўтирадими, юрагини ҳовучлаб?! Маъсумовнинг ўзи нима қилади? Қандай иш тутади? Тинчита олармикан? Аввалги қинғирликларини сотса-я! Ахир, кўп сирлардан воқиф у! Нима бўлади?

Файбаров хийла кичик оромкурсига чўкиб, ўзини ноқулай ҳис қилди. Одатига кўра, беихтиёр қўлини олдинга чўзди — чойнақдан пиёлага чой қуймоқчи бўлди. Қўли муаллақ қолди. Чойнақ ҳам, пиёла ҳам йўқ эди. Эсига тушди: олифта Маъсумов фақат маъданли сув ичарди. Бордоққа қуйиб ўтирмай, елим идишнинг ўзидан кўтариб қўя қоларди. Зиёфат-у туғилган кунларда ҳам бу одатини қанда қилмасди.

Аттанг, шу топда чой ичгиси келганди-я! Котибага буюради! Файбаров ҳарчанд уринмасин, қабулхонанинг телефон рақамини эслай олмади.

Файбаровнинг боши ғовлаб кетди. Тушгача нималар қилганини билмайди. Битта-иккита ходим кириб қолиб, анқайиб чиқиб кетганини айтмаса, «ит» ҳам сўрамади. Ҳатто садоқатли шогирди хабар ҳам олмади. Алам қилиб кетди Файбаровга.

Махсус ресторанда тушлик қиларди. Энди эса... Бугун овқатланмайди. Шу ерда пусиб ўтиради. «Бошлик» шунақа деган...

Тушдан кейин Файбаров секин хонадан чиқди. Қабулхона томонга юрди. Секин кирди. Котиба уни кўриб, оҳиста ўрнидан қўзғалган бўлди. Файбаров, «ўтиравер» ишорасини қилиб, ичкарига имлади.

— Ҳеч ким йўқ, бир ўзлари, — деди секингина котиба.

Файбаров сал дадилланиб, ичкарига юрди. Маъсумовнинг нақ устига бостириб борди ҳамки, у сезмади. Ўша ердаги курсилардан бирига чўкиб уни кузатди. Маъсумов қандайдир ҳужжатларни кўриш билан андармон эди. У қошларини чимириб олган, баъзида бош чайқаб қўярди. Стол устидаги маъданли сувга қўл чўзиш асносидагина Файбаровга кўзи тушди. Ҳайрон бўлиб, секин ўрнидан турди:

— Қачон кирдингиз?

— Бир соатча бўлиб қолди, — истехзо аралаш жавоб берди Файбаров. — Иш кўпми, дейман? Ана шунақа, бизнинг иш оғир.

Маъсумов бош ирғади:

— Ҳа, оғир... ҳужжатлар шунақанги чалкашиб кетганки, боши-адоғи қаерда, билиб бўлмайди. Бўлимдагилар нима қилишган, ҳайронман.

— Демак, назорат қилмагансан-да! — чақиб олмоқчи бўлди Файбаров. Шундай оҳангда айтдики, ҳудди бекорчи одам ишлаётган кишини кўролмай, гапиргандек туюлди. Буни, аввало, ўзи илғади. Дарҳақиқат, у ҳозир ростдан ҳам бекорчи-да!..



Маъсумов жойидан турган эди, тагин ўтирди. Ғайбаров ундан ҳол-аҳвол сўрашини кутди. «Халил Муродович, қалайсиз? Зерикиб кетган бўлсангиз керак? Иш шунчалар кўпки, сиздан ҳам хабар ололмадим, узр», дейди, деб ўйлади. Ҳеч бўлмаса танноз котибани юборсин эди. Юбормаса, демак, фаҳм-фаросати етмайди уларнинг! Акс ҳолда бирров бўлсаям хабар оларди. Ҳали шошмай турсин, Ғайбаров жойига қайтган куни, энг аввало, мана шу котибани йўқ қилади. Котиба зотидай сотқинлар бўлмаса керак. Дарров янги бошлиққа ялтоқлана бошлайди.

— Ишлар чатоқ, Халил Муродович, — бош чайқади Маъсумов. — Яна бир-иккита ишимиз очилиб қолган эмиш!

— Ваҳима қилма, — ўдағайлади Ғайбаров. — Дарров шовқин кўтарасан! Нега шу жойга ўтқаздим-а сени?

Маъсумов унинг кўзига тик қараб жавоб берди:

— Жонингизни асраб қолиш учун-да, Халил Муродович. Ахир, пишиқсиз-ку! Ҳам жонингизни, ҳам курсингизни! Аммо бу қийин.

Ғайбаровнинг ичидан бир нима узилиб кетгандек бўлди. Шундоққина қаршисидаги шогирди етти ёт бегонадек, авваллари мутлақо кўрмаган одамдек, мутлақо нотанишдек кўриниб кетди. Ҳа, ҳа, нотаниш! Бир кунда мутлақ бегона кимсага айланиб қолибди. Мана шу курсига бир-икки ўтирибди-ю, мияси ҳам, фикри ҳам айнибди. Наҳотки, Ғайбаровнинг жойини қайтариб бермаса? Бу қандай бедодлик?

— Сен бир кунда шунчалик ўзгариб қолдингми? — дилидагини тилига чиқарди Ғайбаров.

Маъсумов бироз сукут сақлаб, кейин жавоб берди:

— Ўзгарганим йўқ, ахир, нима бўлганда ҳам ростини гапир, деб ўргатгансиз-ку! Эҳтиёт бўлишингиз керак, демоқчиман-да! Ҳали кўп ковлашади, Халил Муродович... Айтдим-ку, мен ўзим кўрганимдаям чалкашликлар чиқиб қоляпти.

Файбаров сал шаптитдан тушган бўлса-да, Маъсумовга хужум қилишдан тўхтамади:

— Ишқилиб ўзинг ковлаштирмаяпсанми ортимдан?

Маъсумов унга хиёл норози қараб қўйди-да, лом-мим демади. Файбаров сўзида давом этди:

— Менга қара, шунақа хужжатлар чиқиб қолса, менга, албатта, айт. Биргалашиб йўқотамиз.

— Хўп, — бош ирғади Маъсумов.

— А, бу котибага айтсанг бўлмайдим, эрталабдан бўён чой ичганим йўқ, томоғим қақраб кетди.

Маъсумов стол ёнидаги тутмачани босди. Сал ўтмай котиба кирди:

— Лаббай, Шоҳид Камолович.

Файбаров бир титраб қўйди. Шу аснода шогирдининг исмиям кўп нарсани эсига туширди: ҳа, Шоҳид эди. Бир пайтлардаги жиккаккина болакай, мана энди Шоҳид Камоловичга айланиб ўтирибди. Бу котибанинг чиндан ҳам фаросати йўққа ўхшайди. Жилла курса, Файбаровнинг олдида шундай демасин эди. Бироқ... нима деб мурожаат қилсин? Шоҳид ака, десинми? Шундоқ корпорациянинг хўжайинини-я (вақтинча бўлсаям)?

Маъсумовдан аввал Файбаров котибага мурожаат қилди:

— Нега менга чой дамлаб бермадинг? Нима, сенга эслатишим...из керакми? Уйингда чой-пой дамлардинг, шекилли?

Котиба бу гапларни эшитиб, кейин Маъсумовга қаради. У бош ирғагач, секин чиқиб кетди. Устоз-шогирд ўртасида яна жимлик чўкди. Файбаров сердиққат, Маъсумов хотиржам эди. Бир-биридан гап кутишарди.

— Бояги гапни бекор айтдинг, — деди Халил Муродович.

— Қайси гапни?

— Жонингизни асраб қолиш учун, деган гапни!..



Маъсумовнинг юзида табассум зоҳир бўлди. Файбаров унча тушунмади. «Бу гап ҳазил эди», демоқчими? Мас-харалаётгандир балки? Нима бўлгандаям унинг оғзини кутишга қарор қилди. Маъсумов кутилмаган гап билан уни эсанкиратиб қўяёзди:

— Халил Муродович, биласизми, ишлар жуда кўп. Шу ҳақда кейинроқ гаплашсак ҳам бўлар?..

Файбаров ҳеч нима демади. Бўғриқиб ўрнидан турди. Ахир, кет, дегани-да бу! Нонкўр, ярамас! Яхшиликни билмаган туллак! Тиржайиб туриб, жонингни олиши мумкинлигини билмаган экан Файбаров бунинг!

Индамай чиқиб кетди. Котибага хўмрайиб қараб қўйди.

Хонага киргач, стол устидаги чойни ичгисиям келмади. Телефон жиринглаб қолди. Файбаров гўшакни кўтаришния-кўтармасликни билмади. Телефон ҳам тўхтовсиз, асабга тегадиган тарзда жиринглайверди. Демак, кимдир Файбаровни сўраган. Ноилож гўшакни кўтарди. Авваллари ким қўнғироқ қилганини айтиб, кейин улаб беришарди, ҳозир эса бирдан улаб юборишди.

— Ҳа, тинчликми? — сўради хотини. — Соткангиз ўчирилган?.. Ишхонангизга қўнғироқ қилсам, бошқа хонага ўтган, дейишди. Мен тушунмадим.

Файбаров томоқ қириб, жавоб берди:

— Вақтинча, хотин, вазият шунақа бўлиб қолди.

— Нима вақтинча?

— Бас қил, — ўдағайлади Файбаров. — Кейин тушунтираман ҳаммасини. Бу ерга умуман қўнғироқ қилма, — шундай деб гўшакни ташлади. Кейин бурчакдаги юмшоқ курсига ўтириб, кўзларини юмди.

Кечга яқин эшик шахт билан очилиб, Маъсумов кириб келди. Файбаров унинг авзойини кўриб, беихтиёр ўрнидан турди.

— Тинчликми... Шоҳид...жон?

— Сизни бўлимга ўтказмасак бўлмайди, Халил Муродович. Аҳвол жуда жиддий. Ўринбосарлик штатини, умуман йўқ қилиб туришга тўғри келади... Ҳаҳ, шунча бошоғриқ қилдингиз-а!

— Нима бошоғриқ қилибман? — лаби гезарди Файбаровнинг, кейин ростдан ҳам вазият янада жиддийлашганини идрок этиб, ўзини қутқаришни ўйлаб деди: — Мен, яхшиси, меҳнат таътилига чиқаман.

— Энди кеч, Халил Муродович, кеча ҳамма буйруқларни олиб бўлишган. Ўринбосарлик жойи бўш, дегандик, биттаси, мана шу ҳақда ҳам расмий маълумот юборинг, деб ўтирибди. Жуда ёпишиб олишяпти, қўйишмаяпти!

Файбаров бош қашлаб деди:

— Бўпти, бўлим бўлса, бўлим-да! Аммо билиб қўй, мен ишхонага келиб ўтирмайман. Ё уйда бўламан, ё бирор ёққа кетаман.

— Менга қаранг, — изоҳ бера бошлади Маъсумов, — бу бўлим мудирлиги ўзи вакансия эди. Сиз келиб турмасангиз, бўшлигини билиб бирор кишини тиқиштиришмасин тагин.

— Мен бўлимда ўтирсам, суриштиришмас эканми? — қошларини тугун қилди Файбаров.

— Суриштиришмайди, буни ўзингиз ҳам биласиз-ку! Юқорини ҳозир кўпроқ бўш ўринлар қизиқтиряпти, тушуняпсизми?

Файбаровнинг жаҳли чиқди:

— Уларга ўзи нима керак?

— Сиз диққат-этиборларини тортмай туринг, дейман-да! Ҳозир кетсангиз ҳам, бундайроқ жойда ўтирсангиз ҳам сезиб қолишади.

— Мен бўлимда ишлай олмайман!

— Нега? Ахир, аввал ишлагансиз-ку!



Файбаров ялт этиб унга қаради. Ростдан ҳам ишлаган, бироқ аввал ўз номи билан, аввал эди-да!

— Тушунинг, агар эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилмасак, иш очишлари мумкин, — қўрқитишда давом этди Маъсумов. Кейин собиқ бошлигининг жавобини кутди. Ундан садо чиқмади. Афтидан, нимадир демоқчи-ю, тилига чиқаролмаяпти. — Нега индамайсиз?

Файбаров зўрға тилга кирди:

— Менинг жойим нима бўлади?.. Ҳалиги сен ўтирган жой!

Маъсумов унга қараб, аттанг, дегандек, бош чайқади-да, чиқиб кетди.

Файбаров ўзича мулоҳаза юритди: бу бола ўйин қиляпти — футбол! Файбаров бошлаган ўйинни давом эттириб, унинг ўзини копток қилиб тепяпти! Энди нима бўлади?..

Эшик очилиб, Ноила кўринди!

Ноила, ўзининг Ноиласи! У ана шундай — Файбаровнинг кайфияти йўқ пайтда пайдо бўлади. Кейин ором қувонч бағишлайди. Айниқса, ҳозир Файбаров уни кўриб, шу қадар энтикиб кетдики, нақ йиғлаб юбораёзди. Маъсумов унинг кайфиятини остин-устун қилган, Ноиланинг пайдо бўлгани мушкулотларини ариттандек эди.

— Нима бўлди? — деди Ноила.

— Вақтинчалик, — жавоб берди Файбаров. — Шунақа бўлиб қолди... Ўзинг яхшимисан?

Ноила бироз сукут сақлаб, жавоб берди:

— Яхши... Бир оғиз айтмабсиз ҳам. Тўппа-тўғри кириб борибман. Шоҳид акани ўрнингизда кўриб қўрқиб кетибман.

Файбаров Ноиланинг «Шоҳид ака» деганига рашки келиб, уни сўроққа тутди:

— Нима деди сенга?

— Ҳеч нима! Шу заҳотиёқ қайтиб чиқдим!

— Бу хонада эканлигимни ким айтди?

— Ўзим ўйладим. Жойингизда Шоҳид ака ўтиргач, сиз шу ерда бўласиз-да!.. Ишдан олишдими, Халил ака? Нега?

— Вақтинчалик, дедим-ку, — диққат бўлди Файбаров. — Вазият сал юмшасин... Ходимлар нима дейиш-япти?

— Хали ҳеч ким билмайди, менимча. Кечқурун йиғилишда айтишса керак-да!

Файбаров ҳайрон бўлди:

— Қанақа йиғилиш?

— Ҳаммага айтиб чиқишди-ку, билмасам!

Халил Муродович аччиқланди. Бу иши энди ортиқча Маъсумовнинг! Орқа-олдини билмай қоляпти, шекилли. Ноилдан Шоҳид Камолович ўтирган ўзининг собиқ хонаси телефон рақамини сўради. Ноила айтди. Файбаров ички телефондан ўша рақамни терди. Бироздан сўнг Маъсумов гўшакни кўтаргач, шошилмаб гап бошлади:

— Бугун мажлис қилмоқчи экансан, тўғрими? Нега менинг хабарим йўқ?

Маъсумов кескин жавоб берди:

— Ҳа, сал туриб мажлис ўтказмоқчиман. Бунинг сизга дахли йўқ.

Агар ҳозир Ноила бўлмаганида Файбаров унга бақриб юбориши мумкин эди. Бироқ Ноиланинг ҳамма гапдан воқиф бўлишини, қолаверса, телефондаги бундай тарздаги сўзлашув — гўё Маъсумов аллақачон унинг курсисини тортиб олганини намоён этишини истамади у. Босиқлик қилди, шу билан бирга Маъсумовнинг жавобини Ноила эшитиб қолмаганмикан, деган хавотирга ҳам борди.

— Яхши, мен қатнашиб ўтирмайман, ўларинг ўтказаверинглар, — деди сир бой бермай. Гўшакни қўйиб, Ноилага хотиржам қиёфада юзланса-да, кайфияти носоз эканлиги аён эди.

Ноила ундан гап кутди. Файбаров гапиравермагач, сўради:



— Қандай масала экан?

Файбаров қўл силтади:

— Айтарли жиддий гап эмас, — деди жўяли жавоб тополмай, кейин сўзларини суваб кетди: — Интизом масаласи!.. Эсимдан чиқибди, мен ўзим тайинлаган эдим. Онда-сонда жамоанинг жиловини тортиб қўймасак бўлмайди, тўғрими?

Ноила ўйланиб қолганди.

— Агар сиз қатнашмасангиз, мен ҳам кириб ўтирмайман. Айтиб қўярсиз, Халил ака. Шу йиғилишларга тобим йўқ, биласиз-ку!

Файбаров нима деб жавоб беришини билмай, бош ирғаб қўйди. Ноила сўзида давом этди:

— Ўзи нима бўлди, айтинг... Кеча у ёқда ўтирган одам бугун бошқа хонада ўтирибди. Шундай бўлишим мумкинми?

— Нега бўлмас экан? — унинг елкасидан қучди Халил Муродович. — Буям бир ўйин-да! Бир хил атмосферадан кўра, вақти-вақти билан вазиятни ўзгартириб туриш керак. Ҳадемай ҳаммаси жойига тушади... Ҳали режалар кўп, Ноила.

Ноила индамади. Унинг шаҳло кўзлари катта-катта очилган, юзида ҳайрат ифодаси қотган эди. Ҳайрат билан бирга қандайдир хавотир бор. Йўқ, хавотир дейиш ҳам тўғри эмас, Ноиланинг ҳафсаласи пир бўлгандек эди. Файбаров бир сўз айтмай уни кузатиб ўтираверди. Нима дейишнIAM билмасди. Айни дамда Маъсумовнинг курсида ўтиргани учун ўзини ўнғайсиз сезар, Ноиладан уялаётган ҳам эди. Назарида ҳадемай бу жувон уни йўқлашни бас қиладигандек туюлди. Агар Файбаров ростдан ҳам амалдан кетса, Ноилани бошқа кўрмайди. Аниқроғи, у ўзини олиб қочади. Эҳтимол, Маъсумовга ялтоқлана бошлар! Наҳотки, шундай бўлса? Ахир, ҳозиргача Файбаровни амали учун яхши кўрарди-да! Яхши кўрарди?.. Қанақа яхши кўриш? Файбаровнинг пуллари керак эди, холос.

Нега Файбаров бу ҳақда шу кунгача ўйламади экан? Мана, ҳозир Ноиласи ҳузурида! Лекин у аввалгидек эмас, саросимага тушган. Ким билсин, ичида нималарни ўйла-япти экан? Файбаровдан халос бўлиш ҳақида бош қотираётгандир, эҳтимол?..

— Нега бунча ўйланиб қолдинг? — деди Файбаров чидай олмай.

— Билмадим... ўзим, — деди Ноила оҳиста. Овози сиқиқ чиқди. Бироздан сўнг сўради: — Барибир жойингизга қайтасиз-а, Халил ака? Ахир, сизнинг жойингиз бу ер эмас-ку?!

Файбаровнинг дилидаги тилига чиқди:

— Мабодо қайтмасам, сен... унутиб юборасанми мени?

— Унақа деманг.

Файбаровнинг назарида у Ноила билан хайрлашаётгандек туюлиб кетди. Бир пайтлар ҳарбий хизматта кетишидан олдин севгилиси Санобар уни худди шу тарзда кузатган эди. Анча пайтгача хат ёзиб юрди. Кейин дабурустан мактуб юбормай қўйди. Ёш Халил қанча ёзмасин, хатлари жавобсиз қолаверди. Ичига ўт кетди. Санобарнинг бошқа йигитга эрга тегаётганини сезди. Жуда алам қилди. Ҳарбий хизматдан қайтиб келгач, худди шу гапни эшитди.

— Ҳазиллашдим, денг, — пичирлади Ноила. — Айти-и-и-н-г...

Негадир Файбаровнинг хўрлиги келди. Агар, ҳазиллашдим, деса, Ноила қувониб, маҳкамроқ қучоқлаб олади, йўқ, жиддий айтяпман, деса, барини йиғиштиради. Буям худди Маъсумовга ўхшаган одам! Тарози посангисига қараб иш тутади. Дарвоқе, фақат Ноила билан Маъсумов эмас, бошқалар ҳам, ҳамма-ҳамма шундай! Сенга мансабинга қараб муомала қиладилар. Танаймай қўядилар. Сен улар учун нотанишга айланасан!



Ғайбаров Ноилани ранжиттиси келмади, ўзини ҳам:

— Ҳазил, — деб қўйди.

Шу пайт эшик тақиллаб қолди.

Котиба кирди:

— Ноила опа, шу ердამисиз? Ҳамма жойни кўриб чиқдим... Юринг, Шоҳид Камолович чақиряпти сизни.

Ноила ҳайрон бўлиб ўрнидан турди. Ғайбаров ҳам лол эди. Ноила унга сирли кўз ташлаб, котиба ҳамроҳлигида хонани тарк этди.

Ғайбаров яна ҳувиллаган диққинафас хонада бир ўзи қолди. Ошналаридан бирортасига қўнғироқ қилмоқчи бўлди, аммо бу қароридан қайтди. Агар улар ҳам бу даргоҳдаги гапларни эшитишган бўлса, сўроқлаб, баттар кайфиятини бузишади. Уйга қўнғироқ қилсинмикан? Ҳол-аҳвол сўрарди. Болалар қалай, нима қилишяпти? Дарвоқе, энди қўшнилари кўзига қандай кўринади?.. Э, улар билиб ўтирибдими? Умуман, билсалар нима! Ўзи нега бунча фожиа қилиб юборди?! Етти мучаси соғ-саломат-ку! Шунчалик ҳам тушкунликка тушиш мумкинми?..

Бурчакдаги оромкурсига ўрнашиб, кўзларини юмди. Вақтни ўтказишнинг йўли — ухлаш!..

Бироқ Ғайбаровнинг кўзларига уйқу келмади. У Маъсумов Ноила билан нималар ҳақида гаплашаётганига қизиқарди. «Қўй энди ўша одамни», деса-я Шоҳид! Айтиши мумкин, ахир! Йиғилиш ўтказмоқчи эди, тезроқ ўтказа қолса-чи!

Нега ишни ўйламаяпти? Маъсумов, энди бўлимга ўтасиз, деди-ку! Бўлимда қандай ишлайди?.. Аслида ўша пайтнинг ўзида кетиши керак экан, бу ерда қолиб шарманда бўлгандан кўра. Маъсумов роса калака қилса керак!

Индамай кетворса-чи? Ўтираверадими индамайгина? Кеч ҳам тушиб қолди.

Файбаров сакраб ўрнидан турди. Эшик олдига бориб, сал талмовсираб, кейин шахт билан итарди. Йўлакда ҳеч ким йўқ — ҳамма йиғилишда бўлса керак. Бирдан миясига келди: Маъсумов йиғилишда Халил Муродович ўз жойини бўшатганини эълон қилса-я?! Аниқ шу ҳақда гапиради. Акс ҳолда йиғилиш чақириб ўтирмасди.

Файбаров шу ҳақда ташвишланиб, тезда ишхонадан чиқиш йўлагига қараб юрди. Ташқарига йўл олди. Хизмат машинаси — ана! Ҳайдовчи қўл телефонида ким биландир валақлашиб ўтирибди. Файбаровни кўриб, гапини тутатди-да, савол аломати билан қаради. «Уйга кетамиз», деган буйруқни эшитиб, жонланиб қолди. Тезда машинани ўт олдиради.

Файбаров йўл бўйи Маъсумов уни суриштириб қолиши мумкинлигини ҳам ўйлади. Сўрасин, суриштираверсин! Энди бу ерларга келмайди, елкасининг чуқури кўрсин! «Бўлимга ўтасиз» эмиш! Оқибатни билмаган шогирд! Шунча яхшиликлари, ёрдамлари қаерга кетди? Мана, бутун ўзининг тагидаги курси етмагандек, Ноилани ҳам тортиб олишга киришди. Кўз олайтириб юрган экан-да, аблаҳ! Шунчалик юрагидан урган, шекилли? Ол, олавер! Энди шундоқ ҳам Файбаровга уят бўлади. Оиласи, бола-чақалари бор.

Шундай дейди-ю, барибир алам қилади-да!

Файбаров уйига эртароқ қайтгани учунми, хотини яна сўроққа тута бошлади. У индамади. Дам олмоқчи, болалари билан суҳбатлашмоқчи эди, йўқ, аксинча, худди ишхонада қидириб қолишаётгандек, беҳаловат бўла бошлади.

У зўрға тунни ўтказди. Эртасига эрталаб, хизмат машинаси келган эди, ҳайдовчига жавоб бериб юборди. «Энди қачон чақирсам, келгин, Маъсумовга ўзим тайинлаб қўяман», — деди. Кейин кўчага чиқиб кетди. Анчага-ча тентиради. Бозор, дўконларни айланаётгани, қўл телефони жиринглади. Файбаров кўзойнагини тақиб, рақамга



қаради: Маъсумов! А-ҳа, телефон қиларкансан-ку! Ишинг тушибди-да барибир! Бир ўзинг ҳал қила олармидинг шунча ташвишни?! Осон, деб ўйлаганмидинг?

— Эшитаман.

— Ассалому алайкум, Ҳалил Муродович... Бугун ишга чиқмадингизми?

Ғайбаров ўшқириб берди:

— Сен ўзи кимсан, мендан ҳисобот сўрайдиган? Ишга бораманми, йўқми, ўзим биламан.

— Сиздан ҳисобот сўраётганим йўқ.

— Гапимни бўлма! Кеча мендан бемаслаҳат мажлис қилдинг, айтгандирсан-да, ҳаммасини! Типирчи-лаб қолгансан-ку! «Отнинг ўлими — итнинг байрами», деб бежиз айтишмаган экан. Билиб қўй, мен ҳеч қандай ишингга ёрдам бермайман. Хомтама бўлма! Қандай қилиб ўша жойга ўтирган бўлсанг, шу тарзда ишлайвер! Бўлимни ҳам пишириб е! Мен эса кўчада қолмайман!

— Ҳалил Муродович, намунча оташинсиз? — Маъсумовнинг овози ҳам баланд чиқди. — Ўзингизни босинг. Мен сизни ўйлаб, шу таклифни айтдим. Энг қулай йўли, ахир! Вақтинчалик, дедим-ку! Мана, бугун ҳам сўрашди... Сизни қочиб кетди, деб ўйлашлари мумкин, тушуняпсизми? Иш очилади. Шу ерда бўлсангиз, бамаслаҳат ҳаммасини ҳал қилардик.

— Энди маслаҳатим керак бўлиб қолдимми? Кеча мажлис...

— Яна мажлисни гапирманг, илтимос. Мен вақтинча бошқа бўлимга ўтишингизни айтдим, холос. Ҳалиги ғавролар ҳақида чурқ этганим йўқ. Ишонмасангиз, хоҳлаган ходимдан сўрашингиз мумкин.

— Бўлимнинг бошингда қолсин! Нега айтасан? Мен жамоанинг кўзига қандай қарайман? Шу ҳақда ўйлаб кўрдингми?

— Айтмасам ҳам бўлмасди-да! Сиздан сўрашмаса, мана, мендан сўрашяпти. Кеча юз марта сўрашди. Нуқул «Халил Муродович қани?.. Нега бошқа жойда ўтирибди?..» Майли, агар ростдан ҳам ишга чиқмайман, десангиз, зоримиз бор, зўримиз йўқ. Эртага мендан ранжиб юрмасангиз бўлгани!

Файбаров бўғилиб деди:

— Қўрқитма мени.

Маъсумов бўш келмасди:

— Қўрқитаётганим йўқ, огоҳлантиряпман, Халил Муродович. Ҳозирги вазият мендан кўра сизга кўпроқ аён.

— Сен шогирд бўлиб, менга қандай яхшилик қилдинг, айт.

Маъсумов унинг гаптини эшитмагандек сўради:

— Машина борсинми, йўқми?

Файбаров ростдан ҳам хавотирга тушиб қолган эди. Ахир, қонун бузилган, бу ҳазилакам гап эмас. Ҳамма айб омбор мудирига ағдарилгани билан Файбаров ишхонада кўринмай юрса, ростдан ҳам, бир балоси бор, дейишлари мумкин.

— Мен ҳақимда юқорига нима деддинг? — сўради у.

— Бу ишни менга топширганларига анча бўлган, дедим. У киши ёшларни қўллаб-қувватлаш тарафдори, дедим. Энг оқсаётган бўлимга ўз ихтиёрлари билан ўтиб, ишни ривожлантиряптилар, дедим.

Маъсумовнинг гаплари Файбаровга маъқул тушди. Барибир ичидаги ҳадикни айтди:

— Барибир омбор мудирини сотиб қўяди-ку!

— Нима деб сотарди? — шивирлаб гапирди Маъсумов. — Орқа сана билан расмийлаштириб қўйсақ, ҳеч вақо қилолмайди.

Файбаров, «ўзинг курсини қачон бўшатасан?» демоқчи эди-ю, тили бормади. Жа ўлиб турган экан, деб ўйлама-син. Берадиганга ўхшаяпти-ку! Оқибатли ҳар қалай! Акс ҳолда қўнғироқ қилмасди. Астойдил куйиниб гапиряп-



ти. Аммо... бўлим мудирлиги... Қандай ишлайди? Бошқа бўлимдагилар устидан кулишмайдами? Ахир, уларни озмунча сўкканми жаноб Файбаров!

Бу гапни ҳам яширмади:

— Энди анови Сафаров, Восиев, Фатҳиддин, Илҳомов, яна ким эди, ҳа, Зулфия опаларга кулги бўлиб юраман-да, шунақада, а?

Маъсумов бироз тин олиб жавоб берди:

— Қани бирортаси кулсин-чи!.. Кулмайди. Ҳеч ким кулмайди... Демак, машинани юбораверайми?

— Тўхта, аввал хонани яхшилаб тайёрлаб қўйишсин. Кечагидек бўладиган бўлса, керак эмас. Ҳайдовчига айт, менга қўнғироқ қилсин. Қаердалигимни айтаман, — Файбаров шундай деб қўшимча қилди: — Тўхта, яхшиси, тушдан кейин келсин, унгача ишларим бор.

Маъсумов индамай гўшакни жойига қўйди. Файбаров унинг бу қилигидан хиёл ранжиса-да, ишхонада ўзининг кераклигидан хурсанд бўлди. Бўлим-бўлим, деб баҳона қиляпти, — ўйлади у, — аслида ишни эплай олмаяпти. Аттанг, Маъсумовдан, «нима деб ўйлайсан, тезроқ босди-босди бўлармикан?» деб сўрамабди-да! Ҳечқиси йўқ, ишхонага борганида сўрайди...

Тушдан кейин Файбаров машинада гўддайиб ўтирганича ишга кетди. Беихтиёр, «отдан тушсам ҳам эгардан тушмаяпман», — деб қўйди ўзича.

Бўлимдагилар совуқроқ қарши олишди. Ростдан ҳам энг қолоқ бўлим бу. Шу боис бариси Файбаровдан эшитадиганини эшитарди.

— Биз Халил Муродовичдан шу бўлимни ривожлантиришни сўрадик, — деди Маъсумов. — Ўйлайманки, ишлар силлиқ кетади.

Файбаров унинг гапини тузатган бўлди:

— Аслида қўнмасдим-у, илтимос қилишганига келавердим, — кейин қўшимча қилди: — Ҳар ҳолда ўзимизнинг қадрдон ишхона. Жонимизни жабборга бериб

ишлаймиз. Ишни ҳисоботларни қайта кўриб чиқишдан бошлаймиз. Ҳар бир ой бўйича балансларни кўздан кечирамиз. Хатолар бўлмаслиги учун чорақлик билан таққослаб чиқамиз.

— Бу масалаларни ўзларинг гаплашиб оларсизлар, — кулимсиради Маъсумов. — Ишдан сўнг яна бир бор йиғилишиб, натижаларни таҳлил қилсак, Халил Муродович?

Файбаров унга норозинамо қараб қўйди...

Ишлар силлиқ кетмади. Ходимлар хўмрайиб қараса, лабини буриб, энсасини қотирса, иш бўладими! Битта-иккитаси эшитилар-эшитилмас пичинг ҳам қилиб улгурди: «Бир пайтлар бўлимимизни тугатмоқчи бўлишганди-я, зарарга ишляпти, деб, ўша вақтда тор-мор қилишмаганининг сабаби бор экан-да!.. Шундай кунда керак бўлиб қоларкан, қаранг».

Муттаҳамлар-ей, авваллари қалтираб турардинглар. Тилларинг чиқиб қолибди-да!

Кекса Дўстов дегани Маъсумовнинг ҳузурига кириб-чиқишга улгурибди. «Бу одам ҳеч вақони тушунмайди-ю, нега бўлимга қўясиз?» — деган эмиш! «Ўзи қилмай, фақат буюради», — дебди яна. Сенларга тайёр қилиб бериш керакми? Тағин Дўстов эмиш! Отаси дўст бўлгандир-да кимларгадир, ўзи асло унақа эмас! Олдинлари ҳам миждовланиб асабга тегарди.

Ўзи булар Файбаров яна ўз курсисига қайтиб ўтиришини фаҳмлашмайди, чоғи! Э, бу шундай бўлимки, ўзлари хоҳлаган, орзу қилган одамни, ҳаттоки отасиниям бошлиқ қилиб қўйсанг, норози бўлишади...

Кечроқ кичик мажлис пайтида Файбаровга «ҳужум» қилиб кетишса, денг! У бу бўлимга, умуман, ишхонага керак эмасмиш! Уялмай айнан шундай дейишди. Файбаров бошини қай тошга урсин! Алам қилгани — мановилар, гўё уни энди кўриб тургандек, мутлақо бегонага қилгандек муносабатда бўлишди. Барака топкурлар, шунча вақт



ишлади-ку Файбаров, ҳали яна ўтиради курсисига! Йўқ, аксинча, худди ёввойи одамлардек, чувиллаб гап беришмайди. Улар бир томон, Файбаровнинг ўзи бир томон.

Маъсумов иккала тарафни зўрға тинчлантирди. Ҳаммаси жойига тушиши, бир-бирларига ўрганиб кетишларидан умид қилаётганини айтди.

— Умид йўқ, — деди чўрт кесиб Дўстов. — Бу одам, аксинча, ишни орқага тортади. Менда бошқа таклиф бор.

— Хўш? — унга кўз тикди Маъсумов.

— Биз тайёрлаган балансларни чиқитта чиқараётган экан, марҳамат, ўзи қилиб берсин. Ана шунда кўрамиз кучини! Ҳисобчилик бу одам ўйлаётганидек осонмас! Бўлим мудирлиги ҳам фақат буюр-буюрдан иборат эмас. Шу чоққача тинчгина ишлаётган эдик. Мана, бугун шунча ғалва орттириб ўтирибди. Оддий ҳисобчи штатига тушириш керак буни.

Файбаров сакраб ўрнидан турган эди, Маъсумов уни секин елкасидан босиб, жойига ўтқазди. Тушунтирмоқчи бўлди, аммо Дўстов ҳам, бошқалар ҳам эшитишни исташмади.

— Нима, эплай олмайман, деб қўрқяпсизми? — деди Дўстов кўзларини лўқ қилиб Файбаровга. — Ўзи шу иш келадими қўлингиздан? Би-и-р ўзингизни кўрсатинг-чи! Иш буюришни биз ҳам биламиз.

Худди келишиб олишгандек, ҳамма жим бўлиб, унинг оғзини пойлади. Файбаров асабийлашди:

— Қўлимдан келади, биддингизми? Мени ким деб ўйлаяпсиз? Нима, кечаги кунгача бутун бошли ишхонани бошқарганимни унутдингизми?

— Сиз кечаги кунни қўйинг, — истехзоли кулди Дўстов. — Бутундан гапиринг. Бизга рисоладагидек ҳисоботни тайёрлаб кўрсатинг, яна такрорлайман, агар қўлингиздан келса.

Маъсумов Файбаровга юзланди:

— Наҳотки булар билимингизга ишонишмаётган бўлишса? Бир қойиллатиб ташланг!..

Файбаров эртасига бўлимдагиларнинг талаби билан оддий ҳисобчиликка ўтказилиб, ҳаммага намуна бўладиган ҳисобот тайёрлаб берадиган бўлди.

Уйга қайтар маҳали Файбаров беихтиёр дайди шумқадамни эслади. Ростдан ҳам ҳамма нарсани олдиндан биладиган одам эдими у?

\* \* \*

Файбаров уйга келгач, узоқ вақт ўйланиб ўтирди. Кўз олдидан шумқадам дайди сира нари кетмасди. Кейин хотинига ёрилди. Мана шу одам хонасига келиб-кетганидан сўнг барча ишлари телба-тескари бўлаётганини айтди. Ишни вақтинча шогирдига топширганини таъкидлади. Хотинининг чиройли қошлари чимирилди. «Ҳали мендан шунча гапни яшириб юрибсизми, кўнглим сезганди-я», — деди.

Файбаров учун бу гаплар муҳим эмас эди. Парво қилмади. Яна ўзининг ўй-хаёлларига берилди. Эртага ёзиб берадиган ҳисоб-китоб ишлари ҳақида бош қотирди. Аблах Дўстов! Ўша дайдининг таниши бўлмасин тагин! Аллақачон ишхонадан ҳайдаб юбориш керак экан. Мана, захрини сочиб ўтирибди. Ёнидагилари, «э, нималар деяпсиз, ахир, бу киши — Халил Муродович-ку», ҳам дейишмади. Улар ҳам аблах! Дўстов деган ғаламис билан ишлагандан кейин ҳаммаси аблах-да! Нега бошлиқнинг тарафини олишмади? Собиқ бўлгани учунми?..

Ҳа, майли, эртага шундай қойилмақом ҳисоб-китоб қилиб берсинки, оғизлари ланг очилиб қолсин! Шогирди Маъсумов ҳам қўллаб турар ҳар ҳолда! Нега шу бўлимга ўтказди-я! Тили бир бўлса керак буларнинг. Ҳаммасини ўша шумқадам қиялпти! Роса қадами расво одам экан-да!..



Кечқурун ётишда хотини девор томонга ўтирилиб олди — худди у ҳам Файбаровдан юз ўгиргандек. Алами келди Файбаровнинг. «Энди керак бўлмай қолдимми? Авваллари айланиб-ўргилардинг-ку! Елкаларим, бошимни уқалаб қўярдинг... Э, ҳамманг бир гўр!..»

У алламаҳалгача тўлғаниб ётди. Ич-ичидан аста-секин ишхонадан четлашаётганини ҳис қилар, аммо буни сира тан олгиси келмасди. Аслида-ку, тезроқ кетгани маъқул, аммо кетишга ҳам қўйишмаяпти-да!..

Қачон ухлаб қолди, билмайди. Ўша нотаниш дайди тушига кирди. «Қалайсан?» дегандек кулимсираб турибди. Ким эди-я у? Ҳали мени излаб қоласан, деганди, ростдан ҳам излармикан ўшани? Излаган билан нима? Кечирим сўраши керакми? Аксинча тумшугига бир мушт тушириб, сал бўлса-да, алаmidан тушиши мумкин...

Эртасига Файбаров ҳисоботни ростдан ҳам қойилмақом қилиб берди. Маъсумов ёлғондакам кўз югуртириб, «зўр, бундан ортиқ бўлмайди», — дея Дўстовга узатди. У эса энсаси қотиб, нигоҳ ташлади. Бир Маъсумовга, бир Файбаровга қаради. Хато тополмаса-да, менсимагандек бўлди.

— Буни ўзингиз қилдингизми? — деб сўради кейин.

Файбаров жаҳли чиқиб, Маъсумовга ўтирилди. У эса Дўстовга сўз қотди:

— Бу нима деганингиз? Биров қилиб берармиди? Кўз олдингизда тайёрлаб берди, назаримда. Ёки бунгаям ишонмайсизми?

— Ҳа, энди-и, — елка қисди Дўстов, — бировга пул берсанг ҳам тайёрлаб берадиган замон-ку ҳозир.

— Сиз ўзи аввалдан майдагап эдингиз, ҳозир бешбаттар бўлибсиз, — тутақиб кетди Файбаров. — Чўкаётган одам чўпга ёпишар экан. Камчилик тополмаганингиздан кейин шунақа баҳоналар қидиряпсизми энди?

Дўстов унга олайиб қаради:

— Ким чўкяпти, менми ё сизми? Бундай мақолларингизни пишириб енг, билдингизми? Мен ростини

айтяпман, ўзингиз тайёрлаганингизга ишонмайман. Йиғиб қўйган пуллариңиз бўлса, бирорта таниш ҳисобчига берган бўлсангиз, тайёрлаб берган-да!

Маъсумов худди бу даҳанаки жангта хайрихоҳдек индамай турарди. Файбаровга қўйиб берса, ҳозир Дўстовнинг башарасига боғлаб туширарди-ю, аммо бу — ёмон одам! Шартта шикоят ёзиб, мелисама-мелиса чопишдан ҳам тоймайди. Ўзи ғирт саводсиз-у, гапни қаранг!

— Шоҳид, мен бу одам билан пачакилашиб ўтирмайман, — деди Файбаров Маъсумовга. — Мана, қилиб беринг, дедиларинг, қилдим. Хоҳласанг, ўзинг бирорта мутахассисга кўрсат, хулосасини берсин! Кейин ўша хулосани манови одамга ҳам бер, танишиб чиқиб, баттар жизғанак бўлсин!

— Ўв, ўв, — овозини бир парда кўтарди Дўстов, — мен сенга жизғанак бўлишни кўрсатиб қўяман.

Файбаровнинг алами келди, ахир шу чоққача бу ишхонадагилардан бирортаси уни сенсирамаган. Ҳурматини жойига қўйишган. Шунчалик ҳам ҳурматсизлик бўладими?!

— Сенсираманг, — деди лаби гезариб. — Мен сизнинг болангиз эмасман. Шунча одамнинг олдида маданиятсизлик қилишга уялмайсизми?

— Нима?! — қулоғига қўлини карнай қиларкан, калака қилди Дўстов. — Болангиз эмасман, дейсанми? Шоҳид Камолович-чи? У сенинг болангми? Нега уни сенсирайсан? Аввал ўзингта боқ, кейин ногора қоқ, дейдилар. Ана шунақа, биз ҳам мақолни биламиз. Шоҳид Камолович — бошлиғимиз. Сен шунча одамнинг ичида уни сенсирайсан-у, мен биргина сени сенласам, жаҳлинг чиқадими?

Файбаров Маъсумов ўртага тушади, деб ўйлаган эди. Дўстовнинг гаплари маъқул келдими, у индамади. Гўё бу гапни қўлаб-қувватлаётгандек. Нобакор, бир оғизгина гапириб, гарафини олса бўларди шу топда!



— Шоҳид — менинг шогирдим! — деди Ғайбаров ичидаги гапни тилига чиқариб. — Уни анчадан буён сенсираб келаман. Сиз шуни билиб туриб, атайин жиғимга тегяпсиз.

Дўстов Маъсумовга ўтирилди:

— Шоҳид Камолович, ўзингиз айтинг, шунча одам ичида сизга сенсираб мурожаат қилиши тўғрими? Бунақада ҳурматингиз қоладими, нега лом-мим демайсиз? Гапиринг манови маданиятлига! — шундай деб бошқа ходимларга ўтирилди: — Сизлар нега мум тишлаб олгансизлар? Шу пайтгача қийнагани етмаганмиди? Ахир, бўлимни тарқатиб, бизни сарсон-саргардон қилмоқчи эди-ку бу! Энди эса отдан тушсаям эгардан тушмаяпти. Шунча одамнинг олдида бошлиқни сенсирганини қаранг тагин! Ўргилдим маданиятингдан!

— Аблах! — деб юборди Ғайбаров.

Дўстовга шу гап керак эди:

— Нима дединг? — яна бошқаларга қаради: — Ҳамманг эшитдинг, бу мени ҳақорат қилди. Шаънимни оёғости қилди. Мен энди тинч қўймайман. Кунини кўрсатаман!

Ғайбаров бўш келмади:

— Қўлингдан келганини қил! Қаерга борсанг, бор.

— Албатта, бораман. Нима, сенинг мушугингни пишт дейдиганлар йўқ, деб ўйлаганмидинг? Биламиз, ҳаммасини биламиз. Омбор мудирини алдаб, ҳужжатга қўл қўйдирганингиям биламиз... Ҳали шошмай тур.

Ниҳоят Маъсумов тилга кирди:

— Бас қилинглар! Уялмайсизларми? Кап-катта ёшда бўлсаларинг, айтишиб ўтиришларинг яхшими? Бу гап жамоага тарқалиб кетса, нима бўлади?

— Мен кетаман, — деди Ғайбаров. — Бундай одам билан ишлагандан кўра, уйда ўтирганим маъқул! Кеча баланс-баланс, деб, бутун тайёрлаб берсам, энди яна баҳона топиб ўтирибди. Шу адолатданми?

Хадича опа дегани гапга қўшилди:

— Халил Муродович, баланс тайёрлаб бердим, деб ҳам-манинг бошини ёрасизми? Сал ўзингизни босиб олинг. Туроб аканинг ёши сиздан катта, жаҳл устида сенсиранига шунчами, тавба?.. Тўғри айтади-да, бошлиқ сизнинг болангиз эмас-ку, ҳурматсизлик қилсангиз!

— Э, кетаверсин, — қўл силтади Дўстов. — Аллақачон кетиши керак эди. Аввало, кетолмайди. Шундай деб ўзича ҳурмат-иззатини оширмақчи! Аслида ҳурмати қолибдими бунинг? Шошманг, судма-суд бир судрай, ўшанда билади, аблаҳ деган сўзнинг маъносини!

— Уят бўлади, Туроб ака, — деди Маъсумов. — Бу ҳақда ўйламанг ҳам. Ишхонанинг нуфузи турибди. Бошқа идоралар эшитса, нима деган одам бўламиз? Одам қизишганда ҳар нарса деворади-да!

— Йўқ, сиз бир саволга жавоб беринг, — гапини тўхтатгиси келмасди Дўстов. — Бошлиқни сенсираш керак, деб қаерда ёзилган, қаерда?.. Ҳозироқ кечирим сўрасин сиздан, майли, мендан сўрамасин, зор эмасман, аммо сизга нисбатан ҳурматсизлик қилгани учун кечирим сўрасин. Биз шуни талаб қиламиз. Биз — ҳаммамиз талаб қиламиз!

— Ҳа, талаб қиламиз, — унинг таклифини маъқуллади Хадича опа. — Сизлар нега индамайсизлар ёки нотўғри гапиряпмизми?

Бошқалар ҳам ноилож гўнғир-гўнғир овоз билан қўллаб-қувватлаган бўлишди.

Ғайбаровнинг қовоғи солиқ эди. Назарида, бу томоша аввалдан саҳналаштирилган спектаклдек туюлиб кетди. Тавба, кечирим сўраттирмақчимиз булар? Шогирдидан, а? Мана шу найновдан? Сўраб бўлти! Шу йўл билан ғалаба нашидасини суришмоқчи булар! Маъсумовнинг ўзи ҳам кутиб турганга ўхшайди. Мойдек ёқди-да буларнинг лаганбардорлиги! Чучварани хом санабсизлар!

У индамай, стол устидаги қорозларни сумкасига жойлай бошлади. Гўё ҳеч ким йўқдек, атайин шошилмай иш



тутарди. Дўстовнинг гапи нафсониятига теккан, Маъсумовдан кечирим сўрагандан кўра, у билан судма-суд юришни афзал билаётган эди ҳозир. Қани эди замон кўтарса-ю бунақаларни оёғинг остига солиб тепкиласанг! Ахир, турган-битгани тушов-ку бунинг! Ишхонадаги зараркунанда! Топган баҳонасини-чи! Аблах! Ҳа, ҳақиқий аблах! Тағин тилёғламалик қилади. Нима деб гапиришни билади бундайлар! Манови Шоҳид Камолович ҳам лаққа тушиб ўтирибди гапига! Хушомад хуш ёқса, ҳақиқатни ҳам четлаб ўтаркансан, шогирд! Садқай одам кет! Устингни ер билан битта қилиб ўтиришибди-ю, гапирган гапингни қара!..

— Йўл бўлсин! — деди Маъсумов худди Файбаровнинг ичидагини эшитиб ўтиргандек.

У лом-мим демасдан янада шошилмай папкасини ёпа бошлади. Бошқалар ҳам индашмасди. Ҳатто, Дўстов, «қани, қаергача бораркан», дегандек, қошини кериб турибди. Ҳаммаси Файбаровнинг кетишини кутишяпти. Буларга қолса, Файбаров ҳозир чиқиб кетса-ю, кейин бошқаларга, аканг қарағайни биз кетказдик, деб мақтанишса! Оғзи билан юради булар. Бўлим фаолияти билан заррача ишлари йўқ. Боқимандалар тўдаси! Тавба, авваллари ҳам шунчаликка боришармиди?! Мажлис-пажлисни писанд қилишмасди, кириб қолганларида ҳам без бўлиб, жангта шайлангандек ўтиришарди. Шунинг учун ҳам буларнинг бўлими бошлиқ кўрмади-да! Сиғиштиришмайди! Бир чўқишда қочиришади. Тавбангдан кетай, шу қадар ичи қора, бадфеъл бўлиш мумкинми?

Қизиқ, Файбаров кўрқармиди булардан! Мушукларини пишт демасди-да! Бир-икки ташланиб кўрганида билганди-я қанақаликларини! Ўшанда йўлини қилиб бўлимни тарқатиб юбориши керак экан. Маъсумов айтганди-я бу ҳақда. Аттанг!..

Файбаров индамай серғалва хонадан чиқди. Ортидан Маъсумов эргашди. Дўстов ғолибона тарзда мийиғида кулиб, бошқалар унга тан бергандек қолаверишди.

— Қаёққа кетяпсиз? — сўради Маъсумов Файбаровга етиб оларкан.

— Уйга, қаёққа бўларди!

— Нега?

Файбаров таққа тўхтади:

— Бу нима деганинг? Кўра-била туриб сўрайсана? Ахир, ер билан қориштириб ташлашди-ку мени! Ўзи кеча сезгандима, сенларнинг ниятингни! Калака қилмоқчи эдиларинг, кўнгилларинг жойига тушгандир!

Маъсумов ён-атрофга қараб олди:

— Секинроқ... Унақа қилманг. Яхшиси, менинг ёнимдаги хонага ўтинг. Биласиз-ку, буларни. Вақтида айтгандим сизга, шу бўлимни йўқ қилиш керак, деб. Мана, оқибати!

— Э, сенгаям қойил эмасман. Шунча одамнинг олдида мени талатиб ўтирибсан.

— Халил Муродович, кўрдингиз-ку, менгаям гап бермайди булар... Юринг, яхшиси, хонамда гаплашиб оламиз. Агар ҳозир кетиб қолсангиз, енгилган бўласиз. Дўстов дўшписини осмонга отади. Шунча йил ишлаб, бош эгиб чиқиб кетманг, дейман-да!

Файбаров индамай йўлида давом этди. Шогирдининг бу гапларига эътироз билдирмаса-да, кайфияти ёмон эди. Айни дамда ўзидан ҳам хафа бўлиб кетди. Нега келди шу ерга? Хўп, келди. Енг шимариб ишга киришди. Айтганларини бажарди. Барибир норози булар! Нима қилиш керак? Наҳотки бошқа иш топилмаса?

— Менга сизнинг ёрдамингиз керак, — деди ортидан Маъсумов.

Файбаров яна икки-уч қадам юриб тўхтади. Орқасига ўтирилиб, қовоғини солганча турди. Маъсумов тез-тез юриб, унинг олдида келди. Ростдан ҳам Файбаровнинг



ёрдами керакмикан? Тагин бир балога дучор қилишни режалаштираётган бўлмасин.

— Ука, — деди Ғайбаров, — мени тинч қўйинглар. Шу бугунгидек сира шарманда бўлганим йўқ. Ким билсин, эртага яна нималар бўлади! Виждонинг ҳам қийналмасин, ўша амал сеники, хижолат тортма. Илтимос, мени бошқа безовта қилма.

Маъсумов бир сўз демай, уни хонасига судради. Кириб ўтиришгач ҳам офиз очмади. Пиёлага сув қуйиб узатаркан, кейин тилга кирди:

— Тўғримиздаги хона бўш турибди, ўша ерда ўтирасиз.

— Йўқ, — бош чайқади Ғайбаров, — айтдим-ку, виждонинг қийналмасин, дедим-ку!

— Бу гапларни қўйинг. Менга ёрдамчи бўласиз!

— Ёрдамчи?

— Номига-да, Халил Муродович, номига. Ҳозир вазият шуни тақозо қилади, ўзингиз тушунасиз. Бўлимдагиларга парво қилманг. Биламан, ҳали кўп жиғингизга тегишади. Терингизни қалин қилиб ўтираверинг. Менга чиндан ҳам ёрдамингиз керак. Айрим ишларга журъат қилолмайроқ турибман. Маслаҳатингизга муҳтож бўлиб қоламан.

Ғайбаров барибир ўзининг кераклигини ҳис қилиб, сал ҳовуридан тушган эди. Аммо бунга сездирмасликка ҳаракат қилди. Умуман айтганда, Маъсумовнинг таклифи маъқул. Аввалроқ қаерда эди? Бироқ ёрдамчи бўлиш... бўлимдагилардан ҳам паст иш-да! Анчадан буён ёрдамчи йўқ эди ўзиям. Мана шу шогирди ёрдамчининг ишларини бажариб юрарди. Мажлис ҳужжатларини тайёрлаш, жадваллар тузиш, кўрсатма, буйруқларни тайёрлаш, бўлимларга тарқатиш, уларга имзо қўйдириш... Тўхта, энди бу ишлар билан Ғайбаров шуғулланадими? Йўғ-е, Маъсумов шунгача олиб бормас, «номига» деяпти-ку! Яхши бўлади қайтага, котибага у-бу ишни буюради, айтгандай, Ноиласини ҳам кўриб туради.

— Майда-чуйда ишлар билан бошимни қотирмайсанми? — деб сўради Файбаров.

Маъсумов ниманидир ўйлаб ўтирган экан, шекилли, даставвал бу гапга тушунмади. Файбаров такрорлагач, кулимсираб қўйди. «Қўйсангиз-чи», деганими ёки «ёрдамчи бўлгандан кейин қиласиз-да», деганимикан бу? Эҳтимол, бу гап энди ортиқча, дея эътирозини кулгига йўяётгандир?

— Юринг, Халил Муродович.

— Қаёққа? — ҳайрон бўлди Файбаров.

Маъсумов яна кулди:

— Хонангизга.

— Ҳм-м...

Кенг қабулхонани кесиб ўтиб, ўша хонага кирдилар. Тушпа-тузук, орастагина! Фаррошлар бир тозалаб олишса бўлгани. Кейин Файбаров пусибгина ўтиради. Аслида-ку, бу хонада ўтирганини ҳеч ким билмасаям керак, ахир, кимсасиз деб ўйлашади-да! Анови Дўстовга ўхшаганлар эшитиб қолишмаса бўлгани!..

Фаррош хола хонани тозалаб чиққунича Файбаров қабулхонадаги китобларни кўздан кечирган бўлди. Бир пайт орқасида «тақ-туқ» оёқ товуши эшитилгач, секин ўтирилди. Ноила уни сезмай шундоққина Маъсумовнинг хонасига кириб кетди. Иш юзасидан эмас, акс ҳолда қўлида у-бу қоғоз бўларди. Чақирганмикан Маъсумов? Бу билан иккинчи марта бўляпти. Ахир, бир вақтлар Файбаровни шунақа муқомлари билан илинтирган-да у!

Файбаров диққат бўлиб янги хонасига кирди. Иш билан андармон бўлиш учун атайин Маъсумовдан бир даста ҳужжат олиб, стол устига ташлаган эди. Шу юмуш билан шуғулланмоқчи бўлди. Аммо хаёли Маъсумовнинг хонасига кетаверди. Бир-иккита қоғозни қўлига тутамлаб, секин қаддини ростлади. Дастлаб журъат қилолмай турди. Кейин бор кучини жамлаб, хонадан чиқди. Ноила-



ни қизғанишдан кўра икковлон ичкарида нима иш билан машғуллигини билмоқчи эди.

Қабулхонадан ўтаётиб, котиба ичкарида одам борлиги, «Шоҳид Камолович ҳеч ким кирмаслиги лозим» лигини тайинлаганига қарамай, қизиқиши баттар ортди. Унга хўмрайиб қараб, Файбаров Маъсумовнинг эшик тутқичига қўл узатди. «Кирманг», — деди котиба унга яқин келишга ботинолмай. Файбаров шартта эшикни очиб, ичкарига одимлади. Кирди-ю кутганидек манзаранинг устидан чиқди. Ноила Маъсумовга анча яқин турар, нималардир деб кулаёттанди.

— Келинг, — деди Маъсумов кутмагани учун шошиб қолиб хушламайгина.

Файбаров Ноилага ғалати қараб қўяркан, қўлидаги қоғозни узатди:

— Мана шуни коэффициентларга бўлиш шартмикан, демоқчи эдим.

Маъсумов хиёл титраган қўллари билан қоғозни оларкан, кўз югуртирди. Бу орада Файбаров Ноилага еб қўйгудек қараб олди. У эса кўзларини олиб қочарди. Хонадан чиқиб кетишнияма билмасди. Уч кишининг ўртасида офир сукут чўккан, бу ноқулайликдан кимдир хижолат чеккан, кимдир дарғазаб, кимдир бир қадар хотиржам эди.

— Шарт, Халил Муродович, коэффициентларга бўлмасак, аниқ натижани кўрсатолмаймиз, — деди Маъсумов кўзларини қоғоздан узмай. — Акс ҳолда ишни қайтаришлари мумкин.

Ноила Файбаровга қарай олмасди. «Ҳар ҳолда виждони бор экан, — деб қўйди Файбаров, — аммо барибир бевафо!..»

Маъсумов қоғозни Файбаровга қайтариб узатди, бу дегани — бўлди, аниқлик киритдингиз, кетаверинг! Бизга халақит берманг!

Файбаров чидаб туролмади.

— Сен чиқиб тур, — деди Ноилага.

Ноила унга норозинамо қараб қўйди-да, оҳиста қадамлар билан чиқиб кетди.

— Сен бунга ишонма, — деди Файбаров Маъсумовга. — Алдаб, авраб ишончингни қозониб олмоқчи! Келин эшитса, шовқин кўтариб келмасин тагин.

Маъсумов ютиниб олиб, жавоб берди:

— Бу сиз ўйлаган нарса эмас, Халил Муродович... Кейин... илтимос, тақиллатмай кирманг бу ерга.

— Сен эса менга ақл ўргатма. Тушунмадингми, келин эшитса...

Маъсумов беўхшов кулди:

— Ҳар ҳолда келинингизга айтмассиз?

Файбаров ўзини тушунмаганга олди:

— Нима қилмоқчисан ўзи?

— Сиз-чи, сиз нима қилмоқчисиз? — тепа сочи тикка бўлди Маъсумовнинг. — Нима, энди ортимдан пойлоқчилик қилиб юрасизми? Ақл ҳам ўргатманг, бунақа ёшдан ўтганман. Ўзи яхшилик сизга ёқмас экан, мана, олдимга олиб келиб қўйгач ҳам, раҳмат айтиш ўрнига индамай кириб келаврасиз... Сабабини биласизми, қиладиган ишингиз йўқ, шунинг учун!

— Мен сенинг марҳаматингга зор эмасман, — ўдағайлади Файбаров. — Ўзинг қўярда-қўймай чақирясан-ку ишга! Қўлингдан келмайди-да ишлаш.

— Сиз мени кўролмаясиз, Халил Муродович. Ноилани рашк қиляпсиз.

— Э, Ноиланг бошингда қолсин. Аризамни ёзаман!

— Ёзсангиз, ёзинг... Жонга тегдингиз роса!..

Файбаров шартта ўтириб, қўйнидан ручка чиқарди-да, қўлига оппоқ қоғоз олди. Ёзишга тугинди. Маъсумов индамай кузатиб турди. Қитир-қитир қилиб тезгина ёзиб бўлинган ариза чеккасига «Буйруқ учун», деб имзо қўйди.

— Раҳмат сенга, яхши қол, — Файбаров шундай деб эшик томон йўл олди.



— Боринг-боринг, уйингизда яхшилаб дам олинг, — тўнғиллади Маъсумов.

— Йўқ, мен сенинг уйингга бораман, — бир тўхтаб олди Файбаров. — Хотинингни тўппа-тўғри шу ерга бошлаб келаман. Келиннинг феълини билмасам экан. Шошмай тур, сен ҳали менинг совунимга кир ювмабсан. Ҳали ҳаммаси учун жавоб берасан, мансаб ўғриси!..

У эшикни тарақлатиб чиқиб кетди...

\* \* \*

Файбаров пастта тушиб, баттар жиғибийрон бўлди. Шу чоққача бир гапини икки қилмаган ҳайдовчи ҳеч қаёққа олиб боровмаслигини айтса бўладими! Энг ёмони, худди билиб тушгандек, уларга Дўстов бақрайиб қараб турарди. Файбаров ўсал бўлди. Бу нимаси? Энди пиёда кетадими? Пиёда эмас-у, йўловчи машинада!

Шошмай тур, Маъсумов! Хотинингни олиб келиб, бир шармандангни чиқармасамми?

Дўстов унинг аҳволига қараганча чўзиб-чўзиб кулди. Ҳа, одамлар шафқатсиз бўлиб боришяпти. Чорасиз қолганингни билишса, кайфиятлари чоғ бўлади. Файбаров унга қараб бир хезланди-ю, ўзини зўрға қўлга олди. Алами ичида қолди.

Йўловчи машинага ўтираркан, Дўстовдан узоқлашиш учун савдолашиб ҳам ўтирмади. «Тўғрига, ука, йўлда тунунтираман, фақат тезроқ», деди ҳайдовчига...

Машина Маъсумовнинг уйига келганида тезгина ундан тушди. Ҳайдовчига кетиб қолмаслигини, бир аёл билан қайтиб чиқиб, ҳозиргина келтириб қўйган жойига яна элтиб қўйишини сўради.

— Алдаб кетмайсизми, тоға? — деди кулиб жиккаккина ҳайдовчи. — Тагин эрталабгача девор суяб ўтирмайлик.

Файбаров унга олайиб қараб қўяркан, уй йўлагига кириб кетди. Шу уй эди, адашмади, шекилли? Қайси қават?

Кичкина қизалоқ ўтиб кетаётган экан, ўшандан сўради. Олтинчи қаватда, деб жавоб берди у. Файбаров лифтга зўрға улгурди.

Олтинчи қаватга чиққач, у яна ўйланиб қолди. Учта эшик. Қайси эди-я? Ахир келганига анча бўлган. Етти-саккиз киши бўлиб, «уй кўрди»га келишганди ўшанда! О, Файбаров бошқача эди-да! Икки хонали уйни менсимайгина кўздан кечираркан, ўзининг ҳам бир вақтлардаги каталакдек уйи ёдига тушганди. Аблах шогирди айланиб-ўргилган ўшанда. Бошқалар ҳам! Вақти кўп эканми, Маъсумовни роса «туширишган». Бояқиш кўчадаги дўконга уч-тўрт бориб келганди-ёв! Эртасига билса, қўни-қўшнидан қарз сўрашга ҳам мажбур бўлган экан. Мана энди ғўдайиб ўтирибди устозининг жойида! Энди у менсимайди...

Файбаров таваккал қилиб бир эшикни тақиллатган бўлсаям, адашмабди. Эшикни норғул ўспирин очиб, ҳайрон бўлди. Салом бераркан, Маъсумовнинг уйи эканлигини тасдиқлаб, савол аломати билан қаради.

— Ойинг уйдами, чақир бу ёққа, — деди буйруқ оҳангида.

Ҳаял ўтмай, остонада келин кўринди. Файбаровни кўриб, у ҳам ҳайрон бўлди. «Келинг», деди.

— Йўқ, келин, кирмайман, — бош чайқади Файбаров. — Бундайроқ чиқинг ўзингиз, гап бор. Эшикни ёпинг.

Аёл бироз саросималаниб, оёғига шиппагини илди-да, эшикдан ташқарига чиқди:

— Тинчликми? Хўжайинга бир гап бўлдимми?

— Ҳа, ёмон гап, — паст овозда гапирди Файбаров. — Пастда машина кутиб турибди, — шундай деди-да, кейин нима дейишини билмай, каловланиб қолди. «Тез юринг, эрингизнинг аҳволини кўринг», десинми? Боргани билан Маъсумов бўйнига олармиди! Тағин ўзининг шармандаси чиқмасин!



Орага ноқулай жимлик чўқди. Файбаровнинг манглайида тер пайдо бўлган эди. Юзига ташвишли тус бериб, келиннинг ичини қизитиши керак эди, аттанг, эплолма-япти. Аёлгинанинг «нима дейсан?» дегандек савол аломати зоҳир бўлган юзига қараб, сўзини таваккал давом эттирди:

— Шу... Мен сизларнинг оилангизни олдиндан билман. Агар ҳозир бормасангиз, эрингиздан ажраб қолишингиз мумкин.

— Нима?! — унинг гапни бўлди келин. — Нафасингизни иссиқ қилинг, ака...

— Мен сизга ростини айтяпман. Эрингиз бир аёлга илакишиб қолган. Унга тўғрилиқча тушунтирдим. «Барака топ, ука, келинни, оилангни, болаларингни ўйла», — дедим. Қани қулоқ солса! Ноила деган бир жувон бошини айлангириб юрибди. Боя хонасига кирсам, иккаласи офиз-бурун ўпишишяпти. Дарҳол кўз олдимга келдиларингиз. Ахир, нима бўлгандаям бу хонадондан бир пиёла чой ичганман. Ажрашиб кетманглар, дейман-да! Қолаверса, эрингиз — бизнинг шогирд. Келажаги бор йигит. Агар ҳозирдан шундай йўлга кириб кетса, эртага узоққа боролмайди, келин. Юринг, тезроқ борайлик. Бу масалани иссиғида ҳал қилиш керак.

Келин ҳозиргина уйқудан уйғонган одамдек, Файбаровнинг гапларини ҳазм қилолмаётган эди. Бу хабар дафъатан эсанкиратиб қўяди-да!

— Сиз ҳозир ҳам... ишляяпсизми ўша ерда? — деди бироздан сўнг.

— Ҳм-м... Ҳа, ишляяпман. Эрингиз бўшади, деб айтдим, ўзи мендан ёрдам сўраб юрибди-ку, тавба! Майли, ҳозир гап бунда эмас.

Келиннинг қошлари чимирилди:

— Сиз шу гапни айтиш учун келдингизми? Тушунолмаяпман... Эрим телефонда бир нималар деди, ҳайрон бўлдим. Лекин сизни келасиз, деб кутмагандим. «Агар

борса, гапларига ишонма», — дедими-ей! Ўзи нималар бўляпти?

— Мен бу саволингизга ишхонада жавоб топасиз, деб келдим, — диққат бўлди Файбаров. — Тушуняпсизми, эрингизни бир аёл тортиб олмоқчи. Ахир, сиз учун муҳими, оилангизнинг тинч-тотувлиги эмасми? Юринг, акс ҳолда эрингизнинг қилмишларига гувоҳ бўлолмайсиз.

Келин ўйланиб туриб, ҳозир, деди-да, ичкарига кириб кетди. «Эрингизга телефон қилиб қўйманг», — деди унинг ортидан Файбаров.

Шу лаҳзаларда у, балки нотўғри қилаётгандирман, жаҳлга эрк бериб, ўзимгаям жабр қилиб қўйишим мумкин, — деб ҳам ўйлади. Ҳар ҳолда Маъсумов индамай қўймаса керак. Нима бўлганда ҳам у — энди амалдор. Ўйнашмагин арбоб билан, арбоб урар ҳар боб билан... Қофиясини қаранг! Илгари таҳлил қилиб кўрмаган экан. Худди Файбаровнинг ўзига қарата айтилгандек, гўё.

Ростдан ҳам Маъсумов Ноилани ўзига қарши қайраб қўйса-чи? Ўша маккора ҳам, «йўқ, аксинча мен Файбаровнинг ўзи билан ош-қатиқ эдим», — дейиши мумкин-ку! Аммо қандай исботлайди? Уларни фош этиш эса осон. Файбаров Маъсумовни ҳар ҳолда яхши билади. Қасам ич, дейди. Ноиллага бир дўқ урса, уни ўчади. Унинг айрим сирлари бор.

Умуман, нима бўлгандаям ҳозир Маъсумовнинг хотини чиқади ва улар тезда ишхонага етиб борадилар. Ноила қочиб кетгани билан мана бу аёл эрини тинч қўймайди. «Мана, ака гувоҳ бўлибди-ку», — дейди. Қасам ичиш керак бўлса, Файбаров ҳам ичади. Кейин келинни бунга ундайди. «Ўша аёл барибир тинч қўймайди, уни кетказишдан кўра эрингиз бошқа иш топгани маъқул», — дейди...

Оббо, хаёллар тўзғиб кетяпти. Ишқилиб эр-хотин бўлиб Файбаровнинг ўзини шарманда қилишмаса эди! Ҳар қалай хотин Маъсумовники! Йиллар ўтиб, гаҳ, деса



кафтига қўнадиган қилгандир балки? Йўғ-ей, йиллар ўтган сайин аёлнинг ҳукмфармонлиги ошиб боради, шекилли! Қайсидир қизиқчи айтган эди: «биринчи йили — хотин, учинчи йили — хоти-и-ин, яна йиллар ўтиб — хотинжон, кейин-кейин — хотин ака-а-а...»

Ниҳоят келин чиқди. Файбаров унга зимдан разм солиб, кўнгли тўлгандай бўлди. Энди аёлнинг юзида ҳайрат ифодаси йўқ, ўрнини қаҳр-алам эгаллаган эди. Мана, асл қиёфаси бу! Бир вақтлар жамоа ходимлари билан уюштирилган зиёфатда кўпчилик ўзининг рафиқаси билан келган эди. Мана шу хоним ҳам борган. Маъсумовни ёши каттароқ бир аёл ўйинга таклиф қилганида юмма талаб берди-ку! Жуда чатоқ экан. Шунча одам қараб турибди демади. Аёл кишининг бу қадар рашк қилишини Файбаров ўшанда кўрган. Шу баҳона ўзи ҳам қадамини билиб босадиган бўлди. Эҳтиёт бўлгани яхши-да! «Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил». Аниқроғи, яхшигина хулоса чиқариб ол!

Ҳа-я, эслади: келиннинг исми Шоира эди. Ҳалиги опага худди ўзини етти иқлим танийдигандек, «танимасакансиз-да, мени Шоира дейдилар, у қулоғингиз билан ҳам, буниси билан ҳам эслаб қолинг», — деган эди бақариб. Маъсумов бечора бошқа ходимлардан кўра Файбаровнинг олдида ўсал бўлган. Ер ёрилсаки, кириб кетса!..

Пастта биринчи қаватга тушдилар. Машинага яқинлашишаркан, Шоира қадамини секинлатиб тўхтади. Юзида савол аломати зоҳир бўлди:

— Бу қанақа машина? Ишхонаники эмасми?

Файбаров уни шоширди:

— Нима фарқи бор ҳозир, келин? Биз тезроқ боришимиз керак.

Шоира ўзига ишонгани билан хоҳлаб-хоҳламай машинанинг орқа ўриндиғига ўтирди. Одмироқ кийинган ҳайдовчига паст назар билан қараб қўйди.

— Ҳайданг, ука, — деди Ғайбаров олд ўриндиққа жойлашиб, эшикни ёпаркан. — Бояги жойга ҳайданг. Иложи борича тезроқ.

— Хўп-хўп, — жавоб берди оғриниб ҳайдовчи, кўзгучадан Шоирага норози қараб. Машинани ўт олдиранкан, Ғайбаровга тўнғиллади: — Кўп қолиб кетдингиз, вақтимни ҳам ҳисобга оласиз энди. Биздаям оила, болачақа бор.

Машина ғизиллаб йўлга тушди. «Дом» олдидаги икки-учта кўшни аёл ажабланиб қараб қолишди.

Йўл бўйи чурқ этмай кетдилар. Ғайбаров ҳануз ўй-хаёлини йиғолмай овора эди. Ҳаммаси чалкашиб кетяпти. Ўша Ноилани деб бўляпти! Тавба, нимасини қизғанди-я? Иккаласи кўшмозор бўлсин эди. Мана энди қандай кириб боришади-ю нималар бўлади, унчалик аниқ эмас. Шунча одамга томоша! Энг ёмони, жамоа Маъсумовнинг хотинини Ғайбаров етаклаб келганини билса, нима дейди? Ўл, бу кунингдан демайдимми? Алам қипти-да, Халил Муродович! Ана шунақа бўлади. Ўзинг ҳам вақтида роса кўнгилхушлик қилгансан, ҳасад қиляпсанми энди?..

Йўқ, яхшиси, Ғайбаров келиннинг ўзини ишхонага киритиб юбориб, ўзи ташқарида қолади. Фойдаси бўлармикан? Маъсумов ҳаммаси тўхмат дейишдан тоймайди, ахир! Ким исботлаб берарди? Анови новча котибами? Бе, қаёқда! Шунинг учун Ғайбаровнинг ўзи чиқмаса бўлмайди-ёв! Ходимлар гапирса гапирибди. Акс ҳолда иш тескарисига аланга олиши мумкин.

— Келдик, ака, — деди ҳайдовчи машинани тўхтатаркан. — Худди мана шу ер эди. Сиз мана бу томондан чиқиб, машинамга қўл кўтардингиз.

— Яхши-яхши, — деб қўйди Ғайбаров, кейин орқага ўтирибди: — Келин, сиз тушаверинг.

Шоира қовоғини очмай машинадан тушди.



Ҳайдовчи каттагина пул миқдорини айтиб, Файбаровнинг жиғибийронини чиқарди. Тишини-тишига босиб, чўнтагидан чиқариб берди. Агар ҳозир савдолашадиган бўлса, бу бефаросат ҳайдовчи атайин овозини кўтариб «километр»ларни ҳисоблашга тушади. Келин ҳам узоққа бормаи, машинадан тушган жойида турибди. Файбаров ичида ёйжиниб сўкинди: «Машинангнинг ёлдираги тешилгур! Сен ҳам муттаҳам! Оғир пайтда ҳамма-ҳамманг фақат шилишни, қийнаб, ҳузурланишни ўйлайсан».

У пулни тўлаб, машина эшигини қарсиллатиб ёпди. Индамай ишхонаси томон юрди. Анча юриб орқасига ўтирилди. Шоира ҳамон жойида тек турарди.

— Юринг, келин...

— Ичкарига кирамизми? — шундай деб у қадам ташлади.

Шу атрофда қороз-папка кўтариб юрган бир-икки ходим Шоирани таниб қолдими, овозини қириб салом беришди.

Тўппа-тўғри Маъсумовнинг ҳузурига кириб бордилар. У, худди кутиб тургандек, олдида ҳеч ким йўқ экан. Файбаров ва Шоирани кўриб, кайфияти бузилгани шундоққина сезилди. «Айтганингни қилибсан-да», дегандек Ҳалил Муродовичга бошқача қараб қўйди. Хотинининг саломига алик ҳам олмади.

— Ҳў-ў-ш? — деди чўзиб Маъсумов. — Нега келдинг? Йўқ, аввал жавоб бер, нима учун қўнғироқларимга жавоб бермадинг?

Шоира аввал яхшилаб ўтириб олди. Кейин қошларини чимириб секин сўз бошлади:

— Нега келганимни жуда яхши билсангиз керак, дадаси? Қани ўша аёл? Ёки қочиб кетдими?

Маъсумов Файбаровга имо қилиб деди:

— Сен ҳали менга ишонмай мана шу одамга ишониб, ортидан эргашиб ҳам келдингми? Жуда қизиқ янгилик-ку! Нима, қаерга эргаштирса кетиб қолаверасанми?

Унинг ўрнига Ғайбаров жавоб берди:

— Ҳа, шогирд, келини олиб келаман, деганимга ишонмадинг. Билиб қўй, мен ҳар бир оиланинг тинчлигини ўйлайман. Яхшилиқ бўлсин, дейман.

— Сиздан сўраганим йўқ, — деди тўнғиллаб Маъсумов. — Биламан, ўрнингизга ўтирганим жуда алам қиляпти. Бўлмаса қайси аҳмоқ ишхонага бировнинг хотинини бошлаб келарди!

Ғайбаров ҳали ўтирмаган эди. Маъсумовнинг устига бостириб борди:

— Нима дединг? Аҳмоқ дедингми? Яна бир қайтар.

Маъсумов илкис телефон гўшагини кўтарди-да, буюрди:

— Тезда милиция чақиринглар. Менга зўғум қилиш-япти.

Шоира Ғайбаровдан сўради:

— Исми нима эди унинг?

— Ноила... Фамилияси... эсимда йўқ.

— Яхшиси, Ноилани чақиртиринг. Бир кўриб қўяйчи, ҳусни жамолини!

Маъсумов гўшакни тарақлатиб қўяркан, хотинига минғирлади:

— Менга қара, бу ер — ишхона. Жанжаллашадиган жой эмас... Хотин, энди эски одатларингни йиғиштир, хўпми? Иш юзасидан аёллар билан ҳам гаплашишга тўғри келади, биласан. Ҳар хил қутқуларга ишониб, кайфиятни бузаверма!

— Сен ҳали ўша қилиғингни иш юзасидан деяпсанми? — яна гапга аралашди Ғайбаров.

Маъсумов худди Ғайбаров хонада йўқдай сўзида давом этди:

— Биласан, хотин, мен сенга қасам ичганман. Ҳеч қачон хиёнат қилмайман... Ноила Зоҳидова у. Оддий ходима. Қолаверса, бир ўзи эмас эди. Дўстов деган бўлим мудури ҳам бор эди. Истасанг, майли, чақираман, —



шундай деб у яна гўшакни кўтарди: — Зоҳидова билан Дўстов кирсин.

Дўстовнинг фамилиясини эшитиб, Файбаровнинг кўзлари олайиб кетди. Маъсумов уни ҳам чақирганини эшитиб, баттар хуноб бўлди.

— Келин, сиз ишонманг. Бу алдаяпти. Ҳеч қанақа Дўстов дегани йўқ эди. Булар келишиб олишган. Қолаверса, Дўстов бўлим мудирини эмас.

Маъсумов энди унга бироз нописандлик билан қараб кўйди. Стол устидаги папкаларни титкилаб, қандайдир қороз олди. Аввал яхшилаб разм солди-да, кейин хотинига узатди:

— Мана, ўзинг кўр, Дўстов бўлим мудирини бўлиб ишлайди. Анча бўлган. Ёши катта одам. Менга ишонмасанг, ўша мўйсафиднинг айтганларига ишонарсан?

Файбаров ичидан зил кетди. Зўр тайёргарлик кўрибди шогирд. Худди ўзининг тактикаси! Энди Маъсумовнинг гаплари ёлғонлигини қандай исбот қилади? Агар Дўстов ростдан ҳам кириб келса, кўрасиз томошани! Иймони-ни еган-ку у! Тушунарли! Демак, Ноилага нималар дейиши тайинланган. Ажойиб спектакль кўришаркан-да! Режиссёр — Маъсумов! Актёр ҳам, Ноила билан Дўстов кириб келса, чинакам истеъодларини намойиш этишадди. Қойилмақом ижро бўлади! Файбаровнинг ўзи бир вақтлар бундай «спектакл»ларни неча марталаб уюштирган... Устоздан ўзмаган шогирд — шогирд эмас-да, а?.. Мараз! Малъун! Боплаяпти лекин!

Шоира қўлидаги қорозни ўқиб чиқди-да, Файбаровга узатди.

— Сизни лақиллатяпти бу, — деди Файбаров буйруққа кўз югуртираркан. — Тавба, менинг давримда бўлим мудирини бўлиб тайинланганмиш!.. Во, қойил, имзомниям эплашибди.

Маъсумов хотинидан кўз узмай сўз қотди:

— Биласанми, баъзи одамлар қариса, бунинг устига амалдан кетса, эси кирди-чиқди бўлиб қолади. Ҳар ҳолда, мана, ўзинг гувоҳи бўлиб турибсан. Қачон буйруқ чиқаргани-ю, қай пайтда имзо чекканиниям билмайди. Шизофрения дейиларди, шекилли? Шундай. Нима бўлганда ҳам кадрлар бўлими бор, у ердаги қалин-қалин папкалар бор. Биз шунча ишимиз қолиб, мана шу қуриб кеткур буйруқни тиқиштириб қўймагандирмиз, ҳойнаҳой!.. Эҳ, одамлар, қайси ходими нима билан шуғулланганини билмайди-я баъзилар...

Эшик очилиб, аввал Дўстов, кейин Ноила кириб келди. Ғайбаров Ноилани кўриб, оғзи ланг очилди-қолди: кўзларини хира кўрсатувчи кўзойнак тақиб олибди у. Худди ишлари кўп одамдек афтини хиёл бужмайтириб олган. Юзида «нима гап?» деган савол аломати. Дўстов ҳам қолишмайди. Энг кулгилиси, у Ғайбаров билан икки қўллаб самимий сўрашди.

— Ўтиринглар, — деди Маъсумов уларга. — Узр, қимматли вақтларингни оляпмиз. Сал хижолатпазлик бўлиб қолди... Туроб ака, гап шундаки, хотиним сизлар билан яқинроқдан танишиш учун келибди. Ҳа, энди яхши ходимларни билиб қўйса чакки эмас, тўғрими?

— Ие, шунақами? — ясама кулди Дўстов. — Мен, бошлиқ яна чақирягтиллар, дейишса, ҳайрон бўлибман... Яхши-яхши. Хўш, келин, тузукмисиз, бола-чақа катта бўляптими?.. Зап қилибсиз-да келиб. Мана, Халил Муродович ҳам онда-сонда келадиган бўлиб қолган. Бизга йўл-йўриқ ўргатиб кетадилар.

Ғайбаровнинг тили калимага келмасди. Кўз қири билан Ноилага қараб-қараб қўярди.

— Ия, Халил Муродович, ҳалиям ўша одатингиз қолмабди-да! — деди Дўстов ёқимсиз кулиб, кейин Шоирага ўтирилди: — Бу жияним бўлади, келин. Исми — Ноила. Яқинда ишга келган. Кўзи яхши кўрмасаям жуда билимли, доно. Ҳисоб-китобдан бошқасини билмайди, —



шундай деб энди у тавин Файбаровга кулимсираб қаради: — Жиянимдан кўз узмаганингизга айтдим-да! Унақа қилманг, Халил Муродович.

— Бас қилинг, — ўшқирди Файбаров. — Нега бу ерда майнабозчилик қиляпсизлар? Ноила қанақасига яқинда ишга келган бўлсин? Қачондан бери ишлайди-ку! Ҳамма биледи. Мени аҳмоқ қилганларинг етмагандай, энди манови келинниям аҳмоқ деб ўйляяпсизларми?.. Ўв-в, сен, Ноила, кўзойнагингни олиб ташла...

Ноила ўзини овсарликка олди. Капалаги учиб кетгандек, Дўстовнинг биқинига яқинроқ сурилди.

— Ўзингизни босинг, — деди Дўстов Файбаровга. — Токи мен шу ерда эканман, жиянимни бекорга хафа қилдириб қўймайман.

Файбаров бақириб юборди:

— Э, артистлик қилма ҳамманг!

Ноила секин унга деди:

— Кечирасиз, сиз мени танийсизми? Илтимос, менга бақирманг, амаки, касалман. Тутқаноғим бор.

Файбаров росманасига қойил қолаётган эди. Ҳаммаси рисоладагидек. Асл ҳақиқат қайда-ю, мановиларнинг ижросидаги найранг қайда!

Дўстов Маъсумовга юзланди:

— Шоҳид Камолович, мен тушунмадим, нега жиянимни хўрламоқчи бу? Ўзи шундоқ ҳам ишлар тиқилиб ётибди. Ахир, вақт зиқ. Балансларни топширишимиз керак. Бизга рухсат беринг, Шоҳид Камолович. Бу одам билан кейин гаплашамиз.

Маъсумов хотинига, кўрдингми, дегандек, бир қаради-ю уларнинг кетишларга рухсат берди.

— Вой, бу ипирисқи-ку! — деб юборди Шоира бурнини жийириб улар чиқиб кетишгач. — Шунақаларни чақириб нима қилардингиз? Довдирашини! Қанақа аёл-а? Кўзойнагини олиб қўйсанг, бошини деворга уриб олади-ю!

— Эй, хотин, топиб гапирасан-да, — хахолаб кулиб юборди Маъсумов. Шу пайт телефон жиринглаб, у гўшакни кўтарди: — Ҳа, милициями?.. Энди шарт эмас, менимча. Бир безори билан келишиб олдик. Ёши катталигини ҳисобга олиб, кечирдик. Ҳаммаси жойида!

Маъсумов гўшакни қўяр-қўймас, ғазабини боса олмаган Файбаров яқинлашди-да, унинг қулоқ-чаккасига тарсаки тортиб юборди...

\* \* \*

Ола-тасир бўлиб кетди. Маъсумов эмас, Шоиранинг жаҳли чиққан эди. Файбаровнинг нақ гирибонидан олмоқчи бўлди. Қайтага Маъсумовнинг ўзи аралашиб, устозини унинг чангалидан халос этди. Файбаров бўғриқиб турган бўлса-да, қўрқиб қолди. Шоиранинг шашти баландлиги майли, милиция чақиринса, нима бўлади? Ахир куппа-кундузи жинойт қиялпти-да Файбаров!

— Нега индамайсиз? — додлади Шоира эрига. — Нега сизга қўл кўтаради? Вой, зўравон-ей! Тухмат қилгани етмагандек, болаларимнинг отасига қўл кўтарди-я! Мен бунни шундай қўймайман!

Маъсумов уни ҳовуридан тушириш билан банд эди:

— Ўзингни бос, хотин. Мениям ўйла. Ишхонадагиларга ёмон кўринишингни хоҳламайман. Ҳаммаси яхши бўлади. Одамзод шу-да: ҳақиқат олдида шармандаси чиқса, қўлига зўр беради.

Унинг бу сўзи Файбаровнинг юрак-юрагини тешиб ўтди. Қанақа ҳақиқат? Зўр «спектакль» уюштириб берганими ҳақиқат? Виждонсиз экан-ку бу Шоҳид Камолович дегани! Шунча вақтини зое кетказмай, шунча одамни обдан тайёрлабди. Ўл-а, хотинингдан қўрқар экансан, шуни очиқчасига айтиб қўя қол!

Энди нима бўлиши ҳақида ўйламасди Файбаров. Маъсумовнинг тарафини олгани унга аксинча куч бера бош-



лаган эди. Милиция чақирмайди — бу гап ташқарига чиқишидан чўчийди. Нима бўлганда ҳам янги бошлиқ у — юқорига нохуш хабар етса, дарҳол суриштира бошлайдилар.

— Мен ҳақиқат олдида шарманда бўлмадим, — деди Файбаров кўзлари ёниб. — Сенинг ёлғон ўйинларинг жиғибийрон қилди.

— Кетинг, Халил Муродович, тинчгина чиқиб кетинг, — эшикни кўрсатди Маъсумов.

— Ана, айбинг очилиб қолишидан кўрқяпсан. Билиб қўй, менга вафо қилмаган бу одамлар эртага сениям аяб ўтиришмайди. Лекин... лекин-чи, зўр тайёргарлик кўрибсан, қойилман! Сен бу ерда эмас, театрда ишлашинг керак экан. Ҳамманга фирибгар, товламачилар родини бериш керак бўлади.

Шоира шанғиллади:

— Э, бас қилинг! Садқаи одам кетинг... Индамасам, эримни фирт ёлғончига чиқариб қўясиз-ку! Ишониб келибман-а! Мансабдан айрилганингиз сизга алам қилганини ўйламабман-а, эсиз вақтим!

Файбаров бўш келмасди:

— Келин... Келин... Сиз барибир ҳақиқатни билмайсиз. Эрингиз ростдан ҳам алдаяпти.

— Бас! Шунча одам кирганида тилингизга тушов тушганмиди? Уларнинг олдида гапиринг эди. Финг демадингиз-ку! Миянгиз айниб қолибди сизнинг!

— Ҳаддингиздан ошманг, — ўдағайлади Файбаров.

Шоира ҳайратлангандек унинг олдига яқинлашди:

— Ҳаддимдан ошсам, нима қиласиза, нима қиласиз? Мениям урасизми, айтинг?

Маъсумовнинг овози ҳам баланд чиқди:

— Бўлди, дедим, хотин! Қари одамга тенг келма. Сен ўзинг ишонувчансан! Бегона эркак борса, индамай олдига тушиб келаверасанми?

— Э, мен қаёқдан билай! — яна шанғиллади Шоира. — Бу одамнинг аламзада бўлиб юргани етти ухлаб тушимга кирибдими?!

— Эшик ҳув ана, — калака қилди Маъсумов Файбаровга қарата. — Марҳамат, чиқиб кетсинлар! Ўйлайманки, энди бу муассасада қиладиган ишингиз қолмади.

— Қасам ич! — охирги чорасини ишга солди Файбаров. — Агар ҳозирги томоша спектакль бўлса, бир умрга бадном бўлай, деб қасам ич!

— Қасам ичсам, тинч қўясизми? — деди Маъсумов хотинига ўғринча бир қараб олиб. — Яхши, қасам ичганим бўлсин!

У ростдан ҳам худди шундай қасам ичди. Файбаров титраб кетди. Ўсал бўлди. Агар хотини бу ерда бўлмаганида Маъсумовнинг қасам ичиши душвор эди. Бир умрга бадном бўлишни ўйламади. Хотинидан кўрққани учун ҳам шундай иш тутди. Ичида тавба-тазарру қиляптими, ишқилиб, энди росманасига устунлик қилди Маъсумов.

Файбаров ундан кўз узолмай қолган эди. Аттанг, дегандек бош чайқади. Бунчаликка боради, деб ўйламаганди шогирдини! Йўқ, нега энди бундай ўйламаган экан? Озгина ўйлагандиям. Ҳар ҳолда қойил қилди Маъсумов! Наҳотки Маъсумов оқибатини ўйламади?

Бу одамдан ниҳоятда эҳтиёт бўлиш керак экан. Эртага устингга лой чаплашдан ҳам тоймайди. Китоблардаги аблахнинг худди ўзгинаси! Айнан шу! Маъсумов — ўшаларнинг типик вакили! Дўстовдан ҳам ўтказди. Ноиладан ҳам!..

Шу куни Файбаров овлоққина қаҳвахонада роса ўтирди. Кейин... росмана йиғлади. Ёмон одамларнинг дастидан дод деди.

Ёши катта одамнинг кўз ёши тўкканидан бошқа хўрандалар ҳайрон эдилар. Кимдир рўпарасига келиб ўтирди. Файбаров кўзлари сузилиб унга боқди. Бу қандай одам? Нималардир деяпти? Эшитилмайди. Ким бу?



Ие... ие, шумқадам-ку, ахир! Устидан кулиш учун столига келиб ўтирибди-да! Веҳ, аҳмоқ!.. Умуман айтганда... аҳмоқ эмас, доно! Донолар доноси! У Файбаровни огоҳлантирган эди. Кўзларингни оч, гуноҳдан тийилгин, деган эди. Айтганларим тўғримики, дегандек, мана, яна нималардир деб вадираяпти. Файбаров ҳам алланималарни вайсади. Аммо тили гўлдираб, сўзини ўзи ҳам англамади.

Шумқадам одам Файбаровнинг устидан кулиш ўрнига унга ачиниш билан қаради. Уни турғазини, опичлаб кетишга чоғланди. Файбаров эса бу ерда яна қолмоқчи, керак бўлса, яна кўп ичимлик сипқориб, юрагидаги аламни бошига ҳаракат қилмоқчи эди. Кетмайди. У шумқадамни силтаб ташламоқчи эди, сал бўлмаса ағдарилиб тушишига бир баҳя қолди...

У кўзларини очганида боши гувиллаб оғрир эди. Қаерда ётганини дастлаб илғаб ололмади. Кейин идроки тикланиб хотиржам тортди, шу билан бирга ҳайрон бўлди. Уйда экан. Қандай келган, билмайди.

— Хотин, — деди овози бўғилиб. — Нималар бўлди?.. Қаердасан, ҳой?..

Шип-шип қадам товушлари эшитилиб, хотини пайдо бўлди. Қовоғи солинган:

— Нима дейсиз?

— Мени сен олиб келдингми ё ҳалиги шумқадамми?

— Шумқадамнингиз ким? Ўша дўстингизми?

Файбаров ўқчиди. Унинг кўнгли айниган, ичи титрар, кечаги касофат ичимлик уни туғилганига мингдан-минг пушаймон қилдираётганди.

— Менга қарашиб юбор!

— Одам бўлмай кетинг, — хотини шундай деб ваннахонага кириб кетди. Зум ўтмай, тоғора билан қайтар экан, уни тарақлатиб ерга ташлади. — Шу ёшга кириб уялмайсизми? Болаларнинг олдида шарманда бўлдингиз-ку!

Файбаров парво қилмай деди:

— Сен уни дўст дема, тушундингми?! Шумқадам у! Ҳаммасини ўша қилди. Турқи курсин!

— Э, шунча жойдан олиб келганига раҳмат, денг, хўпми? — Афтини буриштириб гапирди хотини. — Сиз ўзи яхшилиқни билмайсиз!

— Ҳа, мен кўп нарсани билмайман, — аччиқланди Файбаров. — Фақат сен биласан!

— Мен ҳам билмайман... Масалан, Ноиланинг кимлигини билмайман.

Файбаров хиёл сергак тортиб, хотинига қараб қўйди. «Маъсумов қасдини оляпти экан-да, — деб қўйди ичиди. — Ҳа, ҳали зўр-зўр томошалар уюштира керак...»

— Ноила, Ноила деб йиғлаб чиқдингиз. Носир акага, топиб бер, дедингиз!

— Носир?.. Носир нима қилади бу ерда?

— Сиз гапни бурманг. Ноила ким?

— Э, бас қилсанг-чи! — қўл силтади Файбаров. — Эрингни шунча одам хўрлаётгани етмайдими? Энди сен ўшаларга ишонадиган бўлдингми? Ҳаммаси артист-куларнинг!..

Телефон жиринглади. Хотини гўшакни олиб, унга узатди. Файбаров ким дегандек имо қилди. Маъсумов яна ўйин қилишидан зада бўлган эди у.

— Билмадим, кимлигини! — терс гапирди хотини.

Файбаров телефонни олмади.

— Ўзинг гаплаш, — деди.

Хотини чимирилиб, телефонни қулоғига олиб бораркан, хижолат тортиб гапирди:

— Вой, ассалом алайкум, Носир ака... Яхшимиз? Яхши етиб олдингизми?.. Ҳа, уйвонганлар. Мана, гўшакни бераман.

Файбаров яна ҳайрон бўлиб, гўшакни олди:

— Алло, Носир, сенмисан?..



Телефондан аввал қаҳқаҳа эшитилиб, сўнг бўғиқ овоз келди:

— Ҳа, болапақир, уйғонибсан-да! Ўзиям бир мошин ичдинг-е! Роса хумори тутган экан-да! Ҳозир бораман, уйда бўлиб тур...

Файбаров телефонни ўчиргач, донг қотиб ўтирди. Ҳануз тушунолмасди у. Хотинидан яхшилаб суриштириб, аниқлик киритди. Кеча уни олиб келган Носир экан-да! Шумқадам қаёққа кетди? Ё бўлмаса шумқадам дегани Носир эдими? Қизиқ, шунчалик танимас даражада ичдими Файбаров? Ҳартугул ўша ерга ташлаб келмабди. Яхшилар бор, мана, Носир шуларнинг бири! Судраб келганми, опичлабми, уйга олиб келибди. Тавба, Файбаров нималар деган? Роса вайсаган бўлса керак? Ноиланинг қандай алоқаси бор?..

— Ишқилиб уни хафа қилмадимми? — сўради хотинидан.

Хотини қисқа қилиб жавоб берди:

— Ўзидан сўрайсиз!

Энди мана шунақа қовоқ-тумшуқ қилиб юради. Ишдан кетганиниям кеча узил-кесил эшитибди. Фақат у эмас, қўшниларнинг қулоғига етган эмиш! Файбаров бақирган-да, шогирдимдан кутмагандим, жойимни тортиб олди, деб.

Носир нега келмоқчи? Устидан кулиш учун бўлса керак?

Файбаров ваннада бўлганида эшик қўнғироғи жиринглади. У апил-тапил ювиниб чиқди. Меҳмонхонада Носирни кўриб, ҳарчанд уринса-да, кечаги гапларни эслай олмади. Унинг олдида хижолат тортди.

Носир ростдан ҳам роса кулди. Файбаровнинг қилиқларини кўрсатиб берди.

— Хўш, кетдикми? — деди ниҳоят.

— Қаёққа?

— Э, қанақа одамсан?! Эсинг шунчалик кирди-чиқди бўлиб қолганми? Бунақалигингни билишса, бизникилар ишга олишмайди. Юр, сени деб мен ҳам кечикяпман.

Файбаров жим бўлиб қолганди. Энди янада мулзам торгди. Наҳотки, кеча Носирга, иш топиб бер, деган бўлса? Шу ҳақда сўради.

— Менга қасам ичирдинг-ку, оғайни, — деди бош чайқаб Носир. — Қўрқма, кўчада қолиб кетмайсан.

— Тўхта, қанақа иш ўзи?

— Оббо, кеча юз марта сўрадинг, юз марта жавоб бердим... Юрақол, йўлда тушунтираман. Кечикяпман. Хайрият, ишхонага қўнғироқ қилиб қўйган эканман. Кетдик.

Файбаров ўрнидан жилмай, кечаги гапларни яхшилаб эслаб кўришга ҳаракат қилди. Натижа чиқмади. Манови Носир бошқармада ишларди, шекилли? Қандай ишни айтган экан? Тағин ботқоққа ботириб қўйиб, Маъсумовларга кулги бўлмасин. Ахир, ҳар ҳолда бошқармага бошлиқ бўлмайди-ку! Носирнинг ўзи нима иш қиларди у ерда? Қайсидир бўлимда бўлса керак.

— Мен сендан нега иш сўрадим ўзи? — деди у Носирдан.

Носир эшикка етиб қолган эди, бурилиб бош чайқади.

— Яна бошидан бошлаймиа? Айтдинг, кетимга тепиб ҳайдашди, дединг! Устимдан кулишяпти, дединг! Йиғлаб-сиқтадинг! Ёмон иш эмас, ошна, кадрлар бўлимини бошқарасан.

Файбаров сал ўзига келгандек бўлди. Кадрлар бўлими... чакки эмас. Носирнинг «бошқарасан», деган сўзи кўпроқ ёқиб тушган эди унга. Жамоани бошқармаганига анча бўлди, соғинибди, чоғи! Қизиқ, шу ишнинг ҳам хумори тутармикан ё? Эҳтимол, Файбаровнинг талвасага тушаётгани асл сабаби шудир?

— Неча киши ишлайсизлар? — сўради у.

— Уф-ф... Икки юздан зиёд одам, дедим-ку! Ишинг қийин бўлмайди. Онда-сонда раҳбар чақириб қолмаса,



сен билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Хонангда ўтириб, билганингни қилаверасан! Ишнинг ҳамма оғирлиги бўлимларга тушади. Сен кадрлар билан боғлиқ буйруқ, ҳужжатларга кўз-қулоқ бўлсанг бас.

— Бошлиқнинг ким эди? Ким дейишади уни?

— Жуда яхши танийсан... Мирҳоди Саъдуллаев. Яхши одам... ухлаганда, албатта, — шундай деб Носир беўхшов кўлди. — Сени, ҳар ҳолда, ишга олади, деб ўйлайман. Танийди-ку! Кишгадир айттириш шарт эмас, демоқчиман.

Файбаров истар-истамас кийина бошлади. Начора! Энди олдинги ишхонасига бора олмайди. Вақти келиб борар ҳам, Маъсумовдан қасос олар ҳам. Фақат ҳозир эмас. Шогирд қурмағур анча илгарилаб кетган кўринади. Айни пайтда у билан беллашиш жуда оғир. Ҳар қандай жанжалда кучдан кўра макр-ҳийла иш беради. Маъсумов буни кеча яққол исботлади...

Бошқарма Файбаров ўйлаганидан ҳам каттароқ экан. Шаҳар марказида кўрк ташлаб турибди. Ходимлар зиёли, тартиб-интизомли.

Бошлиқ Мирҳоди Саъдуллаев Файбаров билан самимий кўришди. Анчагача гаплашиб ўтирдилар. Синов муддати борасида гап бўлиши мумкин эмас. Буйруқ шу заҳоти чиқарилди. Энг қизиги, Файбаров бу ердаги ишни ўзи ҳақидаги буйруқни ҳужжатлар ичига тиркаш билан бошлади. Саъдуллаевнинг гапи, ишончи унга анча дадиллик, қанот берган эди. Қолаверса, кадрлар бўлими бошқармадаги энг кўзга кўринган, нуфузли бўлим экан. Ана шунисидан хурсанд бўлди.

Файбаров тушгача роса ҳужжатларни титкилади. Ходимлар билан шу тарзда танишиш илинжида эди у. Кейин архив ҳужжатларини кўтарди. Чанг босиб ётган қоғозларни эринмай титкилади. Бу бежиз эмас эди. У Маъсумовга тегишли ҳужжатларни излаш билан овора

эди. Э-ҳе, анча тагида экан ҳужжатларнинг, сарғайиб кетган. Тавба, одамнинг кўзлари ўзгармас экан-да, у ўн саккиз йил аввал суратда қандай тушган бўлса, ҳозир ҳам укки кўзларини қадаб гапиради.

Бу ҳужжатларни архивдан суғуриб олиб, Файбаров янада яхшилаб ўқиб чиқди. Қандай камчилик топиш мумкин? Нимадир қилиш керак! Балки ўша йилларга тегишли қандайдир ҳайфсанлар бордир? Жазога тортилган бўлиши мумкин-ку!

Тополмади. Маъсумовнинг ўзи аллақачон келиб, бундай ҳужжатларни йўқ қилгандек туюлди. Ҳа. Шундай қилган. Ҳамиша ишини пухта қилиб юради у. Қанча-қанча тузоққа тушмай, қутулиб кетган.

Бир жиҳатдан Файбаровнинг ҳозирги қилиғи худди товукнинг гўнг титганидек кўринди ўзига. Эриш туюлди. Фаши келди. Маъсумовга тегишли ҳужжатларни тап этказиб ғаладонга ташлади. Тўғри, ҳали-бери алами тарқамайди, қасос ўти тарк этмайди. Аммо кўнглидаги истак, майлларга ҳам бўйин эгавермаслиги керак. Акс ҳолда бу ердаги ишлар қолиб кетади. Аввало, бошқарма раҳбарининг кўзига яхши кўринишга ҳаракат қилиши керак. Саъдуллаев дилкаш кўрингани билан анчайин қув, тулак одам. Мана шу лавозимидан неча марта олиб ташланади, яна жойига қайтаверади. Худди ким биландир гаров ўйнаган-у бор кучини ишга солиб келаётгандек. Демак, у ҳам ҳийла-найранг ишлатса керак, ҳойнаҳой!

Файбаровнинг қўл остида икки ходим бўлса-да, у бошқаларни ҳам ўзига тобе қилгиси келарди. Ходимларининг айтишича, жамоада энг тартиббузар одам Носир Исомиддинов эмиш! Айниқса, кейинги пайтларда у пайдар-пай ишдан қолади, ички тартибларга риоя қилмайди. Файбаров бу мавзунини четлаб ўтмаса бўлмасди. Ахир, Носир — азалий қадрдони. Қолаверса, Файбаровнинг бошқармага ишга келишига у сабабчи.



Иш бошлаганининг учинчи куни Носир Исомиддинов билан бирга тушлик қилишди. Овқатланиб бўлишгач, чой устида Файбаров унинг ўзини тутиши ҳақида ўсмоқчилаб сўз бошламоқчи эди, Носир томдан тараша тушгандек, ғалати гап қилди:

— Ошна, буйруқ чиқди, туппа-тузук ишляяпсан ҳам, аммо ҳалигача чурқ этмаяпсан-ку! Мушук текинга офтобга чиқмайди. Ахир, нима деб келишган эдик? Йўталмайсанми энди?

Файбаров аввалига бу гапни, зиёфатта шама қиялти, деб тушунди, кейин эса Носирнинг юз ифодасини кўриб, ўшанда — мастлигида тилидан илинганини англагандек бўлди.

— Нега овозинг чиқмайди? — давом этди Носир. — Менга қанча ваъда қилганингни биласанми? Уч юз минг сўм!

— Нега экан? — қошларини чимириб сўради Файбаров.

— Нега бўларди, ишга жойлаштириб қўйганим учун. Ахир, ўзинг тавалло қилиб ялиндинг-ку! Фақат, маст эдим, деб баҳона қилма. Мастми, ҳушёрми, эркак битта гапиради. Бугун, мана, уч кун бўлибди. Бошқа кечикилмасин!

Файбаров унга «сиёсат» қилмоқчи бўлди:

— Сен бу пулни Саъдуллаевга бермоқчимисан?

— Ишинг бўлмасин.

«Шунинг учун меҳрибонлик қилган экан-да бу, — ўйлади Файбаров. — Мен буни эски қадрдоним деб юрибман ҳали. Э, қадрдонлар ҳам қолмабди бу замонда... Пулни бермасам, нима қиларкан? Осмонни ташлаб юборолмас ҳартугул. Балки, Саъдуллаевга шипшиб қўярман? Эшитиб, тепа сочи тикка бўлса керак. Йўқ, иккаласининг тили бир бўлса-чи?! Ахир тезгина ишга қабул қилди-ку! Агар ростдан ҳам буларнинг тили бир бўлса, навбатдаги томошани кўраверасан. Фақат ишгирокчилар бошқа-

бошқа бўлади... Ҳа-а, ўша куни Носир кўзимга шумқадам бўлиб кўринганича бор экан».

— Мен сенга бир чақа ҳам бермайман, — деди Файбаров тап тортмай.

Носир кўзларини хиёл қисиб турди-да, жавоб сўзини айтди:

— Яхшиликка яхшилик билан жавоб қайтармасанг, пушаймон бўласан.

— Мени қўрқитма. Сен яхшилик билан порахўрликнинг фарқига бормас экансан.

Носир индамай ўрнидан қўзғалди. Файбаров ҳамон жаҳлидан тушмаган эди. Анчадан кейин ўзининг зикналиги ҳақида ўйлаб қолди. Аммо гап уч юз мингга эмас. Шунчаки... Файбаров бериб ўрганмаган, бундай ишлар учун! Ахир ердан чиққан эмас-ку у!..

Тушдан кейин Файбаров олдинроқ отни қамчилаб қолиш учун Носир Исомиддинов тартиб-интизомга бўйсунмаётгани ҳақида рапорт ёзиб, Саъдуллаевга киритиб юборди. Кейин қулоғини динг қилиб турди. Кечгача ҳам ҳеч қандай «хушxabар» эшитмади. «Қайтага Носирга индамаганлари яхши бўлди», — деди бироз виждони қийналиб.

Уйга қайтар экан, виждонсизлик қилаётгани ҳақида ўйларди. Шу қисқа фурсат ичида нақадар кўнглисизликларга дуч келаётгани борасида ҳам бош қотирди. Уйига барвақт қайтгиси келмади. Негадир кимсасиз, овлоқ кўча бўйлаб юрди. Хаёлига чувалашиб келаётган оғир ўйлардан халос бўла олмасди. Шумқадамни топмоқчидек, атрофга аланглади. Қани у? Қаерда экан? Яна қайси бир одамнинг ҳузурига беҳосият ташрифи билан қадам ранжида қиляптийкан?..

Файбаровнинг рўпарасида икки-учта барваста йигитлар пайдо бўлганида, у уларнинг бир-бирларига ўғринча қараб олишганига ҳам эътибор бермади. Дабдурустандан



Ғайбаровга ташландилар. Аямай тепкилашди. Кейин эса оёқлари остида ётган Ғайбаровга энгашиганча пичирлашди: «Сизга керакли одамдан салом. Кимлигини ўзингиз ўйлаб топинг...»

\* \* \*

Ғайбаров ўзига келганида кўчада ётарди. Ўтган-кетган қарамайди, ароқхўр, дайди, — деб ўйлашса керак. Биров касал бўлиб ётибди, балки юрак хуружи тутгандир, эҳтимол, буни хўрлаб тепкилаб-тепкилаб кетишгандир, ишлари йўқ. Йўловчиларнинг ўрнида Ғайбаров бўлганида нима қиларди? Ёрдам берармиди! Ҳеч-да! Ана шунақа: бошга тушгани кўз кўради, аммо... бошингга калтак тушганини бу ётишингда сира кўра олмайсан.

«Сизга керакли одамдан салом. Кимлигини ўзингиз ўйлаб топинг...»

Ғайбаров бу сўзларни элас-элас эслади. «Носир, — деди у, — Носирнинг иши! Сен ҳам пул деб ўлган экансан-да! Шунчаликка бординтми?.. Йўқ, балки Маъсумовнинг ишидир? Ахир, у ҳам тинч қўймайди-да! Оббо, яшашга қўядиларми ўзи?...»

Юзлари моматалоқ ҳолда кириб келганида хотинининг капалаги учиб кетди. Болаларининг ҳам кўзлари олакула эди. Ғайбаров уларнинг олдида хору зор бўлгандек ўпкаси тўлиб кетди. Ичкари хонага кириб, эшикни маҳкам ёпгач, кўз ёшини тия олмади. Кўз ёши аралаш юзидаги жароҳатдан қон ҳам оқа бошлади. Хотини кира солиб, докани сувга ботириб босди. У тинмай жаврар, кимларни қарғар, билиб бўлмасди. Овози узоқ-узоқдан эшитиларди, гўё.

... — нималар бўляпти-я?..

... — шунчалик ҳам тез ўзгарасизми?..

... — сиз бирортасини топгансиз, ҳаммаси ана шу юришни деб бўляпти...

... — ўтган сафар ичиб келувдингиз, бу гал жанжаллашиб...

... — Шоҳид деган йигит бор эди-ку, ўша келиб-кетди.

Файбаров яна бир кўнгилсизликни сезиб, охири эшитган гапига аниқлик киритмоқчи бўлди:

— Шоҳид? Нега келади?

— Аллақандай конверт ташлаб кетди. Шахсан ўзларига берасиз, очманг, деб тайинлади.

— Олиб кел-чи! — Файбаровнинг юраги зирқираб турарди.

Файбаров хотини келтириб узатган конвертни очгиси келмади. Ҳа, бунинг ичида нимадир бор. Бир кўнгли конвертни очиб ўтирмай, ташлаб юбормоқчи бўлди. Бироқ кейин аҳволи янада баттар бўлишини ўйлаб қўрқди.

Конверт қалингина. Суратлар солинганга ўхшайпти. Фаламис Шоҳид нимабалони ўйлаганга ўхшайди.

— Очинг, — қизиқди хотини, — нега индамай ўтирибсиз?

— Кейин очаман, — Файбаров шундай деб конвертни эгни қон костюмининг ички чўнтагига солди.

Шу аснода ичи қизиди. Нима, нима у? Хотини ҳам хонадан чиқа қолмайди. Энди атайин ўтираверади шу ерда. Мабодо Файбаров ухлаб қолса, конвертни очишдан ҳам тоймайди. Эри уни очмагани янада қизиқишини орттирган. Қизиқишини ҳам эмас, шубҳа-гумонини. Шусиз ҳам ҳар куни кечқурун ишни ўзгартиргани учун минғирлагани-минғирлаган.

Файбаров хотинига овқат сузиши кераклигини айтиб, у чиқиб кетгач, тезгина конвертни олиб очди. Юраги баттар дукиллаб кетди. Бир нечта суратларда Файбаров билан Ноиланинг бир-бирига суйкалиб тургани акс этган эди. Қарийб ўн бештача сурат. Ҳаммаси бир вақтда суратта олинган. Афтидан, Ноила ҳам билмаган бу ҳақда. Акс ҳолда Файбаровга бу қадар суйкалиб турмас эди. Маъсу-



мовнинг иши! Аблаҳ! Нима хоҳлайди у? Мансабни тортиб олди, бўлди-да! Файбаров қўшқўллаб берди-ку!..

Худди суратни томоша қилаётганини кўриб тургандек Маъсумов қўнғироқ қилиб қолди. Файбаров телефонга жавоб беришни ҳам, жавоб бермасликни ҳам билмай каловланди. Ахир, пўписа қилади-да!.. Жаҳл билан телефони буткул ўчириб, ўрнидан турди. Суратларни қайта конвертта жойлади-да, костюмининг чўнтагига тикди. Ошхонага ўтди.

Хотини ҳамон қовоғини очмай, косада овқат сузиб, столга тақ этиб қўйди. Файбаровнинг иштаҳаси йўқ, овқатни қошиқ билан шунчаки ковлаштириб ўтирди. Калласида минг бир хаёл! Кейин сакраб туриб, ўзини ойнага солди. Кўзгудан мутлақо бошқа — бир абгор қиёфа қараб тургандек эди. Бу аҳволда ишга бориб бўлмайди. Нима қилиш керак? Милицияга айтай, деса, эртага қўниқўшни билиб қолиб, гап-сўзни кўпайтиради. Шифохонага борай, деганида ҳам шу гап! Аммо ишхонага нима дейди? Бошлиққа бор гапни тушунтиради... Ёши эликдан ошсаям кўчада жанжаллашиб юраркан, демасмикан? Нима бўлгандаям бу гапни айтиш ноқулай-да!

Нега Файбаров эҳтиёт бўлмади? Наҳотки хавф яқинлигини илғамади? Ҳушёр эди-ку! Аҳмоқлар атайин юзига уришди ўзиям! Топшириқ шунақа бўлган-да! Отаси тенги одамга раҳмлари келмайди!..

Файбаров ухлай олмади. Жисмоний оғриқдан кўра руҳий қийноқлар азоб берарди унга. Болалигини, ўша, ширин, бегубор дамларини, ҳеч ким қасд қилмаган, ҳеч кимдан азият чекмаган кунларини эслади. Ичидан аччиқ йиғи кўлчиб келаркан, зўрға босди. Афсус, йиғлаганида яхши бўларди. Губорлари, аламлари чиқиб кетарди. Файбаров хотинини ўйлаб кўз ёшини тийди. Тагин ваҳима қилиб юрмасин. Энг ёмони, у меҳрибончилик қилиш, ҳамдара бўлиш ўрнига тўнғиллаб, баттар кайфиятини бу-



зади. Файбаров, эҳтимол, унинг ана шу феъли учун ҳам Ноилани топгандир? Э, ким билсин, энди Ноила унинг ҳаётидан кетди. Бошқага кетди.

У секин тўшакдан сирғалиб чиқди-да, жавон томон юрди. Эшигини ғийқиллатиб очди. Костюмига қўл чўзиб, конвертни олди. Кейин катта хонага ўтиб, қайчини қидириб топди. Эшикка олазарак боқиб, суратларни битта-битта қирқиб ташлайверди. Қирққан сари кайфияти кўтарилиши ўрнига руҳи тушиб кетаверди. Бир ой олдин ҳам бу гаплар йўқ эди-я! Не аҳвол?! Бугун-эрта нима бўлишини билмайсан!

Қийқим суратларни ошхонага ўтиб, ёқиб юборди. Азбаройи диққат билан тикилганидан, гулханнинг чирсиллаб овоз чиқаришигача қулоқлари остида қолди...

Файбаров бир ҳафтадан сўнг қора кўзойнак тақиб, ишхонага йўл олди. У ерда эълонлар тахтасидаги буйруққа кўзи тушди-ю, бўшашиб қолди. Ишга келолмаслиги ҳақида Саъдуллаев билан телефон орқали гаплашган бўлса-да, у Файбаровни ишдан бўшатибди. Шахт билан Саъдуллаевнинг ҳузурига кирмоқчи бўлди.

— Мирҳоди ака йўқ, — деди котиба. — У киши хориж сафарига кетган. Икки ҳафтадан кейин қайтиши мумкин.

— Мабодо сизга мен ҳақимда ҳеч нима демадимми? — ботиниб сўради Файбаров. — Мен телефон орқали тушунтирган эдим, барибир ишдан бўшатибди.

Котиба компьютерда алланималарни тераётгани, ишини тўхтатиб, бошқача қаради. Файбаров бу танноз ҳозир беўхшов гапириб, янада кайфиятимни бузади, деб ўйлаганча юрагини ҳовучлаб турди.

— Мирҳоди Саъдуллаевич биздан сўраб иш қилмайди, — деди дона-дона қилиб котиба. — Сиз, яхши-си, ҳисобчиларга учрашинг. Қандайдир қарзингиз бор эканми-ей... Агар тўламасангиз, ҳужжатларингизни беришмасакан.



— Нима? — Файбаровнинг тепа сочи тикка бўлди.

Котиба энсаси қотганини бу сафар очиқ-ошкора намоён этган эди, Файбаров жаҳл билан қабулхонани тарк этди. Ҳисобхонага ўтди. Ҳа, ҳақиқатдан ҳам қарздор. Тавба, уч кун ишлаб, уч юз минг сўм қарздор. Шунақасиям бўларкан-да! Сабабини оғзаки тушунтиришди: сейфда пуллар йўқ!

— Бу Исомиддиновнинг иши, — бўғриқди Файбаров. — Менинг пул ўғирлайдиган одатим йўқ.

Носирнинг олдига йўл олди. У ерда анча айтишдилар. Носир қасам ичиб, бу гапдан хабари йўқлигини айтди. Аммо кўзлари барибир сотяпти, ҳақиқатни айтиб турибди: Носирнинг Саъдуллаев билан тили бир.

Ҳисобхонада ўша куни тузилган далолатномани кўтаришди. Ё, тавба, ҳаммаси ҳужжатлаштириб қўйилган. Айнан шундан кейин Файбаровнинг ишга чиқмаганлиги ўлганнинг устига тепган бўлган. Аслида эса уни шундоқ ҳам тепкилаб кетишганди. Қолаверса, яна бир ариза бўлиб, унда уч нафар ўспирин Саъдуллаевга Халил Муродович Файбаров исмли ходими куппа-кундуз куни уларни уриб, сўкканлиги қайд этилган эди. Агар зудлик билан чора кўрилмаса, ички ишлар идорасига шикоят қилишлари ҳам қистириб ўтилганди...

Файбаров, худдики, туш кўраётгандек. Ёлғон дунё деганларини эшитган, аммо бунчалик эмас-да! Йўқ, бу ерда бошқа нимадир бўляпти. Гап Носирда ҳам, Саъдуллаевда ҳам, Маъсумов-у Ноилада ҳам эмас. Ҳаммаси... ҳаммаси ўша нотаниш шумқадамни деб!.. Акс ҳолда уч юз минг сўм учун манови Носир шунчалик паст кетмасди!..

Нима қилиш керак? Мана шу пулни тўлаб, ҳужжатларини олди ҳам дейлик, яна-яна ишлари юришавермайди. Дайди туфайли! Аммо... аслида ўзи айбдор. Бир вақтлар қазиб қўйган чоҳига ўзи тушяпти...

Файбаров гандираклаб бошқармадан чиқиб кетди. Бугун топади уни! Оёғига йиқилиб бўлса-да, кечирим

сўрайди. Керак бўлса, йиғлаб-сиқтайди. Ахир, бир умр шундай давом этавериши мумкин эмас-ку! Халил Муродович кеча ким эди-ю, бутун ким? Энг даҳшатлиси, эртага қандай одамга айланади?

У оёғи толиқиб қолгунча кўчаларни айланиб юраверди. Кўнглига ҳеч нима сиғмас, кўз олдида ўша шумқадам гавдаланаверарди. Ўшанда нега унинг дардини эшитмади? Кетса, ўн-ўн беш дақиқа вақти кетарди-ку! Майли, бир соат вақти кетсин эди, ҳар ҳолда эшитиб, гапларига амал қилиб, ўзини йиғиштириб оларди. Йўқ-йўқ, бу ҳозир айтишга осон, ўша пайтларда Файбаров йиртиқ-ямоқ кийган таниш-нотанишларнинг гапларини эшитишга қодир эмас эди. Ўзи англаган хатоси шу!..

У айланиб-айланиб, эски ишхонасига бориб қолганини сезмай қолди. Киришга юраги бетламаса-да, гўё шумқадам ичкарида юргандек туюлди. Зўрға ортига бурилди. Борар манзилени билмай кетар экан, анча одимлади. Бир маҳал ўзи билиб-билмай, шовқин-суронли бозорнинг қоқ ўртасидан чиқди. Агар рўпарасида шумқадамни кўрмаганида ҳушини йиғиб ололмасди. Кутилмаганда пайдо бўлгани учунми, Файбаров унга нисбатан нима қилишни билмай қолди. Ҳаш-паш дегунча шумқадам чап томонга ҳайдаб солди. Файбаров, «ҳой, тўхта», — деганча унинг ортидан қолмади. Аммо бир зумда шумқадамнинг кўздан ғойиб бўлишини қаердан билсин! Йўқ, у одам эмас, сеҳргар! Ора-сирада кўриниб, ичингга оташ ташлаб қўяди-ю, йўқолади. Аммо нега Файбаровга кўринади? Мақсади нима? Борсин, ана, Маъсумовга учрашсин!..

Файбаров ҳар куни уни мана шу ердан излайдиган бўлди. Ўй-хаёлини шумқадам эгаллаб олган. Худди уни топса, кечирим сўраса, аввалги мавқеи қайтиб келадигандек. Майли, қайтариб бермасин, аммо кимлигини айтсин, акс ҳолда Файбаров бу дунёдан армон билан ўтиб кетади.



Хотини минғирлайвергач, у яна иш излади. Эски, тилиб кетган ён дафтаридадан аввалги танишларини топди. Кўнғироқ қилди. Ўзлари билан учрашди ҳам. Энди у истиҳолани йиғиштириб қўйган, оиласи, болаларини ўйлар, қандай иш бўлсаям рози эди. Аввалги Файбаровдан асар қолмаган, у ўз қобилигига ўралиб қолган эди. Аммо ҳали-ҳануз шумқадамни излашда давом этарди. Энди бу дайди тушларига кириб чиқадиган бўлган. Негадир ҳар хил қиёфада. Бир гал Файбаров уни яна тушида кўриб аниқ таниди, исминиям элади. Бундан қувониб кетди. Афсуски, уйқудан уйғонар-уйғонмас, на исми, на юз ифодаси эсида қолди.

Файбаров уни излаганининг яна бир энг муҳим сабаби, ҳозиргача ишлари юришмаётганида эди. Уч-тўрт жойга борди — олишмади. Ҳатто уч юз минг сўм бериб қайтариб олган «олиймақом» ҳужжатлари ҳам кор қилмади. Шокир исми таниши билан илмий институтга ҳам борди. Яримта жой бор экан. Бир бало қилиб жойлашди. Бир пайтлар шу ерда ишлагани наф берди, холос.

Файбаров энди фақат ҳалол ишлашга ўзига-ўзи сўз берди. У юрагини ҳовучлаб юрар, худди ортидан яна бир кўнгилсизлик пойлаётгандек туюлаверарди. Ахир, Маъсумов деганларидан энди-энди қутулди, деса бўлади. Яқингача телефон кўнғироқлари билан пўписи қилиб, қитиқ патига теккани-теккан эди. Файбаров унинг хотинини ишхонага бошлаб келгани ҳалигача алам қиляпти, чоғи! Бўлмаса, нега бундай қилади?

Аммо қасд олиш шунгача етдики, Маъсумов Ноилани Файбаровнинг уйига юборибди. Қўлида бир даста сурат. Ўша... иккаласи тушган тасвирлар. Ноила ҳам Маъсумовнинг айтганини қилиб қўрқмай келганини қаранг! Наҳотки, Файбаровнинг хотини юмма талайди, деб ўйламаган бўлса? Хушомадгўй!

— Сен шу даражада унинг айтганини қиладиган бўлдингми? — деди Файбаров аламдан лаби титраб.

— Илтимос, тушунтириброк гапиринг, — ўзини гўлликка солди Ноила. Кейин Файбаровнинг хотинига юзланди: — Мен бу уйга ҳақиқат излаб келдим, опа. Эрингизнинг гуноҳи кўп. У мени алдаб, ишонтириб, ташлаб кетди. Илтимос, менга ёрдам беринг.

— Сен бунга ишонма, — деди Файбаров хотинига. — Ҳаммаси найранг, ҳийла.

Хотини одатига кўра янада қошларига зўр бериб, кўлидаги фотосуратларга имо қилди. Файбаров нима деярини билмай қолди. Бир зум чидади. Кейин алами тошиб, Ноилага ташланмоқчи эди, у жон аччиғида додлаб, ўзини «кундоши»нинг орқасига олди. Файбаров нима деб тушунтирсин? «Ҳа, бу билан бир пайтлар ош-қатиқ эдик. Энди орамиз очиқ. Ҳозир бу Маъсумов билан шакар-гүфторлик қияпти. Хотинини ишхонага олиб борганим учун қасдини оляпти», — десинми?

— Нега келдинг, очиғини айт? — жаҳли чиқди Файбаровнинг.

Ноиланинг «маъюс» кўзлари намланди:

— Болани туғдиришга туғдириб, энди бу гапингиз нимаси, Халил ака? Ахир, туғдиргандан кейин боқиш керак-ку!

Файбаровнинг миясига алланима ўрмалаб чиққандек бўлди. Кўз олди қоронғилашди. Хотин уни ушлаб қолмоқчи эди, натижа чиқмади — Файбаров гурсиллаб орқаси билан йиқилди. Қулоғига Ноиланинг гаплари эшитилди:

— Доим шунақа қиладилар, опа, ишонманг. Мен ҳақиқат излаб келдим...

Файбаров ўзига келганида лаби бир томонга хунук тортилиб қолган эди. Гапиролмади. Шундоқ устига Маъсумов энгашиб турарди.

— Қалай? — деди пичирлаб. — Хотинни ўртага тиқиш мана шунақа бўлади.



«Аблаҳ», — деди Файбаров. Бу гап тилига чиқмаганидан алами келиб, кўзларининг икки чеккасидан ёшлар сизиб чиқди. Кўлини қимирлатиб кўрмоқчи бўлди, эшлай олмади.

Хотини чойнак кўтариб кирди. Чойни қайтаргач, аввал ўзига, сўнг Маъсумовга бир пиёла қуйиб узатди.

— Сиз ажрашиш ҳақидаги гапни қўйинг, — деди Маъсумов унга. — Устоз тузалсалар, ҳаммаси жойига тушиб кетади.

Файбаровнинг кўзлари катта очилиб кетган эди. Наҳотки, шу мавзу кўтарилган бўлса?

Хотини индамади. У кўзларини ердан олмасди.

— Мен-ку, бир бало қилиб тинчитаман, — давом этди Маъсумов. — Бор пулимни қўшдим, кеннойи. Барибир иккита лимон етмаяпти. Тушгунасиз-ку, биз ҳам маошга кун кечирадиган одам. Ана шу иккита лимонни бир бало қилиб берсангизлар, жами бешта бўлади. Кўнмай қаёққа борарди! Аввал тилхат оламиз-да!

Файбаров аввалгидан ҳам бесаранжомланиб қолди. Ўрнидан тураман, дейди, туролмайди, гапираман, дейди, тили лол. «Ишонма, хотин, бу фирибгарларга ишонма, хонавайрон қилишмоқчи бизни. Ҳаммаси ёлғон...» Қани эди бу сўзларни овоз чиқариб айтса?

Аламининг зўридан яна унинг кўз ёшлари чиқиб кетди.

— Устоз йиғлаяпти, — деди Маъсумов кеннойисига бир қараб олиб. — Ҳа, энди шундай кунда ёрдам бермасак, нима қиламиз шогирд бўлиб, тўғрими?

«Малъун! Мана шундай шогирдни тайёрлаганмидим мен? Иккиюзламачи! Шунчалик ҳийла ишлатиши хаёлда ҳам йўқ эди. О, фалак, нима қилай?» — Файбаровнинг кўз ёшларига зўр беришидан бошқа чораси йўқ эди ҳозир...

У шу алфозда анча кун ётди. Бу орада хотини уйдаги у-бу жиҳозни бир миллионга сотиб, иккинчи миллионни

фоиз ҳисобига қарзга олди. Кейин аллақаяерга чиқиб кетиб, шумшайиб қайтиб келди. Болаларига отасини кўрсатиб, «ана, хотинбоз отангинг аҳволини кўриб қўйинглар, ҳамма ишни қилиб қўйиб, энди бемалол ётибди», — дея йиғлаб юборди. Болалар ҳам аюҳаннос солишди...

Файбаров оёққа тургач, биринчи бўлиб Маъсумовга қўнғироқ қилди. Телефон шу ондаёқ узилди. У ҳам анойи эмас, аллақачон телефон рақамини ўзгартириб олган. Шундан кейин Файбаров эски ишхонасига қараб йўл олди. Уни ичкарига киритишмади. Махсус рухсатнома керак эмиш! Бир пайтлар Файбаровни кўрганида пилдираб бориб, қўшқўллаб кўришадиган қўриқхона бошлиғи уни танимади. Олдига ҳайдаб солди. Файбаров шу ердан туриб ички телефон орқали Маъсумовга қўнғироқ қилмоқчи эди, у гўшакни тортиб олди. «Бу телефон пуллик», — деди без бўлиб. Файбаров бошқаларнинг олдида ўсал бўлди: «Хўш, пулини бераман, қанча?» Қўриқчилар бошлиғи бўш келмади. Истеҳзоли кулиб деди: «Қанча дейсизми? Икки миллион!.. Хўш, қониқтирадимиз сизни, бера оласизми?..»

Одамни бу қадар пастга уриш бўлмаса керак. Файбаров ер билан битта бўлиб ортига қайтди. Ниҳоятда хўрлиғи келди. «Сенларгаям бир бало бордир», — деди кўзлари намланиб. Кейин кўчадан Ноилага қўнғироқ қилди. У, «ҳозир, бир дақиқа шошманг», — деди-ю... гўшакдан чақалоқнинг ингалагани эшитилди. Файбаров яна «синди». У таслим бўлган эди. Ёлғончилар, мунофиқлар олдида ерпарчин бўлган эди...

Файбаров ҳозир институт хоналаридан бирининг деразасидан ташқарига тикиларкан, ичи ҳувиллаб қолгани, абгор, тушкун одамга айланганини ҳис қиларди...

Бу ерда ҳам узоқ ишлай олмади. Соғлиғи панд беравергач, паттасини қўлига тутқаздилар. Ҳа, сен билан нима ишлари бор? Ўлиб кетмайсанми? Ўз дардинг ўзингга! Бизга ташвиш орттириб нима қиласан?..



У кўчада беихтиёр бир вақтлардаги таниши Қўлдошни кўриб қолди. Ҳали-ҳали қувноқ, шўх, кўзида олов чақнаб турарди унинг. Қўлдош Файбаровни бир аҳволда кўриб, ҳайрон бўлди, кўнглини кўтарди. Ишламаётганини эшитиб, бирга ишлашни таклиф қилди.

Файбаров сал очилгандек бўлди. «Бор экан-ку дунёда яхшилар! Яша, Қўлдош! Майли, иш топиб бермасанг ҳам ёлғизлатиб қўйма. Бир ўзим сиқилиб кетдим, ахир! Билмадим, дунё шунчалик тормикан ё...»

Йўлдош бозорда ишларкан. Янаям яхши! Гавжум одамлар орасида бўлгани тузук!..

Соат уч-тўртларгача растада бўлишади, кейин пивохўрлик. Уч-тўрт сўм тушиб туради ҳар қалай!

Дастлаб танишларини кўрганида, Файбаров тескари қараб турарди. Кейин-кейин «без» бўлиб кетди. Тили ҳам айланиб, унча-мунча савдолашадиган бўлди. Лекин ҳамон юраги зада, қандайдир кўнгилсизлик бўлмаслиги учун бошқалар билан ўлиб-тирилиб муомала қиларди у. Ҳартўғул Маъсумов тинчиб қолгандек, Ноиладан ҳам садо йўқ эди. Файбаров «фоиз» балосидан қутулиш учун бор кучи билан ишларди. У энди анчайин ўзгарган, бир қадар қўрқоқ, майин ва сиполашиб қолган эди...

Бир куни Файбаров яна ўша нотанишни кўрди. Кўзларига ишонмади. Ҳудди ўша! Уст-боши ҳам, қарашлари ҳам ўзгармаган! Қандайдир совуқ ва қаҳрли бўлиши билан бирга ачинадиган нигоҳ ҳам!

— Ҳой, биродар, менга қаранг, шошманг, — деди Файбаров унга.

Аммо шумқадам индамай йўлида давом этди. Файбаров растани айланиб унга етиб олишни ўйлади, бироқ шунча молни ташлаб кетишга кўзи қиймай, яна бир бало бошланишини ўйлаб, юраги дов бермади. Мана, кўриняпти, шунисиғаям шукр. Демак, ишлари яхшилана бошлагани учун бўлса керак! Аммо шумқадам бир мартагина гаплашиб олганида зап иш бўларди-да!..

Эртасига Файбаров бир кампир билан молларни савдолашиб турганида шумқадам яна пайдо бўлди. Ҳа, худди ўзи! Яна келди.

— Яхшимисиз, биродар? — деди Файбаров ўзини йўқотиб қўйиб.

Ёнидаги Қўлдош ҳайрон бўлди. Пичирлаб деди:

— Тавба, кампир билан «биродар» деб гаплашяпсанми?

— Йўқ, ёнидаги билан, қара.

Қўлдош индамай ўз иши билан банд бўлди. Бу орада шумқадам яна кўздан йўқолди.

Файбаров бир қадар хотиржам эди. Ҳар куни келягги-ку!.. Тушлик маҳали Қўлдош билан жиндак тортишиб қолди. У «кўзингга ҳар бало кўриняпти», — дея кулганди. «Эртага исботлайман», — деди Файбаров...

Эртасига яна шумқадам бир кўриниб, кўздан юйиб бўлди, аммо бу вақтда энди Қўлдош йўқ эди. У келгач, айтган эди, яна кулди. «Фотоаппарат билан суратга тушириб, кўрсатсанг ҳам ишонмайман», — деди.

Файбаров ростдан ҳам фотоаппарат топди. Бўйнига илиб, шумқадамни кутадиган бўлди. Аксига олиб, у сира кела қолмасди. Орадан уч кун ўтса ҳамки, дарак йўқ.

Ниҳоят тўртинчи куни шумқадам пайдо бўлди-ю Файбаров уни зўрға фототасмага муҳрлашга улгурди. Елкасидан тоғ ағдарилгандек енгил тортди. Эртаси куни фототасмани керакли жойга топшириб, туширган суратини қоғозга чиқартириб олди.

Мана, шумқадам! Мана, сурати!

Файбаров унга узоқ тикилди, кимгадир ўхшатди, аммо барибир эслай олмади. Бир тўп моллар билан қайтган Қўлдошнинг олдига суратни тап этказиб ташлади:

— Мана, оғайни, кўзингга ҳар бало кўриняпти, дегандинг!..

Қўлдош истамайгина суратни қўлига олди-ю қараб туриб, кўзлари пахтасидан чиқиб кетаёзди:



— Сен бунни қачон суратга олдинг?

— Кеча.

— Нима?! Қанақасига?.. Ахир бу Шариф-ку!.. Эсингда йўқми?

— Қайси Шариф?

— Вақтида бирга ишлаган эдик, наҳотки эслолмасанг?

Сен уни Шариф эмас, Шарф деб чақирардинг!

Файбаров узоқ ўйлаб туриб, қичқириб юборди:

— Ҳа... ҳа... эсладим. Шариф, Шарф... Шарф! Ахир у билан не-не кунларни бирга ўтказмаганмиз! Бўйнимизга тақамиз сени, деб жиғига тегардик, Қўлдош...

— Худди шундай!

— Оббо, Шариф-ей!.. Қўлдош, эсингдами, Шариф мени, сени не балолардан асраб қолган. Нуқул ҳалол, ҳаромдан гапирар эди. Аммо нега у мендан ўзини олиб қочаверади?.. Шариф! Мен уни шумқадам деб юрибман-а!

Қўлдош маъюсланиб деди:

— Аммо ҳамма гап шундаки, ўша Шариф бундан беш йилча аввал ўлган. Уни мен ўзим тупроққа қўйганман.

Файбаровнинг бошига кимдир гурзи билан туширгандек бўлди. У Қўлдошнинг гапларини эшитмас, шумқадам — Шарифнинг нима учун пайдо бўлгани-ю, унинг Файбаровни нималардан огоҳлантирганини миясида ўйлаётган эди. Шариф уни кўп балолардан асраб қолди, ҳаётни, одамларни бепарда кўрсатди. Шу билан бирга ўзининг ҳам эсини жойига туширди. У нотаниш эмас, шумқадам ҳам эмас, яхши, беозор одам.

Файбаров беихтиёр Қўлдошнинг қўлидаги суратга тикилди. Ундаги Шарифнинг сиймоси аста-секин йўқолиб бормоқда эди...

## ЙЎҚОЛГАН ЗИРАК ҲАНГОМАСИ

Эзма билан инжиқнинг қофияси бир-бирига тўғри келмаганидек, бундай инсонларнинг феъл-атвори ҳам ўзаро мос бўлмас экан. Акс ҳолда Музаффар билан Рисолат тинч, аҳил-иноқ яшаган бўлишарди. Худонинг берган куни — ғавро! Иккови ҳам бир-биридан қолмасликка ҳаракат қилади.

Мана, бутун Рисолат яна кетиб қолди.

Жанжал нимадан чиқди ўзи? Ҳа, мучаллардан бошланди. Музаффар қайсидир газетадан ўқиб келган экан, хотинидан сўради:

— Қўй билан тўнғиз никоҳда келишиши керак экан, нега биз нуқул жиқиллашамиз?

Рисолат кулимсираб жавоб берди:

— Чунки сиз қўй эмас, эчкисиз-да!

Музаффарнинг қошлари тугун бўлди. Хотини бу ҳазили билан унинг устидан бир тоғора мағзава ағдаргандек бўлганди. Музаффар бошлаб жавоб зарбаси йўллаш учун ичида яхшилаб ўйлади: «Ҳар ҳолда сенга ўхшаган тўнғиз эмасман», десаммикан? Йўқ, бу билан гўё эчкилигимни тан олган бўламан. «Тўнғизлар қўй билан эчкининг фарқига борармиди?» — десам-чи? Ҳа, ҳа, шундай дейман! Зўр зарба!»

— Эчки, дейсанми?.. — Музаффар шундай деб, бош чайқади-да, қўшимча қилди: — Менинг мучалим қўй, билмайсанми? Э, қаердан ҳам билардинг?! Сенга ўхшаган бефаросат тўнғизлар қўй билан эчкининг фарқига борармиди?



Рисолатнинг қошлари чимирилиб кетди, кўзлари эса чақчайди.

— Мен ҳали бефаросат бўлдимми? — деди у.

Музаффар беўхшов тиржайди:

— Албатта! Фаросатли тўнғизни қаерда кўргансан? Ҳи-ҳи-ҳи!..

Рисолатнинг юзидан қони қочиб, лаби гезарди, бурун катаклари катталаша бошлади. «Бу ҳақиқатан ҳам тўнғизга айланяпти-ёв!» — деб ўйлади Музаффар.

— Ҳали тўнғиз билан яшаяпман, денг?

Музаффар салгина ён босмаса бўлмаслигини тушунди:

— Мучалинг шундай бўлса, мен нима қилай? Товуқ йилида туғилганигда ҳам бошқа гап эди.

— Бўпти, — бош ирғади Рисолат, — бирорта товуқни олиб келиб яшайверинг! Мен кетаман!

— Қизиқмисан? Товуқни бошимга ураманми? Гулдай хотиним бўлса! Сал тилингни тийгин-да! Хотин ҳам эрини эчки дейдими?

— Қочинг йўлимдан!

— Ўзингдан кетма, Рисолат!

— Ўзимдан кетмаяпман, уйга кетяпман.

— Қанақа хотинсан? Сал гапга кетиб қолаверасанми? Ота-онангни ҳам безор қилиб юбординг! Бемаҳалда кириб борсанг, нима деб ўйлашади?

— Сизнинг гапингизни етказсам, кейин кўрасиз нима бўлишини!

Музаффарнинг жаҳли чиқди:

— Мени кўрқади, деб ўйлаяпсанми? Кўрқмайман, тушундингми?

— Кўрқмайсизми?

— Кўрқмайман!

— Охирги гап кетганимда, кечаси кўрқиб чиқдим, деган ким? Лабимга учуқ чиқди, девдингиз!

— Кўрқиб чиқдим, демадим, босинқирадим, дедим. Ўзгачанча ётганим учун шундай бўлувди. Етти уруғингдан ҳам кўрқмайман, билиб қўй!

— Бўпти, қочинг йўлимдан!

— Кетсанг, кетавер! Фақат Зафарни ташлаб кет!

— Нима? Зафарни ташлаб кетсам, сиз эмизасизми?

— Сен ўзи... неча кунга кетмоқчисан?

— Бутунлай кетаман!

— Ҳи-ҳи-ҳи, кулдирасан-да, хотин! Ҳар доим, бутунлай кетаман, дейсан-у, кейин барибир қайтиб келасан!

— Бу сафар қайтиб келмайман! Ўзи ниятингиз шу сизнинг! Энди бу уйда қорамниям кўрмайсиз!

Рисолат ичкарига кириб, лаш-лушларини йиғиштириб чиқди. Эшикка яқинлашганди, орқасидан кичкинтой Зафар ўрмалаганча эргашди. Рисолат ўғлини қўлига олди:

— Кетдик, ўғлим, биз отанг учун тўнғиз бўп қолибмиз. Ўзимизнинг тўнғизхонамизга борайлик.

— Ўв, ўзинг бошладинг-ку! — деди Музаффар. — Нега қўйдек ювош эрингни тақасоқол эчки дейсан?

— Мен ҳазиллашиб айтдим, — эшик тутқичига қўл чўзди Рисолат. — Сиз эса ростини айтдингиз!

— Мен ҳам ҳазиллашдим-ку!

— Сиз ичингиздагини айтдингиз, — шундай деб Рисолат эшикни очди.

— Шошма! — Музаффарнинг нимадир ёдига тушиб, Рисолатни билагидан ушлаб тортди.

— Қўйворинг! — додлади Рисолат силтаниб. — Нега урасиз? Ҳаққингиз йўқ! — Унинг чинқириғидан Зафар йиғлаб юборди.

— Қачон урдим? Нега тўхмат қиласан? Кетасан, шошма! Ўтган галгига ўхшаб пулларимни шипириб кетмаяпсанми ишқилиб? Сумкангни кўрсат!

— Кўрсатмайман! Ўзингизни «таможня» деб ўйлаясизми?



Музаффар Рисолатнинг сумкасига ёпишди. Рисолат эса сумкасини янада қаттиқроқ бағрига босди. Икки ўртада «торта-торт» бошланди. Зафарнинг йиғиси авжигача чиқди. Ниҳоят, Музаффар сумкани тортиб олиб очди-да, ичидан уч тахлам мингталик пулларни олди:

— Бу нима? Эримни бирйўла шилиб кетай, дебсан-да!

Рисолат пулларга ёпишди, аммо Музаффар бўш келмади: ахир, пешанаси терлаб топган буларни! Индамай бериб қўярканми! «Тавба, қандай топибди, — деб ўйлади у, — наҳотки, янги пайпоқнинг ичига қўйганимни билган бўлса? Кундузи ҳамма жойни тимирскиланиб кўради-да бу ревизор!»

— Беринг пулларни, мен қандай кетаман? — чийиллади Рисолат.

— Бақирма! — ўдағайлади Музаффар. — Қандай кетаман, эмиш! Бу маҳалладан у маҳаллагача «Афросиёб» поездида кетмасанг керак, ҳойнаҳой!

— Зиқна! Хасис! Қизғанчиқ! — деди Рисолат алам ўтида баттар қоврилиб, кейин уйдан чиқиб кетди. Тифлиснинг «тақ-туқ» овози ва Зафарнинг йиғиси бўсағада, сўнг подъезд деворларигача акс садо берди. Музаффар токи шиппагини кийгунича подъезд эшиги даранглаб ёпилгани эшитилди.

— Ҳали йиғлаб қайтасан! — деб қолди ортидан Музаффар. Кейин эшикни шарақлатиб ёпди-да, жаҳлини босиш учун яхшилаб тамбалади. — Аҳмоқ хотин! Одам бўлмадинг сен! Онангни кўриш учун баҳона излаб ўтирган экансан-да! Тўнғиз!

Музаффар даҳлизда у ёқдан-бу ёққа юрар экан, югуриб бориб балкон деразасини очди-да, додлади:

— Орқамдан ялиниб боради, деб ўйлама, Рисолат! Керак бўлса, ўзинг йиғлаб келасан ҳали!

— Э, тинчлик борми, йўқми?! — бақирди нариги домдан кимдир.

\* \* \*

Козим дўсти Музаффарга тикиларкан, унинг муддаосини тушунди.

— Яна хотининг кетиб қолдимиз? — деб сўради. — Ичаман, деб қолибсан?

— Э, бизнинг хотинни биласан-ку! — хўрсинди Музаффар. — Кетиш хобби бўлиб қолган унга. Кетса, кетаверсин! Ялиниб бўпман!

— Кетса, кетсин, дейсан-у, ичинг дириллаб турибди. Юр, олиб келамиз.

Музаффар бош чайқади:

— Йўқ, — у шундай деб пиёлаларга ароқ қўйди. — Онамга ҳам, опамга ҳам, «энди бормайман, товуғи билан яшайверсин», дебди.

— Товуғи билан? Тинчликми ишқилиб? Бирорта аёлни олиб бормаганмидинг уйга? Хотининг ушлаб олганга ўхшайди.

— Қўйсанг-чи! Қанақа аёл? Биз оддий гапдан жанжаллашиб қолдик. Мен, товуқ бўлсанг яхши эди, дедим. Ҳазиллашиб айтдим. Унинг йили — тўнғиз-да!

— Нима қипти, мениям хотинимнинг йили тўнғиз!

— Сеники яхши тўнғиз, Козим!.. Меники ўжар, қайсар, аҳмоқ тўнғиз!.. Э, кел, ўтир ароқ ичайлик! Ичим тўла дара!

Музаффар кетма-кет уч пиёла ароқни ичиб юборди, Козим эса ароғини ичмади. У ошнасининг ҳасратини тинглаб ўтирди. Шундай қилмаса бўлмайди. Гарчанд Музаффарнинг ҳаёти деярли бир хил сценарий асосида давом этса-да, шунга ўрганиб қолган. Музаффар гапираверади, Козим эшитади.

— Вой, болалар?

Козим ҳам, Музаффар ҳам ўтирилиб қарашди. Уларнинг столига Фарида яқинлашиб келарди. Қуюққина сўрашишди.



— Майлими, ўтирсам? — тиржайди Фариди.

— Албатта, — Музаффар ишшайиб, унга бўш стулни тўғрилаб қўйди: — Қалайсан, синфдош? Бормисан бу оламда?

— Борман, борман! Ўзларинг қалайсизлар? Хотинларинг, болаларинг яхшими?

— Шукр, — жавоб берди Козим. — Ўзинг яхшимисан, Фариди? Куёв бола қалай юрибди?

— Э, ўлсин, — қўл силтади Фариди. — Ажрашдим у билан!

— Нима? — Музаффарнинг кўзлари катта-катта очилиб кетди. — «Ажрашдим?» дейсанми?.. Ана-ана! Мен сенга нима дедим, Фариди? Ўша найнов кадрингга етмайди, демовмидим?

— Ҳа, кадримга етмади, Музаффар! Ўзинг айбдорсанда ҳаммасига! Совчи юбор, дедим, живачкадай роса чўздинг ўшанда!

— Ҳозир ҳам кеч эмас, Фариди! — Музаффар шундай деб Фаридага беҳаёларча тикилди.

— Вой, гапингни қара!

— Нима қипти гапимга? Ё мени севмай қўйдингни? Фариди хахолаб кулиб юборди:

— Энди севгига бало борми, Музаффар? Хотининг бу гапингни эшитса, сенга қўшиб мениям каратэ қилиб тепади.

— Мен хотиним билан ажрашдим, Фариди! Энди сенга совчи юбораман. Бир вақтлардаги хатоимни тузатаман. Ўзимнинг Фаридам! Фара чироғим!

— Алдаяпти, — деди Козим шоша-пиша. — Бу... бу овсарни билмайсан! Қачон кайфияти бузилса, хотини билан ажрашаверади.

— Ҳа, шундай, — кулди Фариди. — Фара чироғим эмиш! Яна бироз ўтирса, мени прожекторга айлантиради-қўяди!

Музаффар ўрнидан қўзғалди:

— Мен сени уйга олиб кетаман, Фара, юр! Мен сени севаман!

— Ўв, ўзингни бос! — дўқ урди Козим. — Нималар деб валдираяпсан?..

— Козим... сен бизнинг севгимизга аралашма! — деди тили гўлдираб Музаффар. — Мен Фаридани уйга олиб кетаман! Биз эрталабгача «Гангам стайл»га ўйнаймиз.

— Ўв, отанг бу гапингни эшитса, ўзингни «Гангам стайл» қилиб қўяди, — Козим жиғибийрон бўлар, айниқса Фариданинг кетгиси йўқлигидан баттар жаҳли чиқарди.

Ўзи авзалбошдан енгилтак эди бу қиз! Музаффарнинг бошини айлантириб, эс-ҳушини ўғирлаган. Мактабни битирганларидан кейин ҳам уни роса эрмак қилди. Музаффар уйда ғавғо кўтарадиган бўлди: «Мени Фаридага уйлантиринглар, бўлмаса ўлиб қоламан!..» Ризамат ота уни ҳовлидаги толга боғлаб, чунонам калтакладики, шундан кейин попути пасайди. Аммо барибир ич-ичидан фignon чекадиган бўлди. Бир куни оқшом Фаридани қандайдир йигит билан қўлтиқлашиб юрганини кўрди-ю тахта бўлди-қолди. Козимни топиб, юм-юм кўз ёши тўқди.

Бирин-кетин синфдошлар оилали, бола-чақали бўлиб кетишди. Фарида қўшни туманга узатилди. Музаффарни ота-онаси Рисолатта уйлантиришди. Энди... мана, орадан шунча йил ўтиб, бу телба эски гапларни қўзғаб ўтирибди.

— Агар мени севсанг, уйимга борасан, — деди Музаффар.

— Мен тура қолай, — қўзғалди Фарида. — Холам келиши керак эди.

— Холангниям олиб борамиз, — деди Музаффар. — Холанг яхши рақсга тушса керак?

— Хўп-хўп, бошқа пайт, Музаффар! — Фарида зўрға узоқлашди.



— Эй, ўзингни қўлга ол! — деди Музаффарни ушлаб қолган Козим. — Бу гап хотинингга етиб борса, биласанми, нима бўлишини?

— Хотиним бир тийин! — Музаффар шундай деб, яна ароқни хўплади. — Мен Фаридага уйланишим керак эди! Қара, икки юзи янги пишган помидордай қип-қизил!

— Бўлди, бас етар! Юр, кетдик, мен ишга боришим керак. Тушликни ҳам расво қилдинг!

— Сен кетавер! Мен Фарамни топай!

— Эсингни йиғ, хумпар!

— Менга қара, уйлари қаерда эди? Катта гузардами? Бориб топиб, ўйимга олиб кетаман! Ахир, мен уни севаман, Козим!

— Музаффар, ҳозир жағингга битта тушираман, севгипевгинг чиқиб кетади. Сени ўзим ўйингга олиб бориб ташламасам... Оч қоринга ичасан-у, ўлигингни менга ортиб оласан, аҳмоқ!

— Э, Козим, ичимда фақат зардоб халта бор, у тўлиб кетган, — ҳиқиллай бошлади Музаффар. — Мен... мен мана шу Фаридага уйланишим керак эди. Унинг қадрига етмадим. Агар Фаридага уланганимда, йўлимни ёритарди лампа чироғим бўлиб.

— Ўл «Фарида» лаб.

Козим Музаффарни биқинига туртиб-туртиб уйига элтиб ташлади.

\* \* \*

Музаффар ярим кечада ўйғониб кетди. Хотинини туш кўриб ётганди. Рисолатнинг сочларини силаб, энди ўзига тортганди, ўйғониб кетди. Кўзларини очди-ю, хотинининг кетиб қолгани, уни соғинганини ҳис қилди. Айниқса, кичкинтой Зафарни кўргиси келди. Эрталаб қайноғасиникига бориш, ўғлини олиб қочишни ўйлади. Аммо...

Бир гал шундай қилган. Ўшанда Рисолат нақ «тревога» кўтарганди. Музаффарни «бола ўғриси»га чиқарган. «Зафар мениям ўғлим», деганида айюҳаннос солган. Зафар тилга кирганида бошланган бундай машааша! Музаффар жажжи ўғлини эркалатиб, «қани, дад-да, дегин», деганида, «йўқ, ая, дегин, ая», деб турарди.

Ғалати хотин-да! Аввалбошдан уйларига кетиб-кетиб, ўрганди-қолди. Музаффар бир чидди, икки чидди. Қайнотасининг уйига боравериб, туфлиси қийшайиб кетди. Ҳатто, хотини ва ўғлини соғиниб борганида ўша ерда қоладиган бўлди. Ҳай-ҳай демаса, ичкүёвга айланарди ўзиям! Кейин Рисолатнинг ортидан бошқа бормасликка қарор қилди. Уят — ўлимдан қаттиқ! Шу тарзда қайнонаси ёки қайнсинглиси бормаса, Рисолат ҳам келмайдиган бўлди. Келганида... тиржайиб уйга кирар, эрини кўргиси келганини сездирар, унга қараб Музаффарнинг ҳам юзида табассум ёйилиб кетарди. Шу тариқа соғинган қалблар бир-бирига ошиқарди.

Музаффар ҳозир шуларни ўйлаб, энтикиб кетди. «Сени, соғиндим, Рисолат, — деди ўпкаси тўлиб. — Сен ҳам мени соғингандирсан? Қачон қайтиб келасан? Агар шу гал келсанг, бошқа ҳеч қачон хафа қилмайман. Қасам ичинг, дейсанми?... Бунча қасам ичиришни яхши кўрасан, Рисолат? Сен менга ишон, қасамга эмас!.. Агар ҳозир келсанг, мана шу уйнинг ичида сени даст кўтариб юрман!..»

Эшик тақиллади.

Ярим тунда!..

Музаффар ҳайрон бўлди. «Қулоғимга эшитилди», — деб ўйлади. Эшик яна тақиллагач, сакраб ўрнидан турди. «Хотиним келди, хотинжоним келди», — деди ирғишлаб.

Эшикка яқинлашган эди, ташқаридан шивирлаган овоз келди:



— Вой, очинг тезроқ!

— Ҳозир, ҳозир, — шоша-пиша эшикни оча бошлади Музаффар. — Тушимга кирувдинг, бежиз эмас экан.

Аввал ташқаридан хушбўй атирнинг иси гуп этиб урилди, сўнг Музаффар ўзини ўнгламай туриб, Рисолат кира солиб, уни кучоқлаб олди.

— Соғиндим, роса соғиндим.

— Мен ҳам жоним! — Музаффар худди ҳозиргина кўрган тушидаги каби унинг сочларини силади. — Ишонсанг, сен ҳақингда ўйлаб ётувдим.

— Дарров сенсираб қолибсизми? — шивирлади Рисолат. — Хотинингиз келмадими ишқилиб?

— Нима? — кўрқиб кетди Музаффар. — Сен... сен Рисолат эмасмисан, а?

— А?

Музаффар шоша-пиша чироқни ёқди. Унинг қаршисида Фарида турарди. Иккаласи ҳам бақриб юборишди.

— Менга... йигирма тўққизинчи уй керак эди, — деди Фарида.

— Йўқ, бу... бу йигирма... саккизинчи!

— Сен... нима қиялсан, Музаффар?

— Мен... Бу менинг уйим, Фарида! Ўзинг қ...қандай келиб қолдинг?

— Ҳалиги... ҳа... Холамнинг уйи, деб ўйлабман, Музаффар. Ҳалиги... анови... нега қаққайиб турибмиз?

— Б...билмасам, — елка қисди Музаффар.

— Бир ўзингмисан?

— Ҳа... Йўқ, — Музаффарнинг назарида худдики эшик очилиб, Рисолат кириб келадигандек туюлиб кетди. — Йигирма тўққизинчи уй — кўчанинг нариги томонида! Бора қол!

— Алдама, бир ўзингсан, — ўзига келиб олган Фарида бўйинини чўзиб, ичкарига разм солди. — Хотининг йўқ уйда, ажрашганман, дединг-ку!

— Нима? Қачон айтдим? Нега ажрашар эканман? Мен хотинимни севаман. У тушларимга киради. Мен сочларини силаб...

— Менга сув бер, нафасим тиқилиб қолди, — деди Фаридида нима деярини билмай. — Лифтни ишлатиб қўйсанг бўлмайдимми?

— Сув? — Музаффар ошхонага ўтар экан, орқасига қараб қўйди. — Ҳозир... Бир дақиқа!.. Сен жойингда тур!

— Вой, намунча қўрқасан? Кундуз куни, «севаман» лаб ётувдинг-ку! Мени уйингда таклиф қилдинг! Мана, келдим.

Музаффар ошхонадан сув олиб келгунча Фаридадан кўз узмади. Сўнг қўллари қалтираб, косадаги сувни унга узатди. Фаридида хўмрайиб қараб, сувни ютоқиб ичди. Шу аснода кўзларини Музаффардан олмасди у.

«Бу кетадиганга ўхшамайди, — деб ўйлади Музаффар. — Мактабда ҳам шунақа эди: математика муаллими синфдан чиқиб кетишни талаб қилганида без бўлиб туравларди».

— Анови... холанг кутиб қолди.

— Кутса, кутар, — деди Фаридида. — Чарчадим. Бироз дам олмасам бўлмайди. Ҳар ҳолда синфдошмиз-ку, а?! Қолаверса, бир пайтлар орқамдан юргансан! Қоронғида қоқиниб-суриниб юрмайин, тўғрими?

Музаффар қўрқиб кетди:

— Нималар деяпсан? Ҳозир хотиним келади. Боғчага кетувди.

Фаридида унинг соддалигидан кулиб юборди:

— Хотининг ярим кечада боғчада нима қилади?

Музаффар орқага тисарилди:

— Сен ҳаётга енгил қарама, — деди файласуфларча у.

Фаридида Музаффарга тик қараб деди:

— Менга пул керак, Музаффар! Агар пул берсанг, ҳозироқ чиқиб кетаман.



— Пул?... Нега берарканман? Бу ер отангинг банки эмас, Фариди! — деди Музаффар, ичида эса гижиниб қўйди: «Мен хотинимга пул бермайман-у...»

— Ҳеч бўлмаса, қарзга бериб турарсан? — ялтоқланди Фариди. — Қайтараман!

Музаффар жаҳл отига минди:

— Фариди, агар ҳозир чиқиб кетмасанг... бақираман.

Фариди худди биринчи марта кўраётгандек, Музаффарга ҳайрат кўзлари билан боқди:

— Бақирасан?... Бақиравер!.. Сен, ўзи жинни-пинни бўлганинг йўқми, Музаффар? Кеча ўзинг уйингга таклиф қилдинг. Ҳозир эшикни очар-очмас, ёпишиб кетдинг-ку!

— Мен... хотиним боғчадан қайтди, деб ўйладим-да!

— Менга қара, сен исмингни биласанми?

— Исмин?... Музаффар. Нега сўраяпсан?

— Сен исмингни Музаффар эмас, Ошқовоқ, деб ўзгартир, хўпми? Хотинингдан шунчалик қўрқар экансан, нима қилардинг, бошимни қотириб?... «Гангам-стайл» эмиш!.. Ошқовоқ! Яхши қол!

\* \* \*

Музаффарнинг эрталабгача уйқуси келмади. У Фариданинг гапидан жаҳли чиқар, уни билмасдан бўлса-да, қучоқлаб олгани учун ўзини гуноҳкор сезар. Рисолатни кўз олдига келтириб уялар, бошини гоҳ кўрпа ичигатиқиб, гоҳ чиқарарди. Назарида, Фариди ҳамма гапни Рисолатга етказадигандай туюларди.

Нонушта ҳам томоғидан ўтмади. Қўлига телефонни олиб, рақам терди.

— Алё, салом, — деди ютиниб. — Рисолат, қалайсан, жоним?... Алё... Бўлди энди, ярашайлик! Соғиниб кетдим.

Рисолат ҳадеганда жавоб бермади. Афтидан у ҳалиям хафа эди.

— Кеча яна босинқираб чиқдим, — овозига ваҳимали тус берди Музаффар. — Бир жодугар келиб, мени қучоқлаган... йўғ-ей, бўғаётгандай бўлди. Кел энди, ярашайлик. Уй ҳувиллаб ётибди. Зафарниям соғиниб кетдим.

— Ўзим ҳам уйга бормоқчи эдим, — деган жавоб келди телефондан.

— Яша, хотин! Агар келсанг, энди сира уришмаймиз! Фақат яхши гаплардан гапирамиз!

— Бораман...

Музаффар телефонни ўчириб, енгил тин олди. Кейин қўлларини бир-бирига ишқаб, тиржайиб қўйди.

У ишга кетиш олдидан эшикни очар экан, бўсагадан орқасига қайтди. Қўлига супургини олиб, остонадаги шолчани супурган бўлди:

— Холангникига кетганинг рост бўлсин, Фарида! Илоё, қайтиб келма!

Ана шунда шолчанинг қайрилган бир бурчагида ётган кичкина ёқут зиракка кўзи тушди-ю, Музаффарнинг вужудини ток ургандек бўлди. Юраги гурсиллаб, шартта эшикни тамбалади. Зиракни қўлига олиб, роса тикилиб қаради.

— Аҳмоқ Фарида, — деди у йиғлагудек алфозда, — қайтиб келиш учун атайин ташлаб кетибди. Энди нима қиламан?

Ростдан ҳам энди нима қилади? Музаффар йўқлигида Рисолат уйга келса, кейин Фарида ҳам қайтиб келиб, эшикни тақиллатиб турса!

Зиракни чўнтагига тиққан Музаффар шифохонага қараб учди. Козим операцияга кираман деб турган экан. Музаффардан зирак ҳақида эшитиб, энсаси қотди. Кечаги ҳангомаларни эслатиб, роса сўқди. Музаффар илтимос оҳангида деди:



— Жўражон, вақт ўтяпти! Бир ёрдам қил, илтимос. Жон жўражон, шарманда бўлмайин! Нима десанг, розиман!

— Сен ўзи қачон одам бўласан, аввал шуни айт!

— Сен хоҳлаган пайтда, жўражон! Илтимос, бир бало қилиб шу ишни тўғрила!

— Сен расво қиласану, мен тўғрилайми?

— Фаридага мана шу зиракни бериб қўйсанг бўлди. Уйимга келиб ўтирмасин.

— «Уйимга олиб келаман», девдинг! Барибир айтганингни қилибсан-да!

— Ҳой, Фариданинг ўзи келди. Холамнинг уйи, дейди бақрайиб. Сув сўради, бир коса бердим. Сув берган савоб, дейишади! Нима бермаслигим керакмиди?

— Аҳмоқсан-да! Сув беришга берибсан, Фариданинг қулоғига нима қилардинг ёпишиб? Хотинбоз бўлмай ўл!

— Нега қулоғига ёпишаман, Козим?

— Унда нима учун зираги уйингда тушиб қолади?

— Мен Фаридани ҳайдаб чиқардим. «Билиб қўй, мен хотинимга хиёнат қилмайман», дедим. Унинг ўзи атайин зирагини ташлаб кетган, қайтиб келиш учун.

— Шунга энди мен балогардон бўлайми?

— Сен мана шу зиракни Фаридага топшириб қўй, вассалом! Бор-йўғи шу! Агар мен берадиган бўлсам, яна бирор баҳона билан ёпишиб олади.

— Бўпти, — деди Козим ҳануз энсаси қотиб, сўнг қўлидаги зиракка тикилди. — Шу тугмадек тақинчоқ бошингга бало бўлмаса эди ҳали!

— Вақтни ўтказма, Козим!

— Ҳозир операциям бор. Беморни тайёрлашди. Наркоз ҳам беришгандир!

— Наркозда бўлса, янаям яхши! Сен зув этиб Катта гузарга чиқиб келасан. Унгача касалинг ўзини билмай ётаверади.

— Ўв, операция дегани дўконингдаги савдо-сотиқ эмас. Фариданинг телефонини топиб, қўнғироқ қиламан. «Сюрприз бор», десам, югуриб келади.

— А?.. Ҳа, Козим, шундай қил! Фақат кечиктирма! Агар Рисолат йўлга чиққан бўлса, ҳадемай уйда бўлади. Тезлаштир, илтимос!

— Хотинингни чақиришга бало бормиди шу пайт?

— А?.. Мен зиракни кейин кўриб қолдим-да!

— Бўпти, боравер!

Музаффар шифохонадан чиқиб, дўконга йўл олди. Унинг икки қўли ишда бўлса-да, хаёли гоҳ Фаридага, гоҳ Рисолатга, гоҳ Козимга кетиб қоларди. Козимнинг қўнғироғини кутавериб, тоқати-тоқ бўлди. Чидай олмаганидан ўзи унга қўнғироқ қилди.

— Нима дейсан? — деган овоз келди.

— Ошнажон, ҳал бўлдими? — мумкин қадар мулойим оҳангда сўради Музаффар.

— Ҳа, қўнғироқ қилдим. Ҳозир йўлда. Бўлдими? Операцияга кириб-чиққунимча етиб келади. Бераман ўша зиракни!

— Шошма-шошма! Сен операцияннга кирмай тур, жўражон!

— Эй, сен тентакмисан, нима бало?! Операция ўйинчоқми? Беморнинг ҳаёти билан ўйнашиб бўладими, гаранг?

— Сен беморни ўйлайсану, менинг ҳаётимни ўйламайсанми? Қанақа жўрасан? Ахир, операцияга кириб кетсанг, Фарида келиб кутавериб зерикканидан уйимга қараб йўл солади-ку!

— Нима қилай бўлмаса?! — Козим шунақанги бақирдики, Музаффарнинг қўлидаги телефон зириллаб кетди.

Музаффар ялиниб-ёлворди:

— Жон жўражон, озгина сабр қил, озгина! Илтимос, илтимос ва яна мингта илтимос. Битта оилани бузиб



юборма! Менга раҳминг келмаса ҳам, боламга раҳминг келсин! Сенинг ўрнинга бирорта бошқа врач операция қилсин. Бутун бошли шифохонада бошқа врач қуриб қолганми?

— Оббо!

— Қирқига чидаган қирқ бирига ҳам чидайди, Козим! Битта зиёфат мандан жўра!

— Э, зиёфатинг бошингда қолсин! Мени тинч қўйсанг бўлди!

— Яшавор, дўстим! Бу гапинг янаям зўр чиқди. Демак, кутасан-а, Козим!

— Ҳа, кутаман! Касал ўлиб кетсаям кутаман. Сенга ўхшаган худбинлар...

— Э-э, яхши ният қил, жўражон! Ҳеч ким ўлмасин, деб ният қил, ахир, сен врачсан-ку! Энг зўр врач! Яқин ошнасининг оиласини асраб қолувчи врач! Фақат яхшилик қиладиган врач!

— Бўлди қил!

— Хўп-хўп!

Музаффар телефонини ўчириб, хотиржам бўлди. Кейин чаққон-чаққон қимирлаб, савдо қила бошлади. Шу топда мижозларни бирам яхши кўриб кетдики...

\* \* \*

Бу ерда Козим бўларича бўлди. У ичида Музаффарни болохонадор қилиб сўкар, Фаридани-ку, етти аймағини қўшиб, лугатидаги жами бўлмағур сўзларни қўллаб, ҳақорат қиларди.

Наркоз таъсири тугаб, бемор Қобил бобо кўзларини очди. Қадини ростлаб, полдан ниманидир излай бошлади.

— Тинчликми? — ҳайрон бўлди Козим.

Қобил бобо эшитмади — унинг қулоқлари оғир эди.

— Сизга туриш мумкин эмас, — деди Козим.

— Калишим қани? — сўради Қобил бобо.

— Бобо, сизни ҳали операция қилганимиз йўқ, — деди ҳамшира.

— А? Кампирим опкетдими калишимни?

Козим баланд овозда тушунтирди:

— Қобил бобо, сизни энди операция қиламиз. Яна бироз ётиб туринг, — кейин ҳамширага буюрди: — Қайтадан наркоз беринг.

— Вой, қари одам чидаш берармикан? — қўрқди ҳамшира.

— Оббо! Чидайди, чидайди! Бу киши бир пайтлар полвон бўлган, билмайсизми?

— Кампиримга тилпон қил, калишимни олиб келсин, — деди Қобил бобо Козимга. — Айтгандай, нечта чок тушди қорнимга?

Козим Қобил бобони ётқизишга уринди.

— Сиз ётиб туринг, Қобил бобо. Энди операция қиламиз.

— А?

— Оббо!

— Бунча «бобо»лайсан! Хаёл билан нос ютиб қўядиган одатим бор. Шунга дарров қорнимга пичофингни тиқишинг шарт эмасди. Сен ўзи кимнинг ули эдинг? Нозимними?.. Ошқозондаги нос қандай кирган бўлса, шундай чиқиб кетаверади-да! Биринчи марта ютмаяпман.

— Гастрит, Қобил бобо, бу фақат носдан эмас.

Ҳамшира Қобил бобога укол қилмоқчи бўлди.

— Шошмай туринг, — деди Козим.

— Нега? — ҳайрон бўлди ҳамшира.

— Ҳозир... бир киши келиши керак. Йўлда!

— Лекин яхши аперасса қипсан, — деди Қобил бобо. — Ҳеч қаерим оғримаяпти.

— Оббо! Бу чолнинг қулоғига нима бўлган ўзи, — минғирлади Козим. Кейин бақирди: — Сизни энди операция қиламиз.



— Ҳа, аперассани кутса бўларди! Мендан кўра, шу калишни ардоқлайди! Манови ерда турсаям ҳеч ким опкетмасди. Ўғлим, сен тўфлингни бериб тур. Кейин қайтариб бераман.

— Сизга тўфлимни бериб, ўзим пайпоқда юрмайманку! — зикланди Козим. — Илтимос, ётинг.

— Размерим қирқ тўрт, болам.

Козим Қобил бобога яқинлашиб, секин ўрнига ётқизди. Кейин телефонини олиб, рақам терди.

— Алё, қаердасан? Келяпсанми? Шунчаям куттирадими одам?

— Қандай сюрприз экан, айта қол, Козим, — деган овоз келди телефондан. — Ичимни қизитма. Мен, мана, яқинлашиб қолдим. Беш дақиқада кираман. Нима экан, айта қол.

— Кеча йўқотган зирагингни бермоқчиман, Музаффар ташлаб кетди, — Козим шундай деб телефонининг қизил тутмасини босди.

— Чопонимниям опкелсин, — деди Қобил бобо ётган жойида.

— Хўп-хўп, сиз жимгина ётинг, — деди Козим, сўнг ҳамширага ўтирилди. — Укол қилаверинг.

Ҳамшира отахоннинг танасига офриқсизлантирувчи суюқлик юборди.

— Кеча кампирим урчуғини ҳам кўтариб келгди, — деди ётган жойида Қобил бобо. — Буни нима қиласан, десам, шу ерда йигириб ўтираман, дейди. Кейин мени гапга солиб, калишимни опкетиб қопти. Неча марта айтдим... сен... сўрамай ҳеч нимами... ол... ма... дедим... У эса... Хр-р-р-р...

— Бошқаларни чақираверинг, мен ҳозир қайтаман, — деди Козим ҳамширага, сўнг хонадан чиқди.

Аммо орадан беш дақиқа тугул ўн беш дақиқа ўтса ҳамки, Фарида келавермади. «Операция олдидан зинҳор асабийлашма», — деди Козим ўзига-ўзи, бироқ бундай ва-

зиятда қандай қилиб асабийлашмаслик мумкин? Козим хонасига кирди-чиқди, Фаридага қайта-қайта қўнғироқ қилди, аммо у жавоб бермади. Орада Музаффарга телефон қилиб, сўкиб ташлади. Кейин операция хонасига йўл олди.

Жарроҳлик амалиёти бошланди. Тўғри, бу енгил операция! Аммо барибир диққат-эътиборни чалғитмаслик керак. Энг муҳими, Қобил бобо ҳушига келмаса бўлгани!

Операция тугаш арафасида бош шифокор ўринбосари Рустамов кириб келди.

— Козимжон, сизни бир оғайнингиз сўраяпти, — деди қўлидаги телефонни узатиб. — «Ука, Козим операция хонасида», десам ҳам, «агар ҳозир гаплашмасам, ҳаётим издан чиқади», дейди. Ҳайронман, менинг телефонимни қаердан олибди?

Козимнинг жаҳли чиқди. Азбаройи бош шифокор ўринбосари узатгани учун ҳам, ҳамширага имо қилди. Ҳамшира телефонни унинг қулоғига қистиргач, чеккароққа ўтди.

— Козим, Козим, — ҳовлиққан овоз келди нариги томондан, — нега телефонингни олмайсан?

— Тез гапир, мен операциядаман, — мумкин қадар мулойим гапиришга ҳаракат қилди Козим.

— Менга қара, жўражон, зиракни бермадингми ишқилиб, сен ўзимнинг жўрамсан-ку! Жўражонимсан-ку!

— Бердим, ўзинг айтдинг-ку! — деди Рустамов хонадан чиқиб кетганидан жонланган Козим. — Хумпар, эшак! Мени тинч қўясанми? Нега бош шифокор ўринбосарига телефон қиласан?

— Бердингми, бердингми, унда ўлдирибсан! — оҳ уриб юборди Музаффар. — Ўша зирак Фариданики эмас, хотинимники экан. Хотинимники ҳам эмас, холаси бир дугонасидан олган экан. Ҳозир Рисолат уйнинг ҳамма жойини тит-пит қиляпти. Нега берасан?



— Ўзинг, бер, дединг-ку, довдир!

Музаффарнинг йиғламсирагани эшитилди:

— О, алвидо, ҳаёт! Алвидо, дўконим! Алвидо, барчаси!

— Бас қил-ей, — жеркиди Козим. — Бермадим, бўлдимми?! Ҳали Фарида келгани йўқ, — Козим шундай деб, ҳамширага имо-ишора билан қулоғига қистириб олган телефонни олишни буюрди.

— Тўхта, эшит, Козим, сен дунёдаги энг яхши одамсан. Ўша зиракни бирор жойга тиқиб ташла, ҳеч ким тополмасин. Илтимос, жўражон, ҳаётим қилнинг энг учида турибди. Хотинимга, «онангнинг уйида йўқотгансан», дейман. Шундай жойга тиқиб ташлагинки, ўзинг ҳам тополмагин! Мен ҳам сўрамайман.

— Хўп.

— Сўз бер, Козим... Козимжон! Жўражон!

— Ўв, қанақа одамсан?! — бақирди Козим. — Қўясанми-йўқми?

Козим шу қадар асабийлашгандики, ияги титраганидан Рустамовнинг телефони силжиб тушиб, бўлак-бўлак бўлиб кетди.

\* \* \*

Музаффарларнинг уйи ростдан ҳам алғов-далғов эди. Гидамларнинг таги, ошхона, ваннахона, ҳеч қаер қолмабди. Барибир зирак йўқ эди!

— Онангнинг уйида йўқотгансан, — деди Музаффар кўзларини аланг-жаламг қилиб.

— Йўқ, мана шу уйда йўқолган, — йиғламсиради Рисолат. — Холамнинг дугонасиники эди, энди нима қиламан?

— Баттар бўл! Ким сенга кет, деди?

— Топиб берасиз, сиз олгансиз, — кўзларини чақчайтирди Рисолат. — Сиз атайин ташлаб юборгансиз.

— Калланг борми? — яна кўзларини аланг-жаланг қилди Музаффар. — Мен нега ташлаб юбораман? Сен ўзинг уч кундан кейин билдингми йўқолганини? Ўша зиракка қўшиб каллангниям йўқотиб қўйгансан-да!

— Кетган куним, қулоғимдан ечиб, сумкага солувдим. Биттасини солган эканман, жаҳл устида иккита, деб ўйлаганман... Топиб берасиз! Кимга бергансиз, айтинг! Қайси аёлга?

Музаффар довдираб қолди, аммо дарров ўзини қўлга олди:

— Эсинг жойидами, Рисолат! Қайси эркак битта зиракни беради? Бунинг учун бир қулоғи йўқ аёлни топиш керак.

— Тўхтанг, биз кетганимиздан кейин уйни сугурдингизми?

— Қ... қайси... уйни? — деди Музаффар тили калимага келмай.

— Сиз гапингизни йўқотиб қўйяпсиз, нимадир бўлган, — Рисолат эрига шу қадар синчковлик билан тикилдики, Музаффарнинг нафаси ичига тушиб кетди. — Айтинг, ким келувди? Яхшиликча тан олинг!

Музаффар бор кучини йиғиб, жавоб берди:

— Нималар деяпсан? Наҳотки, мени хиёнаткорга чиқараётган бўлсанг? Қайси калла билан шундай деб ўйладинг? Қулоғингдаги зиракни бировга бериб юборишдан бошқа ишим йўқми? Сени уч кун соғинганимга жавобинг шуми, Рисолат? Сендан кутмагандим. Агар менга ишонмайдиган бўлсанг, майли, виждонингга ҳавола!

— Қани бўлмаса зирак? — йиғламсиради Рисолат. — Ернинг остига кириб кетмайди-ку!

— Топилади, Рисолат, топилади, — хотиржам қилди Музаффар. — Фақат ваҳимага тушма! Кўнглим сезяпти, албатта, топилади.

— Топдим, топдим, — бақириб юборди Рисолат.

Музаффар ҳайрон бўлиб, унинг кўзларига тикилди.



— Сен шошма, ўша зиракни, мана, мен топиб бераман.

— Қаердан топиб берасиз?

— Боя сўрадинг-ку, уйни супурдингизми, деб. Эсимга тушди, супургандим. Ахлатхонага ташлаб юборганман.

— Нима, вой? — деди Рисолат ваҳима қилиб. — Боринг, тез топиб келинг.

— Кечқурун топаман, хотин. Ҳозир ишга қайтиб боришим керак.

— Бу нима деганингиз? Ҳозир топинг!

— Менга қара, ўша тугмадек зирак шунчалик керакми? — деди Музаффар. — Ўзим сенга зўридан олиб бераман.

— Йўқ, тугмадек бўлсаям ўшани топиб берасиз. Холамнинг дугонасиники, дедим-ку!

— Хўп, — энсаси қотди Музаффарнинг. — Сен уйдан чиқмай ўтир. Мабодо бирор киши келсаям эшикни очма!

— Нима? Ким келиши мумкин?

— Ҳеч ким... Энди... билиб бўлмайти-да!

Музаффар уйдан чиқар экан, Козимга қўнғироқ қилмоқчи бўлди-ю, ўйланиб қолди. Агар ҳозир телефон қилса, унинг баттар жиғибийрони чиқади. Қолаверса, Козимнинг олдида Фарида ўтирган бўлиши ҳам мумкин. Ишқилиб у қўнғилчанлик қилиб, Фаридага бериб қўйган бўлмасин зиракни!

«Козимнинг ишхонасига югуришим керак, — режа қилди Музаффар. — Зиракни қайтариб оламан».

Музаффар шифохона дарвозасига етар-етмас, Фаридага дуч келди. Танимаганга олиб кетмоқчи эди, Фарида унинг йўлини тўсди:

— Ҳа, синфдош? Шапкўр бўлиб қолибсанми?

— А? Э, Фарида сенмисан? Қалайсан? Ишларинг, болаларинг яхшими? Эринг қалай?

— Менинг зирагим қани, Музаффар?

— Қанақа зирак? Ана, қулоғингда-ку!

— Буни айтмаяпман, кеча уйингда йўқотган зиракни айтяпман.

— Нима, Козим айтдими? — деб юборди Музаффар. — У сеники эмас, хотинимники экан. Аниқроғи, холасининг дутонасиники!

— Ўша зирак меники, билиб қўй! — кўрсаткич бармоғини нуқиди Фарида. — Хотинингнинг қулоғидагини ҳам ечиб, менга иккита қилиб бермасанг, ўзингдан кўр!

— Ие, пўписа қиялпсанми? Бермасам, нима қиласан? Қўлингдан нима келарди?

— Агар ўша зиракни бермасанг, уйингга борганимни хотинингга айтиб бераман. Манзилинг жуда яхши эсимда қолган.

Музаффар нимадир демоқчи эди, аммо овози чиқмай қолди. У ютиниб, тамшанар, ранги-қути ўчган, қаршисида Фарида эмас, балки улкан алвасти тургандек, қўрқиб қолганди.

— Ҳа, овозинг чиқмай қолди, нима бўлди? — деди Фарида орсизларча.

— Нега сенга беришим керак? — зўрға сўради Музаффар.

— Мени уйингдан ҳайдаб чиқарганинг учун! Козим иккаланг мени аҳмоқ қилганинг учун! Устимдан кулганларинг учун!

Музаффарнинг дами ичига тушиб кетди:

— Фарида, бошқа устингдан кулмаймиз.

— Телефонинг неччи? — сўради Фарида.

Музаффар елка қисди:

— Бил...ма...дим.

Фарида Музаффарнинг қўлидан телефонини олди-ю, қандайдир рақамларни териб, сақлаб қўйди.

— Мана, ёзиб қўйдим. Ўчирма! Зиракни бериш учун телефон қиларсан.

Фарида кетди, Музаффар эса дарвозага суяниб қолди.



\* \* \*

Козим кечки пайт ишдан чиқаётиб Музаффарни кўриб қолди. Аввалига индамай ўтиб кетмоқчи эди, аммо дўстининг аҳволини кўриб, раҳми келди.

— Музаффар, нима гап? — сўради у. — Нега дарвозага ёпишиб олгансан?

Музаффар миқ этмас, худди ҳайкалдай, қотиб турарди. Козим уни дарвоза панжарасидан зўрға ажратиб олди.

— Ҳой, тош ютганмисан, нима бало?

— Мен тамом бўлдим, жўра!

— Нега тамом бўласан? Нима гап ўзи?

— Менга ўзини ўлдирадиган дори бер, жўражон. Мен ҳаёт билан видолашмоқчиман.

— Оббо!

Козим уни хонасига олиб келди. Музаффар ҳалиям ўзида эмасди. Козим қандайдир дори ичирди.

— Мен сенга ўлдирадиган дори бер, дедим, Козим.

— Бас қил! Гапир, нима бўлди?

— Хотиним келган...

— Ҳа, айтдинг. Ҳаммасига ўзинг айбдорсан, Музаффар. Менга, шу зиракни бирор жойга тиқиб ташла, дединг, айтганингдек қилдим.

— Сен буёғини эшит, Козим. Анови Фарида, зиракни менга берасан, деяпти.

— Ие! Нега унга бераркансан?

— Мени кўрқитяпти.

— Пўписа қиялтими?

— Ҳа, пўписа, қилди. Уйингга бориб, хотинингга ҳаммасини айтиб бераман, дейди. Менга ёрдам бермасанг бўлмайди, Козим!

— Яна нима қилай, Музаффар? — деди Козим оғир хўрсиниб.

— Менга қара, мен ҳаммасини ўзим ёзиб бераман. Сенга ҳеч қандай давоим йўқлигини айтиб, ўз ихтиёрим билан шундай қилдим, дейман!

— Нимани нима қиласан?

— Айтяпман-ку, ўлдирадиган дори топиб бер, деб. Ичаман-у кўзимни юми-и-и-б ётаман. Мендан рози бўл, жўра! Ўлиможди хати ёзаман, хавотир олма.

Козим ўрнидан туриб кетди:

— Эй, сен қанақа одамсан-а? Гапингни қара! Аёл кишидан шунчалик ҳам қўрқиб ўтирибсанми? Шу қилганига милицияга ариза ёз, ўлиможди хати эмиш!

— Йўқ, милицияга ёзолмайман. Рисолатнинг тоғаси ишлайди у ерда. Бор гапни эшитса...

— Шунчалик виждонсиз бўп кетибдими Фарида! Сенга айтдим, эс-ҳушингни йиғиб ол, дедим! Меровга ўхшаб нималарни гапираётганингни билмайсан. Сен, яхшиси, ҳаммасини хотинингга айтиб бер. Шундай-шундай бўлди, дегин!

— Мен сени жўрам, деб ёрдам сўрадим. Нега Фариданга зирак ҳақида айтиб қўйдинг?

— Сўрайвериб, хит қилиб ташлади-да! Овози ўчсин, деб айтдим.

— Энди буёғини ҳам ўзинг тўғрилайсан. Мана шу Фаридани узоқ ўлкаларга олиб бориб, адаштириб келасан!

— Ўв, сен мени балога қолдирма! — тутақди Козим. — Одам савдосига ҳам аралаштирма! Хурмача қилиғинг деб, битта сатангни етаклаб юришим қолувди. Мендаям оила бор, бола-чақа бор, иш бор! Сенинг ҳар бир ножўя хатти-ҳаракатинг учун бошимни кундага қўя олмайман. Мен Фарида билан гаплашиб кўраман. Тушунтираман.

— Сен, яхшиси, унинг эрини топ, Козим. Кўз олдимизда Фаридани уриб-уриб, олиб кетсин.

— Оббо! Нуқул топшириқ берасан. Мени адъютантинг деб ўйласанг керак-да, а? Бўлди, бас, ўйлама, ҳаммаси яхши бўлади.

— Айтганинг келсин. Бўпти, зиракни бер!

— Зиракни нима қиласан?



— Нима қилардим, хотинимга бераман!

— Фаридага нима дейсан?

— У билан ўзим гаплашаман, дединг-ку! Бер зиракни!

— Йўқ, бермайман!

— Ие, сен бошлама энди! Ўша зирак бир аёлники экан. Рисолат анқовсираб тақиб олибди. Агар тезда қайтармасак, бўлмайди. Мени, ахлатхонадан топиб келинг, деб уйдан чиқариб юборди. Уйни супурдим, девдим-да! Бўла қол! Бермайман эмиш, тавба!

— Сен ўзинг менга, зиракни бирор жойга тиқиб ташла, дединг-ку! Эртага ёки индинга бераман.

— Бу нима деганинг? Тушунмадим. Қанақа одам-сизлар ўзи? Мени ўзимнинг дўстим гўрга тиқади, шекилли?

— Ўпкангни бос, Музаффар! Мен... зиракни ҳеч ким тополмайдиган жойга яширганман. Сен, анқовнинг гапига кирибман-да, қаёқдан билай!

— Қаерга яширган бўлсанг ҳам олиб бер.

— Нима десам экан? Хўш... У ҳозир Тошкентга кетган, бир-икки кундан кейин келади.

— Тошкентга кетган? Бу нима деганинг? Зирак қандай қилиб кетади Тошкентга?

— Йўқ, Қобил бобо кетган. Сал оғирлашиб қолувди, опкетишди.

— Қобил бобонг ким? Уни нима қиламан? Мен сендан зиракни сўраяпман.

— Ўша зирак Қобил бобонинг қорнида! Операция қилаётганимда, ҳеч ким тополмайдиган жойга тиқ, деганинг учун ошқозонига жойлаб, тикиб ташладим.

Бу гапни эшитган Музаффар бақрайиб қолди.

— Мен сен учун врачлик қасамини буздим, — давом этди Козим. — Қобил бобо бир-икки кунда қайтади, муолажа қиламан, дейман-у, ўша зиракни қорнидан олиб бераман!

— Наҳотки шундай қилиш мумкин бўлса? — қўрқиб кетганди Музаффар. — Зирак ошқозонни тирнаб ташламайдимми? Ахир, унинг игнаси бор-ку!

Козим бош чайқади:

— Йўқ! Қайтага яп-янгига айланади. Ошқозон деворларига урилиб, сайқалланади.

— Ҳамма врачлар шунақами?

— Ҳа, энди... баъзан шунақа бўлиб туради. Эшитмаганмисан, врачларнинг энг яхши сейфи — беморларнинг ошқозони, дейишади. Мана, яқинда бош врачимиз иккинчи хотинига олиб берган машинасининг калитини беморининг қорнига яширган. Туғилган кунигача турсин, деган.

— Астарфирулло!.. Сенларга ишимиз тушмасин!.. Анови... Қобил бобони Тошкентда текширишмайдимми? У ёқдагилар операция қилиб, зиракни олиб қўйишса-я!

— Қўрқма, операция қилдирмайди. У қулоғини текширтиргани кетган.

— Ишқилиб сен зиракни қулоғига тиқиб қўймадингми?

— Э!.. Қўйсанг-чи, шу гапларни! Хуллас, хотинингга айт, ахлатчи Миша, дейсанми, Гриша, дейсанми, Марғилонга кетиб қоғти, келса, зиракни олиб бераман, дегин! Фарида билан ўзим гаплашаман.

\* \* \*

Рисолат уйни яна бир марта ағдар-тўнтар қилиб чиқди. Эрини роса кутди. «Топмаган, — деб ўйлади у, — энди нима қиламан? Холамга нима дейман? Ўша кун иккинчи қулоғимни пайпаслаб кўрсам бўлмасмиди?»

Музаффар келавермагач, ахлат ташланадиган жойни ўзи кўздан кечирди. Диққат бўлиб, уйга қайтди.

Музаффар кириб келди.



— Ҳаммаси жойида, — деди у. — Дядя Гриша дегани бор экан, ўша олибди зиракни. Кейин Марғилонга кетибди.

— Нима? Нега кетади? Сотишгами?

— Йўғ-ей! Ўзининг иши билан кетибди. Мен ўша Гришанинг уйини топиб, ўғлига тайинлаб келяпман. Ўғли айтди, зиракни кўрдим, келса, айтаман, деди. Отаси қайгадир яшириб кетибди.

— Қачон келаркан?

— Узоғи билан икки кунда!

— Ўлсин Гриша бўлмай, зиракни ташлаб кетса ўладими?

— Шуни айт, хотин. Мен ҳам шундай дедим.

— Мен икки кун қандай кутаман? Холам сўрайвериб, қонимни ичяпти.

— Э, кутиб турсин шу холанг! Тутмадеккина зиракка шунчами?

— Ана шу тутмадеккина зирак уч миллион туради, биласизми?

— Йўғ-ей? — оғзи ланг очиди Музаффарнинг, кейин беихтиёр сўради: — Менга қара, агар, мабодо, дейман-да, ўша зиракни кимдир ютиб қўйса, ошқозонида яхшигина турадими?

Бу саволдан энди Рисолат ваҳимага тушди:

— Ҳали уни ютиб қўйдингизми?

— Э, жиннимисан? Нега ютаман?

— Унда нега бундай савол беряпсиз? Сиз бир бало қилгансиз. Ичиб келган бўлсангиз, кўзингизга нўхатга ўхшаб кўринган-у шартта еб қўйгансиз! Яширманг, очигини айтаверинг!

— Нафасингни иссиқ қил-ей! Ўйламай гапирасан! Ундан кўра, болани нега олиб келмадинг, шундан гапир!

— Ютиб қўймадингизми, деяпман.

— Сенга бир гапни айтиб, кейин қочиб кетиш керак. Болани нега олиб келмадинг, деб сўрадим.

— Чунки мен яна кетаман-да!

— Қаерга кетасан?

— Онамникига, қаерга бўларди! Зиракка келувдим. Бировга бериб юборишингизни қаердан билай?

Музаффарнинг жаҳли чиқди:

— Э-ҳе, жа кетагон бўи қоптиларми? Тиллари ҳам бурро! Онажонинг тилингни қайраб-қайраб юборибди, шекилли? Зирак учун келганмиш! Мен, эринг учун келибсан, деб ўйлабман.

— Сиз айбни ўзингиздан изланг! Мени тўнғиз деган ким?

— Мени эчки, деган-чи? Ўзингники билинмайди.

— Сиз гапни бурманг, зиракни топиб беринг.

— Айтдим-ку, ошқозонда турибди, деб. Икки кун...

— Қанақа ошқозон?

— Э, Гришава, деб. Унинг лақаби «Ошқозон» экан. Одамни чалғитиб қўясан-да, хотин. Ҳозир бундай қиламиз: иккаламиз отангнинг уйига борамиз, мен ташқарида тураман, сен кириб, Зафарни олиб чиқасан. Уйга қайтамыз.

— Бекорларни айтибсиз. Мен ҳали онамнинг дийдорига тўйганим йўқ.

— Бўпти, онанг билан қайтамыз.

— Пичинг қиялпсизми? Онамнинг айби нима, айтинг? Доим шу кишини гапирасиз.

— Пичинг қилганим йўқ, чин дилдан айтяпман. Онагни олиб келиб, уйимизнинг тўрига ўтқазамиз.

— Тушунари. Бир ўзингиз уйингизнинг тўрида ўтираверинг. Мен кетдим.

Музаффар Рисолатнинг йўлини тўсиб, чуқур ўз тортди. Нима деса, ишонади бу хотин?.. Ие, шошма, қайтага Рисолатнинг кетгани яхши эмасми? Ахир, Фарида келиб қолиши мумкин-ку уйга!

— Майли, кета қол, — йўл бўшатди Музаффар. — Салом айт.



Рисолат кетиш ўрнига чимирилиб қаради:

— Сиз мени ҳайдаяпсизми?

— Нега ҳайдайман? Ўзинг кетаман, дединг-ку!

— Бу ерда бир гап бо-о-о-р. Тўғриси айтинг, ким келади? Ўйнашингиз келадими?

Музаффар ўзини босиб, жавоб берди:

— «Кетма», десам, «кетаман», деб туриб олсанг, «бўпти, кетавер», десам, қаёқдаги гапларни гапирсанг. Хоҳласанг, қолишинг мумкин. Фақат...

— Нима фақат?

— Зафарни қандай қилиб кўзинг қияди, хотин? Биз бу ерда, у онангникида!

— Сиз гапни олиб қочманг. Ким ўша аёл?

— Қайси аёл?

— Ўша-да!.. Кундошим!

— Рисолат, сен қонимни қайнатиб ичяпсан.

\* \* \*

Агар Ҳанифага қайнонаси шипшиб қўймаганида, у эридан заррача шубҳаланмаган бўларди.

— Эрингизга кўз-қулоқ бўлинг, — деди Маърифат хола чой дамлаётган келинига. — У нимадандир безовта.

Ҳанифа ҳайрон бўлиш баробарида ич-ичида ногаҳоний хавотир туғилди. Аёл кишининг эридан хавотири эса, аввало, рашкка бориб тақалади. Қайнонаси жуда синчков, бекорга «кўз-қулоқ бўлинг», демади. Эри яхши одам, аммо ишга кирган битта-иккита янги ҳамшира ғунажинга ўхшаб кўзини сузган бўлса... Шифохонага амалиётчи талаба қизлар ҳам келиб туради, деб эшитган Ҳанифа.

Дастурхон бошида эрига синчков назар солганини Козим сизди:

— Ҳа, нега менга қарайсан?

Маърифат хола ўғлини койиб қўйди:

— Хотин бўлгандан кейин қарайди-да!

— Кўзининг остидан бошқача қараяпти, ойи, худди разведкачиларга ўхшаб.

— Яхши хотин эрига кўз остидан қарайди, болам. Овқатингни ич.

Нозим ака гапга аралашди:

— Онанг ҳам менга шундай қараган, ҳеч қаеримиз камайиб қолмаган, ўғлим.

Нимадир эсига тушдими, Козим чўнтагидан телефони олди-да, кимгадир қўнғироқ қилди:

— Алло, яхшимисиз?.. Ҳа, менман. Топилдимми?.. Йўқми? Нега топилмайди, топинг тезроқ...

Авваллари бундай гап-сўзларга Ҳанифа эътибор ҳам бермасди, ҳозир эса қизиқиб қолди: «Нимани топиш керак? Нима балони?»

— Тинчликми? — сўради Ҳанифа.

Козим индамади. Демак, яширяпти! Ўтган куни Музаффар жўраси қўнғироқ қилганида, иккаласи пичирлашиб гаплашишганди. Ҳа, бир гап бор!

Козимнинг телефони жиринглаб, Ҳанифанинг диққати бўлинди. У яна эрига «разведкачилар»дек тикилди. Козим телефони кулоғига қўйиб, ўрнидан туриб кетди.

— Болам бечорани шу пайтдаям тинч қўйишмайди, — деди Маърифат хола, сўнг келинига имо қилди: — Келин, чой дамлаб келинг.

— Чой бор-ку, — ҳайрон бўлди Нозим ака.

— Отаси, чойни иссиқ-иссиқ ичиш керак экан, «Ойдин ҳаёт»да айтишди, — деди Маърифат хола келинига кўз қисиб.

Ҳанифа ошхонага киришдан аввал ҳовли чеккасида турганча телефонда гаплашаётган эрига орқа томонидан яқинлашди. Қўлидаги чойнакнинг чойини у ёқ-бу ёққа сепган бўлиб, кулоқларини динг қилди.



— Виждонинг борми ўзи? — дерди Козим. — Ё мақсадинг бировнинг оиласини бузишми? Қўй, шундай гапларни!

«Бировнинг оиласини бузиш? — Ҳанифанинг юраги така-пука бўлди. — Вой, шўрим, энди нима қиламан?»

— Менга қара, ҳеч ким устингдан кулгани йўқ, кулмоқчи ҳам эмас. Сен, яхшиси, эринг билан яраш.

«Эринг билан яраш?» Бу нима дегани? Эри билан ажрашган қайси ҳамшира бўлди бу? — яшин тезлигида ўйлади Ҳанифа. — Наҳотки, эримга осилиб оляпти?..»

— Ахир, зирак сеники эмас-ку! — деди Козим Ҳанифани баттар хавотирга солиб. — У бошқа аёлники!

«Ҳали учинчи аёл ҳам борми? — сал бўлмаса, Ҳанифанинг қўлидаги чойнак тушиб кетаёзди. — Наҳотки, эрим учинчи хотинни ҳам топиб, ҳаммасига тақинчоқлар олиб бераётган бўлса?»

— Фақат уни безовта қилма, илтимос сендан, — давом этди Козим. — Биласан, оиласи бор.

«Вой, учинчисининг ҳам оиласи бор экан, — Ҳанифанинг оёқларига титроқ кирди. — Эримга нима бўляпти ўзи?»

— Яхшиси, эртага кел, гаплашамиз. Бўпти, Фарида! Илтимосимни ерда қолдирмассан? Хайр!

Ҳанифа тезда ошхона томонга бурилди, аммо оёқлари буралиб-буралиб қадам ташлади. Ошхонага зўрға кирди. Унга ҳаво етишмас, чуқур-чуқур нафас олар, кўз олди қоронғилашиб кетганди. Ошхона деразасидан ҳовлидаги чорпояга қаради. Эри жойига қайтиб, овқатлана бошлаганди. «Мен пиширган овқатни ейди-ю, тақинчоқларни бошқа хотинларига олиб беради», — жиғибийрон бўлди Ҳанифа.

У чой қўйишга ҳарчанд уринмасин, қўллари қалтираб, эплай олмади. Шартта ичкари хонага кириб, ухлаб ётган икки ширин қизчасини уйғотиб, ҳовлидан чиқиб

кетмоқчи бўлди. Зўрға шаштидан қайтди. У, ҳаммасидан аввал, эрининг маъшуқаларини кўришни хоҳларди. Ҳанифадан яхшиси ким экан? Тағин бир эмас, иккита! Ҳа, уларни топиб, сочларини битта-битта юлиб, кал хотинга айлангирмаса, Ҳанифа отини бошқа қўяди.

— Ойижон, — деди у зўрға овоз чиқариб, — бу ёққа қаранг.

— Чойни яшириб қўювдим, шунга чақиряпти, — деди Маърифат хола. — Ҳозир, келин.

— Чойни нега яшириб қўясан? — сўради Нозим ака.

Маърифат хола ошхонага киргач, эшикни ичкаридан ёпди. Келинининг авзойини кўриб, кўрқиб кетди.

— Ўғлингизнинг бир эмас, иккита ўйнаши бор экан, — деди ўпкаси тўлиб Ҳанифа.

— Вой, нафасингизни шамол учирсин, бу нима деганингиз? — ранги-қути ўчди Маърифат холанинг. — Менинг Козимим унақалардан эмас, айланай, келинжон.

— Ўзим эшитдим, ойи.

— Нимани эшитдингиз?

— Улар бир-бири билан жанжаллашиб қолишибди. Ўғлингиз зирак олиб берганга ўхшайди. Биттасига олиб берган экан, иккинчиси жанжал қиляпти.

— Қанақа зирак? Бу гап қаердан чиқди?.. Отлари нима экан уларнинг?

— Биттасиникини эшитдим. Фарида экан. «Мени тинч қўй, оилалиман», деяпти ўғлингиз.

— Ана, оилалиман, дебди-ку!

Ҳанифа йиғлаб юборди:

— Ойи. Мен ўғлингизга ишонгандим. Кундошларга куним қоладими энди? Мен ажрашаман, ойи!

— Вой, бу нима деганингиз, келин? Ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, «ажрашаман», эмиш! Яхши ният қилинг, айланай. Иккита гулдек фарзандингиз бор-а! Аввал билайлик, аниқлайлик. Балки англашилмовчилик бўлгандир?



— Агар англашилмовчилик бўлса, — ҳиқиллади Ҳанифа, — нега ўғлингиз биздан яшириб гапиради?

Маърифат хола ноилож елка қисди:

— Билмасам... Бу ишни шундай қўймаймиз, келин. Эрингизни ҳозироқ буровга оламиз, қани бўйнига олмасин-чи!

— Йўқ, отам асабийлашса, касали қўзиб қолади.

— Шу ерга чақирамиз, — Маърифат хола ошхонанинг эшигини очиб бақирди: — Козим, менга қараб юбор, мана бу газ ёнмаяпти.

Ҳаял ўтмай, Козим киргач, ошхона эшиги яна ёпилди.

\* \* \*

Музаффарларнинг уйида ҳануз жанжал давом этарди.

— Хўш, унда айтинг, зирак қани? — эллик тўққизинчи марта сўради Рисолат.

— Уф... Айтдим-ку, Гришада, деб!

— Қасам ичинг!

Хотинининг шу одати ёмон-да! Бир бурчакка қисиб олади-ю, қасамга тирайди.

Музаффар ёлвондакам қасам ўйлаб топгунича телефони жонига оро кириб, жиринглаб қолди. «Козим бўлса керак, — ўйлади у. — Ҳақиқий дўст-да, вақтида телефон қилади». Аммо телефонига қараб, авзойи бузилди: кўнгироқ қилаётган абонент... Фарида эди. Нима қилиш керак? Агар ҳозир жавоб бермаса, Рисолат баттар шубҳагумонга боради. Агар гапирса... Музаффар Фарида билан нима деб гаплашишни ҳам билмасди. Рисолат ортиқ кутолмай, унинг қўлидаги телефонга ёпишди:

— Беринг телефонни! Айтдим-а, бир гап бор, деб. «Майли, кета қол» эмиш! «Зафарни қандай кўзинг қияди» эмиш!

— Тўхта, мен ҳозир... сенга... анови... — деди Музаффар тинмай жиринглаётган телефони орақасига яшириб.

— Телефонга жавоб беринг, би-и-и-р гаплашинг-чи, ўйнашингиз билан!

— Мана, ҳозир, — Музаффар ноилож телефонни қулоғига олиб борганди, аёл кишининг овози эшитилди. Музаффар тез-тез гапирди. — Алло, эшитаман, хўп-хўп, айтиб қўяман. Хўп, дедим-ку! Ҳаммаси яхши бўлади, — шундай деб тезда телефонини ўчирди.

— Агар қулоғим том битмаган бўлса, мен аёл кишининг овозини эшитдим, — қошлари уйилди Рисолатнинг.

— Қулоғинг яхши эшитибди, хотин, — деди Музаффар ҳам хушомад, ҳам пичинг қилиб.

— Балки исмини ҳам айтарсиз?

— Исми Фарида! Сен танимайсан.

Рисолатнинг юзидан ранги қоча бошлади.

— Фарида? Ким у? Дарров топа қолибсиз-да! — деди унинг лаблари титраб. — Билардим хиёнат қилишингизни!

— Нималар деяпсан? — зўрма-зўраки тиржайди Музаффар. — Наҳотки мен сенга хиёнат қилсам? Мен-а? Сенга-я?... Бу... биласанми, ким? Бу... Ҳеч кимга айтмайсанми?..

— Ролга кирманг, боя мени ҳайдаётганингизда билувдим. Қани, кела қолсин уйга, кўрай-чи, мендан қаери ортиқ экан? Кейин бир умрга кетаман.

— Рисолат, сенга шу гаплар ярашадими? Умид билан бир ёстиққа бош қўйганмиз-ку! Бу... ҳалиги... ҳеч кимга айтмайсанми? Сўз бер! Айниқса, Ҳанифага айтмайсан!

— Қанақа Ҳанифа?

— Козимнинг хотинини айтяпман... Фарида дегани, ҳам, Козимнинг... маъшўқаси.

— Козим жўрангизни айтяпсизми? Вой, яшшамагур! Ҳали шунақа одамми у?

— Сен уни билмайсан... Фарида билан анчадан буён севишади. Иккаласининг боласиям бор.

Рисолат ҳангу манг бўлди:



— Вой, ўлмасам! Вой, бечора Ҳанифа... Шўрлик, эрини доим мақтаб гапиради-ку! Фаридаси ким бўлди ўзи? Агар... агар у Козим жўрангизнинг ўйнаши бўлса, нега сизга телефон қилади?

— Козимга телефон қилса, хотини билиб қолади-да. Шунга Козим мендан илтимос қилган. Бечора икки ўт орасида куйиб, адо бўляпти жўрагинам.

— Балки сизниям ўйнашингиз бордир? Козимга телефон қилиб, у ҳам сизга етказиб турар?

— Йўқ, менинг кўз очиб кўрганим фақат сенсан, Рисолат! Сени мана шу кўзларим билан севаман!

— Неча нафар боласи бор уларнинг?

— Кимни айтяпсан?

— Козим жўрангиз билан Фаридани айтяпман.

— Битта, йўқ, икки... Йўқ, тўртта!

Рисолат бақириб юборди:

— Ним-ма? Тўртта? Козим жўрангиз анчадан буён юраркан-да, а?

— Ҳа, беш йил бўлди, — деди Музаффар, сўнг эринмай бармоқлари билан ҳисоблаб чиқди: — Фаридадан тўртта, Ҳанифадан иккита, жами олтита боласи бор. Чатоқ бизнинг Козим жўра!

Рисолат «бечора Ҳанифа»ни кўз олдига келтирибми, бош чайқади.

— Сиз ўша Фаридани кўрганмисиз? Қандай аёл?

— Менми?... Мен... Ҳа... Йўқ, йўқ, кўрмаганман. Козим уни рашк қилиб, кўрсатмайди. Худди мен пишириб ейдигандек.

— Вой, ўла қолсин ойимчаси! Қаерда яшайди?

— Хотин, се-е-е-н айёрлик қилиб, билиб оламан, деб ўйлама. Ваъда бердинг, ҳеч кимга айтмайсан-а?

Рисолат елка қисди. Музаффарнинг жаҳли чиқди:

— Нега бундай қиласан? Агар сенга айтганимни билса, Козим жўраликдан воз кечиб юборади.

— Э, кечса, кечаверсин. Хотинбоз жўранинг нима кераги бор? Эрта-индин у сизниям йўлдан уради... Мен... Ҳанифага телефон қилишим керак.

— Нима? Агар Ҳанифага айтсанг, бетингга қарамайман, Рисолат. Телефонга яқинлашма!

— Айтмайман, кўрқманг. Ҳанифадан... элак сўрамоқчиман.

— Баҳона қилма, кечаси элакни бошингга урасанми?

— Э, нима қиласиз аёлларнинг ишига аралашиб? Тўғриси, Ҳанифага раҳмим келяпти. Наҳотки, эрининг бошқа аёлдан тўртта боласи туғилгунча бу ҳақда билмаган бўлса?

— Менга қара, агар мендан эшитганларингни Ҳанифага айтадиган бўлсанг...

— Хўш?.. Нима қиласиз? Гаширинг!

— Агар айтсанг, ростдан ҳам айтсанг...

— Нима қиласиз, деб сўрадим сиздан? Сиз ҳам иккинчи хотин топасизми?

— Ҳа, топаман. Агар Ҳанифага айтсанг, топаман.

— Э-ҳе, зўрсиз-ку! Бўпти, энди кўрасиз. Ҳанифадан ташқари, отангизга ҳам етказаман. Қариндошларингиз орасида сизнинг шармандангизни чиқараман. «Иккинчи хотин топаман», деб менга реклама қиляпти, дейман.

— Ўв, сен-чи, хотиним эмас, душманимсан!

— Сиз нима деб ўйловдингиз? Иккинчи хотинга уйлансам, Рисолат биринчиси бўлиб қолаверади, деб ўйловдингиз? Мен Ҳанифа эмасман. Яхшиси, зиракни топиб беринг, кетаман!

\* \* \*

— Нега газ ёнмайди? — деди Козим, сўнг онасининг авзойи ва хотини йиғлаётганини кўриб, ҳайрон бўлди. — Тинчликми, нима гап?

— Тинчликми, деб сендан сўраш керак, — чақчайди Маърифат хола. — Фарида ким?



— Синфдошим, — жавоб берди Козим.

Ҳанифа ҳиқиллади:

— Синфдошингиз бўлса, нега пичирлаб гаплашасиз?

Козим ғўлдиради:

— Пич... пичирлашганим йўқ. Нега пичирлашаман?  
Қизиқ, рашк қиладиган одатинг йўқ эди-ку, Ҳанифа!

Маърифат хола ўғли томонга хезланди:

— Сен, хотиним рашк қилмайди, деб иккита ўйнаш топдингми, уятсиз?

— Бу нима деганингиз, ойи? — кулиб юборди Козим. — Қанақа ўйнаш?

— Унда нималарни гаплашдинг? Ўша Фарида билан?

— Э, арзимаган гап, — деди Козим. — У бизнинг ши-  
фохонада зирагини йўқотиб қўйган экан, шуни топиб бе-  
расан, деяпти.

Маърифат хола қўлларини белига тиради:

— Эҳе, ҳали Фарида дегани ишхонангга ҳам бориб ту-  
радими?

— Касал бўлгандан кейин боради-да, ойи! Мен, «ойим билан хотиним айғоқчи бўлган, бу ерга келма», дея олмайман-ку!

Бу гапни эшитган Ҳанифа йиғлаб юборди. Маъри-  
фат хола унга бир қараб олиб, ўғлига овозини бир парда кўтариб гапирди:

— Сен, бола, донолик қилма. Гулдек хотининг, ширин-  
шакар болаларинг бор. Шуларни қандай кўзинг қийди, а?  
Уялсанг бўлмайдимми? Зирагини бу кишининг ишхонаси-  
да йўқотганмиш! Сен қулоқ дўхтир эмасдинг, шекилли?

— Йўқ, сиз тушунмадингиз? Мен...

— Иккинчисини айт!

— Иккинчисини? Иккинчи зиракни айтяпсизми?

— Иккинчи ўйнашингни сўраяпман сендан. Иккита эмиш-ку ўйнашинг!

Козим яна кулиб юборди:

— Эй, қизиқсиз, ойи!

— Ишшайма, бола! Хотини йивлаб қон бўляпти-ю, бу оғзи йиртилгудек кулади. Мен сендан жиддий сўраяпман. Агар хотининг болаларини олиб кетиб қолса, нима қиласан?

— Нима? — Козим хотинига қаради. — Йўл бўлсин? Ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ...

Ташқаридан Нозим аканинг овози келди:

— Ҳой, нима қияпсизлар? Келмайсизларми?

— Ҳозир-ҳозир, — деди Маърифат хола эшикка қарата. — Козим, отанг билмасин. Келин билан гаплашиб ол. Мен бу масалани шундай қолдирмайман, — деб ошхонадан чиқди.

Нозим ака сўради:

— Ҳа, бунча қолиб кетдинг? Газга нима қипти? Тузук ишлаёттанди-ку!

— Бир ўзингиз қолсангиз, қўймайсиз, отаси?

— Бир ўзим қўрқаман-да, — ҳазиллашди Нозим ака. — Оббо, чой қани? Томоқ қақраб кетди-ку!

— Козим, чойни олиб кел энди, — бақирди Маърифат хола.

— Ие, — ҳайрон бўлди Нозим ака, — нега Козим олиб келади? Келин-чи? Қўл-пўлини куйдириб олмадимми мабодо?

— Кози-и-и-м!

Козим келавермади. Нозим ака қошларини чимириб, гоҳ хотинига, гоҳ ошхона томонга қараб қўярди. Хонтахта устидаги телефон жиринглади. Маърифат хола уни қўлига олиб, кўзига яқинлаштирди. Ошхонадан чиққан Козим кела солиб, чойнакни хонтахта устига қўйди-да, телефонига қўл чўзди.

— Ким бу? — сўради Маърифат хола. — Охири ўн тўққиз ўттиз уч!

— Билмасам, ишхонадан шекилли? — деди қўли муаллақ қолган Козим.



Нозим ака энди гоҳ ўғлига, гоҳ хотинига қарарди.

— Бер телефонини, — деди у, — бунча кўп жиринглайди?

Маърифат хола ўғлига телефонни узатиб, қулоғини динг қилиб турди. Аммо Козим телефон тугмасини бошиб, нари кетди. Маърифат хола келинидан хавотирланиб, ўрнидан қўзғалди.

— Яна қасққа? — деди Нозим ака. — Сенга нима бўляпти?

— Ҳозир, — деб қўйди Маърифат хола.

Ҳанифанинг ҳали ҳам қовоғи очилмаганди. Маърифат хола келинига назар ташларкан, уни хавотирга қўйганидан яна бир карра пушаймон бўлди.

— Нима дейди Козим? — сўради у.

— Ўғлингиз, «кейин айтиб бераман», деяпти, — хўрсиниб жавоб берди Ҳанифа. — Телефон яна жиринглади, шекилли?

Маърифат хола бош ирғаб қўйди.

— Юринг, чиқайлик, қайнотангиз қошини чимириб қараяпти, — деди у. — Ҳали ҳаммасини аниқлаймиз, айланай, келинжон.

— Ўғлингиз, «иш шунчалик чигаллашиб кетганки, бошини тополмаяпмиз», деди.

— «Бошини тополмаяпмиз», дейди? — Маърифат холанинг хавотири ортиб, «миз» сўзига урғу бериб сўради.

— Ҳа. Ҳаммаси Музаффар жўрасига бориб тақаларкан, фақат шуни айтди. «Ҳеч кимга билдирма», деди.

— Музаффарга? Шу жўраси ҳар доим бир балолар орттириб юради-да, келин.

— Рисолатга телефон қилиб, сўрасаммикан?

— Нима деб сўрайсиз? У ниманиям биларди? Қўйинг, сабр қилинг, келинжон. Элбурундан шовқин кўтарманг.

Қайнона-келин ошхонадан чиқиб, чорпояга яқинлашишди. Нозим ака келинига зимдан разм соларкан, томоқ қириб қўйди. Ҳанифа пиёлага чой қуйиб, унга узат-

ди, сўнг ҳовли чеккасидаги эри томонга ўгирилиб қаради. Нозим ака Маърифат холага ер остидан боқди-да, нима гап, дегандек имо қилди. Маърифат хола кўзларини олиб қочди. Учовлари ҳам жим ўтиришгани учунми, Козимнинг гаплари аниқ-тиниқ эшитила бошлади:

— Нега уйини билмайсиз?.. А?.. Қаердан бўлсаям топинг. Менга жудаям керак...

\* \* \*

Бу ерда Музаффар жиғибийрон бўлар, хотинига ҳарчанд гапирмасин, у тушунмас, тўғрироғи, тушунишни истамасди. Агар Рисолат ростдан ҳам «иккинчи хотин» ҳақида қайнота, қайнонасига айтса, жанжал бўлиши турган гап! Айниқса, Фарида ҳақида эшитишса, отаси Музаффарни калтаклашдан ҳам тоймайди.

— Тўхта, бундай қиламиз, — деди Музаффар. — Эсингдами, бир пайтлар «Қалинни кам бергансизлар», деб мен билан уришувдинг?

— Уришганим йўқ, ростини айтганман. Дугоналаримнинг олдида шарманда бўлганман. Роса устимдан кулишган. «Ўл, зикна йигитга тегмай», дейишган.

— Ўзингдан қўшмай гапир... Бўпти, ўша қалин пулини, мана, ҳозир бераман. Эвазига овозингни чиқармай юрасан.

Рисолатга жон кирди:

— Қанча берасиз?

— Уялмайсан ҳам!.. Ўн минг бераман!

— Ўн мингга ўша жўрангиз билан музқаймоқ олиб енг! Битта лимон, яъни бир миллион берасиз ва мен жимгина юраман.

Музаффар бу гапни эшитиб, жони чиқиб кетаёзди. Хотинига еб қўйгудек тикилди.

— Менга бундай олайиб қараманг, — бидирлади Рисолат. — Бир миллиондан бир сўм ҳам кам эмас. Акс ҳолда ҳамма гапни, энг аввало, Ҳанифага айтиб бераман!



Кейин бошқаларга етказаман! Мен ўзимнинг ҳақимни сўраяпман. Эртами-кечми, барибир қалин пулини беришингиз керак эди.

— Сен биласанми, кимсан? — аламдан бўғилди Музаффар. — Фирт тамагир, порахўр одамсан! Яхшиям сендайлар бирор амални эгалламайди.

— Мажбурлаш йўқ, ўзингиз биласиз, — хотиржам гапирди Рисолат. — Мен ҳалиям кам сўраяпман. Агар ўрнимда бошқа хотин бўлганида бир миллион эмас, битта мармелад сўрарди. Мармеладни биласизми ўзи? Миллиард! Бир миллиард дегани!

— Сен ўзи хотиниммисан, йўқми? — бақирди Музаффар. — Куппа-кундуз куни эрингни хонавайрон қилмоқчимисан?

— Аввало, ҳозир кундузи эмас, кечаси, — эслатди Рисолат. — Бу, биринчидан! Иккинчидан, менга бақирманг! Хотинингиз эканлигимни жуда яхши биламан. Шукр, дўконингиз бор, ҳеч қандай хонавайрон бўлмайсиз!

Музаффар чуқур-чуқур нафас олди. Сўнг Рисолат мўлтираб қараб деди:

— Ўн беш минг.

— Э, қочинг-ей йўлимдан. Тинчгина кетганим яхши эди! Кўнсангиз, бир миллион! Ҳозирнинг ўзида берасиз! Бир сўм тугул, бир тийин ҳам кам эмас.

Музаффарнинг қўллари хотинини уриш учун шунақанги қичишиб кетдики, зўрға чидади.

Тавба, бировга айтсанг, ишонмайди. Қайси хотин эрини бу қадар қийнайди? Ҳеч қайси! Тағин, «бошқа хотин бўлганида бир миллиард сўрарди», эмиш!

«Бу билан ажрашмасам бўлмайди, — деди у ўйлашиб. — Хотин эмас, аждарҳо! Буни... фақат ўлдирсам, қутуламан, акс ҳолда мени шармандайи шармисор ва касод қилади. Қандай... ўлдирсам экан? Бор пулларимни оғзига тиқсам, жон берармикан?.. Ҳа, шундай қиламан. Ана шунда армонсиз кетади...»

Музаффар бу ўйидан кўрқиб кетди. Йўқ-йўқ, нега ўлдиради? Ахир, Рисолат — хотини-ку! Умид билан бир ёстиққа бош қўйишган. Қолаверса, пулларни оғзига тикса, Рисолат тишлаб, йиртиб ташлаши мумкин. Қисқаси, унча-мунчага жон бермайди бу!

Нима қилиш керак? Музаффар нега пулдан гап очди ўзи? Наҳотки, тилига бошқа сўз келмаган бўлса? Одамлар, аниқроғи, аёллар нега пулга бунчалик ўч? Пул учун эрига ҳам раҳми келмайди Рисолат кабиларнинг.

— Йигирма минг, деб ўйлаётган бўлсангиз ҳам хомтама бўлманг, — деди Рисолат.

— Бир тийин ҳам бермайман, — жаҳли чиқди Музаффарнинг. — Бор, қаерга борсанг бор!

— Демак, отангиздан кўрқмайсиз?

— Агар сен ҳамма гапни айтадиган бўлсанг, мениям тилим бор. Сенда қайнота, қайнона бўлса, менда ҳам бор. Уларга мендан пул тама қилганингни айтиб бераман. «Қизингиз без бўлиб, мендан битта лимон талаб қиляпти», дейман. Қариндош-уруғларингга ҳам айтаман. Қўниқўшнилариנגга-ку, битта қолмай етказаман.

— Айтаверинг! Қалин пулини бериши керак эди, дейман.

— Сен... сен...

— Нима, мен... мен?

— Сен — қотилсанг, Рисолат!

— Вой, гапингизни! Нима балолар дейсиз-а?! Қалин пулини бераман, деган ўзингизми? Сиздан ким пул сўраса, қотил бўларканми? Кўряпсизми, зикналигингизни? Одам ҳам хотинини қотил, дейдими?

— Сен мени пичоқсиз сўйяпсан. Қотил бўлмай гўр бўлармидинг?

Рисолат эшикка ёпишди:

— Э, сиз билан нима қиламан валақлашиб? Уйга кетаман, башарангизниям кўргим келмаяпти.



— Агар пул берсам, шунақанги кўргинг келадики... Бор, кетавер! Бундан кейин иккинчи қадамингни босма! Мен эртага бориб, Зафарни олиб келаман!

— Бекорларни айтибсиз! Зафарни бериб бўпман!

— У менинг болам, билиб қўй! Тортиб бўлсаям, олиб келаман.

— Зафарни мен туққанман, сиз ҳам билиб қўйинг!

— Мен эса туғдирганман. Унинг сендек оқибатсиз онанинг қўлида ўсишини хоҳламайман.

— Мен оқибатсизманми?

— Ҳа, оқибатсизсан! Сен оиланинг қадрига етмайсан! Фақат ўзингни ўйлайсан! Ўзингнинг оиланг тугул бошқаларнинг оиласини ҳам бузасан! Менинг узоқ йиллик дўстим Козимни хотинидан айирмоқчисан! Бор, кетавер, пешанамдан кўрдим.

— Сиз ҳали хотинбоз дўстингизни мендан устун қўйяпсизми?

— Козим хотинбоз эмас.

— Вой, ўзингиз айтдингиз-ку!

— Мен... сени синаш учун айтдим, Рисолат.

— Унда ўша Фарида дегани нега телефон қилди? Гапиринг!

— Ўв, бас қил! Бугун ухлаймизми-йўқми? Ҳаммаси ўша зиракни деб бўляпти. Эртага топиб бераман ўша куриб кетгурни! Фақат оғзингни ёпиб юр, илтимос. Бир кун чида, барака топгур! Бир кун!

\* \* \*

Фариданинг боши қотган. Эрталабдан кўнғироқ қилиб, унинг кайфиятини бузишди. Қайнопаси захар аёл ўзиям. Гап билан чақиб олди. Бунинг устига Фаёза опа қизига ёв қараш қилиб, уйга қайтиш фурсати етганини эслатиб қўйди.

— Ҳайдамасангиз ҳам кетаман, ойи, — деди Фарида зарда қилиб.

— Қайнопанг нега телефон қилди? — сўради жажжи набираларини овқатлантираётган Фаёза опа. — Сен, қизнинг тилинг ёмон. Бир бало дегансанки, у нақ йигирма дақиқа лақиллади.

— Кетаман, ойи, кетаман.

— Қайнопанг нима деди, деб сўрадим.

— Озроқ пул олгандим, шуни...

— Нега пул оласан? Пулни нима қиласан?

— Бозорда у-бу савдо қилмоқчи эдим. Ўғирлатиб қўйдим. Нима қилай, ойи? Танбал кўвингиз ишламас!

— Баттар бўл! Сен ўзинг топгансан! Ризамат отанинг ўғлига ноз қилувдинг, эсингдами?

Фариданинг мақтангиси келди:

— Ҳалиям кечмас, ойи! Ўша Ризамат отанинг ўғли Музаффар, «менга тегасан», деяпти. Хотинини кўрарга кўзи йўқ эмиш!

Фаёза опа дарвоза томонга қараб қўйиб деди:

— Бекорларни айтибди ўша Музаффар. Айтдим-а, бу сафар нега бунча узоқ қолиб кетдинг, деб! Хаёлингни бўлар-бўлмас ишлар билан чалғитма! Тур, кет уйингга!

— Мен ҳали кетмайман! Ўша Ризамат отанинг ўғли менга зирак бериши керак.

Фаёза опа қизига қошларини чимириб қаради. Фаридда тушунтирмоқчи бўлди:

— Зиракни сотиб бераман, деб олувди. Сотолмабди. Шуни қайтармоқчи!

— Сен ўша Музаффар билан гаплашиб юрибман, дегин? Бир пайтлар юзимизни шувут қилганинг етмасмиди, Фаридда? Бошимга балоларни бошлаб юрган бўлма тагин! Агар яна бир марта Музаффар билан гаплашганингни билсам, мендан ўпкалама!

— Ойи, мен пулимни олмагунча ҳеч қаерга кетмайман.

Дарвоза тақиллади. Фаёза опа ўрнидан қўзғалди:

— Бу ким бўлди?



— Кўшнилари, — деди телефонига ёпишган Фарида.

— Кўшни бўлса, тақиллатмай кириб келаверади, — Фаёза опа дарвоза томонга юрди.

Фурсатдан фойдаланган Фарида қўл телефонида Музаффарнинг рақамини қидира бошлади. Топгач, ойиси узоқлашганига амин бўлиш учун дарвоза томонга қаради. Сўнг рақам териб, телефонни қулоғига тутди. Шу аснода Музаффарга нималар дейишни, заҳар-заққум гапларини ўйлай бошлади.

— Алё, Фарида, — деган овоз келди телефондан.

— Ҳа, синфдош, қалайсан? — сўрашди Фарида. — Кеча нима балолар дединг? Ёнингда хотининг бор эди, шекилли? Намунча қўрқасан? Ё еб қўядими?

— Сенда ишим бор эди, Фарида.

— Нима ишинг бор экан? Зиракни бермоқчимисан?

— Мен дарвозаларинг олдидаман. Ойинг билан...

— Нима?! — Фарида дарвоза томонга аланглаб, телефонини ўчирди. — Вой, аблаҳ! Ҳали бу аҳмоқ уйимизга келадиган бўлдимми? Ҳамма гапни ойимга айтиб бермоқчига ўхшайди. Шошмай тур ҳали!

Фарида жаҳл билан қизларини овқатлантира бошлади. Бироздан сўнг орқа томондан қадам товушлари эшитилса-да, қарамади. У онасининг қойиб беришини ўйлаб, сиқиларди.

— Чиқиб қара, — деди Фаёза опа қовоғини солиб. — Ўша Музаффар! Синфдошлар ўтириши бор, дейдимми-ей... Айт, қадамини босмасин бу уйга.

Фарида бироз хотиржам бўлди. Қизларининг оғизбурнини сочиқ билан артиб, ўрнидан турди.

— Шу ўтиришлар ҳам жонга тегди, — деб қўйди.

Дарвозадан чиқар экан, эшикни яхшилаб ёпди-да, Музаффарга чимирилиб қаради.

— Сени Қурбонова сўраяпти, — деди Музаффар томондан тараша тушгандек.

Фарида ҳайрон бўлди:

— Қанақа Қурбонова? Эрталабдан бошимни қотирмасанг-чи!

— Қанақа Қурбонова бўларди, синф раҳбаримиз-да! — жавоб берди Музаффар. — Наҳотки, устозларни ёддан чиқариш мумкин бўлса?

— Синф раҳбаримиз? Ойгул опани айтяпсанми? У мени бошига урадими? Нега сўрайди?

Музаффар бошини қашлаб турди, сўнг жавоб берди:

— Қурбонова.. синф мажлиси қилмоқчи экан. Шунга... сен... қатнашишинг шарт экан. Албатта, боришинг керак экан.

Фариданинг баттар ҳайрати ошди. Музаффарга еб қўйгудек қаради. Овозига таҳдидли оҳанг бериб деди:

— Калланг айниб қопти, Музаффар! Нималар деяпсан? Мактабни тугатганимизга неча йил бўлди? Синф мажлисига бало борми?

— Нима қипти, тугатган бўлсак? Мактабни битирганлар синф мажлиси ўтказмаслиги керак, деб бирор жойда ёзиб қўйилганми?

— Э, йўқол! Бошимни қотирма! Ўзи синф мажлисим чиқиб турибди.

— Бормасанг бўлмайди, Фарида! Мажлисда сенинг масаланг кўрилади.

Фарида қўлини белига тиради:

— Сен, довдир, нималар деяпсан?

— Ҳа, Фарида! Сен айримларнинг оиласини бузмоқчи экансан! Ҳамма синфдошлар норози! Қодирова ҳам тутаб ётибди. «Агар синф мажлиси ёрдам бермаса, ООНга ёзамиз», дейишяпти.

Бу гапдан қанчалик аччиқланмасин, Фарида шарақлаб кулиб юборди.

— Нега куласан? — жиддий оҳангда сўради Музаффар. — Сен синфимизга доғ туширяпсан. Кулиш эмас, йиғлаш керак, Фарида!



Фарида обдан кулиб бўлгач, Музаффарга зимдан нописанд тикилди. Овозига таҳқиромуз тус бериб, сўз қотди:

— Музаффар, биласанми, нима?! Мен сента эрга тегмаганимга мингдан-минг хурсандман. Хайрият, тегмаган эканман. Акс ҳолда, мени тамом қилардинг. Тўғриси айтишим, агар хотинингни ўрнида бўлганимда сени аллақачон бир бало қилиб қўярдим.

Музаффар истар-истамас, ортига тисарилди:

— Нега... нега мени бир бало қилиб қўяркансан?

— Қанақа ношудсан? Бошқа баҳона тополмадингми, нодон? Синф мажлиси эмиш! Қурбонова эмиш!.. Ўйлаб-ўйлаб, шу гап хаёлингга келдимми? Фарида ишонади, деб ўйладингми? Ё қўрқитяпсанми? Мен шунчалар аҳмоққа ўхшайманми? Аҳмоқ қилиш қандай бўлишини мен сента энди кўрсатиб қўяман! Шу пайтгача синфдошим, деб индамай юривдим. Энди уйингга бориб, ўтириб олмасам кўрасан.

Музаффарнинг юраги орқасига тортиб кетди.

— Сен ўқувчилик даврингда ҳам шундай эдинг, — давом этди Фарида. — Ақалли бир марта бўлсаям каллангни ишла. Қачонгача бундай юрасан? Ошқовоқ!

\* \* \*

Шифохона фойесида икки аёл пайдо бўлди. Улардан бири чеккароққа ўтди, иккинчиси эса бўлимга кирадиган эшик томон юрди.

— Хола, сизга нима керак? — деб сўради навбатчи ҳамшира.

— Менга... мабодо бу бўлимга янги қизлар ишга кирмадимми яқин орада?

Ҳамшира аёлга синчиклаб қаради:

— Сиз Козим аканинг ойиси эмасмисиз?

— Мен... Қизим, сиз билан очиқчасига гаплашиб олсак бўладими?

Ҳамшира аввалига жим турди, сўнг секин бош ирғади.

— Бўлмаса, бу ёққа чиқинг.

— Қаерга чиқай? Нега, хола?

— Чеккароқда гаплашайлик. Козимжон келиб қолмасин, дейман-да! Жуда муҳим гап бор. Чиқасизми?

— Нима гап экан? — ҳамшира орқа томонига қараб қўйди-да, фойега чиқди.

— Берироқ келинг, — Маърифат хола уни чеккага бошлади.

Ҳамшира яна ортига қараб қўйиб, четроққа ўтди.

— Бу гап ўртамизда қолсин, хўпми? — тайинлади Маърифат хола.

— Қайси гап?

— Шу... саволга савол беравераркансиз-да, айланай! Менинг келганимни Козимжон ҳам, бошқалар ҳам билмасин, деяпман. Ҳаммаси ўртамизда қолсин. Ё бироз пул берайми?

— А? Пулни нима қиламан?

— Болаларингизга ширинлик олиб берарсиз, — Маърифат хола ҳамширанинг халати чўнтагига пул солмоқчи эди, у қўрқиб кетиб, киссасини маҳкам сиқимлади.

— Вой, нима қиляпсиз? Агар билиб қолишса, ишдан ҳайдаламан-ку! Нега...

— Хўп-хўп!.. Сиз бир саволга жавоб беринг: Фарида деган аёл ўғлимнинг олдига кўп келадими?

— Фарида? Ким у?

Маърифат хола пичирлаб жавоб берди:

— Козимжон сизларни роса пишиқлаб қўйганга ўхшайди. Унинг Фарида деган синфдоши бор, Фаёзанинг қизи! Шу шифохоналарингда пайдо бўлиб қолганмиш!.. Қаранг, манови бояқиш — менинг келиним! Кечадан буён адо бўлди шўрлик. Шу келинимни ўйламаганимда келмасдим бу ерга! Мабодо... ўша Фарида Козимжонга хиралик қилаётгани йўқми? Роса қатнаб қолганмиш,



Ўғлимнинг олдига! Зирагини йўқотиб қўйибдимми-ей!  
Нега бошқа жой қуриб қолгандек, шу ерда йўқотади, а?

Ҳамшира анграйиб қаради:

— Ростдан ҳам нега шу ерда йўқотади?

— Балки Фарида дегани бошқа қиздир? Чунки синфдошини суриштирдик. Аллақачон эрга тегиб кетган экан. Бу Фарида ким бўлди унда? Сиздан илтимос, менга шуларни аниқлаб беринг. Келиним хотиржам бўлсин. Агар Козимжон ростдан ҳам бирортасини иккинчи хотин қилиб олган бўлса... — Маърифат хола шундай деб лабини тишлади.

— Иккинчи хотин? — яна анграйди ҳамшира.

— Йўқ, мен... иккинчи... — Маърифат холанинг ҳадеганда тилига жўяли сўз келмади. — Иккинчи хотинмас, нима десам экан?.. Иккинчи смена демоқчи эдим, айланай! Ўғлим навбатчиликка ҳам қолиб кетади-ку, шуни...

— Ўғлингизнинг ўзидан сўрасангиз бўлмайдимми, хола?

— Айтмаяпми-да! Ўша ялмоғиз бошини айлантириб қўйган-да! Сиз секи-и-и-н суриштиринг, кейин менга тилпонда айтсангиз ҳам бўлади, — Маърифат хола телефон рақами ёзилган қоғозни унга узатди. — Хўпми, айланай? Фақат ҳеч ким билмасин. Айтгандай, отингизни сўрамабман?

— Фарангиз, — ҳамшира паст овозда гапиргани учун бу исм Маърифат холага унча эшитилмади. — Чиройли исмми?

— Фарида дедингизми?

— Вой, Худо сақласин, хола, Фарангиз дедим. Яхши эшитилмадимми?

— Айтдим-а, Фаридага ўхшамайсиз, деб.

Ҳамшира қоғозни тезда чўнтагига солиб, орқасига қайтди. Маърифат хола чеккароқда тумшайиб турган келинининг олдига ўтди.

— Бўлди, айтдим, ҳаммасини аниқлаб, бизга қўнғироқ қилади, — деди у. — Энди уйга қайтсак бўлади.

— Ҳозир Рисолат келади, — деди Ҳанифа. — Зарур гапим бор, деб қўнғироқ қилди.

Маърифат хола бўлим томонга ҳадиксираб қараб қўйди:

— Рисолат? Музаффарнинг хотиними? Тавба, шу етмай турганди ўзи... Уф-ф... Ҳозир Козимжон чиқиб қолса, нима қиламиз, келин? Бошқа жойга келса бўлмайдими ўша Рисолат?

— Билмасам... Телефон қилди. Шифохонадаман, десам, «ҳозир бораман, бир гапни етказмасам, ёрилиб кетаман», деди.

— Ёрилиб кетаман, дейди? — аччиқланди Маърифат хола. — Ўлсин ўша Рисолат! Ёрилиб кетмай, деб сизга айтмоқчимми? Ундан кўра эрини маҳкам ушласин. Музаффар қиляпти ҳаммасини!

Зум ўтмай, Рисолат кириб келди. У Ҳанифанинг ёнида Маърифат холани ҳам кўрди-ю, жойида тўхтади.

— Келинг, нима демоқчисиз? — қўлларини белига тиради Маърифат хола.

Рисолат салом бериб, ортига бурилди:

— Йўқ... мен... бошқа Ҳанифада ишим бор эди.

— Тўхтанг, келин, — Маърифат хола Рисолатни айла-ниб ўтиб, йўлини тўсди. — Бошқа Ҳанифа йўқ! Мана шу Ҳанифа бор! Айта қолинг, нима гап?

Ҳанифанинг кўзларида ёш филтиллаб, Рисолатта мурожаат қилди:

— Айтаверинг, менинг қайнонамдан яширадиган сирим йўқ.

Рисолат ичидаги гапларни айтмаса бўлмаслигини тушунди. Аммо аввал қайнона ва келинга обдан тикилиб деди:

— Майли, фақат мендан эшитганларингни ҳеч кимга айтмаймиз, деб қасам ичинглар.

— Ёмон гапми? — қўрқиб кетди Маърифат хола.



— Жуда ёмон гап. Яхшиси, айтмайман.

— Айтсин, оий, — деди Ҳанифа қайнонасига. — Бор гапни билиб олайлик. Ўзингиз «ҳақиқатнинг тагига етмиз», дегандингиз. Нима бўлса, бўлар!

— Хўп, айтинг, — дадил бўлишга ҳаракат қилди Маърифат хола. — Қасам ичамиз! Агар қасамни бузсак, ҳар бало бўлайлик.

Рисолат бидирлай кетди:

— Козим аканинг... Фарида деган иккинчи хотини бор экан. Улар анчадан буён эр-хотин экан. Бир-бирини кўрмаса, туролмас экан. Энг ёмони... сизларга бу гапни эшитиш оғир, эрингиз билан Фариданинг тўртта боласи бор экан...

— Тўртта? — бақириб юборди Ҳанифа, сўнг ҳушидан кетди.

\* \* \*

Босит телефонда гаплашиб бўлганди, эшик қўнғироғи жиринглади. Унинг ичида хавотир ўрмалади. Бориб, эшик кўзчасидан қаради: ташқарида қандайдир нотаниш йигит турарди.

Босит аввалига сас чиқармади, эшик қўнғироғи яна жиринглагач, овоз берди:

— Ким?

— Очинг, уй тўлови бўйича келдик, — деди нотаниш йигит.

Босит эшикни очди. Аммо уни ҳайрон қолдириб, нотаниш йигит сўради:

— Сиз кимсиз?

— Мен? Мен... бу — мен, — ҳайрон бўлди Босит. — Сиз ўзингиз кимсиз?

— Бу уй сизникими? — яна савол берди нотаниш меҳмон.

— Ҳа, меники, нимаиди? Кимсиз ўзи?

— Мен бир иш билан келдим, майлими, ичкарига кирсам?

— Йўқ, нега кираркансиз? Ўша ерда гаплашаверинг.

— Сиз... Фаридани танийсизми?

Боситнинг қўл-оёғига титроқ кирди. Буни сездирмаслик учун қўлларини чўнтагига тикқан эди, шими ҳам титрай бошлади.

— Фарида? Ким у? — деди чайналиб Босит, бу саволи аллақандай ишонарсиз чиққанини ўзи ҳам илғади.

— Уйингизга келган-ку, яқинда, ярим кечаси.

— Ҳуҳ! Ҳуҳ! — чуқур-чуқур нафас олди Босит. — Менга қаранг, сиз, яхшиси, мени эшитинг... Ҳа, ўша аёл уйимга келди, аммо мен эшикни очмадим. Роса тақиллатди... Сиз эри бўлсангиз керак? Илтимос, хотинингизни олдингизда олиб ўтиринг.

— Э, қанақа эри? — деди нотаниш йигит. — Мен синфдоши бўламан. Отим Музаффар! Сиз бир ўзингиз яшайсизми уйда?

— Нега бир ўзим яшарканман, хотиним билан яшайман! Ҳозир у шаҳардаги касалхонада ётибди. Ҳалиги... анови, Фариданинг эри борми ўзи? Йўқ жойдан мени йўлдан урмоқчи бўлди. Менинг мутлақо айбим йўқ!

— Ўша қирчанғи меням уйимга келди, — деди ҳасратидан чанг кўтарилиб Музаффар. — Адашиб кириб қопти. Агар сиз... Фариданинг йигити бўлсангиз, уни ўзингиз бир тергаб қўйинг, демоқчи эдим, ака.

Босит остонада гаплашса, қўни-қўшни эшитишини ўйладими ёки одамгарчилик қилдими, ҳартугул Музаффарни ичкарига киритиб, сўнг эшикни ёпди.

Танишувлари ғалати бўлибди. Хотинини шаҳардаги касалхонадан кўриб уйига қайтаётган Босит автобусда бир аёл билан ёнма-ён ўтириб қолибди. Роса сўзамол экан ўзиям ўша аёл. Ухламоқчи бўлган Боситни турта-турта гапираверибди-гапираверибди. Қизиги, нуқул... ишқ-муҳаббатдан сўзлабди.



Кафеда учрашув белгилашибди. Босит қандай қилиб борганини ўзи ҳам билмабди. Учрашибдилар. Фариданинг гапларига эриб кетган Босит қандай қилиб унга уйининг манзилини берганини билмай қолибди. Фарида Боситдан пул қарз сўрабди. Кечаси уйга боришини, ўшанда олишини айтибди. Унгача соғинишини билдириб, суйкалибди.

Босит кафедран уйга қайтганидан кейингина эс-хушини йиғиб олибди. Яхшилаб ўйлаб, аёлнинг муддаосини тушунибди. Кейин ярим кечаси Фарида келиб, уй эшигини тақиллатганида очмай, жимгина ўтираверибди.

Музаффар ҳам бошидан ўтганларини гапириб берди. Ўша тундаги ташриф туфайли ҳозиргача иши чувалашиб ётганини айтди.

— Мен содда хотинга уйланиб, бундай айёр аёллар борлигини билмасаканман, — деди Босит. — Ишқилиб эрининг уйига кетармикан ўша Фаридангиз?

— Нега «Фаридангиз», деярсиз? У меники эмас, энди сизники ҳам! Уйингизнинг манзилини бергансиз-ку!

— Бурнини бурнимга теккизгудек қилиб ишва қилганига айтворибман-да! Аммо яхши ниятда бердим, мутлақо яхши ниятда!

— Бундай қиламиз, — қўлини бир-бирига ишқалади Музаффар, — сиз милиция ролини ўйнайсиз.

— Қанақа милиция? — анқайди Босит. — Мен бир оддий ҳисобчи бўлсам! Умримда спектаклда ўйнамаганман. Актёрликдан, спектаклдан етти чақирим узоқдаман. Бир марта машҳур артистни узоқдан кўриб, қалтираб қолганман. Шундай машҳур инсонлар билан битта сахнада ўйнаш... Йўқ, қўлимдан келмайди.

Энди Музаффар унга анқайиб қаради:

— Сиз мендан ҳам содда экансиз, ака! Сахнада пишириб қўйибдими? Эшитинг, Фариданинг олдига бирга борамиз. Сиз, ўзингизни майор Элмурод Сотибоев деб

қайтадан таништирасиз. «Сизни анчадан буён кузатиб юрибман», дейсиз. Ҳамма фактларни йиғаетганингизни айтасиз. «Ўша куни ҳам аслида сиз учун шаҳарга борувдим», дейсиз!

— Ҳужжатимни сўраса, бухгалтерлик гувоҳномамни кўрсатаманми?

— Ҳужжат-пужжат сўрамайди. Бундайлар милициядан кўрқади. Агар ҳозир олдини олмасак, эртага хотинингиз келганида, бир балолар деб тухмат қилишдан тоймайди бу Фарида. Биласизми, у менга нима деди? «Сен, ҳеч бўлмаса, бир мартагина каллангни ишла», деди. Унга каллам ишлашини кўрсатиб қўяман ҳали!

— Каллангиз ишлашини менсиз кўрсатаверинг.

— Кўпчилик бўлсак, яхши-да! Олдига боргач, гоҳ мен гапираман, гоҳ сиз гапирасиз. Менга, сизга, яна менга қарайвериб, боши айланиб кетади. Бир бошлайлик. «Мендан пул сўраганларинг дискка ёзиб олинган», дейсиз. Бурро-бурро ишонч билан гапиринг.

— Йўқ, мен ёлғонни бурро-бурро гапиролмайман, тутилиб қоламан. Ёдлаган гапларим ҳам эсимдан чиқиб кетади. Бир марта институтда Бобо Кайфийни ўйнашим керак эди. Репетициянинг ўзида фарқ пишган қулупнайдай қизариб, тилим танглайимга ёпишиб қолган.

— Оилангиз учун шундай қилишга тўғри келади, ака. Акс ҳолда бир миллиард бериб ҳам бундайлардан қутулолмайсиз. Ўзи сиздан нима деб пул сўради?

— Ҳалиги... Пул берсангиз, «Гангам-сангам»га чиройли ўйнаб бераман, деди. Раж Капурни яхши кўрса керак-да?.. Ҳар кўзини сузганида «тавба», десам ҳам, юрагим гупиллаб кетаверди-кетаверди.

— Биласизми, энг ёмони нима? Бир аёлнинг ўйингизга келиб, шартта ўтириб олиши ёмон!

— Нима?.. У ўтириб ҳам оладими?

— Ҳа-да!.. Аввал ўтириб олади, кейин чўзилиб ётади... Кетдикми?



— Мен ишга ўтишим керак эди. Ўзи меҳнат таътилига чиққанман, аммо аудитор текшираётгани учун...

— Юринг. Ишга кейин борсангиз ҳам бўларкан. Йўл бўйи нималар дейишингизни такрорлаб борамиз.

— Эплармикинман? Оёқларим қалтираб кетяпти.

— Эплайсиз. Агар олдини олмасак, кейин қалтирамаган бирорга жойингиз қолмайди.

Музаффар у ёқ-бу ёққа қараб сўради:

— Болалар қайнонангизнинг уйидами, дейман?

Босит каловланиб жавоб берди:

— Болалар... йўқ... Биз беш йилдан буён тирноққа зормиз. Шунга... хотин шаҳарда даволанаётган эди. Ўша куни олдига борганимда, «бўлди, энди бошқа аёлга ўланинг», деди. Мен, содда, бу гапларнинг ҳаммасини Фаридага айтиб берибман. Хотинимни... жудаям яхши кўраман.

— Э, ака, узр. Ҳали кўрмагандай бўлиб кетасиз. Мана, мени айтди, дейсиз! Менинг дўстим шифокор, оти Козим. Шаҳарда дўхтир курсдошлари ҳам жуда кўп. Албатта, ёрдам беради.

\* \* \*

Ҳанифа палатада ҳам кўзини очмади. Козимнинг ўзи унга укол қилди.

— Тушунмадим, қандай қилиб...

— Сичқондан қўрқди-да, Козимжон, — гапни илиб кетди Маърифат хола.

— Ошхонамизда сичқон йўқ эди-ку, оий?

— Ҳа, энди пайдо бўлган-да! Қўшненикидан киргандир. Сичқон, бу кимнинг уйи, деб сўраб ўтирмайди.

— Музаффарнинг хотини нима қилиб юрувди? Нега келибди?

— Билмасам... Бўйимда бор, деётганди, шекилли... Сең, ўзинг яхшимисан ишқилиб?

Козим онасига қаради:

— Бу нима деганингиз?

— Кўзингга қараб юр!

— Тушунмаяпман...

— Аввал хотининг ўзига келсин, кейин айтади.

Козим қаддини ростлаб, онасига яхшилаб тикилди.

— Нимани айтади?

— Хотининг айтади, дедим-ку!

Худди шу дамда Ҳанифа кўзларини очди. Қаддини ростлади. Эрига қаради-да, бошини четта бурди.

— Гапир! — деди Козим.

Ҳанифа қовоғини уйганча лом-мим демади.

— Нега индамайсан? — сўради Козим. — Билиб қўй, менга ўша зиракнинг умуман кераги йўқ. Музаффарнинг хотини нима деса, ишонаверасанми? Ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, ҳушингдан кетганингни қара!

Ҳанифа жаҳл қилди:

— Нега, «ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ» экан?

— Унда гапир!

— Қачон... тўртта бўлди? Қачон улғурдингиз? — йиғламсиради Ҳанифа.

Козим бу гапнинг маънисини тушунмади, онасига, сўнг хотинига ажабланиб қаради. Маърифат хола ҳам, Ҳанифа ҳам ундан жавоб кутишарди.

— Тўртта эмас, битта!

— Фарида...

— Фариданикимас, Рисолатнинг холасиники экан. Холаси дугонасидан...

— Алдаманг, тўртта! — йиғлаб юборди Ҳанифа. — Сиз билан шунча йил яшаб, қандайлигингизни билмаган эканман. Мени ўйламасангиз ҳам, болаларимизни ўйламадингизми?

— Болаларнинг нима дахли бор, Ҳанифа?

Маърифат хола бобиллаб берди:



— Ҳали бу гапни отанг эшитса, кўрасан.

— Ўзи нималар бўляпти? — деди Козим. — Нима тўртта?

Палатага Фарангиз югуриб кирди:

— Сизни телефонга чақиришяпти, бошқармадан. Тез юринг, нега турибсиз?

Козим палатадан чиқди. Фарангиз қолди, чамаси, у нимадир демоқчи эди.

— Аниқладингизми, айланай? — сўради Маърифат хола.

— Сиз Тожи холани танийсизми? — яна саволга савол берди Фарангиз.

— Тожи холаси ким экан, — елкасини қисди Маърифат хола.

— Санитаримиз. Ўғлингиз кейинги вақтларда шу киши билан пичирлашиб гаплашадиган бўпти. Бошқаларнинг олдида жим туришармиш. Қизиқ, нималарни сўзлашишлари мумкин?

Ҳанифа бошини ушлаб, Фарангизга қаради:

— Ёши нечада ўша Тожими, Ҳожи холанинг?

— Олтмишларга яқинлашиб қолган-ов! Анигини сўраб берайми?

— Нималар бўляпти, ойи? — яна йиғламсиради Ҳанифа. — Энди бу Тожи хола чиқди.

Фарангиз парво қилмай, Маърифат холага юзланди:

— Яна нималарни аниқлаб берай?

— Худди муҳим гапни етказгандай гапиради, — деди минғирлаб Маърифат хола, кейин овозини кўтарди: — Козимжон билан боғлиқ қандай нозик гаплар бўлса, аниқлайверинг.

Фарангиз чиқиб кетди.

— Юринг, уйда қайнотангиз ҳам кутиб ўтиргангир, — деди Маърифат хола.

Ҳанифа бор аламини қайнонасидан олмоқчи бўлди:

— Неваралар муборак бўлсин!

— Вой, бу нима деганингиз? — Маърифат холанинг жаҳли чиқди. — Қанақа неваралар?

— Бир эмас, тўртта!

— Вой, секинроқ, келин. Тўртта эмас, битта деяпти-ку Козимнинг ўзи. Яхшироқ ушлаш керак эди, келин. Мен шундоқ ўғлимни сизга ишониб бериб қўйибману... Бу содда гаранг, нима қилсаям, тунги навбатчилигида қилган. Навбатчилиги қуриб кетсин-а!

— Ҳали Тожи холаям дейишяпти. Ўғлингиз унияма қизини илинтириб олган бўлса керак. Мен ажрашаман, бундай хотинбоз билан яшамайман.

— Ҳай-ҳай, келин...

— «Келин, келин», дейсиз, биттаю битта ўғлингиздан нечта келинингиз бор? Уёғини сўраса, инкубаторга ўхшаб тўртта боланиям туғдириб қўйганмиш.

— Мен фақат сизни келин, дейман, айланай. Ҳали ўғлим уйга борсин, шунақанги таъзирини берайки... Иккита шириндан-шакар боласини ўйламайдими? Гўл, мерров бўлмай кеттур! Бирови кўзини салгина сузса, индамай кетаверишини қаердан билибман, келинжон? Уйга борсин, кейин уйга қадамини босмайдиган қиламан.

— Ҳайдаб юборасизми?

— Ҳа. Менга бундай ўғилнинг кераги йўқ.

Ҳанифа йиғлаб юборди:

— Уйдан ҳайдасангиз, яна бошқа хотининикига кетиб қолади-ку!

Маърифат хола келинини нима деб юпатишни билмай қолди.

— Юринг, келинжон, — деди у бироздан сўнг. — Уйга борайлик. Ўзим сизга аччиқ мастава қилиб бераман. Ичсангиз, эсингиздан чиқиб кетади.

— Ота-онам, опа-сингилларимнинг қулоғига етса, нима дейман? — кўз ёшларини оқизди Ҳанифа.



Маърифат хола ҳам йиғлаб юборди:

— Бу Козим қудаларнинг олдида ҳам шарманда қилди. Маҳалланинг олдида ким деган одам бўлди? — у йиғлаш асносида ҳали ўзи кўрмаган тўрт нафар набирасининг қиёфасини кўз олдида келтиришга уринарди.

\* \* \*

«Бекор айтдим, — деди уйга келгач, пушаймон бўлган Рисолат. — Боласини иккита, десам ҳам бўларди. Бечора Ҳанифа! Юраги кўтаролмади».

Рисолат ҳаммасидан кўра, Козимнинг уларни биргаликда кўриб қолганидан хавотирда эди.

Шу пайт телефони жиринглади.

— Рисолат, топдингми? — сўради холаси.

— Хола, яна озгина сабр қилинг, шу бутун топамиз, — чайнади Рисолат.

— Қанақа одамсан? — бақирди Чиннигул. — Битта зиракни топиш шунча қийинми? Ё ўзим бориб, уйингни чаппа қилиб келайми?

Рисолат қўрқиб кетди. У холасини билди. Агар келса, Рисолатларнинг уйи тугул қўни-қўшнилари чинни косасигача кўриб чиқади. Зирак топилмаса, ҳар бир кишини ўғрига чиқаришдан тоймайди.

— Йўқ, хола, келиб ўтирманг, — деди у. — Зирак Гриша деган ўрисда экан. У Марғилонга кетибди. Бутун кечқурун келаркан.

— Қанақа Гриша? Нега унда бўлади?

— Кўёвингиз... адашиб ўшанга берибди, — деди Рисолат, «ахлатта ташлаб юборибди», деса, жанжал чиқишини ўйлаб. — Яна бир кун, хола...

— «Кўёв — ёв», деганларича бор-да! Қаерда у?

— Айтдим-ку, Марғилонга кетганмиш, деб.

— Эрингни сўраяпман. Нега у бировнинг зирагини Гришага беради? Калласи жойидами ишқилиб?

— Эримни нима қиласиз?

— Дўкондами у? Кўчада эдим, олдига кирай-чи!

— Хола, тўхтанг, — ялинди Рисолат. — Илтимос, кирманг. Мениям ўйланг. Шу бугун ҳал қилиб берамиз, хола. Ўзи кечадан буён жанжалнинг каттасини қилиб ётибмиз. Дугонангизга бирор баҳона топиб туринг, илтимос.

— Ҳа, сенга ёмон гапирдими, дейман? Ҳозир кириб, сочини битталаб юлмасам...

— Йўқ-йўқ, — эрини кал сифатида тасаввур қилиб, баттар қўрқиб кетди Рисолат. — Эримни тинч қўйинг, хола. Топиб берамиз ўша зиракни!

— Майли, сени ўйлаб индамаяпман, Рисолат. Шу ландавур эрни бошингга урасанми, а?

— Хола, — аччиқланди Рисолат, — сизга зирак керак бўлса, менга эрим керак, биддингизми?..

Чиннигулнинг попути пасайди:

— Хўп, ўзингни бос. Гап зиракда эмас, сен тинч бўлсанг бўлгани.

— Эртага берамиз! — Рисолат жаҳл билан телефонини ўчирди.

Рисолат ўғлини кўргиси келганини ҳис қилди. Бориб олиб келмоқчи бўлди. «Бу қачонгача давом этади? — деб ўйлади у. — Ҳаётимнинг ярми отамнинг уйида ўтягги. Ўғлимнинг тақдири нима бўлади?..»

Кўз ўнгида яна Ҳанифа жонланди. Унинг болаларини ҳам ўйлади. Эрининг иккинчи хотини ҳақида эшитиб, ҳушидан кетди-я бояқиш! Рисолат бекор айтди. Музаффар эшитса, нима бўлади? «Агар Ҳанифага айтсанг, мен ҳам иккинчи хотинни топаман», деганди. Анқов бўлсаям, айтганини қилади бу эр!

— Тилим қурсин, — деди йиғлагудек бўлиб Рисолат. — Ҳанифага етказиб, нима фойда топдим? Уларнинг оиласини бузганим қолди. Энди... эрим ҳам бошқасига ўланади. Ҳанифа билан Маърифат хола бу гапни мен айтта-



нимни Козимга етказишганмикан? «Ҳар бало бўлайлик», дейишди-ку! Қасамларида туришармикан? Йўқ, одам ҳеч қачон ҳар балога айланмайди. Ана шунни билиб, қасам ичишди. Агар Козимга айтишган бўлса, у шартта Музаффарга қўнғироқ қилади. Музаффарнинг жиғибийрони чиқади. Иккинчи хотин тошгунча, аччиқ устида мени ўлдириб қўймаса эди ҳали!..

Шу пайт подъезддан қадам товушлари эшитилиб, Рисолатнинг ўтакаси ёрилди. Худдики эри хўжалик моллари дўконидан болта сотиб олиб, боши узра кўтариб келаётгандек туюлди. Ҳозир у жаҳл билан уйга киради-да, Рисолатни бурда-бурда қилиб ташлайди. Кейин... кейин бемалол иккинчи хотинга ўлланаверади.

«Тоғамга телефон қилиш керак, — яшин тезлигида ўйлади Рисолат. — Жиноят-қидирув бўлими ходимларини юборса, бир зумда етиб келишади».

Қадам товушлари тобора яқинлашарди. Рисолат телефонини балкондан излаб топгунича эшик тақиллади. У ҳайкалдек қотди-қолди. Нафас олишга ҳам қўрқарди айни дамда.

«Эшикни ичкаридан ёшганмидим? — эслашга уринди Рисолат. — Козим... Козим, аблаҳ, эримга айтишинг шартмиди?»

• Ташқарида жимлик чўқди.

«Эрим чўнтагидан калитни оляпти. Нима қилсам экан? Хонтахтанинг тагига яширинсам-чи! У ерни кўриш хаёлигаям келмайди. Хотиним яна кетиб қопти, деб ўйлайди-ю, уйдан чиқиб кетади», — Рисолат шу режа билан шартта ўтириб олди. Кейин эмаклаганча ошхонадан даҳлизга, сўнг ичкари хонага кирди-ю, хонтахта тагига ўзини урди.

Эшик очилмади, балки янада зарб билан тақиллай бошлади.

«Телефонимни олмабман, — афсус чекди Рисолат даф-даф титраганча. — Шу ердан тоғамга қўнғироқ қилардим».

Бу гал эшик тақилламай, қўнғироғи чалинганда, Рисолат бир чўчиб тушди.

«Эрим эмас экан, — деди у сал ўзига келиб. — Ким бўлиши мумкин?»

— Ўв, оч эшикни! — нотаниш аёлнинг овози келди ташқаридан. — Нега биқиниб ўтирибсан?

Рисолат яна титраб кетди. «Ким бўлсаям хонтахта остида ётганимни аниқ кўриб турибди», — ўйлади у.

— Оч дедим сенга! Мен — Фаридаман! Ҳозир кўзингга кўрсатаман!

Хонтахта тагидаги Рисолат ғужанак бўлиб олди.

«Козим эримни эмас, Фаридани юборибди, — ўйлади у. — Мен, аҳмоқ нима қилардим, бировнинг ҳаётига араллашиб?» — кейин пичирлаб, илтижо қилди: — Дадаси, қаердасиз? Мени қутқаринг! Тавба қилдим...»

\* \* \*

Музаффар билан Боситнинг иши ўнгидан келмай дўконга кириб келишди. Катта гузар тутул кичик гузарларда ҳам йўқ эди Фарида.

— Ҳечқиси йўқ, тушдан кейин топамиз, — деди Музаффар.

— Ўша Фаридангизга қўнғироқ қилсангиз, ҳамма гапни телефонда айтиб ташлардим, — баҳона қидириб кўрди Босит.

— Йўқ, телефон тўғри келмайди, юзма-юз гаплашиш керак. Энг муҳими, сиз ҳаяжонланманг. Кўзига тик қараб гапирсангиз, бас!

— Оёғига қараб гапирсам бўлмайдими?.. Чатоқ аёлда!.. Кўзини битта қисиб қўйса, гапларимни йўқотиб қўяман.

— Йўқ, фақат кўзига тик қараб гапиринг, — уқтирди Музаффар. — Нимасидан қўрқасиз? Эркаксиз-ку!

— Сиз ҳам эркаксиз!



— Тўғри, аммо мен унинг синфдошиман-да! Мана шу дўконда ишлашимни балодай билади. Бўлмаса аллақачон таъзирини берган бўлардим.

Босит кўйлагининг ёқасини бўшатиб, ойнавандли со-  
виткичда турган елим идишдаги сувга ишора қилди:

— Уф-ф, чанқаб кетдим. Битта сувингиздан беринг.

— Сув? Газлисиданми?.. Ҳозир... — Музаффар шундай деб, бош қашлади. — Сув... саккиз юз сўм!

— Пластик ўтадимми?

— А?.. Ҳа албатта! Сиз учун ўтади!

Музаффар совиткични очди. Сув солинган битта елим идишни олиб Боситга узатаркан, беихтиёр дўкон дера-  
засидан ташқарига қараб, ранги-қути ўчди. Босит унинг афт-ангорига қарамай, сувни очиб, шу ердаги пиёлага тўлдириб қўйди. Кейин мириқиб ичди. Яна қўйди.

— Муздек экан, — деди пиёлани қўлига оларкан. — Ўзингиз ҳам ичинг.

Аммо Музаффар ҳамон ташқаридан кўз узмасди. Босит иккинчи пиёладаги сувни ҳам ичиб бўлгач, унга қаради:

— Музаффарбой, нега қотиб қолдингиз? Ё кечаси Фа-  
ридага сув берганингиз ёдингизга тушдимми?

— Анови келяпти, — деди тилга кириб Музаффар. — Фарида дўконга яқинлашяпти.

— Йўғ-ей! — типирчилаб қолди Босит, сўнг у ҳам де-  
раза орқали ташқарига нигоҳ ташлади. — Ҳа, худди ўзи!..  
Ҳаҳ!.. Нима эди? Нималар дейишим керак эди, Музаф-  
фар?

— Мен... ҳалиги...

— Ие, сиз шунчалик қўрқаётган бўлсангиз, мен уму-  
ман қалтираб қолсам керак ҳозир. Мен... ким эдим, пол-  
ковникми ё генералми?

— Майор, денг, майор... Сотибоев!

— Ҳа-ҳа, майор Элмурод Сотибоев. Жа эсда қолмай-  
диган фамилия экан-да!..

— Дадил бўлинг, ан... ана...

Босит ўзини ўнглаб улгурмай, дўконга Фарида кириб келди. У Музаффарнинг ёнида Боситни кўриб, қошларини чимирди. Уларнинг ҳар иккаласига ҳам савол назари билан боқди. Музаффар ҳадеганда тилга киравермади.

— Зирак қани? — сўради Фарида сабри чидамай. — Тез чўз! Менинг вақтим йўқ.

— Сен, Фарида, бу киши билан танишгин, — деди Музаффар Боситни кўрсатиб. — Бу киши... бу киши... Ўзингиз айта қолинг.

— Мен... фельдмаршал... — Босит тутилиб қолди. — Фамилиям нима эди, Музаффар?

Фариданинг жаҳли чиқди:

— Менга зиракни чўз, дедим, Музаффар. Вақтни ўтказма, акс ҳолда ёмон бўлади.

— Сен мени кўрқитма, Фарида, — деди Музаффар. — Зирак сеники эмас. Зирак бошқаники экан. Сен, яхши-си, мана бу киши билан танишиб ол. Бу киши — майор Сотибоев бўлади.

— Наҳотки? — Боситга ўгирибди Фарида, сўнг аста-секин унга яқинлашди. — Мен бу кишини жуда яхши танийман.

Босит ортига тисарилар экан, пештахтага тақалиб қолди:

— Сиз, яхши қиз, менга... яқинлашманг. Жойингизда тўхтанг, отаман!

— Менга қаранг, — деди Фарида. — Музаффар билан масалани бир ёқли қилиб олай, кейин навбат сизники бўлади. Уйингизни жуда яхши биламан. Кафедаги учрашувимиз ҳақида хотинингизга айтиб берсам, нима бўлишини биласизми? Кўз олдингизга келтиряпсизми? Ҳаётингизни дўзахга айлантирмасам, юрган эканман!



— Хотиним шаҳарда, — деди Босит соддаларча. — Ҳали келгани йўқ. Сиз... жойингиздан қимирламанг. Ҳозир бутун бошли батальон келади. Сиз... менга пўписа қилганингиз учун жавоб берасиз.

— Тўппа-тўғри, — уни қўллаб-қувватлади Музаффар. — Сиз, Фарида Юсуфжонова, менга ям тажовуз қиляпсиз. Қўлингизни кўтариб, қимирламанг! Стоять, Юсуфджанова!

— Сенлар, ҳой, доводирлар, мен билан ўйнашяпсанми? — бақирди Фарида. — Музаффар, калланг ишлагани шуми ҳали? Ошқовоқ эдинг, ҳалиям ошқовоқлигинча қолибсан. Ана энди мендан кўрадиганингни кўрасан! Уйлариңгта бориб, шунақанги тўполон кўтарайки, бир умр эсингдан чиқмасин. Шу пайтгача раҳмим келувди, энди шафқат қилмайман. Ҳар бирингдан беш миллион сўмдан пул ундирмагунимча тинчиб бўлман.

Босит кўрқиб кетди:

— Беш миллион?.. Намунча кўп? Отпускнойим бунча чиқмайди.

— Эй, ўчир овозингни! Ўхшатмаса, учратмас, деганлари рост экан. Иккита анқов топишибди-да!

— Сиз... пластикдан ҳам олаверасизми? — ботинмай сўради Босит.

— Сенларни қариндошларинг олдида шарманда қилиб, хотинларинг билан ажраштирмасам, Фарида отимни бошқа қўяман! Яхшиликча беш миллиондан беринглар, дедим!

— Юсуфжонова, ошириб юбормаяпсизми? — орқа томондан товуш келди шу пайт.

Учовлари ҳам ўтирилиб, дўкон остонасида турган уч нафар милиция кийимидагиларга кўзлари тушди.

— Ассалому алайкум, Элмурод ака, — деди шоша-пиша Музаффар.

Барваста қоматли киши Фаридага яқинлашиб, чўнтагидан гувоҳномасини олиб кўрсатди:

— Майор Элмурод Сотибоев... Сизни бўлимга олиб боришимизга тўғри келади.

Шу пайтгача булбўлдек сайраб, арслондек ўкириб турган Фариданинг рангида ранг қолмаганди. У, ҳатто, гапиришга мажоли бўлмай, бу ердагиларга нажот кўзи билан бир-бир қараб чиқди. Икки ходим уни олиб чиқиб кетишди.

— Тоға, э, ака... Элмурод ака, сиз қандай келиб қолдингиз? — сўради Музаффар.

— Бу аёл уйлариингга бориб, жиянимни қўрқитибди, — деди майор Сотибоев. — Рисолат телефон қилди.

— А?.. Уйга борибди?.. Мен ҳақимда ҳеч нима демабдими, Элмурод тоға? Бу фирт ёлғончи!

— «Эшикни оч», деб бақирибди. Пўписи қилибди.

Музаффар пиёлага сув қуйиб, Сотибоевга узатди:

— Сувдан ичинг, тоға!

— Менинг ҳисобимдан, — деб қўшиб қўйди шу пайтгача чурқ этмай ўтирган Босит.

\* \* \*

Шундоқ ҳам эзилиб ўтирган Ҳанифа Рисолатнинг хабаридан баттар эзилди.

— Фарида уйингизга борди? — ҳайрон бўлди у. — Нима?.. Нега эрим юбораркан? Биз у кишига ҳали айтиб улгурмагандик-ку?! А?.. Кўнгли сезган?.. Ўзингиздан бўлди-да, Рисолат! Кўринмай туринг эди... Ҳа... Фарида ўз оёғи билан борган бўлса, шартта эшикни очиб, юмма таламайсизми?.. А?.. Хонтахтанинг тагида нима қиласиз?.. Жон сақладим?.. Қўрқитманг!.. Шунчалик даҳшатли аёлмикан?.. Ўша аёлни бир кўрсам эди, сўнгги қоним қолгунча курашардим... Йўқ, эрим юбормаган, ҳали бу даражага бормагандир. Яна билмадим, Рисолат...



Ҳанифа телефонда гаплашиб бўлгач, бироз ўйланиб ўтирди-да, ҳўнграб юборди. Йиғлаш асносида ўзига-ўзи бир нималар деди. Сўнг хонадан айвонга, ундан ҳовлига чиқди. Қайнонаси ошхонада мастава қилиш билан овора эди.

— Фаридани топайлик, ойи, — деди Ҳанифа йиғламсираб.

Маърифат хола келинининг авзойига қараб, хўрсиниб қўйди.

— Рисолат телефон қилди, — қовоғини очмади Ҳанифа. — Ўша аёл уларнинг уйига борганмиш. Эшикни синдирмоқчи бўлиб, роса тепибди. «Хонтахтанинг тагидан чиқ, кўрқоқ», деб бақирибди. Фарида, «уни Козим ака юборган», деяпти. Ўғлингиз нималар қилиб юргани билан ишингиз йўғ-а, ойи!

— Озгина сабр қилайлик, келин, — деди Маърифат хола мураса оҳангида. — Козимжон келсин, ҳаммасини очиқчасига гаплашиб олайлик.

Ҳанифа яна йиғламсиради:

— Озгина сабр қилсак, ўғлингиз бешинчи болани ҳам туғдиради, ахир!

— Ҳай-ҳай, ундай деманг, — ёқасини ушлади Маърифат хола. — Козим, болани битта, деди-ку! Ўзингиз эшитдингиз-ку, келин!

— Ойи-и-и-и, — Ҳанифа бор овозини йиғига қаратди. Дарвозанинг тарақлаб очилгани эшитилди.

— Ана, Козим келди, — деди Маърифат хола ошхонадан чиқиб. — Ҳозир мана шу капгир билан бошига битта урмасамми!

Дарвозадан Нозим ота кириб келганди:

— Тинчликми, кимни урасан?

Маърифат хола капгирни пастга туширди:

— Э, сизнимас...

— Нима гап ўзи? Кечадан буён авзойиларинг паст? Келин нега йиғлаяпти?

— Юринг, келин, борамиз ўша ёққа. Козим ҳали қачон келади, Худо билади. Ўша бетамизни кўрмасам, кўнглим тинчимайди.

Нозим отанинг жаҳли чиқди:

— Қаерга борасан? Сизлар нимани мендан бунча яширяпсизлар?

— Э, шу пайт сўроқламай туринг, отаси, — деди Маърифат хола. — Кейин айтиб берамиз. Сиз невараларингизга қараб туринг.

— Қаёққа кетяпсизлар? Қачон қайтасизлар?

— Қачон қайтишимиз номаълум, ота, — деб жавоб берди Ҳанифа.

— Ёпирай, буларга нима бўлган?

Қайнона-келин кўчага чиққач, қайси томонга юришни билмай қолишди. Уйи қаерда экан Фаридаларнинг? Бу писмиқ Козим синфдош қизлар ҳақида сира гапирмасдида! Нуқул кимё китобларини ўқигани-ўқиган эди. Балки ўшанда китоб орасига яшириб севги номаларини ҳам ўқигандир.

— Рисолат билмасмикан уйини? — сўради Маърифат хола келинидан.

Ҳанифа «йўқ» ишорасини қилди. Нима қилиш керак?

— Телефонингизда Музаффарнинг рақами борми? — сўради Маърифат хола.

— Бор эди, шекилли, — Ҳанифа телефонини ковлаштириб, рақамни тоқди-да, қайнона-насига узатди: — Мана, ойи, тезроқ — гудок кетди.

Аммо нариги томондаги телефон гудокларни ютиб юборди.

— Ҳаммасига мана шу Музаффар сабабчи, — деди Маърифат хола алам билан.

Ҳанифа қайнона-насига савол аломати билан қаради.

— Юринг, кетдик, — йўл бошлади Маърифат хола. — Салима муаллимадан сўраймиз. У Козимжонларга дарс берган.



Пенсиядаги Салима муаллима зерикиб ўтирган эканми, қайнона-келиннинг нақ қирқ беш дақиқа вақтини олди. Фаридани эслаши учун яна шунча фурсат кетди. Ўзиям қирқ бешта Фаридага дарс берган экан. Ҳаммасини балодай эслайди-ю, Козимнинг иккинчи хотинига келганда хотираси панд беради.

— Бу исм Забаржадга ўхшаб битта-иккита учраса эканки, эслай олсам, — деди Салима муаллима ўзини оқлаб. — Боя нима деётгандим, ҳа, шундан кейин етти йил завуч бўлиб ишладим. Бир куни ҳалиги комиссия яна келди, денг. Директор қурмағур ҳам фақат менинг дарсимга олиб кирарди-да келган-кетганни. Жуда жиддий комиссия! Ўшанда кенжамизга ҳомиладорман. Дарснинг авжида қорнимдаги болам бирам питирлайди, шундай кулгим қистайди. Комиссия хўмрайиб ўтирибди, денг...

Ҳанифа чидаб туролмади:

— Холажон, Фаридани топиб бераман, девдингиз...

— Мен холажон эмас, муаллима опаман, — эслатди Салима муаллима бошидан бошлаб. — Салкам қирқ беш йил педагоглик қилдим. Буёғини сўрасангиз...

\* \* \*

Музаффар Фаридадан қутулганига қанча қувонган бўлса, унинг уйларига бориб, Рисолат билан гаплашганидан шу қадар кўнгли ғаш эди. Фарида ҳаммасини айтган бўлса керак. Оғиздан ҳам берган-да унга! Оғиз эмас, қирқинчи калиш!

У ўйлаб-ўйлаб, Рисолатга телефон қилди, аммо кўнғироқлари жавобсиз қолди. Фарида оқизмай-томизмай, ўзидан қўшиб-чатиб ҳаммасини айтган унга. Энди Рисолат узил-кесил кетади.

«Мен тезроқ зиракни топишим керак, — деб ўйлади Музаффар. — Ўшандагина Рисолат мени кечириши мумкин».

— Бўпти, мен борай, — деди Босит.

— Яна бир иш бор, — дея уни тўхтатди Музаффар. — Сиз билан шифохонага кириб ўтамиз. Козим деган дўстим ҳақида айтгандим, сизни ўша билан таништираман. Кетдик.

Узун-қисқа бўлиб шифохонага кириб боришди. Козим йўқ экан, уни бошқармага кетган, дейишди. Музаффар ортга қайтаман, деб турганида...

— Қобил бобо, нега чиқдингиз? — деган овоз келди ҳамширанинг. — Ҳали операциянгиз тўлиқ битмаган. Козим ака билса, бизни уришади.

— Бу... бу қайси Қобил бобо? — бақириб юборди Музаффар. — Яқинда операция бўлган Қобил бобоми? Тошкентта бориб келган-а?

Ҳамшира ҳанг-манг бўлиб елкасини қисди:

— Тошкентта борган-бормаганини билмадим, гастрит туфайли операция бўлган Қобил бобо мана шу киши бўлади.

Музаффар отахон билан қўш қўллаб кўришди:

— Ассалому алайкум, отахон! Бардаммисиз, бақувватмисиз?

Палатасиги қайтиб кирган Қобил бобо ҳайрон бўлди:

— Сен кимсан?

— Мен... мен Козимнинг ошнасиман.

— А?

— Тошкентта эсон-омон бориб келдингизми?

— Қайси Эсон? Танимаяпман.

Ҳамшира чиқиб кетганидан фойдаланган Музаффар Қобил бобонинг қорнига разм солди. Ҳаёлида отахоннинг ошқозонини рентген қилиб кўриб, зирак ўша ерда турганига амин бўлди. «Камера хранения», — деб қўйди ичида.

— Бу киши қариндошингизми? — сўради Босит.

— Ҳа, қариндошдан ҳам яқин одам, — деди Музаффар. — Бир гап айтсам, ҳеч кимга сайрамайсизми?



Босит жавоб беришдан олдин палатага кўз ташлади: учовлондан бошқа ҳеч ким йўқ, деразадан ташқарига ҳам қараб қўйди.

— Айтаверинг, бухгалтерлик сўзим, ҳеч кимга айтмайман.

— Хстинимнинг хархашасига сабаб бўлган зирак мана шу чолнинг ичида турибди.

Бу гапни Босит тушунмади, албатта.

— Козим жўрам, зирак яп-янги турсин, деб уни мана шу Қобил бобонинг қорнига яшириб қўйган.

— Н...и...м...а?..

— Биз бобони палатадан чиқармаслигимиз керак. Бугун қандай бўлмасин, зиракни қўлга киритишимиз шарт, — Музаффар шундай деб қўл телефонидан қандайдир рақамни терди ва қулофига қўйиб турди. — Олмаяпти... Шу боланинг ёмон одати бор-да, кўнғироқларга жавоб бермайди. Бор-йўғи бошқармага борган бўлсанг, ол-да телефонингни! Қачон қайтаркан-а?!

— Сизлар ҳам врачми? — сўради Қобил бобо.

— Йўқ, — бош чайқади Босит.

— Ҳа, — деди Музаффар. — Биз энг зўр врачлармиз. Қорнингиз оғримаяптими, бобо?

Қобил бобо эшитмагани боис, индамай қараб турди.

— Тошкентдан бутун келдингизми? — яна сўради Музаффар.

Яна жавоб бўлмади.

Музаффар Боситга ўгирилди:

— Сиз бирор марта жарроҳлик операциясида қатнашганмисиз?

— Мен?... Ҳа... Мактабда ўқиган пайтимизда анатомия дарсида қурбақани операция...

Музаффар унинг елкасига дўстона қўл ташлади:

— Бир яхшилик қиласиз энди!

— Қ...қандай яхшилик?

— Мана шу бобони операция қилиб, ошқозонидаги зиракни олиб берасиз.

Босит бўш каравотлардан бирида ўтирганди, ўрнидан туриб кетди:

— Ие, нималар деяпсиз? Ўйлаб гапиряпсизми?

— Дадил бўлинг. Шундоқ қорнини кесасизу, зиракни олиб бериб, кейин ёпиб қўясиз. Козим келса, ўзи тикиб ташлайди. Ё тикишни ҳам биласизми?

Боситнинг жаҳли чиқди.

— Бир гап айтсам, хафа бўлмайсизми, Музаффар? — деб сўради у.

— Айтаверинг. Фақат тезроқ, вақт зиқ.

— Анув синфдошингиз Фарида тўғри айтган экан, фирт ошқовоқ экансиз!

Музаффар ҳам аччиқланди:

— Йўғ-ей, шунақами? Сиз ҳали Фариданинг гапини кўтариб юриб, мента қарши ишлатадиган бўлдингизми?

— Бўлмаса ўйлаб гапиринг-да, Музаффар! Бировнинг ошқозони билан ҳазиллашиб бўладими? Мол дўхтир бўлганимда ҳам майли эди.

— Сизлар ўзи нимани гаплашяпсизлар? — тоқати тоқ бўлди Қобил бобонинг.

\* \* \*

Козим бошқармадаги мажлисдан чиққач, чуқур ўх тортди. Телефонини чўнтагидан чиқариб қаради: Музаффар ўн олти марта қўнғироқ қилибди, Фарида уч бора! Уйдан ҳам қўнғироқ қилишибди.

Телефонини чўнтагига солмоқчи эди, яна жириглади. Козим рақамга қараб ўтирмай, яшил тутмачани босди. Телефондан аёл кишининг йиғиси эшитилди:

— Козим, тез кел, илтимос, мени бу ердан олиб чиқ.

— Ким бу?... Фарида, сенмисан?

— Ҳа, менман. Тез кел, илтимос.

— Қаерга борай?



— Ички ишлар бўлимига. Бошқа кимга ҳам айтардим? Анови Музаффарнинг хотини менга туҳмат қилиб, қаматмоқчи. Агар ойим эшитса, қон босими бошидаги томирларни ёриб чиқади... Алё, Козим, эшитяпсанми?

— Эшитяпман... Ҳозир...

Машинасининг рулига ўтирган Козим ўйланиб қолди. «Рисолат ҳаммасини билибди, — дея фикр юритди у. — Музаффар шунинг учун телефон қилган бўлса керак. Аммо... Фаридани қандай қилиб милицияга топширишган экан?»

Козим Музаффарга қўнғироқ қилмоқчи бўлди, бироқ унинг яна зирақдан гап очиб, дунёнинг ваҳимасини кўтаришини ўйлади-да, бу фикридан қайтди. Қуриб кетгур ўша тақинчоқни тезроқ қайтарса эди.

Ички ишлар бўлимига етган Козимнинг нигоҳи Фаридага қадалди. У эшиқдан чиққан, ранг-рўйи бир аҳволда эди.

— Тилхат олиб, қўйиб юборишди, — деди Фарида йиғлагудек алфозда. — Энди шаҳарга ҳам кетолмайман, Козим. Менга ёрдамнинг керак.

— Қандай ёрдам?

— Танишларинг бордир, шу ишни босди-босди қилайлик. Кейин бу ерларга қадамимни ҳам босмайман. Яна бир марта ўша ошқовоқ Музаффарни кўрсам, кўзларим оқиб тушсин! Ишни судга оширишса борми, ҳаммаси тамом!

— Ўзингни бос, Фарида, — тинчлангирди Козим. — Агар айбларингга иқрор бўлсанг, жазонинг енгиллашади.

— Қизиқ замонлар бўлди, — елкалари асабий титради Фариданинг. — Бировнинг эрига бир оғиз гапириб бўлмайдами, а? Мен шунчаки ҳазиллашгандим-ку! Қанақа аёл ўзи ўша Рисолат?..

Козим кулимсиради:

— Буни Музаффардан сўрайсан.

— Қўй, уни эслатма... Мени уйимизга элтиб қўя оласанми, илтимос?

— Ўтир.

Фарида машинага ўтирди. Сўнг Катта гузарга етгунларича Музаффарни қарғаб борди.

— Ҳамма айб ўзингда, — деди Козим. — Музаффардан ҳар бало сўрасанг ҳам, пул сўрамаслигинг керак эди. Қолаверса, оилали бўла туриб нима қилардинг бошқа эркакнинг уйига бориб?

Фариданинг қайрилма киприклари ёшга тўлди.

— Козим, эрим бир бекорчи бўлса, нима қилай? Уйдан ташқарига чиқмайди. Онасининг биттаю битта арзандаси! Менга пул керак, очофат опасига қайтармоқчи эдим. Мана энди ҳаммаси расво бўлди.

— Йиғлама, кўз ёшларингни арт, — Козим шундай деб унга рўмолча узатди. — Сен кўнглингни тоза қил, ана шунда ҳаммаси жойига тушади.

— Раҳмат, — Фарида рўмолчани кўзига бостириб, йиғлаб юборди.

— Мана, Тоҳир-Зуҳро келди, — ойисининг овозини эшитган Козим ҳайрон бўлганча олд ойна орқали дарвоза яқинида турган Маърифат хола билан Ҳанифага кўзи тушди. — Ҳа, Тоҳир-Зуҳро аравадан тушмайдими энди? Ё қаймоқлашиб ўтираверасизларми?

Козим машина эшигини очиб, тушди:

— Ассалому алайкум, ойи.

— Ойимчангни катайса қилдириб юрибсанми? Шунча жойгача олиб келибсан, уйига кўтариб кира қол!

— Ие, — кулгиси қистади Козимнинг, — нималар деяпсиз, ойи?

Ҳанифа машинани айланиб ўтиб, Фарида ўтирган тарафнинг эшигини очди:

— Сен нега эримнинг машинасида ялпайиб ўтирибсан? Туш-ей! Ҳозир кўзингга кўрсатаман, сен калтакесакнинг!



Фарида Козимга қаради:

— Козим, бу ким, хотинингми? Музаффарнинг хотинидан ҳам баттарга ўхшайди-ку!.. Нима гап?

— Билмасам, — елка қисди Козим. У шу чокқача Ҳанифани бу алфозда кўрмаганди. Онасига қараб, ҳеч қандай маъно уқа олмади, сўнг хотинига ўтирилди: — Ҳанифа, сенга нима бўлди?

— Нима бўлди? Мен сиздан сўрашим керак. Нега... нега мен эрталаб қўлингизга тутқазган рўмолчани манови хотинчангизга берасиз? — Ҳанифа ҳануз ҳайрон лол ўтирган Фаридага ўдағайлади: — Туш, дедим, сенга!

Козим хотинига яқинлашиб, уни бир чеккага тортди. Фурсаддан фойдаланган Маърифат хола машинанинг ўнг томонига ўтиб, Фариданинг бўйнидан маҳкам қисиб ушлади:

— Сен, нима бало, мошинга ёпишиб қолганмисан, дейман? Туш, дейилди сенга!

— Вой-вой, — боши қийшайганидан бақириб юборди Фарида. — Козим, ҳозир каллам узилиб кетади.

— Ойи, бу нима қилганингиз? — ёрдамга ошиққан Козим Маърифат холанинг қўлига ёпишди. — Қўйворинг, ўзи нима бўлди сизларга?

У Маърифат холани бир амаллаб орқага тортиб кетди. Қўрқиб кетган Фарида машинадан туша солиб, уйлари томон ошиқди. Аммо дарвозага етар-етмас, Ҳанифа унга етиб олди-да, орқасидан футбол қилиб тепди ўзиям! Фарида тўппа-тўғри дарвозага даранглаб урилди.

Дарвоза очилиб, Фаёза опа чиқди:

— Нима шовқин?.. Вой, ўлмасам...

Бу орада Фарида Ҳанифадан иккинчи тепкини ҳам еди. Козим Маърифат холани қўйиб юбориб, улар томонга югурди. Фаёза опа ҳам қўрқиб кетганди, у Фаридани ичкарига судради.

— Сен қизингни йиғиштириб ол, — деди Маърифат хола Фаёза опага. — Ўғлимнинг бошини айлантириб олган. Тўртта бола туғишни кўрсатиб қўямиз.

— Қанақа бола? — чинқирди Фарида. — Нега ўғлингизнинг бошини айлантираман? Менинг иккита болам бор.

— Ойи, нималар деяпсиз? — Козим карахт бўлиб қолганди. — Бу гап қаердан чиқди?

— Балки бешинчиси ҳам бордир? — Фариданинг қорнига ишора қилди Ҳанифа.

— Бас қил, — дўқ урди Козим. — Бўлмағур гапларни гапирма. Етар! Машинага ўтиринглар.

Аммо Ҳанифа яна Фаридага қараб отилди. Фаёза опа чаққонлик қилиб, қизини дарвозадан олиб кириб кетди. Ичкарида бақир-чақир, йиғи овози эшитилди.

— Ёлғонми, гапир! — деди Маърифат хола ўғлига. — Мана шу қирчанғидан тўртта боланг бор экан-ку!

— Қайси аҳмоқ чиқарди бу гапни? Ким айтди? Наҳотки мен ҳақимда шундай ўйлаган бўлсаларинг? Қандай қилиб бу гапга ишониш мумкин?.. Машинага ўтиринглар, ойи. Шарманда қилманг.

Маърифат хола анча авзойидан тушди. Келинига қаради. Ҳанифа дарвозадан кўз узмасди.

— Юринг, келин, бугунча етар, — деди Маърифат хола. — Агар ҳамма гаплар рост бўлса, эртага ҳам келамиз.

Ҳанифа пешанасидаги терни артди:

— Яна битта тепмадим-да!

\* \* \*

Зарифа хола телефонда гаплашиб бўлгач, эрига тикилиб турди. Унинг шундай одати бор: токи ўйларининг мағзини чақмагунча, бир тўхтамга келмагунча бақрайиб қолади.

— Ҳа, гапир, — деди Ризамат ота. — Фақат қотиб турма!



Зарифа хола жавоб бериш ўрнига қуйи лабини бир юз саксон даража пастга бурди.

— Сенинг ҳайрон бўлганинг ёмон-да, — асабийлашди Ризамат ота. — Нима бўпти, гапир! Ўзи буларнинг жан-жали ҳеч тинмади-да! Сен айбдор, эплаб тарбияламаган-сан.

— Қизи-и-и-и-қ, — деди Зарифа хола ўйланиб.

— Э, бор-ей! — Зокир ота кафтига нос ташлаб, илқис кўтаришда тилининг остига отди. — Шен гапийгунша қойонғи тушиб, оймома шиқади.

— Келин бизни уйга чақиряпти, — деди Зарифа хола. — «Ош қиялман, еб кетасизлар», дейди.

— Қайши келин?

— Шу... ҳозир гаплашдим-ку, Музаффарники!

Зокир ота қўл силтади:

— Э, шуниям ўйлайшанми? Қуда бува шақиаётгандий-да! Анчадан буён кўйишмагандик.

— Йўқ, келин ўзларининг уйига чақиряпти — домга!

— Ия! — ҳайрон бўлди Зокир ота, сўнг чорпоядан бошини чиқариб, носини тупурди, пиёладаги чойга оғзини чайиб сўради: — У кетиб қолувди-ку! Қачон кетпти?

— Мен ҳам шуни ўйлаяпман-да! Қизи-и-и-қ... Биринчи марта чақирйиши. Тағин ош ҳам қилармиш.

— Нимасини ўйлайсан? Бориб, ошини еб келамиз. Баҳонада ўғлингни койиб қўяман. Тунов куни дўконга кирсам, ҳеч ким йўқ, очик қолдириб кетибди. Кўтиб ўтирдим. Дўкон эгаси Саидазим кеп қолди. «Ўғлингиз ана шундай бефарқ, дўконни қулфламай кетаверади», дейди.

Зарифа хола ҳануз ўйланиб турарди.

— Келин нега домга чақирдийкан? — деди хаёлга бо-тиб.

— Домда яшагандан кейин домга чақиради-да!

— Музаффарни ҳайдаб чиқарган бўлмасин яна. Жа хушомад қилиб гапиряпти.

— Ие, эсинг борми? Нега ҳайдаб чиқаради? Бир-бири билан иноқлашиб кетган бўлса, уям ўйлагандир, қайнота-қайнонамни бир мартаям меҳмон қилмадим, дегандир. Қизиқсан, кимдир яхши йўлга кирса ҳам, бўлмағур хаёлларга борасан.

— Бунча кўп гапирасиз?

— Сен тадоригингни кўр, кампир. Садир билан келинни оламиз, қизинг ҳам қолиб кетмасин. Паловнинг мойини мана шу мўйловларимга теккизиб-теккизиб ейман.

— Ҳаммамиз турнақатор бўлиб борамизми?

Зокир ота дўпписини қўлига олиб, бош қашлади:

— Тўғри айтасан. Агар ҳозирдан кўплашиб борсак, иккинчи марта меҳмонга чақирмай қўяди.

— Мен кетдим, сиз кечроқ ўтинг. Унгача нима гаплигини билиб тураман. Келин кўрқиброқ гапирди, балки Музаффар ургандир.

— Агар урган бўлса, таъзирини бераман.

— Ҳа, энди хотини бўлгандан кейин уради-да! Нуқул болам бечорани уришганингиз уришган.

— Бўпти, сен тезроқ бора қол, — Зокир ота шундай деб, чўнтагидан пул олиб узатди. — Ма, у-бу оларсан. Мен неварамга бирор ширинлик элтарман...

Зарифа хола меҳмондорчиликка тайёрлангунча эмас, ўйлаб ўйига етгунча бир ярим соат ўтди. Кейин йўлга тушди. Бора-боргунча аввал Музаффар билан гаплашиб олишни ўйлади, бироқ эри қаттиқ тайинлагани учун, ўзини тийди. Бир ўйи — қудалариникига кириб, вазиятдан огоҳ бўлишни ҳам чамалади. «Йўқ, агар ҳеч гап бўлмаса, уларни хавотирга қўяман, — дея фикридан қайтди кейин. — Ҳаммасини келиндан билиб оламан, домга етгунча сабрим етса бўлди».

Рисолат ҳадеганда эшикни очавермади. Зарифа хола, «келин, уйдამисиз?» дегандан кейин очди. Кўзларида



ҳадик тўла эди унинг. Қайнонаси билан кўришар экан, орқа томонга қараб қўйди.

— Ҳа, нимадир бўлдими? — ҳайрон бўлди Зарифа хола.

— Йўқ, вой, ичкарига киринг, — деди Рисолат.

Кичкинтой Зафар пишиллаб ухлаб ётган экан. Рисолат қайнотаси нега келмаганини сўради. Кечроқ келишини эшитиб, девордаги соатга қараб қўйди.

— Музаффар ишдами, келин? — сўради Зарифа хола. — Тинчмисизлар, қайнотангиз айтганидек, аж-аж бўлмаяптими?

— Йўқ, ҳозир жанжаллашмаяпмиз, — жавоб берди Рисолат.

— Сиз... ўзингиз келдингизми ёки Музаффар олиб келдими?

— Ўзим... Энди кетмайман, она.

— Айтганингиз келсин... «Келин ош қиларкан, бизни чақирди», десам, қайнотангиз ҳам ҳайрон бўлди... Ҳозир ҳам ўйланиб ўтиргандир.

— Ҳа... ош... Шундай... Сизларни кўргим келди, она... Ўғлингиз билан бир гаплашиб қўйинглар, демоқчи эдим.

Зарифа хола яна хавотирга тушди:

— Нимани? Нимани гаплашиб қўяйлик, келин?

— Йўқ... Шунчаки... айримлар иккинчи хотин оляптику, шунга...

— Ҳа-а, пули кўпайиб қоштими бу бойваччанинг? Ким экан ўша хотин?

— Йў-ў-ў-ў-ў-қ... Ўғлингиз яхши-и-и-и...

— Сиз ҳеч нимани яширманг, келин. Гап ўртамизда қолади... Ўзи сиздан бўлгандир-да! Кетиб қолаверсангиз, биттаси шартга келиб, ўрнингизни эгаллайди-да!.. Ҳозир қайнотангиз келсин, ҳаммасини айтиб берасиз. Мен айтдим-а, келин бекордан-бекорга чақирмайди, деб. Эрингизга телефон қилиб беринг, бир гаплашай. Оёғини қўлига олиб, уйга келадиган қилмасам...

— Ҳаммаси жойида, она, — деди Рисолат зўрма-зўраки кулимсираб. — Ўғлингизга ҳеч нима деманг. Отамга ҳам. Бугун бир ўтирайлик. Энди ҳар ҳафта келасизлар, маза қилиб ош еймиз.

Зарифа хола келинига қараб турди-да, у ҳам кулди:

— Ҳа, яхши. Тинч бўлсаларинг бўпти-да!

Рисолат ошхонага ўтди. Зарифа хола неварасининг сочларини силаб ўтирди.

«Музаффар келиннинг жон-жонидан ушлаганга ўхшайди, — деб ўйлади у. — Яша, ўғлим!.. Фақат бошқасига ўйланиб олган бўлма. Авлодимиздан бунақаси чиқмаган!»

Зафар уйқусираб, «дад-да», деб қўйди.

\* \* \*

Худди Фарида айтганидек, Фаёза опанинг қон босими кўтарилиб кетганди. У бошига рўмол танғиб олган, мадорсиз, аммо оғзи сира тинмай қизини уришарди.

Фарида эса кўз ёшларини тия олмаётганди.

— Мен сенга қачон кет, девдим? — инқиллади Фаёза она. — Бир балони бошлаб юрибсан, девдим-а сенга! Тур, ҳозироқ кет! Кўзимга кўринма, сен қиз! Гапимга кирмайсан, кейин қўни-қўшни олдида шарманда қиласан! Хайрият, отанг эрта ўлиб кетган экан. Акс ҳолда бу кўргиликларга чидай олмасди шўрлик. Қўшнилари олдида шарманда қилдинг сен.

Фарида пиқиллади:

— Ҳеч ким кўрмади-ку, ойи, нега алдайсиз?

— Сен яқинроқ кел... Янаям яқинроқ. Козимнинг машинасида нима қилиб юрувдинг, Фарида? Нега жавоб бермайсан?

— Айтдим-ку, ойи, кўчада кўриб қолиб, уйлари томонга кетяпман, деди. Синфдошим-ку! Кейин ўтирдим.

— Ўтирмайгина кет сен! Уйгача алдаб олиб келиб, онаси билан хотинига урдирди-ку сени! Синфдош эмиш!



Ҳай-ҳай демаса, мениям калтаклашарди. Булар ҳаммаси гапни бир қилган. Козимнинг хотини тепишни роса машқ қилганга ўхшайди. Эрининг бошини айлангириб юрган бўлсанг, алам қилган-да унга! «Эр бермоқ — жони-жаҳонини бермоқ», дейдилар. Сениям эрингни бирров тортиб олсин-чи!

— Э, ким ҳам оларди ўша шўртумшўқни!

— Сенга минг марта айтдим, ўзинг пиширган ош, айланиб, ўргилиб ўзинг ичасан. Бор, кет, дедим сенга! Қаққайиб турма олдимда!

— Боролмайман, дедим-ку, ойи!

Фаёза опа инқиллаб ўрнидан турди ва ичкарига кириб кетди. Унинг ўша ердан туриб алланималар дегани эшитиларди.

«Аблаҳ Музаффар, — ўз ўйига қоврилари Фариди. — Ҳали шундай ҳунаралинг бормиди? Мен-ку, майли, Козимга нега тухмат қилдинг? Нега бизни эр-хотинга чиқардинг? Козим энг яқин дўстинг эди-ку! Турқинг курсин, ошқовоқ калланг ёрилсин! Шошмай тур ҳали! Ҳозир сенинг галинг экан, аммо билиб қўй, вақти келди, сендан шунақанги ўч оламанки, бутун умр эсингдан чиқмайди».

Фаёза опа чиқиб, қизининг олдига тугун ташлади. Фариди ҳайрон бўлди.

— Ма, олиб кетавер. Пенсиямни йиғиб юрувдим. Бер ўша қайнопанга! Қайтиб улардан пул олма. Пул керак бўлса, мендан сўра. Йиғиб-териби, қариндошлардан қарзга олиб бўлса ҳам бераман.

— Йўқ-йўқ, — бош чайқади Фариди. — Керакмас, ойи!

— Ол, дедим сенга!

— Ойи, сизнинг пенсиянгизни олганимдан кўра, ўлганим яхши!

Фаёза опа юмшади:

— Ўлма, болам. Бундай дема. Пулни ол. Ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

Фариданинг ўлкаси тўлиб турганди, йиғлаб юборди:

— Қачон, ойи? Ажрашай десам, иккита болам бор, ажрашмай десам, уйдан чиқмай боқиманда бўлиб ётиб олган. Ишга киришни ўйладим, аммо болаларим... Куёвингиз ҳам, қайнонам ҳам қарамайди уларга.

— Мен қарайман, неча марта айтдим сенга!

— Биласиз-ку, уларни сизга ташлаб кетсам ҳам, гапиришади.

— Йиғлама, қизим. Ҳеч қачон ноумид бўлма. Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши ёруғ.

Фарида йиғлаб, кўнглини анча бўшатиб олди. Кечки овқатга уннамоқчи эди, телефони жириглаб қолди.

— Ким яна? — диққат бўлди Фаёза опа.

— Буми... Козим...

— Козим? Яна нима дейди? Олдимда гаплаш-чи! Мен бир эшитай. Шу йигитнинг ўзида бир гап борми, дейман-да!

Фарида телефони ораси эшитадиган қилиб қўйиб, қулоғига тутди.

— Алё, Фарида, — овоз келди телефондан. — Сенинг олдинда айбдормиз. Англашилмовчилик бўлди. Узр. Мен ҳаммасини гаплашиб олдим. Кимдир бўлмағур гапларни тарқатибди. Ҳозир ойим ҳам, Ҳанифа ҳам хижолат чекиб ўтиришибди.

Фариданинг кўнгли бир қадар ёришса-да, яна кўзларига ёш қуйилиб келди:

— Козим, тўғриси айт, Музаффар шундай дебдими уларга? Қайси виждон билан...

— Музаффарнинг алоқаси йўқ, Фарида! Булар шошқалоқлик қилиб қўйишибди. Олдинда айбдормиз. Сендан узр сўрашмоқчи. Ҳозир уйларида олиб бораман.

— Нима? — қўрқиб кетди. — Йўқ, олиб келма. Кечирдим, кечирдим. Мен ўзимдан ўтганини билиб ўтирибман, Козим. Ҳаммасига ўзим айбдорман. Илтимос, улар-



ни уйларингдан чиқарма. Буларнинг бариси мен қилган гуноҳлар учун, Козим.

Ичкари уйдан Фариданинг қизалоқлари чиқишганди, онасининг йиғлаётганини кўриб, улар ҳам йиғлаб юборишди. Фарида телефонни ўчириб, бир чеккага қўйди-да, болаларини қучоқлаб олди. Уларга Фаёза опа ҳам қўшилди.

— Ойи, дунёда яхши одамлар кўп-а?! — деди Фарида ичини бўшатиб олгач. — Мен эса нуқул ёмонлик қидираман. Энди бундай бўлмайди. Козим айтганидек, яхшилик ҳақида ўйлайман. Биламан, бу мен учун осон бўлмайди. Эртага борадиган жойимга ҳам ҳаммасини гапириб бераман.

Фаёза опа уҳ тортди:

— Яна қаерга борасан?

— Бир жойга, ойи. Шундай жойки, одамлар ўз қилмишлари учун жавоб берадилар. Сиз хавотир олманг. Кейин уйга кетаман. Куёвингиз билан тинч-хотиржам яшайман. У — яхши одам. Тушунтирсам, тушунади. Биргаликда ишлаймиз.

Фаёза опа хўрсиниб қўйди.

— Айтганинг келсин, — деди ва бироз сукут сақлаб қўшимча қилди: — Шу гапларингга ўзинг ишонасанми ишқилиб?

— Ҳа, ишонаман, — Фариданинг жавоби қатъий чиқди. У қизларига имо қилиб, пичирлади: — Мен ўзимни ўйламасам ҳам, болаларимни ўйлашим керак.

\* \* \*

Козим Тожи холани эргаштирганча хонасига йўл олди. Фарангиз уларнинг орқасидан қараб қолди. У қулоғини ҳар қанча динг қилиб чўзмасин, нима деганларини аниқ эшитмади.

Кўп ўтмай, Тожи хола Козимнинг хонасидан чиқиб кетди. Фарангиз кирди:

— Мени чақирдингизми?

— Йўқ, нега чақираман? Тўхтанг, нима гаплар?

— Қ...қандай?... Нега? Нима гаплар, дейсизми? Бирор киши мен ҳақимда гапирдими?

— Ҳаммаси жойидами, деб сўраяпман. Беморларнинг аҳволи қалай?

— Ҳа... Яхши... Нимайди?

— Мени сўраб ҳеч ким келмадими?

— Ким келиши керак эди?... Вой, келди... Анув довдир ошнангиз бор-ку, ўша бир профессор билан келган. Тавба, профессор ҳам шундай бўладими? Довдирми-ей! Балки кўп ўқиб, шундай бўлиб қолгандир. Қобил бобони текширамыз, дейишаётганди. Чақирайми уларни?

Козим сапчиб ўрнидан турди:

— Нима? Қанақа профессор?..

Палата эшиги зич ёпиқ эди. Афтидан, ичкаридан кимдир маҳкам итариб турарди. Эшикни уриб-тепиб палатага отилиб кирган Козим Боситни икки метр нарига учириб юборди. Икки қўллаб тиғ ушлаган Музаффар эса Қобил бобонинг қорнига энгашиб олганди. Козим уни ёқасидан ушлаб, силтади.

— Эсинг жойидами? — бақирди у. — Нима қилмоқчисан? Бу ерга ким қўйди сизларни?

— Мен... мен... — тугилиб гапирди Музаффар.

Босит инқиллаб ўрнидан турди:

— Ассалому алайкум, дўхтир ака. Менинг айбим йўқ. Музаффар қандай кўндирди, билмайман. Аввал ҳам операция қилганман, сиз эшикни ёпиб турсангиз бўлди, деди.

— Сиз кимсиз?

— Мен майор Сотибо... Э, оддий буғалтирман, дўхтир ака. Отим Босит.

Козим бўғриқиб кетган, иккала чақирилмаган меҳмонни ҳозирнинг ўзида уриб юборишдан тоймасди.

— Козим, мен... — чайналди Музаффар. — Келавермаганинга зиракни шундоқ олмоқчи эдим.



— Сен ўзи қачон ўйлаб иш қиласан? — Козим ҳануз бўғриқарди. — Ўлдириб қўйишинг мумкин-ку, ахир!

Музаффар қорнини намоиш этганча ҳайрон бўлиб ётган Қобил бобога қараб қўйди.

— Зиракни топиб бер-да бўлмаса, — деди у.

— Буёққа юр, — Козим шундай деб Музаффарни олдига солганча палатадан чиқа бошлади. Эшикка етгач, анқайиб турган Боситга қараганди, у ҳам уларга эргашди.

— Мен нима қилай? — сўради Қобил бобо.

Козим ортига қайтиб, Қобил бобонинг қорнини ёпиб қўйди.

— Сиз тинчгина ётинг, эртага жавоб берамиз.

— А?

— Эртага жавоб берамиз.

— Қайси Жаббор? — тушунмади Қобил бобо, сўнг Музаффарни кўрсатиб деди: — Манови бола ошқозонимни кўрмоқчи эди-ку! Хўржиним қоп кетган, дейди...

Козимнинг хонасига кирар-кирмас, Боситнинг телефони жиринглаб қолди. У ким биландир, гаплашди-да, аввал эшикка сўяниб қолди, сўнг Музаффар билан Козимни ҳайрон қолдирганча, уларни қучоқлаб олди. Нуқул тиржаяди, оғзини йиғиштиролмайди. Козим Музаффарга қаради. У елка қисди.

— Хо... хо... хотиним телефон қилди, — деди Босит. — Биз фарзандли бўларканмиз.

Энди Музаффар уни қучоқлаб олди:

— Табриклайман! Ана, кўрдингизми, бизга яқин юрсангиз ҳамма ишларингиз юришади. Буни ювиш керак. Қачон ювасиз, қачон?

— Ҳо... ҳозир, — ҳануз тиржаярди Босит. — Сизларга раҳмат! Барака топинглар. Мен... мен жудаям хурсандман. Кетдик, ювамиз.

— Сиз, яхшиси, хотинингиздан хабар олинг, — деди Козим унга. — Ювиш қочмайди.

— Нега, нима учун? — ҳайрон бўлди Босит, сўнг бу саволига ўзи жавоб берди: — Ҳа, тўғри айтасиз, бориш керак. Энди мен хотинимни бошимда кўтариб юраман. Эртага, албатта, ювамиз!

Боситнинг орқасидан кулимсираб қолган Музаффарни Козим ўзига келтирди:

— Ма, ушла!.. Зиракни ол, деяпман.

Музаффар аввал Козим узатиб турган зиракка тикилди, сўнг уни оҳиста қўлига олди:

— О!.. Зиракжон! Ниҳоят, Қобил бобонинг ошқозонидан чиқибсан-да? Сени қанчалик кўтдим!

— Эҳ, содда, — деди Козим. — Қобил бобонинг ошқозонида нима қилади бу? Халатимнинг чўнтагида эди. Санитар хола ювишга берворган экан. Бошқа халатларга қўшилиб кетибди. Зўрға топдик.

Музаффар анқайиб қаради:

— А? Нима дединг? Ахир, сен «Қобил бобонинг ошқозонига тикиб қўйдим», дединг-ку! Алдаганмидинг?

— Яна бир балони бошлама, дедим-да! Акс ҳолда бутун бошли шифохонадаги халатларни йиртиб чиқардинг... Ўтир бундоқ, гап бор!

Музаффар эшик томон юрди:

— Гапинг бўлса, бошқа пайт айтарсан. Мен бу зиракни тезроқ уйга олиб бориб, Рисолатга берай. Кўзлари нигорон бўлиб кутиб ўтиргандир. Вақтида бердинг, яша, дўстим!.. Бўпти, телефонлашамиз.

— Музаффар, ростини айт, мени Фаридага сен уйлантириб қўйганмидинг?

Бу гапни эшитган Музаффар миқ этолмай қолди. Ғўлдираб нимадир деди, бироқ ўзи ҳам тушунмади. Пешанаси терлаб, чуқур ютиниб қўйди. У дўстига тик қарай олмас, лабларини ялар, киприklarини пирпиратиб, қошларини қашиб қўярди. Стулни тортиб, секин ўтирди.

— Мен шунчаки... ўша пайтда... Нега шундай дедим ўзи? — минғирлади у. — Мени кечир, Козим.



— Музаффар, бундан кейин ҳеч қачон ҳеч кимни алдама! Алдов қанча кўргиликларга сабаб бўлди. Озгина қолди хотиним билан ажралиб кетишимга. Бунга ўзим ҳам сабабчиман.

— Йўқ, сен эмас.

— Агар «зирак Қобил бобонинг ошқозонида», демаганимда бунча гап-сўзлар бўлмасди.

Музаффар ўрнидан турди:

— Мен Рисолатни шунчаки алдагандим. Шу гапларга ҳуши кетиб, чалғиб, вақтинчалик бўлсаям, зиракни унутворади, деб ўйловдим. Ҳозир уйга бориб, абжағини чиқараман...

Босит уни елкасидан босиб, курсига ўтқазди:

— Агар мени дўстим десанг, бу ҳақда гапирмайсан. Сен хотинингга яхши гапир, Музаффар! Уни мақтаб тур!

— Нега мақтар эканман? Аҳмоқ хотинни ҳам мақтаб бўларканми? Қизиқ гапирасан. Фирт аҳмоқ-ку у. Агар аҳмоқ бўлмаса, Фарида ҳақида уйдагиларингга етказармиди?

— Қачонгача шундай яшамоқчисизлар, Музаффар? Яхшилаб ўйлаб кўр! Ҳадемай ўғлинг ҳам катта бўлиб қолади. Сен эса мижрволигингни қўймайсан. Хотинингни сўкканинг-сўккан. Айт-чи, Рисолатта бирор марта раҳмат айтганмисан?

— Нега раҳмат айтаман? Кетиб қолавергани учунми? Эзма билан инжиқ ҳеч қачон келишолмасмиш!

— Демак, сенинг ўзгаришингга тўғри келади. Азбаройи оиланг учун! Менинг бир домлам бор, Миршариф Сиддиқов. Шу киши айтадики, агар хотинингга ўн марта раҳмат айтсанг, ўн биринчи раҳматни у сенга айтади, дейди. Яхши инсон бўл, Музаффар...

Козим узоқ гапирди. Музаффар аввалига роса эътироз билдирди, унинг таъсирли гапларидан сўнг ўйланиб қолди.

\* \* \*

Эшикни Ризамат ота очганини кўрган Музаффар орқасига қарамай қочишни мўлжаллади. Фақат отасининг мамнун чеҳрасини кўргани учун, хотиржам тортди.

— Қаерларда юрибсан? — деди Ризамат ота. — Салом қани?

— А?.. Қайси Салом?

— Салом бермайсанми, деяпман.

— Ассалому алайкум, ота! Сиз бу ерда нима қиляпсиз?

— Кир уйга! «Нима қиляпсиз?» эмиш! Келмайликми ё?

Музаффар ичкарига киргач, онасини ҳам кўриб, оғзи ланг очилди. Дастурхон тузалган, ўртадаги товоқда яримлаган ош турарди. У хотинига ўғринча қараб, ота-онасига имо қилди. Рисолат ҳеч нима демади.

— Нега бунча анқаясан, болам? — кулди Зарифа хола. — Ошдан ол, очқаб келгандирсан?

Ризамат ота ҳам кулди:

— Қайнонаси тўлиқ яхши кўрмасакан буни! Қара, ошни, қанча қолди?

Зарифа хола эрининг гапини тузатди:

— Ундай деманг, отаси. Қайнонаси-ку, тўлиқ яхши кўради-я, бунинг ўзи аллақаерларда юради-да! Нега телефонинг ўчган, Музаффар?

Музаффар чўнтагидан телефонини чиқарди:

— Ҳа, ўчиб қопти. Яхшимисиз, ойи? Қайси шамоллар учирди?

— Келиннинг шамоли, болам. «Ош қиляпман, келинлар», деди, келавердик.

— Бор, қўл-пўлингни ювиб кел, — деди отаси. — Келин, ошингиздан яна сузинг.

— Хўп бўлади, — Рисолат лип этиб ўрнидан турди.

Эр-хотин ошхонада гаплашишди. Музаффар Рисолатдан меҳмонларнинг ташрифи сабабини сўради. У



эса, «шунчаки», деб қўйди. Музаффар буткул хотиржам бўлди, аммо барибир ҳеч нимани тушунмади. Ваннахонада ювинаркан, ойнага қараганча юзларини чимчилаб-чимчилаб кўрди.

Ош ейилди. Кейин тарвузхўралик бўлди.

Музаффар дастурхон бошида ўғлини эркалатиб ўтираркан, бошқаларнинг оғзини пойларди. Ризамат ота ҳам, Зарифа хола ҳам унинг тўйидаги бир-биридан қизиқ ҳангомаларни эслаб, тилга олишди, холос. Кейин вақт алламаҳал бўлганини айтиб, ўринларидан турдилар. Мезбонлар, «қолинглар», деб шунча илтимос қилишса-да, кўнишмади.

Ота-онасини кузатиб келган Музаффар Рисолатга қўлидаги зиракни узатди.

— Раҳмат, — деди уни ҳайрон қолдириб хотини. — Мана шу зиракни деб қанча ит-мушук бўлдик, дядаси. Энди уришмаймиз-а?

Музаффар гапиролмасди, у анқайганча бош чайқади, холос. Айни дамда Рисолат дунёдаги энг чиройли хотинга ўхшаб кетди. Музаффар, худди тушида кўрганидек, Рисолатнинг сочларини силагиси келарди.

— Сен энг яхши хотинсан, — бу гапларни у зўрға айтди. — Энди, тинч яшаймиз. Дунёда меҳр-муҳаббат деган тушунчалар бор. Сен менинг асалим, шакаримсан. Жанжалларга нуқта қўямиз. Шундай яшайликки, бизга барчанинг ҳаваси келсин. Шириним, гўзалим! Яккаю ягонаам!

Энди Рисолат жавоб беролмай қолди — у қилат этмасди. Музаффар бисотидаги энг ноёб сўзларни топиб гапираверди. Ҳатто, хотинига қўл чўзиб, унинг сочларини меҳр билан силай бошлаганини билмай қолди.

— Сен менинг борлигимсан! Ҳаммаси учун раҳмат! Ўн марта раҳмат! Мендек ошқовоққа чидаб юрганинг учун ҳам раҳмат! Иккинчи хотинга уйланаман, деб

шунчаки жаҳл устида айтгандим. Бошқа аёллар сенинг тирноғингга ҳам арзимайди, жоним. Сендек яхши хотин турганида, мен бошқаларга ўгирилиб қарармидим, Рисолатим? — Музаффар шундай деб, хотинининг тобора карахташиб бораётганини кўриб, эзилиб кетди. «Бечора Рисолат, — ўйлади ичида, — бу гапларни биринчи марта эшитгани учун шайтонлаб қоляпти. Козим қурғур тўғри айтган экан, хотинингни мақтасанг, ишинг пишпади, деб. Ишқилиб Рисолат жинни бўлиб қолмасайди».

Орага сукунат чўкди. Сўнг Рисолат тили айланиб, сўради:

— Сиз... сиз мени яхши кўрасизми?

— Албатта, яхши кўраман, — жавоб берди Музаффар, шу топда ростдан ҳам хотинини сўйиб кетаётганди. — Сени яхши кўрмасам, кимниям яхши кўрардим, Рисолат? Сен дунёда биттасан! Биттаю битта! Агар менинг мингга кўзим бўлганида ҳам фақат сени кўрган бўлардим, хотинжон! Ишонгин, асалим! Мен сендек хотиним борлигидан фахрланаман. Дунёда шундай чиройли хотиним борлигидан қувонаман. Айбим: сени қадрлай олмаётганимда! Мендек ландовур, анқов, зиқна, эътиборсиз эр билан яшаётганинг учун сenga яна бир бор раҳмат, хотинжон! Сендек фидойи, заҳматкаш аёл учун ҳайкал қўйса ҳам кам, — Музаффар бу гапларни шунчалик тўлқинланиб айтдики, ўзининг ўпкаси тўлиб кетди.

— Сиз... сиз ҳам яхшисиз, — деб юборди Рисолат.

Бундай эътирофдан Музаффар ийиб кетди.

— Мен оила нималигини энди тушундим, — хўрсинди Рисолат. — Ҳанифанинг аҳволини кўриб, эзилиб кетдим. Жуда катта хатога йўл қўйдим. Сиз «айтма» деган гапни айтдим. Козим аканинг айби йўқ экан. Хижолатдаман. Мени кечиринг. Мен... мен сизнинг қадрингизга етаман. Иккинчи хотинга уйланмасангиз бўлгани!

«Биттасини эшласам ҳам катта гап», — деди ичида Музаффар.



— Зафарни боғчага бериб, ишга чиқсам майлими, даси?

— Ҳа, албатта... Ишга чиқсанг, ҳаммамизга яхши... Менимча, сен уйда ўтирганинг учун... — Музаффар шундай деб, қолган гапларни ичида айтди: «онангникига кетиб қоляпсан».

Рисолат жавондан иккинчи зиракни олди:

— Мана, холам ташлаб кетди!

— Нега?.. Ҳафа бўлдимми?

— Йўқ... Менга совға қилди. «Сенларни уриштирмай, мен ўлай», деди. Аччиқ-аччиқ гапиргандим-да!

— Ростдан ҳам совға қилдимми?

— Ҳа.

— Барибир пулини берамиз, Рисолат. Холанг ҳам дугонасидан олган, тўлаш керак.

— Ўзим тўлайман, деди. «Мана шу зиракни тақиб юрсанг, ҳеч қачон уришмайсизлар», деди.

— Бир кун келиб миннат қилади, хотин! Холангни биламан-ку!

Рисолат лабини чўччайтириб, эрига қаради:

— Яна бошляпсизми?

— Йўғ-ей!.. Раҳмат, раҳмат... Зўр холанг бор-да, Рисолат. Оги Чиннимиди? Барака топсин, кўнгли чиннидай тоза! Раҳмат! Ўн марта раҳмат!..

Рисолат Музаффарга суйкалди:

— Айтгандай, пулни қаерга қўйгансиз? Пайпоқнинг ичида йўқ-ку!

Музаффар яйраб кулди:

— Манти қасқоннинг ичини кўрмабсан-да! Кетадиган бўлсанг, олиб кетасанми, деб ўйлабман. Кетмас экансан, энди топган барча пулларим сеники, Рисолат!

Рисолат қувонганидан Музаффарни икки юзидан ўпиб олди, сўнг рақс тушиб кетди. Музаффар ҳам ўйнади. Эрхотинга бироз анқайиб қараган Зафар эса ўтирган жойида ирғишлай бошлади.

## КЕЧИР МЕНИ, МУҲАББАТ...

Восил қабулхонага кирар экан, янги котибага кўзи тушиб, лол бўлди. Қорачадан келган, хушбичим бу қизнинг кўзлари чиройли эди. Унинг бир қараб қўйишиёқ Восилнинг юрагига ўт ёқди. Ўзи анчагача ўйлаб юрарди: ҳамма гап кўзларда! Кўча-кўйдаги, бошқа жойдаги, одамлар бир-бирига қараганида бир қур кўз уриштиришади-да, йўлларида давом этаверишади. Худдики, фақат кўзлар орқалигина инсонни билиб олиш мумкиндек.

Восил собиқ синфдошлари билан учрашган кунларини эслайди. Кўпчилик ўзгарган, кимдир яшаргандек, яна аллаким семириб кетган, бир пайтлардаги қизлар қариб-буришиб қолган, аммо кўзлари ўша-ўша. У бу ҳақда кўп эшитган, ўшанда эса ўзи биринчи бўлиб кўзлардаги «синоат»ни тушуниб етган эди...

Қиз билинар-билимас салом берди. Йиғилишга кираётган Аллаев Восилни туртиб, кўзини қисиб қўйди. Восил мажлисга кираётиб ҳам қизга икки-уч қараб қўйди. Кейин эса мажлисга киргач, гаплар қулоғига кирмади. Тезроқ йиғилиш тугаб, қабулхонага чиққиси, янги котиба қизни кўргиси келаётганини ҳис қилди. Аксига олиб, дам олиш кунларидан буён ичида шўришлари йиғилиб қолган бошлиқ сира сўзини тугатқиси келмасди. Восил раҳбарга тикилиб, котиба ҳақида тахмин қилди: «Қариндошимикан Жамшид Бўтаевичнинг? Ким экан бу қиз?» Худди Восилнинг ичидагини уқиб тургандек, Элмуродов бошлиқдан сўраб қолди:

— Бу, дейман, янги котиба келди, шекилли, Жамшид Бўтаевич?



Жамшид Бўтаевич кўзойнагини устидан Элмуродовга олайиб қаради. «Мен не дейман, қўбизим не дейди?..» Восил шундай деб тушунди.

— Қабулхонамиз котибага ёлчимаганига айтаман-да, — ўзини оқлай бошлади Элмуродов ўзгаларга қараб олиб. — Ўзингиз айтганингиздек, биз учун муҳими, иш суръати, Жамшид Бўтаевич...

Мажлис тугаб, ходимлар хонадан бир-бир чиқа бошлади. Негадир Восилни ҳаяжон босди. Қабулхонага чиққач, яна котибага қаради. У эса иш билан андармон ўтирар, компьютерда матн териш билан овора, бошини кўтармасди.

Ходимлар мавзуси янги котиба бўлди-қолди. Ҳар ким турлича талқин айта бошлади. Айниқса, Элмуродовнинг юрагидан урган, шекилли, икки гапни айлантириб, шу қизга тақайди.

— Тўғриси айтмайми, чиройли қиз экан, — деди у кўзларини қисиб. — Агар бўйдоқ бўлганимда мана шу қизга дангал уйланган бўлардим.

Аллаев эътироз билдирди:

— Ичига кириб чиқмай уйланавераркансиз-да! Нима, чиройига нон ботириб ермидингиз? Ким билади, балки заҳардир, заққумдир? Бошингиздаги қолган сочингизни ҳам юлиб олса, кейин кўрасиз.

— Майли, заҳар бўлсаям! — бўш келмади Элмуродов. — Мен бу қизни бошимда кўтариб юрардим.

Восилнинг кулгиси қистади. «Тепакал бошингиздан сирпаниб кетган бўларди», демоқчи бўлди-ю, тилини тийди.

— Ҳалиги қўшиқни эшитмаганмисизлар: «Гўзаллик олдида чўкка тушган шоҳлар, гадолар...»

— Қўшиқниям расво қилдингиз, — деди тўнғиллаб Камолов. — Бугун ишлаймизми-йўқми?

Аллаев Восилга бир қараб қўйди-да, ҳаммага эшитадигандек қилиб Элмуродовга илмоқли гап қилди:

— Сиздан олдин бу қизни бошида кўтариб юради-ганлар бор.

Элмуродов шартта Восилга ўтириди:

— Э-ҳа, шунақами? Яхши-яхши... Восил, Восилбой, Восил куёвтўра.

Восил ўзининг қизариб кетганини сизди. Аваллари бундай гаплардан гаши келарди, ҳозир эса хуш ёқди. Нима деярини билмай, қовоғини солганча ўзини ишлаёт-гандек қилиб ўтираверди.

— Сизларнинг каллаларинг ишласа, ишхонада бун-дай гапларни гапирманглар, — ўгит бера бошлади Камо-лов. — Ёшларниям йўлдан урманглар. Ишхона — пир-хона, дейишади. Ишдан чалғимаслик керак. Бир пайтлар Дўстжон дегани бўларди... Ўшайам бир ходимамизни се-виб қолиб, бошидан ҳуши учди. «Ҳой, мусулмон, ўзингни йиғишгир», дедик, қани, таъсир қилса! Қиз ҳам кўзини сузгани-сузган эди. Ажрашиб кетди оиласидан, шу қизни деб Дўстжон. Учта боласи бор эди. Хотини неча марта йиғлаб келди, кор қилмади. Ўша пайтдаги бошлиқ икка-ласиниям ҳайдаб юборди. Яқинда эшитдим, ичкиликка берилиб кетган эмиш Дўстжон.

— Сиз жа жиддий оласиз-да, — деди Аллаев унга. — Сизга қолса, ишга хўмрайиб келиб, хўмрайиб кетсак. Ҳазил-да бу!

— Ҳазилдан ўқ чиқади, — бўш келмади Камолов.

Шу билан бу гапга нуқта қўйилгандек бўлди. Восил-нинг ичидаги олов тафти эса пасаймасди. У қабулхонага боргиси келар, бироқ ҳамкасбларининг қочиримларини ўйлаб ўзини тийиб ўтирарди. Котиба билан тезроқ та-нишгиси, у ҳақда билгиси келарди. Аммо қандай тани-шади? Нима дейди? Ростдан ҳам заҳар-заққум бўлса-я? Йўқ, кўзи чиройли қизлар Аллаев айтгандай бўлиши мум-кин эмас.. Нимани баҳона қилиб унинг олдига борсин?..

Восилга эрталабдан буён яна бир ўй тинчлик берма-ётган эди. У бугун-эрта унаштирилиши керак. Ота-она-



си топган қизга. Учрашувга бир-икки чиқиб, гаплашиб, кейин маъқул дегандек, онасига ройиш берганидан буён уйдагилар енг шимариб ишга киришишган.

«Буёғи нима бўлади?..» Гўё ҳамма иш бузилиб кетадигандек, Восилнинг таъби хира бўлди. Аслида «бу ёқда» ҳали ҳеч гап йўқ-ку! Ишхонага янги котиба келган, бор гап шу! Бунинг шахсий ҳаётга нима дахли бор? Тавба, одам дегани ўпкасини қўлтиқлаб югурадими шунақа?..

У ўзини иш билан қаттиқ банд эканлигига ишонтирмоқчи бўлди. Қоғозларни титкилаб, гоҳ у, гоҳ бу ҳисоботни кўриб чиқаверди. Калькулятор тугмачаларини қайта-қайта босаверди..

Тушлик маҳали Элмуродов ҳаммадан сўюнчи олган бўлди:

— Мен у билан гаплашдим. Исми Хуршида экан. Исми жисмига мос, қаранглар. Айтгандай, Хуршида нима дегани ўзи? Чиройли қиз, дегани бўлса керак-да, а?

— Э, қойил, қачон таниша қолдингиз? — деди алами келганини сездириб Аллаев. — Зимдан иш қиласиз сиз ҳам. Ўзингиз танишгунча, мана, Восилжонни таништирсангиз бўлмайдими, ўлинг-э!

— Мен ўзим ҳам танишиб олавераман, — деди орла-ниб Восил.

— Мен уни учрашувга чақириб танишмадим-ку, — идадо қилди Элмуродов. — Шунчаки исмини сўрадим, айтди. Иш юзасидан керак бўлиб қолиши учун сўрадим. Лекин-чи, Восилжон, сиз уни қўйманг, маҳкам ушланг.

Восил сир бой бермади:

— Э, нега менга ёпишиб олдиларинг? Қайси котиба келса, менга ошираверасизларми?

Аллаев кўзини қисиб жавоб берди:

— Буниси бошқача, Восилжон, умуман, бошқача.

«Тўғри, — деди ичида тан олиб Восил.. — Бошқача...»

Тушдан кейин бу мавзу гўё унутилди. Восил ҳам азбаройи ўзини енгил, иродасини синаш учун ҳам қабулхо-

нага ўтмади. У қизга боғланиб қолишни истамасди. Она-онасига ваъда берган: ёзда тўй, уйланади.

Эртаси куни барибир бўлмади. Хуршидани бир кўрсам бас, деб Восил қабулхонага йўл олди. Қизга кўзи тушиб, кўнгли алланечук бўлди. «Ҳақиқатан ҳам чиройли, — деди у ўзига-ўзи. — Айниқса, кўзлари!»

Ҳаяжонини билдирмаслик учун қабулхонадаги жавондан ниманидир излай бошлади. Худди қиз унинг орқасидан тикилиб тургандек баттар ҳовлиқди. Кейин дуч келган китобни олиб, «ҳозир қайтараман», деди-ю, қабулхонадан чиқиб кетди.

Қўли ишга бормади. «Севги мана шу бўлса керак», — деб ўйлади у юрагининг алланечук ура бошлаганини эшитиб. Кейин эса китобни жойига элтиб қўйишга ботина олмади.

Намунча ўзини енгиши қийин? Ким бўлибди ўша Хуршида?

Восил шартта ўрнидан туриб, қабулхонага йўл олмоқчи бўлди — оёқлари чалкашиб кетди.

Кечгача вақт имиллаб ўтди. Восил бўларича бўлди. Ходимлар бир-бир кетганидан кейин ҳам у анча ўтирди. Қоронғи тушгач, ўрнидан қўзғалди. Зинадан тушишда қабулхона эшиги қия очиқлигини кўриб, ҳайрон бўлди. Бироз қулоқ тутиб, котибанинг телефонда гаплашаётганини эшитди. Восил яна иродасига куч берди — шахт билан зинадан тушиб кетди.

Восил шу кеча ухлай олмади. Ширин уйқудаги укасига қараб, ҳаваси келди: севмаган одамга нақадар яхши!..

Эртаси куни китобни жойига қўяётиб, Хуршиданинг қўнғироқдек овозини эшитди:

— Кечирасиз, компьютерга қараб беринг.

— Менга айтяпсизми? — ортига ўтирибди Восил.

— Ҳа, сизга, — кулимсиради қиз. — Бу ерда бошқа ҳеч ким йўқ-ку! Қаранг, матн ўз-ўзидан ўзгариб қоляпти. Сира тушунмадим.



Восил мониторга тикилиб, бир зумда компьютер нуқсонини тузатиб берди. Қиз матн ёзиб кўриб, қувониб кетди:

— Вой, раҳмат. Қўлингиз енгил экан.

— Арзимаёйди, — зўрға гўлдиради Восил..

Ишдан кейин Восил бекатда турганида иттифоқо Хуршида келиб қолди. Аксига олгандек, автобус кўринмай, икковлон анча гаплашишди. «Намунча содда бўлмаса, — ўйлади Восил. — Ҳамма билан шунақа гаплашаверармикан? Ёки енгилтаклими бу?»

Кутаётган автобуслари ҳам бир экан. Восил ичида қувониб кетди. Йўловчиларга тирбанд автобустга чиқишгач, у Хуршиданинг иссиқ нафасидан ўзини йўқотиб қўяёзди. Қиз шунчалик яқин турардики, Восилни жиққа тер босди.

— Кечроқ чиқсам бўларкан, — деди Хуршида қийналиб. — Кеча одам бунча кўп эмасди.

Кейин у ўзининг бекатида тушиб қолди. Шундан сўнг ҳам Восилнинг ўзига келиши қийин бўлди. У ўзида нимадир бўлаётганини аниқ-таниқ ҳис қиларди.

Уйда чидай олмай, биринчи марта укасига кўнглини ёрди:

— Менга қара.. Мен севиб қолдим.

Қобил унга тикилиб қаради. Севги ёшида бўлмасаям унча-мунчага тушунадиган бўлган-да у ҳам. Ақл-мулоҳаза билан иш юритишга ҳаракат қилади. Акасига қараб туриб сўради:

— Агар бошқа қизни бўлса, энди кеч, ака.

Восил индамади. Кейин ташқарига чиқиб, қизга кўнғироқ қилди:

— Алло, салом, мен Восилман. Дурдонамисиз?

— Вой, ассалому алайкум, Восил ака. Ҳа, менман, Дурдонаман. Кўнғироғингизни кутмаган эдим, узр. Меҳмонларни кузатиб, у ёқ-бу ёқни йиғиштираётгандик.

«Намунча кўп гапирмаса», — деди ўзига-ўзи Восил. Кейин беихтиёр сўради:

— Хурсандмисиз?

— Вой, саволингизни!.. Ўзингиз-чи?..

— Менми?.. Мен сиздан сўрадим-ку!

Дурдона бироз жим қолиб, сўник овозда савол берди:

— Кайфиятингиз йўқ, шекилли, Восил ака?

— Йўғ-ей, ҳаммаси жойида..

Восил ўша кеча иккала қиз ҳақида ҳам хаёл суриб ётди. Дурдонани ўйлаб, ўзини бевафоликда айблади. «Мен бевафо эмасман, — деди ўзини ўзи оқлаб. — Ахир Дурдонани севмайман-ку!» Кейин яқинларидан эшитган сийқаси чиққан гапни эслади: ҳақиқий севги тўйдан кейин пайдо бўлади. Хуршида ҳақида хаёл суриб эса шундай қизни қўлдан чиқараётганидан ўкинди: «Умримда биринчи бор севиб қолиб, ўшаниям қўлдан бераман..»

Эртасига Хуршиданинг компьютери яна нағма чиқариб, қиз тагин Восилга мурожаат қилди. Унинг ўзи келиб илтижо қилгани бошқа ходимларнинг қулоғини динг қилиб юборган эди. Восил эса ҳалиям улардан ўзининг фотиҳа тўйи ҳақида яшириб юрганидан хижолат торгди.

— Сизниям ишдан қўйдим, — деди Хуршида қабулхонада. — Нима қилай, ишхонада ёшлардан фақат сиз экансиз, қолганлар одамга бошқача қарайдими-ей! Баъзида қўрқиб ҳам кетаман.

— Хў-ў-ш, мана, бўлди, — юраги потирлаб деди Восил.

Ишдан кейин у ўзи хоҳлаб-хоҳламай бекатда Хуршидани узоқ кутди, аммо у келмади. «Яхши бўлди», — деди Восил. Автобустга чиққанидан кейингина Хуршиданинг қораси кўринди. «Яна озроқ кутсам бўларкан», — деди Восил.

Кечки овқат маҳали Восилнинг телефони жиринглаб қолди. У Дурдона қўнғироқ қилаётганини кўриб, ҳайрон



бўлди. Жавоб бермади. Укаси сирли қараб қўйди. Ота-онасига сездиришмади.

Дурдона эртаси куни кундузи ҳам қўнғироқ қилди. Бу пайтда Восил қабулхонада эди. Хуршида билан нима-нидир муҳокама қилаёттанди. Шошиб қолди. Хуршидага ўзини кўрсатиб қўйгиси келдимиз, бу сафар қўнғироққа жавоб берди:

— Алло, эшитаман.

— Ассалому алайкум, Восил ака. Бу, мен — Дурдонаман. Безовта қилмадимми?

— Йўқ, бемалол, — деди Восил, ичида эса ўзидан яниб қўйди: «нақадар ёлғончиман-а, ростдан ҳам безовта қиляпти-ку!»

— Кечаям телефон қилгандим, жавоб бермадингиз. Хавотирландим. Қўнғироқ қиласиз деб кутдим ҳам.

Восил телефонни қулоғидан қўймай, Хуршидага қаради. Назарида унинг авзойи ўзгаргандек туюлди. Кейин секингина қабулхонадан чиқиб фойеда гаплашди.

— Ҳозир... ҳозир... Кеча ота-онам, укам билан овқатланаётган эдик, ноқулай бўлди телефонга жавоб бериш. Эшитяпсизми, Дурдона?

— Эшитяпман.. Ўзингиз телефон қиласиз, деб ўйловдим. Шунга.. Хавотирдаман.

Восил Дурдонани тинчлантириб, ўзини ноқулай сездди. Сўнг хомуш бўлиб қолди. Хуршидадан узоқлашиши кераклигини қаттиқ ҳис қилди. Бир пайтлар ўқиган жумласи хотирасида жонланди: «Ўзгалар кўз ёши эвазига келадиган севгининг боридан йўғи яхши».

Ишдан ўйчан қайтаётган Восил нақ қулоғининг тагига қор келиб теккач, чўчиб тушди. Жаҳли чиқди. Ён-атрофига бурилиб қараб, Хуршидага кўзи тушди. Шу пайт қиз иккинчи марта уни қор билан сийлади. Хуршиданинг атрофдагилар билан иши йўқ, қийқириб куларди.

«Ие, бу қанақа қиз?» — деди Восил, бўйнидаги қорни тушираркан. Хуршида яқин келиб, унинг юзига қор

отмоқчи эди, Восил унинг қўлларидан ушлаб олди. Шу топда юраги бўғзидан чиқиб кетгудек бўлди. Қизнинг эса парвойига келмас, қиқирлаб қўлини тортқиларди. «Бу қиз жинни қилади».

Восил Хуршиданинг қўлини қўйиб юборди. У хижолат тортган эди. Қиз эса, аксинча, Восил ҳали ўзига келмай туриб, яна унга қор отди.

— Намунча хўмраясиз? — деди ҳамон кулиб Хуршида. — Одам дегани яйраб яшаши керак!

Восил қўлига қор олди-да, номигагина унга ирғитди. Хуршида сира бўш келмади. Йўловчилар бу икки ёшга ҳавас билан қарашар, кулимсираб ўтиб кетишарди.

Ниҳоят Хуршида совқотди, шекилли, қор отишни бас қилиб, қўлини «куҳ-куҳ»лашга тушди. Восил яна унинг қўлини ушлагиси келди. У Хуршиданинг кўзларига зимдан тикилар, тикилган сари сира унинг рухсорига тўймасди. Ўзи билиб-билмай, уни Дурдонага таққослай бошлаган эди.

— Кетамиз-а, кеч бўлди, — деди Хуршида. Кейин яна кулди: — Ҳеч ким сизни қор билан бунақа бошлаб урмаган бўлса керак?

— Ҳа, — бош ирғаб қўйди Восил.

Бекатда бироз гаплашиб турдилар. Хуршиданинг самимийлиги, беғуборлиги Восилни янада ўзига оҳанрабодек тортаётган эди.

Автобусда Восил юраги яна гурс-гурс ураётганини ҳис қилди. «Хуршиданинг юраги ҳам шунақа ураётганми-кан?» деб ўйлади.

Қиз йўлда тушиб қолди. Восил, кўзатиб қўяман, деб айта олмади..

Уйда онаси унга деди:

— Ўғлим, Дурдонанинг янгаси қўнғироқ қилувди. Сени сўради, салом айтди. Анча гаплашдик. Кейин, ўғлингиз қайинсинглимизни у ёқ-бу ёққа олиб чиқмайдими,



деб ҳазиллашди. Нега олиб чиқмас экан, албатта, олиб чиқади, дедим. Телефон қилиб турибсанми, ишқилиб?

Восил бош силкиб қўйди.

— Ишдан кейинми, бирор жойга таклиф қил, болам. Феълени билиб олаверсанг, яхшими, дейман-да! Онасини кўриб, қизини ол, дейишган. Онаси жуда яхши аёл.

Ёлғиз қолишни истаётган Восилга онасининг бу гаплари ҳозир ёқмаётган эди. У шифтга қараб ётганча Хуршиданинг оҳу кўзларини кўз олдига келтириб, у билан ғойибона суҳбатлашмоқчи эди. Ширин орзу-хаёллар оғушида учишни истарди ҳозир. Эртага нималар бўлиши билан нечукдир қизиқмас, аниқроғи, бу ҳақда ўйлашни хоҳламасди ҳам.

— Яхши, ойи, тушундим, — деди у.

Эртаси куни эрталаб Восил ўзини тийишга қанчалик ҳаракат қилмасин, қабулхонага бирров бош суқди. Хуршида билан сўрашди. Унинг кўзларига яна қараб-қараб олди. Кейин хуш кайфиятда ўзларининг хонасига йўналди. Кечгача ғайрат билан ишлади. Бир неча марта қабулхона олдига бориб, қия эшикдан Хуршидага термилиб ҳам келди.

Қўл телефони жиринглаганида Восил нотаниш рақамни кўриб, ҳайрон бўлди.

— Алло, ассалому алайкум, Восилжон, — деди бегона аёл телефонда. — Бу, мен — Дурдонанинг янгасиман. Яхшимисиз? Дурдона билан ишхонангиз ёнидан ўтаётган эдик.. Шу ердამисиз? Бўлажак қариндошларни бир кўриб қўяйлик, десам, Дурдона сира кўнмаяпти.

Восил шошиб қолди. Худди ўзининг катта сири ҳақида бошқалар эшитиб тургандек, атрофига олазарак қараб олди. Хонада ўзидан ташқари Камолов ҳам қолган, у Восилга безбетларча қараб ўтирарди. Восил йўлакка чиқди.

— Ҳа, ишхонада эдим, — деди у ўзини хотиржам тутишга уриниб. — Бироздан кейин кетаман. Дурдона ях-

шими, салом айтиб қўйинг. Бугун.. шошилинг қиладиган ишларим бор эди, дўстлар билан. Ўзи.. эртага Дурдонани бирор жойга таклиф қилмоқчи эдим.

Телефондан ҳадеганда жавоб келавермади.

— Яхши, — деган овоз келди ҳаял ўтиб, — безовта қилган бўлсак, узр.

Бу гап самимий айтилди ёки истехзо биланми, Восил тушунолмади қолди. Нима бўлганда ҳам унинг кайфияти тушган эди.

Бироздан сўнг Камолов иш столини эринмай йиғиштириб, Восил билан хайрлашди. Эшикдан чиқиш олдидан негадир унга ғалати қараб қўйди.

Восил шартта қабулхона рақамини терди. Гўшақдан қўнғироқдек овоз эшитилгач, энтикиб деди:

— Хуршида, танидингизми, Восилман. Ҳали кетмайсизми? Шуниси сўрамоқчи эдим.

— Бироздан сўнг, нимаиди? — сўради Хуршида.

Восил кулиб жавоб берди:

— Бугун қорбўрон ўйнагингиз келмаяптими?

— Шамоллаб қолманг тагин, — ҳазиллашди Хуршида.

— Сиз учун шамолласам, нима қилибди? — Восил бу гапни зўрға айтди..

Аммо, барибир, бугун кечагидек бўлмади. Восилнинг ўта ҳаяжонланганими ёки ич-этини кемираётган хавотирми, нимадир уни эмин-эркин ҳаракатлардан тўсиб турарди. Хуршида эса ўзгармаган, ҳануз қийқириб, қоротишни давом эттирарди.

Бекатда бошқа одам йўқ эди. Восил беихтиёр Хуршидага қўл чўзди:

— Қўлингизни беринг, иситиб қўяман.

Хуршида биринчи марта кўзларини олиб қочди:

— Йў-ў-ў-қ, қўйсангиз-чи!

Восил ўзини мардонавор сезиб, Хуршиданинг қўлларидан маҳкам ушлади-да, оғзи олдига келтириб, исита



бошлади. «Мен сизни севиб қолдим, — деди ичида. — Хуршида, сизни севиб қолдим».

Айни шу пайтда Восилнинг телефони жиринглаб қолди.

— Телефонингиз, — деди Хуршида қўлини беозор тортқилаб.

Восил унинг қўлларини қўйиб юбормади, телефонини ҳам олмади. «Ким қўнғироқ қиляпти экан? — деб ўйлади у. — Дурдонамикан? Қўймайди, шекилли».

— Бўлди, қўлим ёниб кетади, — Хуршида шундай деб қўлларини чаққонлик билан тортиб олди. — Телефонга-ям жавоб бермадингиз.

— Уйдан қўнғироқ қилишгандир, — деди Восил.

Узоқдан автобус кўринди.

— Ниҳоят автобусимиз келяпти, — кулди Хуршида.

Восил ранжиган бўлди:

— Намунча шошилмасангиз!

Шу пайт яна унинг телефони жиринглади. «Дурдона, — деб ўйлади Восил. — Бу қиз тинч қўядиганга ўхшамайди». Кейин қўнғироқ қилинаётган рақамга қараб, яшил тутмачани босди:

— Ҳа, ойи, нима гап?

Телефондан онасининг овози келди:

— Қаердасан, Восил?

— Бекатда, ойи, уйга қайтяпман.

— Сенга ҳеч ким қўнғироқ қилмадими?

Восил Хуршидага қараб, чеккароққа ўтди-да, ойисининг саволига жавоб берди:

— Нима гап, ойи, устимдан арз қилишдими дарров?

— Сен пичинг қилма, бола! Ўша ердан ўтишаётган экан, бирров кириб ўтамиз, дейишса, унамабсан. Менга нима девдинг? Сўзингда турмайсанми?

Восил Хуршидага қараб қўяркан, секин шипшиб қўйди:

— Ойи, уйда гаплашамиз, ҳозир бир-икки ўртоғим билан эдим.

— Сен осонликча тушунмайсан, тез кел..

Автобус бекатда тўхтагач, бирин-кетин унга чиқишди. Йўловчи камлиги боис ёнма-ён ўтирдилар. Восилнинг назарида Хуршида худди унинг сирларидан воқифдек туюлаверди. Ўзини ноўнғай сизди. Нимадир деб саволга тутиб, Хуршиданинг кайфиятини билишни хоҳласа-да, тилига жўяли гап келавермади.

— Нега ўйчан бўлиб қолдингиз? — деб сўради, холос.

— Менми? — кулимсиради Хуршида. — Ўзингиз шундай бўлиб қолдингиз-ку! Тинчликми?

— Тинчлик-тинчлик, — Восил ҳам жилмайишга уринди. — Ойим, шунчаки, қўнғироқ қилибдилар.

— Хавотирга тушгандирлар, — яна кулди Хуршида. — Энди ишдан кейин ўз вақтида уйга қайтинг.

Восил унинг ҳуснига маҳлиё бўлиб тикиларкан, сўради:

— Ўзингиз-чи?

— Менми, мен ҳали ишга тўлиқ киришолганимча йўқ, — деди Хуршида хотиржамлик билан. — Ўргангунча кеч қайтиб тураман, шекилли.

— Ойингиз хавотирланмайдими?

Хуршида бош чайқади:

— Ёш бола эмасман-ку!

— Мен сизни олиб қочиб кетсам-чи? — Восил бу гапни қандай айтди, ўзи ҳам билмай қолди. У дилидагини тилига чиқарган эди. Ўзи ҳаяжонга тушди. Мулзам бўлди. Назарида Хуршиданинг берадиган жавоби уни хижолатдан қутқариб қолиши мумкин эди. «Хуршида менга ишоняпти, мен эса ҳаддимни билмаяпман», деб ҳам ўйлади у. Қизнинг жавобини интиқлик билан кутди. Хуршида ҳадеганда жавоб беравермади. Ё Восилнинг гапига эътибор қилмади, ё хафа бўлди. Унинг бекатда турган пайтидаги хуш кайфиятидан асар ҳам қолмагандек туюлди Восилга.



— Ранжитиб қўйдим-а, сизни? — деди Восил астойдил.

— Нима? — афтидан Хуршиданинг хаёли бошқа жойда экан, шекилли, тушунмай сўради. — Нимани айт-япсиз?

— Эшитмаган бўлсангиз, янаям яхши.

Автобус Хуршида тушадиган бекатга яқинлашган эди. Хуршида тараддуланиб қолди.

— Мен ҳам тушаман, — деди Восил. — Сизни кузатиб қўяман.

Хуршида самимий жавоб қилди:

— Овора бўлманг, ўзим кетаман.

— Хуршида..

— Ойингиз кутяптилар, — эслатди Хуршида. — Хўп, хайр...

Восил уйга ўзгача ҳислар оғушида кириб борди. У Хуршидани кўз олдидан кетказолмас, аммо шу билан бирга Дурдона билан боғлиқ ўй-хаёл ҳам ичини кемирарди. «Нега бундай бўлди? — деб ўйлади у. — Нима учун шоширишди?»

У онаси ҳам саволга тутишини ўйлаб, ўзича жавоб топиб қўйди. Ҳатто, онаси отасига шикоят қилиши мумкинлигини ҳам тахминлади.

Каромат опа Восилни сўроққа тутмади, балки синчков назари билан унга индамай қараб турди.

— Қорним оч, ойи, — деди Восил кўзларини яшириб.

— Ҳа, шунақами? Ошналаринг овқат беришмадими?

— Гапиринг-гапиринг, ойи.. Хўш, нималар дейишди?

Ўзи шу янгасиям ғалати экан. Ишхонангта борамиз, дейди. Мени ноқулай аҳволга солишларини ўйламайдими?.. Нега шошилдик ўзи, ойи?

— Нима? — Каромат опанинг кўзлари қаҳрли тус олди. — Ўйлаб гапиряпсанми? Сен, бола, бирортасини топиб олган бўлмагин тағин.

— Оббо, дарров бошлайсиз-а, — минғирлади Восил.

— Ўзингга, топсанг, топ, дедик, миқ этмадинг-ку! Дурдона билан учрашдинг, гаплашдинг, «бўлади», дединг. Энди ҳаммани шарманда қилмоқчимисан?

Восил онасидан бу гапларни эшитиб, кулгиси қистади:

— Ойижон-ей, нега бунча ваҳима кўтарасиз? Кимни шарманда қиламан? Тавба, ахир бекорчи эмасман-ку, ян-гаси учрашувга чиқ деса, зинғиллаб чиқаверадиган.

— Сен, бола...

— Эртага учрашувга чиқаман, бўлдимми?

— Ҳозир Дурдонага кўнғироқ қил. Хотиржам бўлсин. Ян-гаси айтди, хавотирланиб ётганмиш!

— Хўп.

Восил онасининг хонадан чиқиб кетишини кутди. Кейин телефонни кўлига олди. Унинг жаҳли чиққан, ҳозирдан Дурдона гўё ҳукмини ўтказа бошлагандек жиғибийрон эди. Айна дамда онаси эшик ортидан ич-карига қулоқ тутиб турганини ҳам сезиб, Дурдонанинг телефон рақамини терди.

Дурдона узоқ куттирмади — телефон кўнғироғига дарров жавоб бера қолди. Аммо...

— Алло, ким бу? — деди Дурдона.

Восилнинг гаши келди: «била туриб, ким бу, дейди-я?.. Маккора!»

— Менман, Восилман, — жавоб берди у.

Дурдонанинг кейинги саволи ошиб тушди:

— Восил?.. Қайси Восил?

— Нима?! — Восилнинг зардаси қайнаб, телефонини шартта ўчирди.

Қайси Восил эмиш! Ким деб ўйлаяпти Восилни? Кўзинг учиб, қулоғинг ҳам динг бўлиб турибди-ку аслида! Нега тилёғламалик қиласан?

У асабийлашиб хонада у ёқдан-бу ёққа юра бошлади. Кўз ўнгида Хуршида гавдаланиб, ўзини босиб олди. «Хуршида, сиз барибир бошқачасиз», деди пичирлаб.



Кейин хонадан чиқди. Онаси унга зимдан қараб, оғзини пойлаб турарди. Восил эса кўзларини олиб қоча-верди. Қовоғиниям очмади.

— Телефон қиддингми? — сўради Каромат опа сабри чидамай. У атайин эрига эшиттириб шундай деди. Бу гапни эшитган Ворис ака жиддий гап бордек, телевизордан кўз узди-да, ўғлига тикилди.

— Ҳа, — деди Восил.

— Хўш, нима деди?

Восил баттар хуноб бўлди. Онасига норози қаради. Ворис ака она-боланинг савол-жавобини индамай эшитиб турарди.

— Ойи, овқатланайлик, — тишини тишига босиб гапирди Восил. — Қорним оч.

— Ҳм-м... — шундай деб Каромат опа ошхона томонга кетди.

Овқатланиш пайтида бу мавзуда бошқа гаплашмадилар. Каромат опа тумтайиб ўтирди. Ворис ака ўғлига зимдан қараб қўярди. Оиланинг кенжатоёи Қобилгина бир-икки гапириб, ҳеч кимдан садо чиқмагач, кейин жим бўлди.

Эртаси куни ишга отланар маҳали Каромат опа яна ўғлини сиқувга олди.

— Ойи, нима, мен унга ялинишим керакми? — деди Восил зарда билан. — Ўзини танимаганга оляпти. «Қанақа Восил» дейди! Атайин айтди. Мен ердан чиққан қўзиқоринманми?

— Шундай дедими? — Каромат опа ўйланиб қолди...

Восил ишга кета-кетгунча Хуршида ҳақида ўйлади. Уни тезроқ кўриб, узоқдан бир зумгина бўлса-да, рухсори-рига қараб қўйишни истарди ҳозир.

Ишхонага етар-етмас телефони жиринглади. Ойиси экан.

— Мен гаплашдим, — деди Каромат опа. — Сен ҳам нотўғри қилибсан-да, болам. Нега дарров телефонингни ўчириб қўйдинг?

— Ойи, нима, ўзимни қайтадан таништиришим..

— Эшит, ҳой... Қиз бола шунақа бўлади. Балки шошгандир, ҳаяжонлангандир, ким билсин, ҳазиллашган бўлишим мумкин. Шунга ота гўри қозихонами? Ўзиям бу ишидан пушаймон экан. Жаҳли чиқишини билмабман, дебди. Телефон қил.

— Йўқ, — қатъий жавоб берди Восил. — Мен кеча телефон қилиб бўлганман!

— Ҳой, қон босимимни оширма, — нола қила кетди Каромат опа. — Қачон сенга ақл киради, қачон?! Доим мени хуноб қиласан. Қанақа боласан?! Шу қизга телефон қилсанг, бирор жойинг камайиб қоладими-я?

Восил йўлакнинг чеккароғига ўтди.

— Ойи, — деди босиқлик билан, — мен кеча телефон қилдим-ку, яна нима хоҳлайсиз? Бир бегона қиз ўғлингизни аҳмоқ қилиб ўтирсаям, индамасакансиз-да!

— Бегона қиз дема, у — бўлажак келинимиз. Нон синдирилган, унутма.

Восил нима деярини билмай қолди.

Каромат опа сўзида давом этди:

— Сенга айтяпман, пушаймон экан кечаги ишидан. Кеча роса сенга қўнғироқ қилибди, телефонинг ўчирилган экан. Яна нима қилсин бечора? Ё олдинга йиғлаб келсинми? Ялинсинми?

«Мен ҳам ошириб юборяпман», — деб ўйлади Восил ақл-ҳушини йиққан бўлиб.

— Ўғлим, ўзинг тушунган боласан-ку, — мурасага ўтди онаизор. — Бугун у билан қандай бўлмасин учраш. Гаплашиб олинглар, бир-бирларингга меҳр уйғотишларинг керак, болам.

— Хўп, учрашаман, — деди Восил, — аммо, хафа бўлманг, мен унга қўнғироқ қилмайман.



Каромат опа бироз жим туриб, кейин жавоб берди:

— Майли. Балки янгаси сенга телефон қилар. Аммо, албатта, учраш.

Ойиси билан гаплашиб бўлган Восилнинг яна Дурдонадан жаҳли чиққан эди. Ҳатто унга қўнғироқ қилиб, уришиб бермоқчи ҳам бўлди. Ойисининг дийдиё қилишини ўйлаб, ўзини босди. «Шу қизга уйланаманми? — деди ўзига-ўзи Восил. — Бир умрга мени қийнаб ўтади-ку!.. Хуршида-чи, Хуршида нима бўлади?»

У қабулхонага мўралади. Хуршида кўринмас, директорнинг эшиги очиқ, афтидан у ичкарида эди.

Восил таъби хира бўлиб иш жойига қайтди.

— Ҳа, нечук? — деди Аллаев шоирона қилиб. — Қовоқлари солиқлигин боиси недур?

— Ўзим, — деб қўйди Восил.

Аллаев бир нималар деб роса вайсади. Шу одамнинг борлигига шукр, деб қўйди Восил. Хонага Камолов кириб келгачгина Аллаевнинг уни ўчди. Камолов ҳамма билан сўрашаркан, Восилга ғалати қараб қўйди. Восилнинг юрагига ғулғула тушди. «Мени Хуршида билан бирга кўрганга ўхшайди», деб ўйлади у. Шу боис қабулхонага боргиси келса-да, индамай ишлаб ўтирди. Аммо унинг ичи питирлар, Хуршидани кўргиси келарди.

Тушга яқин Восилнинг телефонига СМС келди: «Хафа қилган бўлсам, кечиринг. Дурдона».

Хонадаги телефон жиринглаб, гўшакни Камолов кўтарди.

— Кимни?.. — деб сўради у. — Восилни нима қиласиз?

Восил қатори бошқалар ҳам ҳайрон бўлиб Камоловга қарашди. Унинг қўполлигидан Восилнинг жаҳли чиқди. Камолов гўшакни жойга қўйиб, Восилга кўз қирини ташлар экан, тўнғиллади:

— Қабулхонага боринг, котибангиз чақиряпти.

Ходимлар Восилдан жавоб кутиб, унга ўтирилдилар. Ўртага ноқулай жимлик чўкди. Восилга қўйиб берса, Камоловга бошлаб жавоб қайтарарди. Бироқ шу топда нима дейишни билмасди у. Туриб кетишни ҳам ўзига эл кўрмади. Тишларини гижирлатиб, индамай ўтираверди — Камоловни писанд қилмаслигини шу тарзда намойиш этмоқчи бўлди гўё. Қолаверса, қабулхонага югуриб кетса, бу бетамиз орқасидан ифво қилиши, бошқаларнинг Хуршидага нисбатан ножўя фикрлашлари мумкинлигини ҳам ўйлади.

— Нега бормаяпсиз, Восил? — деди бироздан кейин Элмуродов. — Балки сизни бошлиқ чақиргандир?

Восил Камоловга хўмрайиб қараб, ўрнидан турди-да, хонадан чиқди. Қабулхонага етгунча ўзининг кайфиятини кўтаришга ҳаракат қилди.

Хуршида уни табассум билан кутиб олди.

— Компьютерим яна бўзилиб қолди, — деди ўпкалаб. Бироз жим туриб, кейин сўради: — Исми нима эди, Туроб аками, намунча қўпол гапирди?

— Телефон ўшанинг столида туради, — деб жавоб берди Восил. — Ишхонамиздаги энг бахил одам у. Ичи қора.

— Бировларнинг орқасидан гапириш яхши эмас, — беозор кулимсиради Хуршида.

Бу гапдан Восилнинг жаҳли чиқса-да, кулгига олиб, истеҳзо қилди:

— Ўзингиз бошладингиз-ку!

— Мен фақат сўрадим, — бўш келмади Хуршида. — Сўраганинг эса айби йўқ.

Восил компьютерга андармон бўлиб, гапни бурди:

— Сизга қўл телефонининг рақамини бериб қўяман.

Хуршида яна кулди:

— Бошқа қизлар телефон қилишмайдими?

Восил нима деярини билмай қолди. Тағин айни шу топда унинг телефони ҳам жиринглаб қолди. «Дурдона



бўлса керак», деб ўйлади Восил. Телефонига қаради: ҳа, қўнғироқ қилаётган Дурдона эди. Восил ноқулай аҳволга тушди. У Хуршидага қарамаётган бўлса-да, қиз тешиб ўтгудек нигоҳи билан уни кузатиб тургандек туюлди. Шу вақт қабулхонадаги чақирув қўнғироғи янграб, Хуршида бир-икки қоғозни олди-да, тезгина бошлиқнинг ҳузурига кириб кетди. Фурсатдан фойдаланган Восил тинмай жиринглаётган телефонини қулоғига тутди.

— Алло, ассалому алайкум, — овози эшитилди Дурдонанинг. — Мен — Дурдонаман.

— Яхшимисиз? Танидим, — деди Восил.

— Юборган хабаримни олдингизми? Мендан хафамисиз?

Восил бироз энсаси қотиб, жавоб берди:

— Кейинроқ гаплашамиз. Ҳозир бандман.

— Қачон?

«Оббо, — гаши келди Восилнинг, — нега менга ёпишиб олди?»

— Ўзим қўнғироқ қиламан, — у шундай деб шартга телефонини ўчирди.

Хуршида ҳадеганда ичкаридан чиқавермади. Восил уни бетоқат бўлиб кутди. Қабулхонага Камолов мўралаб қўйгачгина у хонасига қайтди.

Тушлик пайтида ҳам Восилнинг кайфияти йўқ эди.

— Нега Камолов сизга ёпишиб олди? — деди Аллаев.

— Ортимдан гапирдимми? — сўради Восил.

Аллаев, қўйсангиз-чи, дегандек қўл силтади.

Тушдан кейин Восилга ўқаси Қобил қўнғироқ қилди:

— Ака, нима гап, ойимни хафа қилдингизми? «Вой, бошимлаб» ётибдилар..

Шундан кейин Восил Дурдонага сим қоқди:

— Дурдона, яхшимисиз? Бу мен — Восилман. Кеча сиз мени танимаган Восил.

Қиз жим эди.

«Яна ҳаддимдан ошяпман», — деб ўйлади Восил.

— Бугун вақтингиз қалай? — сўради у ўлганининг кунидан баттар бўлиб.

Дурдона тилга кирди:

— Восил ака, сизни хафа қилдим, кечиринг. Шунчаки ҳазиллашмоқчи эдим. Бундан кейин жиддий бўламан. Майлими, кечирдингизми?

— Сиздан илтимос, ойимга ҳеч нима деманглар. Қон босимлари бор у кишининг.

— Хўп, Восил ака.. Мен эмас, янгам.. Бугун қачон десангиз, тайёрман...

Кечки пайт учрашдилар.

Восилнинг кўнгли хижил эди. Гарчанд Хуршиданинг олдида бурчли бўлмаса-да, ишхонадан ими-жимиди чиқиб кетган, уни гўё бугун умрга алдагандай туюларди шу топда ўзига. «Ахир, мен уни севиб қолган эдим-ку, нега алдадим?» Кейин ўзини оқлайдиган баҳоналар топди: «Нима деб алдадим? Ишхонадан айтмай чиқиб кетдим, холос. Бошқа чорам ҳам йўқ, Камоловга ўхшаганлар ортимдан пойлаб юрган бўлса, нима қилай?..»

Дурдона ўзига анча оро берганиданми, Восилнинг кўзига фусункор кўринди. У бу қиз олдида ҳам ўзини айбдор ҳис қилди.

— Кимни ўйлаяпсиз? — сўради Дурдона.

Дурдона, нимани демади, кимни деди. Атайин гапир-яптими ёки бирор нарсани сезиб сўраяптимики?

Восил жавоб бермади. Айни дамда унинг ёлғиз қолиб, ўз хаёлларига банди бўлгиси келаётган эди. Вазиятни Дурдонанинг ўзи юмшатди:

— Вой, намунча аразчисиз? — деди у самимий кулиб. — Сизга гапирганда жудаям эҳтиёт бўлиш керак экан-ку! Доим шунақамисиз?

— Бир сўз билан ўлдириш ҳам, тирилтириш ҳам мумкин, — сўз қотди Восил ҳазил йўсинида.

— Тўғри айтасиз, бироқ кек сақлаш ҳам яхши эмас. Кечиримли бўлишга нима дейсиз, Восил ака?



Кейинги пайтларда ё қизлар ақли бўлиб кетишяпти, ё улар ҳақида энди-энди билиб оляпман, деб ўйлади Восил. Шу топда у Дурдонага ўзининг кечаги қилмишини эслатмоқчи бўлди. Кейин ўзаро суҳбат шундоқ ҳам баҳста айланиб кетаётганини ўйлаб, бу ҳақда гапирмади.

— Янгангиз сизни жуда папалайди, шекилли, — деди у кулимсираб. — Қаёққа борса, сизни ўзи билан олиб юрадими, дейман?

Восилнинг тағдор гапи Дурдонага ёқмади, чоғи, сал жиддий тортди.

— Ҳамманинг ҳам яқин одами бўлиши керак-ку! — деди у бироздан сўнг.

«Бу гапи билан менга яхши зарба берди, — ўйлади Восил, — сен яқин одамим бўлмаганингдан кейин янгам яқиним бўлади-да, демоқчи».

— Сиз севгига ишонасизми? — тўсатдан сўради Восил.

Дурдона унга киприklarини пирпиратиб қаради. Кейин жавоб топа олмадими, елка қисиб қўя қолди. Восилнинг эса айнаи дамда унга муҳаббат ҳақида, бу туйғунинг нақадар беқиёслиги хусусида гапиргиси келарди. У Дурдонага тикилганча, Хуршидага ўхшаш жиҳатларини излай бошлади. Дурдона эса кўзларини олиб қочиб, ўзини овқатланаётгандек кўрсатди. Бироздан кейин бошини кўтариб сўради:

— Биринчи учрашувимиз эсингиздами? Роса жиддий эдингиз. Бу одам севги-певгини билмаса керак, деб ўйлаганман ўшанда. Энди эса сиздан кутилмаган саволлар чиқяпти.

— У пайтларда севиб қолмагандим-да, — деди Восил атайин Дурдонанинг жиғига тегиш ва.. ичидаги бор гапни ошкор қилгиси келиб.

Дурдона яна жим қолди.

— Майли, охири бахайр бўлсин, — деди у бироздан сўнг руҳи тушиб.

Восил Дурдонани гап билан чалғитиш учун бошқа мавзуга тортиб кўрди, аммо Дурдона рўйхушлик бермади. «Ниманга ноз қиласан?» — деди ичида Восил ғижиниб. Кейин эса Дурдонага айтган гапларидан пушаймон бўлди. Ҳа, бекор қилди айтиб. Агар Дурдона анови қақажон янгасига айтса, яна бошоғриқлар бошланади.

Улар кафедан чиқишганида кўчада одамлар сийраклашиб қолган эди. Восил, Дурдона муз йўлакда сирпаниб кетмаслик учун мени қўлтиқлаб олади, деб ўйлаганди, ундай бўлмади. Дурдонанинг гапиргиси ҳам келмасди. Восилнинг кўнгли баттар ғаш тортди. У такси тўхтатар экан, Дурдонадан кўз узмасди. Қиз уйларига етгунларича ҳам чурқ этмади.

— Гапиринг, — деди Восил чидай олмай.

Дурдона хўрсиниб деди:

— Нимани гапирай, гапирадиган гапларни айтиб бўлдик.

Восил зўрма-зўраки кулимсиради:

— Мабодо пичинг қилмаяпсизми?.. Мен ҳазиллашдим-ку, Дурдона! Хўш, яна қачон кўришамиз?

Дурдонанинг кайфияти кўтарилгандек бўлди. Шунда ҳам, билмадим, дегандек елкасини қисди.

— Сизни зўр жойга олиб бораман, — деди Восил уни умидлантириш учун. — Икки ёки уч кундан кейин, хўпми?

— Хўш, — Дурдона бош ирғади...

Каромат она ўғлини яхши кутиб олди. Айланиб ўргилди. Восилдан, келин тўй ҳақида нима деганини сўради. Восилнинг пешанаси тиришди. Ахир, тўй борасида Дурдона гапирмайди-ку! Гап бошқа ёқда эмиш: бўлажак келиннинг амакиси оғир касал эмиш. Тўйни тезлаштиришса яхши бўларди, дегандек қилишибди. «Менга фарқи йўқ», — деди Восил ойисига. Шу кунларда нима қилиш кераклигини ўйлайвериб, боши қотиб кетганди унинг. Хонасига кираркан, укаси йўқлигидан фойдала-



ниб, Хуршидага қўнғироқ қилмоқчи бўлди. Бироқ вақт алламаҳал, уйдагиларининг олдида Хуршидага ноқулай бўлмасмикан?

Восил телефонига тикилиб туриб, индамай стол устига қўйди. Кейин тўшакка ўзини ташлаб, анчагача ўйланиб ётди. Ҳа, ҳадемай Восилнинг тўйи! У эса, ўзининг унаштирилгани ҳақида ишхонадагиларига ҳам билдиргани йўқ. Хуршидани деб.

Нима бўлганда ҳам масалани бир ёқли қилиши керак. Хуршида масаласини, албатта! Чунки Дурдона масаласи... пишган, тап-тайёр! Фотиҳа тўйи ўтган қизни қайтариб бўлмайди-ку, ахир! Аммо Восил бу ҳақда Хуршидага қандай айтади?

Демак... демак, битта йўли қолади: Хуршиданинг кўзига кўринмаслик! Восил шу топда худди Хуршидани бировларга бериб қўяётгандек ғойибдан уни қизғанаётганини ҳам ҳис этди. Яхшиси, бор гапни Хуршиданинг ўзига айтса-чи? Ахир, Восил ҳали унга севги изҳор қилиб, умидвор қилгани йўқ-ку! Бироқ Хуршидага нима дейди? «Мен ҳадемай ўйланаман, тўйимга борасиз», — десинми? Хуршида қандай аҳволга тушаркан? Титраб кетса керак. Ёки, эҳтимол, бир туки ҳам қилт этмас унинг!.. Эҳ, икки ўт орасида қайнаш дегани шу бўлса керак — илгари Восил бу ҳақда фақат китобларда ўқиган эди, мана энди ўзининг ҳаёти китобдагидан ҳам бери бўлиб турибди.

Восил ўпкаси тўлиб келаётганини ҳис қилди. Ўзича бошқалардан ёзғира бошлади. Хўш, уни ким тушунди, ким унга таскин беради? «Хуршидадан қолма, уни қўлдан чиқарма», деб қайси одам айта олади? Айтмайди, айта олмайди. Чунки Восил билан Хуршиданинг ўртасида Дурдона бор! Восилнинг бўлажак рафиқаси!..

Эртаси куни ишхонада ҳамманинг олдида Камолов Восилга сўз қотди:

— Тўйингиз бўлаётган экан, бундоқ билдирмайсиз ҳам.

Хонадагилар Восилга ҳайрон бўлиб қарашди.

— Тўй бўлса, албатта таклиф қиламан, — деди Восил қовоғини очмай. Бу найнов қаердан эшитибди, дея ичидан зил кетди.

— Қизиқ, қизиқ, — кулимсиради Аллаев. — Жа ичингиздан пишган экансиз-ку сиз!

«Ҳамма эшитибди, энди Хуршидага айтмаса бўлмайди», — деб ўйлади Восил энсаси қотиб. Кейин хонада ўтира олмай чиқиб кетди. Тўппа-тўғри қабулхонага борди. Хуршидага нигоҳ ташлаб, баттар руҳи тушди — у ранжиганнамо кўринарди. Восил индамай ортига қайтди...

Шу алфозда у анча кунгача Хуршиданинг кўзига кўрина олмай, тунд бўлиб юрди. Қиз ҳам Восилни сўрамай қўйган эди. Қабулхона эшиги доим ланг очиқ, аммо Восилнинг у томонга қадам қўйишга журъати етмасди. Ҳеч ким билан гаплашгиси келмас, одамови бўлиб қолган эди у.

Бир гал бекатда турганида эса Хуршиданинг оҳиста қадам ташлаб келаётганига кўзи тушиб, тараддудланиб қолди. Бу пайтда қорлар эриган, атроф фусункор, аммо бу гўзаллик ҳар иккисига ҳам гўзаллик бахшида этмаётган эди.

— Бахтли бўлинг, — деди Хуршида етиб келгач, сокин овозда.

Восилнинг алами келиб, беихтиёр кўзлари ёшга тўлди.

— Сиз ҳам бахтли бўлинг, — деди у дилидагини тилига чиқариб. — Мени кечиринг, Хуршида... Мен чора топа олмадим... — Кейинги гапларини у деярли пичирлаб айтди: — Кечир мени, муҳаббат... Кечир, кечиккан севгим!..

У мовий осмонга термилиб, кўз ёшларини тўхтата олмади.



## ТАЪҚИБ

Толиб бутун ишдан дили хун бўлиб қайтди. Кўпчиликининг ичида, жамоа орасида Довур Ҳалимович уни «роса олиб бориб, олиб келди». Найзадек гаплари Толибнинг нақ юрагини тилимлаб ўтди. «Ҳаммасини биларкан, — деб ўйлади тишини тишига босиб Толиб, — ҳаммасини! Наҳотки ортимдан одам қўйган бўлса?! Ким экан ўша хоин?..»

У асабий тарзда эшик қўнғироғини босди. Ҳадеганда очилавермагач, яна-яна босди. Айни пайтда барча аламини хотинидан олмоқчи эди. Эшик очилиб, Толибнинг ичи шувиллаб кетди. Остонада Назира турарди. Нигоҳлар тўқнашиб, бирида ҳайрат ва қўрқув, иккинчисида алам ва қасос ўти зоҳир бўлди. «Бу... қаёқдан келди? — ичини ит кемирди Толибнинг. — Менинг уйимда нима қиляпти? Наҳотки?..» Қисқа фурсат уни ниҳоятда довдиратиб қўйган эди.

— Вой, дадаси, келинг, — Назиранинг орқасидан пайдо бўлди Салтанат. — Меҳмон бу, дадаси, меҳмон. Ҳайрон бўлдингизми, қаерга келиб қолдим, деб?

Шунда ҳам Назира Толибдан кўзларини узмай синовчан термилиб турарди. Салтанат унга қарагачгина мийиғида кулган бўлди:

— Ҳа, эрингизми бу киши? — шундай деб Назира ичкарига кириб кетди.

Толиб юрагидаги ҳадикни сездирмасликка уринса-да, чуқур-чуқур нафас ола бошлаганди. Остона ҳатларкан, ўзини чарчаган қиёфага солди. Кейин эса ичкарига имо қилиб, савол назари билан хотинига қаради.

— Кейин айтаман, тез ювиниб чиқинг, — деди пичирлаб Салтанат.

Уст-бошини алмаштириб чиққан Толиб не-не ўй-хаёлда меҳмонхонада Ҳасан-Ҳусан билан ўйнаб ўтирган Назирага кўз ташлади-да, ювиниш хонасига кирди. Юз-қўлини обдан ювгач, ойнага термилиб турди. Ундаги жаҳл ўти карахтликка айланган, ўзини идора қилолмаслигидан қўрқаётганди.

Бу тасодиф эмас, тасодиф бўлиши мумкин эмас. Унда нега келади, нега? Толибнинг тинчини бузиш учунми? Шундоқ ҳам серғалва ҳаётига чанг солишми Назиранинг мақсади? Ахир, неча йил бўлди бунга? Наҳотки, эски гапни қўзғаб, нияти қасос олиш бўлса? Бошқа қандай мақсади бўлиши мумкин? Салтанатга айтиб берса-я ҳаммасини?.. Э, айтса, нима?! «Бир пайтлар бўлган-да шунақа ишлар», дейилади, тамом-вассалом! Ўзи орқамдан юрган». Аммо... аммо Назира чиройини йўқотмабди, ўша-ўша гўзал!..

— Чиқа қолинг, овқатни суздим, — овози эшитилди Салтанатнинг.

Толиб артиниб, зўрға чиқди. Дастурхон бошида ўзини бепарво тутишга ҳаракат қилди. Атайин қилгандек Назира унинг рўпарасидан жой олган эди.

— Меҳмонга олинг, десангиз-чи! — кулди Салтанат. — Уй эгаси «олинг», деб ўтиради-да!

Толиб синиқ жилмайиб, Назирага қаради-да, яна унинг синчков нигоҳига дуч келгач, кўзларини олиб қочди. «Нима деб кирган экан уйга? — деган ўй ўтди ичидан. — Бирор хийла ўйлаб топгандир. Ҳа, мана, кириб олди, мени топди, энди билганини қилади».

— Меҳмонга алоҳида сузиб, ичкарига киритмабсанда! — деди Толиб сукут сақлашни ўзига эп билмай. — Бу ерда хижолат бўлиб...



— Манавиларингизни биласиз-ку, — эгизакларига имо қилди Салтанат. — Ичкарини аллақачон алғовдалғов қилиб ташлашибди.

— Сизларни ҳам овора қилиб қўйдим, — деб қўйди Назира.

— Вой, бу нима деганингиз? — мулозамат қилди Салтанат. — Қани, олиб ўтиринг, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади.

Толиб дастурхондан бош кўтармай овқатланишга ҳаракат қиларди. «Яхши бўлиб кетади?» — Хотинининг содаллигиданми, ландовурлигиданми аччиқланган эди у. Ҳе йўқ, бе йўқ, бегона аёлни бошлаб келаверарканда уйга! Ҳозир ким кўп — фирибгар, товламачи кўп. Ишончингни қозониб, тиллаларингни олиб чиқиб кетса кўрасан!

— Хотинингиз жудаям очиқ кўнгли экан, — деди дабдурустдан Назира. — Етти ёт бегона аёлни қўярдақўймай уйга олиб келди. Бошқа одам бўлганида...

Ҳа, бу маккора Назира Толибнинг ичидагини билади.

— Қўйсангиз-чи, мен сизнинг олдингизда қарздорман, — кулди Салтанат.

Назира Толибга пинҳона ҳужум қила бошлади:

— Ёлғончи, каззоблар оз дейсизми? Кўзингизга қараб, алдаб кетишади. Яхши одам экансиз, сизга катта раҳмат. Арзимас иш учун..

Толиб ҳам Назирани чақиб олмоқчи бўлди:

— Яхши бўлмаса, бунга уйланармидим, меҳмон?!

Салтанат кулиб юборди. Толиб Назирага зимдан қараб, унинг лаблари титраб кетганини кўрди. «Ана шунақа, баттар бўл», — деди ичида. Кейин тезда дастурхонга фотиҳа ўқиб, ўрнидан турди:

— Сизлар бемалол ўтиринглар.

Ётоқ томон йўналаркан, Назира унинг ортидан аччиқланиб қараб тургандек туюлди. Ичи сиқилди: «Эртага йўқолса керак ёки бошқа нияти бормикан?..»

Хиёл ўтмай, ётоққа Салтанат кириб келди.

— Нега ҳар кимни эргаштириб келасан? — жаҳл қилди Толиб.

— Секинроқ, — лабига кўрсаткич бармоғини босди Салтанат. — Ҳалиям раҳмат, денг, индамай ўтирганига.

Толиб меровсиради.

— Йўлимдан чиқиб қолса бўладими! — изоҳ берди хотини. — Салгина туртиб кетдим. Мен унга ёрдамлашиш ўрнига у менга таскин берди. Ўтакам ёрилди.

— Нима? Туртиб кетдим? — Толиб Назиранинг муддаосини тушуна бошлаган эди.

— Ҳа, бўлмаса тезликни оширганим йўқ. Иккинчи машина ҳайдаганим бўлсин. Милиция келмасидан тезроқ кетинг, дейди қайтага. Қўярда-қўймай уйга олиб келдим. Эртага кетамаң, деяпти.

— Нега менга қўнғироқ қилмадинг? — жаҳл қилди Толиб.

— Биладан-ку сизни, дарров ваҳима қиласиз. Ҳали ойимлар ҳам билишмайди.

Толибнинг баттар қовоғи уйилди. Ишхонада нимадир бўлганини Салтанат тезда илғади.

— Яна нима бўлди? — деб сўради.

— Нима бўларди, яна отанг-да! Ҳамманинг олдида мени оёқ ости қилди, — ҳасрат тутунини ечди Толиб. — Неча марта айтдим, гапи бўлса, алоҳида гаплашсин, деб. Бир оғиз шипшиб қўйиш қийинми, Салтанат? Агар ойинг айтолмаса, ўзинг айт. Шунча одамнинг олдида бақиради, сўкади, қилган ишларини миннат қилади, қачонгача чидаш мумкин?

Салтанат эрининг юзини оҳиста силади:

— Хўп, ўзингизни босинг, дадамни биласиз-ку! Қизишиб кетган пайтда ҳамма нарса эсидан чиқиб кетади.

— Жамоанинг олдида мен нима деган одам бўлдим? Шундоқ ҳам пана-пастқамда устимдан кулиб юришибди.



— Бўлди, айтаман. Эртага дадамнинг олдига бо-  
раман, — таскин берди Салтанат, кейин ҳазилга олиб  
деди: — Ўзингиздан бўлгандир-да!

— Э, ҳамма ишимга аралашаверади, жонимга тег-  
ди, — шундай деб Толиб бошига чойшабни ёпиб олди.

Салтанат бироз ўтириб, чиқиб кетди. Кейин қачон  
қайтиб кирди, Толиб билмайди. У алоқ-чалоқ тушлар  
кўриб ётди...

Эрталаб у уйқуга тўймаган кўзларини зўрға очди. Би-  
роз ўйланиб ётди. Кейин Назира эсига тушиб, илкис ёни-  
га қаради: Салтанат йўқ эди. Ўрнидан турди-да, соатга  
боқди: вақт алламаҳал бўлибди.

Ётоқдан чиқиб, хотинини чақирди — жавоб келма-  
ди. Ошхона томонга юрмоқчи эди, рўпарасидан Назира  
чиқди.

— Хотинингиз боғчага кетди, — деди у истехзо билан.  
Толиб ичидагини ташига чиқарди:

— Аҳмоқ хотин! Уйда бегона аёл бўлса ҳам чиқиб  
кетавераркан-да!.. — шундай деб бурилган эди, Назира-  
нинг истехзосини эшитди:

— Аҳмоқ бўлмаса, сизга тегармиди?!

«Кечаги гапнинг қасдини оляпти», — Толиб индамай  
ювиниш хонасига кирди. Эшикни ёпар-ёпмас, ортидан  
Назира ҳам кирди. Толибнинг авзойи ўзгарди. У Нази-  
радан янада аччиқ гапни куттанди, аммо кутилмаганда у  
Толибни қучоқлаб олди.

— Сизни соғиндим, жудаям соғиндим, — деди ши-  
вирлаб.

Толиб ноўнғай аҳволда қолган, нима қиларини билмас,  
ичига титроқ кирган эди. У ҳадемай Салтанатнинг қай-  
тиб келишидан хавотирланишдан кўра бир пайтлардаги  
ҳиссиётлари жўш уриб, ҳаяжонланиб қолган эди. Эсида,  
ғира-шира пайтда гужум остида икковлон учрашганлари-  
да Толиб Назиранинг шаршара мисоли сочларини тўйиб-  
тўйиб ҳидлар, гулу гулзор, гўзал боғ, дарахтларнинг муат-

тар ҳиди, ҳамма-ҳаммаси қоришиб, анвойи исдан боши айланиб кетарди. Кейин Назиранинг кўзларига тикилар, бу соҳибжамол қиз ўзиники эканлигига сира-сира ишонгиси келмасди. Қучоқлаб оларди уни. «Мени ташлаб кетмайсизми?» — дерди Назира. Толиб уни бағридан бўшатиб, унинг кўзларига термиларди. «Наҳотки, сени ташлаб кетиб бўлса?» — дерди..

Аммо бари бошқача бўлиб кетди. Назирани ташлаб кетиш мумкин экан.

— Салтанат келиб қолади, — деди зўрға Толиб. — Унга.. ҳеч нима демайсизми?

Назира Толибга ёв қараш қилиб, ювиниш хонасидан чиқар-чиқмас, эшикнинг шарақлаб очилгани ва Салтанатнинг овози эшитилди.

\* \* \*

Ўринбосари Шавқиддиновнинг кулимсираб кўришгани Толибга кечаги гапларни яна ёдига солди. «Отнинг ўлгани — итнинг байрами!»! Бу мақолни овоз чиқариб айтмоқчи эди, ўзига эп кўрмади. Кошки, бу одам ўз айбини тан олса?

Толиб хонасига киргач, Валиевни ҳузурига чақиртирди..

— Нима қиламиз? — деб сўради Валиев.

Толиб индамай елка қисди. У уйда хотини билан тузукроқ гаплашиб олмаганидан хуноб эди. Нима бўлганда ҳам пулларни жойига қўйишлари керак. Акс ҳолда Довур Ҳалимович тинч қўймайди. Керак бўлса, ишни терговга ошириб юбориши мумкин. Толибни-ку, сақлаб қолишар, бироқ манови Валиев деганлари ҳам оғзини юмиб ўтирмайди.

— Хотинингиз билан гаплашмадингизми? — деб сўради Валиев очиқдан-очиқ.

Толиб унга қаҳр билан қаради. «Хотиним билан ишинг бўлмасин», демоқчи бўлди, ўзининг ваъдасини эслади: «Нега кўрқасиз, бирор гап бўлса, ана, Салтанат бор...»



Валиев чиқиб кетгач, Толиб уйга қўнғироқ қилди. Хотинидан, «ойинг билан гаплашдингми?» — деб сўради. «Меҳмоннинг олдида ноқулай бўлди», — деб баҳона қилди Салтанат. Толибнинг зардаси қайнади: «Мен бу ерда бўларим бўлиб ўтирибман-у сен ҳалиям меҳмонни баҳона қиласан, кузатиб юбор, йўқолсин». Ичида эса бошқача ўйлади: «агар Назира Салтанатнинг ёнида бўлса, аксига олади».

Тушдан кейин Толибнинг хонасидаги телефон жиринглаб, гўшакни кўтарган эди, нотаниш аёлнинг овози эшитилди:

— Алло, мен сиз билан учрашишим керак.

— Нима? Ким бу? — ҳам ҳайрон бўлиб, ҳам жаҳли чиқди Толибнинг.

— Телефонда овозим бошқача жарангларканми? Мен — Назираман.

Толиб эшик томонга қараб оларкан, ўзини босиб сўзлади:

— Менга қаранг, Назира, ниятингиз нима? Уйингизга кетинг.

Назиранинг жавоби тайёр экан:

— Нега кетаман? Ахир, сизни деб келдим-ку!

— Нима керак ўзи сизга? — жиғибийрон бўлди Толиб.

— Нима эмас, ким, денг! Сиз, сиз кераксиз менга.

— Мақсадингиз нима ўзи? Оиламни бузишми? Кейин кўнглингиз жойига тушадими?

— Нега асабийлашасиз? Ўзингизни босинг. Бир пайтлар менга берган аҳд-паймонларингизни хотинингизга айтиб бермаганимга шукр қилинг. Оилани бузишга келсак.. Сиз бизнинг оилани бузмадингизми? Онам қишлоқда бош кўтаролмай, қон босими билан ўлиб кетди. Отам ичкиликка ружу қўйган. Сингилларимга ҳалиҳануз совчи келмайди. Мўносабатларимиз ҳақида бутун

қишлоқ аҳли билса-да, сиз номардларча ташлаб кетдингиз. Ўзингизча ўқишни баҳона қилдингиз.

Толиб бақириб юборди:

— Ахир, бунга неча йил бўлди?!

— Ҳа, анча сувлар оқиб ўтди. Не кунларни кўрмадим, не зардобларни ютмадим. Мен қийналган сайин сиз юқорилайвергансиз. Бас, етар! Мен ҳам яшашим керак. Энди бир қадам ҳам ортингиздан қолмайман. Ҳамма айтганларимга кўнаси.

«Мен билан савдолашмоқчи, — деб ўйлади Толиб. — Ҳозир шуниси етмай турганди. Бир-икки йил аввалроқ келганида ҳам майли эди. Қайнотам эндигина ишонмай қўйганида..»

— Неча пул берай? — деди у. Аслида «қанча берсам, тинч қўясан?» демоқчи эди.

— О-ҳо, пулингиз кўпайганини писанда қиляпсизми? — кесатди Назира. — Агар шунчалик кўп бўлса, менинг номусимни тиклаб беринг.

Толиб ўрнидан туриб кетди. Гўшакни маҳкам қисиб, ўдағайлади:

— Ўв, менга қара, китобий сўзларингни қўй, эшитдингми? Мақсадингни айт, муддаонг нима ўзи?

Назира тап тортмай жавоб берди:

— Мақсадимми, сизни тинч қўймаслик! Керак бўлса, бир умр ортингиздан таъқиб қиламан. Токи, қилган ишларингизга пушаймон бўлинг.

Туйқус Толибнинг хаёлига, гапларимни диктофонга ёзиб олаётган бўлса-я, деган ўй келди. Назира қаердан қўнғироқ қилаётганини ҳам тушунолмай боши қотди. Толибнинг тили соқов бўлди-қолди.

— Хўш, учрашамизми? — деди орага чўккан узоқ сукутдан сўнг Назира.

Толиб ичида минг карра хавотирланаётган бўлса-да, у билан учрашишга кўнди. Гўшакни қўяр экан, анча вақтгача бошини ушлаб ўтирди. Айни дамда дардини



кимга айтишни билмас, чакка томирлари лўқ-лўқ ураётганини бармоқ учлари билан ҳис этарди.

Бир маҳал сакраб ўрнидан турди. Ўзига-ўзи таскин бера бошлади.

Нима қилибди юрган бўлса? Шунга ота гўри қозихонами? Салтанат билса билибди. Ахир, йигитчиликда бўлади-ку! Аммо... Назира ҳеч кимга билдирмаган тақдирда ҳам Толибни ўз измига солмоқчи. Соғиндим, деганлари — баҳона! Тавба, бунақа эмасди-ку! Наҳотки, йиллар уни шу қадар ўзгартирган бўлса? Йиллар эмас, одамлар ўзгартирган! Кимдир айнитган, акс ҳолда осмондан тушгандек кутилмаганда пайдо бўлмасди!

Йўлда Толибга Салтанат кўнғироқ қилди. Отасига учрашибди. Илтимос қилибди, ёлворибди. Отаси аввалига, сен аралашма, дебди. Кейин, хўп, дея ўдағайлаб берибди.

— Нимадир қилгансиз, шекилли? — мумкин қадар мулоийм гапирди Салтанат. — Дадамнинг жудаям жаҳли чиққан.

— Бас қил, — деб жавоб берди Толиб жаҳлидан тушолмай. — Мен нима қилсам, сени, болаларни деб қиялман. Ҳойнаҳой, отажонинг яна миннат қилгандир, худди ҳовли олиб бергандай.

Толиб хотинидан Назира ҳақида ҳам сўрамоқчи бўлди, бироқ тили бормади...

Назира айтган уй анча хилватда бўлса-да, Толиб ба-рибир хавотирини босолмасди. Ичкарига кирар-кирмас, Назира унинг бўйнига осиди. Толиб аччиқланиб, унинг қўлларини гарданидан олиб ташлади. Бир офиз гапирмай, Назирага тикилиб турди. Назира ҳам лом-мим демади, ундан нигоҳини олмади. Толиб унинг қарашларига чидай олмай, кўзларини олиб қочди ва тилга кирди:

— Мени тинч қўй, Назира, ўзи шундоқ ҳам ҳаловатим йўқолган. Нима қилмоқчисан? Нима қилсам, тинч қўясан?

Назира ҳозиржавоблик билан деди:

— Мени иккинчи хотинликка олинг.

Толиб унга илкис қаради, ҳатто қулоқ-чаккасига тарсаки тортиб юбормоқчи бўлди, ўзини зўрға босди. Бир пайтлар бу қиз билан аҳд-паймон қилганига мингдан-минг пушаймон эди ҳозир.

— Нега индамайсиз? — ўсмоқчилаб сўради Назира.

— Бу ҳақда иккинчи гапирма, — овозини балаңдлатди Толиб. — Иккинчи хотин бўлгинг келса, ана, бошқаларга бор. Мен унақалардан эмасман.

— Йўқ, менга фақат сиз кераксиз, — орсизларча сўзлади Назира.

— Сен анча ўзгарибсан. Вақти келиб, шундай дейсан, деб сира ўйламагандим. Майли, кимга борсанг, бор, арз қил, аммо мени тузоғингга туширолмайсан. Жимгина келган жойингга кет, акс ҳолда ёмон бўлади, — Толиб шу гапларни айтиб энди ортига бурилмоқчи эди, Назира унинг этагидан ушлади. Толиб унинг қўлини силтаб ташлади.

— Тўхтанг, боламиз-чи, унинг айби нима? — Назиранинг бу сўзлари уни тўхташга мажбур қилди.

«Энг оммалашган услуб, — деб ўйлади Толиб. — Нақадар разил экан бу Назира! Наҳотки, ҳаммасини бир-бир ўйлаб иш тутаётган бўлса?!»

У Назирага шунчалик қаҳр билан қарадики, айна пайтда уни ўлдиришдан ҳам тоймасди. Ичидаги ғалаён, алам, изтироб Толибни бошқа одамга айлантираётган эди гўё.

— У эгизакларингизга ўхшайди, — деди Назира. — Айтгандай, исмини айтмадим..

— Бас қил! — Толиб уни уриб юборишдан зўрға тийилиб, орқасига силтаб юборди. — Менга чўпчакларингни айтма. Тинч қўй, дедим. Агар яна йўлимга тўғаноқ бўлсанг, такрорлайман, аяб ўтирмайман. Билиб қўй: мен ёмонга ёмон, яхшига яхшиман.



Ҳартутул Назира кўрқдими, индамади. Толиб бу уйдан чиқиб кетмоқчи бўлди, бироқ бироз ўйланиб, Назиранинг ваъдасини олишга, аниқроғи, бу масалага узил-кесил нуқта қўйишга қарор қилди.

— Хўш, нима қилмоқчисан? — деб сўради у.

Назира икки қадам нарида, кўзларини Толибдан узмай қараб турарди.

— Нима қилмоқчисан, айт, — бақириб юборди Толиб.

— Ҳеч нима, — деди минғирлаб Назира, — кетаверинг.

Толиб остона ҳатлаб эшикдан чиқар-чиқмас, Назира эшикни ёпди-да, ичкаридан қулфлаб олди.

«Балки яхши гапириш керакмиди! — деб ўйлади Толиб машинага ўтиргач. — Кўнглига озор етказдим. Йўқ, кўрққани маъқул, акс ҳолда менга тегиб олишдан ҳам тоймайди. Ишқилиб алланималарни ўйлаб топмасми-кан?»

У ишхонага етгачгина Назиранинг бола ҳақидаги гапини эслади. Ростдан ҳам бола бўлса-я! Нега унда Назира шу пайтгача индамай юрди? Эҳтимол, кимдандир орттириб олгандир? Кафолат йўқ-ку!

\* \* \*

Довур Ҳалимовичнинг даккиларини у қилт этмай эшитди. Гарчанд қайнотаси Толибга маслаҳат бераётган бўлса-да, гаплари буйруқ оҳангида янграр эди.

— Сен ишхонадан ташқарида кўевимсан, — деди Довур Ҳалимович доимий гапларини такрорлаб. — Шўни унутма. Одам деган эс-ҳушини йиғиб юради. Ҳар қандай гапни қизимга етказаверасанми? Эркакларнинг ишига нима қиласан аёлларни аралаштириб?

Толиб ичида нима деса деди, аммо тилига чиқармади. Билади: бу одам бошқанинг гапини тан олмайди, фақат ўзиники тўғри! Оқни қора десаям, бош ирғаб туришинг

керак, акс ҳолда оғзидан кўпик сачратиб додлашга тушади. Дарвоқе, қизини узатишдан олдин у ўнлаб йигитларни чиғириқдан ўтказган, битта-битта суҳбатлашган. Толибни ёқтириб қолганки, Салтанатни унга берган. Ким билсин, балки Толибни латтачайнар деб ўйлагандир, эҳтимол, унинг келажаги порлоқлигига кўзи етгандир, Салтанатнинг ўзи ҳам ёқтириб қолгани ҳам сабаб бўлган бўлиши мумкин. Аммо кейин-кейин Толиб ўзини бир банди каби ҳис қила бошлади. Бошида Салтанат айтганди-я, ўзингиз алоҳида иш очинг, деб. Бироқ амал курсиси турганида..

Ана шу жиҳатдан ҳам Толиб баъзида божаси Султонга ҳавас қилади. Бирмунча оддий турмуш кечираётган бўлса-да, қайнота, қайнонасининг олдида тили қисик эмас унинг. Худди узукка кўз қўйгандек, Султоннинг хотини ҳам оддийгина. Худди бадавлат оилада туғилиб-ўсмагандек таассурот қолдиради. Салтанат-чи? У ҳам яхши, бироқ баъзи-баъзида тили бийрон бўлиб қолади..

— Сен тушундингми, нима деганимни?

Толиб унча англамаган бўлса-да, бош силкиди.

— Пулни қачон қайтарасан? — зикналик билан сўради Довур Ҳалимович. — Менга аниқ кунини айт. Ишни ланж қилма. Қизиқ, сен қизимга менинг устимдан шикоят қилишни биласан, аммо ўзинг пулларимни еб ётганингни билдирмайсан, тўғрими? Пул керак экан, ўзимга айтсанг бўларди-ку!

«Э, сендан пул сўраб мен аҳмоқманми? — деди ичида фикрини Толиб. — Кошки, берсанг!»

— Кетаверайми? — деб сўради у бироздан сўнг тоқати қолмай. — Бугун мол олиб келишмоқчи эди.

— Бўпти, боравер, — амр қилди Довур Ҳалимович. — Индамай юр, бола.

Толибнинг ичидан зил кетса-да, индамайди. Индаб ҳам нима дерди?!



Эшикка етганида Довур Ҳалимович уни тўхтатди. Толиб ортига бурилди.

— Айтгандай, сени бошқа масалада чақиргандимку! — деди Довур Ҳалимович. — Биттаси иш сўраб келганди, ўшани ишга ол. Қариндошинг экан, бир оғиз айтмайсан ё гуруринг йўл қўймаяптими?

Толиб, тушунмадим, дегандек, ҳайрон бўлиб унга қаради.

— Балки иккаланг келишиб олгандирсан, сени билиб бўладими? — аччиқ кулимсиради Довур Ҳалимович. — Исмини Назира, деди, шекилли!

— Назира?! — Толибнинг бошига қон тепгандай бўлди. — Ундай қариндошимиз йўқ.

— Эплигина қизга ўхшайди. Ўзи ана шунақаларни ишга олиш керак. Чиройли ҳам. Сен эса қаёқдаги қаланғи-қасанғиларни атрофингга йиғиб олгансан. Анови читтак котибангнинг ўрнига қўй. Йўқ-йўқ, Валиевга ёрдамчи қилиб тайинла. Бир-икки ой ишлатиб кўрайликчи, агар яхши ишласа, Валиевни йўқотамиз. Унга ишонч йўқ, бир балолар қилиб юрибди. Бўпти, боравер.

Қайнотасининг ҳузуридан чиққан Толиб бошини қай тошга уришни билмасди. Икки кун бўлган, Назирани эндигина унутганди-я! Шу йўлни топибди-да у. Қариндош эмиш! Бу нима — шама қилганими? Ростдан ҳам Назиранинг ўзи айтганидек, у Толибни тинч қўймайдиганга ўхшайди. Довур Ҳалимовични қандай топди у? Қачон гаплаша қолди? Ё Салтанат аралашганмикан?

Толиб хотинига қўнғироқ қилса-да, бу ҳақда сўрай олмади. Унинг ўзи айтишини кутди. Салтанат эса Назира ҳақида эсламади ҳам.

Хонаси олдида Валиев кутиб турарди. Ичкарига киришгач, Толиб пўлат сандиқдан пул олиб узатди:

— Мана, бир қисми бу. Сиз ҳам ўзингизникини қўшинг.

Валиев унга оғриниб қаради, кейин пулни олиб, индамай чиқиб кетди.

Толиб ўзини иш билан андармон қилмоқчи бўлди, бироқ бугун-эрта Назирани ишга олишини ўйлаб, зардаси қайнади. У, индамай юраман, деганди, сўзида турмади. Бу ерда ҳам Толибни тинч қўйиб бўлпти. Қаёқдан топиш мумкин Назирани? Э, топгани билан нима дерди? Қайтанга у баланддан келаверади. Валиев.. Валиев нима бўлади? У дарҳол сезади. Ўзини кетказишлари мумкинлигини идрок этиб, ҳар балога шай туради.

Бу ердан кетиш керак — Толибнинг хаёлига ногоҳ шу фикр келди. Ишлайверишсин ўша Назира билан! Кўчада қолиб кетмас, ахир Толиб! Осмон қўлида эмас-ку, Довур Ҳалимовичнинг.

Толиб ўйлаб-ўйлаб, тегишли рақамни терди:

— Ассалому алайкум, ака, яхшимисиз?

— Ие, ие, ие, биз — камбағалларни йўқлайдиган кунингиз ҳам бор экан-ку! — шўх овози эшитилди Султоннинг. — Бугун ўнг томонимиз билан турган эканмиз, қаранг!

Султон пичинг, истехзо билан эмас, самимий, ҳазил ўйсинида гапираётган эди. «Нақадар бахтли одам, — деб ўйлади Толиб. — Дунёни сув босса, ўрдакка не гам!..»

Кечга яқин емакхоналардан бирида учрашишди.

— Шунақа денг? — кулимсиради Толибни тинглаб бўлган Султон. — Жонингизга тегибди-да! Ўрнимизни алмаштирсак-чи, сиз менинг ўрнимда, мен сизнинг жойингизда, а?

Толиб ҳам кулди:

— Аммо сиз қиладиган иш менинг қўлимдан келмайди-да! Чув тушириб, устозларингиздан калтак еб юрмай.

— Э, одам қиладиган ишни одам қилади, божа.. Аммо жиддий гапирадиган бўлсак, аввал яхшилаб ўйлаб,



бир қарорга келинг. Қайнота осонликча жавоб беради, деган хаёлга борманг.

— Жонимни олармиди?! — Толиб Довур Ҳалимовични кўз олдида тасаввур қилиб, жаҳли чиқди. — Айтяпман-ку, бўғзимга келди. Фақат кейин фирмамга аралашмаса бўлгани.

Султон қадаҳга қўл узатди:

— Ана шу очадиган фирмангиз учун!..

Хайрлашув чоғида Султон Толибнинг кўзларига қараб деди:

— Менга айттингиз келмаёттандир-у, барибир бу ерда бошқа гап борга ўхшайди.

Толиб ширакайф бўлиб қолганди. Шундай бўлса-да, сир бой бермади.

У алламаҳалда уйга қайтар экан, зинадан чиқаётиб, худди Назира пойлаб келаётгандек орқасига бир неча марта қараб олди. Аслида дадил бўлиш учун ичганди, аммо ҳозир сархушлиги ҳам фойда бермади. Ҳозир уйга киргач, Салтанатга ҳаммасини айтиб бериш ҳақида ўйлади. Аёли-ку, ҳар ҳолда тушунар! Бироқ унга нималар дейиш мумкин? Қай бирини айтади? Вақтида номардлик қилиб, Назирани ташлаб кетгани-ю, энди у Толибни таъқиб қилаётганини? Қайнотаси ўша Назиранинг макрига учиб, уни ишга олиши кераклигини тайинлаганини? Ҳаммаси жонига тегиб, Толиб бу дардисар амалдан воз кечмоқчилигини айтадими хотинига?

Айтмайди, айтолмайди.. Ахир, Салтанатга шу пайтгача Назиранинг тарихи борасида ҳеч нима демаган-да! Қариндош эмиш! Ҳаммасини чувалаштириб юборяпти. Ҳали олдинда қандай режалари бор экан унинг? Нима бўлганда ҳам Толибни тинч қўймайди у! Ўз оғзи билан айтган эди Назира бу ҳақда.

Толиб беихтиёр онасининг гапларини эслади: «Унинг отаси қамалиб чиққан экан». Ҳа-ҳа шу боис Назирани ташлаб кетганди у. Ташлаб кетганида ҳам уйдагилари ба-

рибир олиб беришмасди Назирани. Нима қилсин эди? Назиранинг дийдиёларини эшитиб, онасининг гапини бир чақага олмаслиги керакмиди Толиб?

Салтанатта ҳаммаси ҳақида айтиш керак. Акс ҳолда кейин кеч бўлади..

— Анови даданга учрашибди, — деди Толиб хотинига гап бошлаш учун.

— Назирами? — сўради Салтанат ҳайрон бўлмай.

— Сен билармидинг? — тутақиб кетди Толиб. — Мен тушунмаяпман, нималар бўляпти ўзи? У ёқда даданг сиқувга олади, бу ёқда сен ими-жимиди ишни битирасан. Қачондан буён мендан бемаслаҳат иш қиладиган бўлдинг?

Толиб айна дамда кўрқоқларча иш тутганини ўзи яққол идрок этди. Жаҳл аралаш хотинидан аламини олмоқчилиги, мабодо у Назира ҳақида ҳаммасини билган бўлса, айнан шу боис уни айблаётганини ҳис этди. Сийқаси чиққан бўлса-да, бор гап: энг яхши ҳимоя — ҳужум!

— Гапир, нега индамайсан? — кўнглига алланечук ҳадик оралади Толибнинг. — Нималар деди ўша сатанг? Ўзи ҳаммаси сен туфайли бўляпти. Машинани ҳайдай олмайдиган сен-у, балога қолган мен. Нималар бўляпти, деяпман сендан?

Салтанат мийиғида кулиб деди:

— Нега асабийлашасиз? Ҳеч нима бўлгани йўқ. У ҳозиргина кўнғироқ қилди. Бир идорага иш сўраб боргандим, бошлиғи тасодифан отангиз бўлиб чиқди, деб кулди. Бор гап шу! Дадамнинг сизга айтганини ҳам эшитганим йўқ.

— Ўв, ўша қиз, кўевингизнинг қариндоши бўламан, дебди. У атайлаб борган. Тасодиф эмиш!

Салтанат ўйланиб қолди. Толиб унинг ҳайрон бўлган-бўлмаганини ҳам билолмади. Яна кўнглига хавотир ора-



лади. Худдики у Толибни синаб кўраётгандек таассурот қолдирарди ҳозирги ҳолат.

— Сен мендан ҳеч нимани яширмаяпсанми? — деб сўради Толиб.

Салтанат елка қисди:

— Мен тушунмадим, нега бунча ваҳима қиляпсиз? Сиздан нимани яшираман? У борган, учрашган, дадам сиз ҳақингизда гапирган бўлса, қариндошиман, дегандир-да! Шунга шунча ваҳимами? Ахир, одамлар ишга кириш учун нималар қилишмайди.

Толибнинг ҳовури сал босилгандай бўлди. Бугун Султон билан учрашгани, ишдан кетажаги ҳақида у билан гаплашганини айтмоқчи эди. Салтанатнинг бу гапларидан сўнг нима қилишини билмай қолди.

— Болалар яхшими? — деди у нима дейишини билмай.

— Яхши, ухлацияпти.

Ётоққа киришгач, Толиб хотинининг билагидан ушлаб, оҳиста деди:

— Менга қарагин, ўша билан алоқани уз. Негадир менга ёқмаяпти. Алдайдиган одамдан ҳар бало кутса бўлади.

— Хўп, — бош ирғади Салтанат. — Умуман айтганда, мен у билан ош-қатиқ эмасман-ку! Телефон қилса, гаплашаман, холос. Нима қилай, айбим бор. Ўша кунги ишим кўз олдидан кетмайди. Ахир, ўлиб кетишиям мумкин эди.

— У атайин йўлингга чиққан, — деди Толиб.

Салтанат бор овозда кулиб юборди:

— Энди бу гапингиз жудаям ортиқча бўлди.

Толиб кўзларини олиб қочиб, гўё тан олди:

— Ҳа, тўғри айтасан. Кўп ичдим-да, хотин.

Шу кеча Толиб раҳматли онасини туш кўрди. У Назира билан отасини кўрсатиб, алланималар деди, Толиб эшитмади.

Унинг уйқуси ўчиб, алламаҳалгача чекиб ўтирди. Ўйлаб-ўйлаб, қайнотасига Назиранинг отаси қамалиб чиққани ҳақида айтишга қарор қилди.

\* \* \*

Эртаси куни Толиб иш жойига ўтирар-ўтирмас, бежирим қилиб ёзилган аризага кўзи тушди. Яна сиқилди. Котибани чақирди.

— Хабарингиз бор экан-ку, — деди котиба. — Довур Ҳалимовичнинг ёрдамчисига ҳам бориб келибди. Шу бугун олиш керак, дебди. Мана, бир чеккасига ёзилган. Ўзини чақирайми, пастда юрган эди.

— Шарт эмас, — тишларини ғижирлатиб жавоб берди Толиб. — Бораверинг.

Котиба чиққач, у Санжар Эминовичнинг телефон рақамини терди. Саломлашгач, дарҳол муддаога ўтди:

— Менга қаранг, бу қизнинг отаси қамалиб чиққан бўлса, нима қиламиз ишга олиб? Тағин, денг, ошборга! Эртага бор-йўғимизни ўмариб кетмаслигига ким кафолат беради?

Санжар Эминович яхшигина жавоб қилди:

— Толибжон, отаси қамалган, деб ёшларни кўчага ташлаб қўядиган бўлсак, ҳар хил йўлларга кириб кетади. Ўзини кўрдингизми, қўлидан иш келадиган! Мабодо ошборни ўмарадиган бўлса ҳам, қараб турмасиз ҳойнаҳой?

— Йўқ, мен...

— Довур Ҳалимовичнинг гапини икки қилмайлик, дўстим. Биласиз феълени. Агар хоҳласангиз, ўзига қўнғироқ қилинг. Аммо, ўзаро гап: эрталабдан важоҳати ёмон, бир гап айтиб, таъбингизни хира қилади, кейин кун бўйи дилгир бўлиб юрасиз. Биз, энди, тобланганмиз инжиқликларга...

Толиб гўшакни ташлаб, анчагача ўйланиб ўтирди. Кейин Назиранинг аризасига тикилди. Бир пайтлар у мана шу дастхати билан Толибга мактублар битарди. Гарчанд



тез-тез учрашсалар-да, дил кечинмаларини қоғозга тушириб, бир-бирлари билан алмашишарди. Орадан анча вақт ўтиб Толиб унинг хатларини ёқиб юборди. Суратлари ҳам қолмаган. Назира эса Толибнинг мактубларини асраб-авайлаб юрган бўлса керак. Бу хатлар ҳам бир кун келиб асқатиб қолар унга.

Аттанг, кеча Салтанатга айтиш керак эди.

Котиба кирди. Аризага имо қилиб деди:

— Шу... Тоҳирова кираман деяпти.

Толиб унга ўшқириб бермоқчи эди, ammo кўз очиб-юмгунча бўлмай, Назира кириб келди.

— Ассалому алайкум, — деди ўзини шўхчан тутиб. — Вой, ёш эканлар-ку!.. Мумкинми?

Толиб индамади, қовоғини ҳам очмади. Котиба эса бироз туриб, секин чиқиб кетди.

— Ўтирсам майлими? — яна шодон гапирди Назира, кейин жавобни ҳам кутмай курсига чўкди. — Ҳа, намунча! Бир пайтлар аразлаганингизда шундай қиёфага кирардингиз.

— Менга қара...нг, — деди Толиб ёжиниб. — Бу ер — ишхона! Ҳар хил гапларингизни йиғиштиринг. Мен сизни танимайман, сиз мени, тушундингизми?

Назира ҳозиржавоблик қилди:

— Артистлик қилиб юрарканмиз-да!

Толиб яна унга ўқрайди:

— Мен сизга, ҳар хил гаплар қилманг, дедим.

— Хўп, фақат расмий равишда гапираман. Менинг мана шу ишхонага киришим учун ёзган аризам нима бўлди, Толиб Шокирович?

Бу пичингдан жиғибийрон бўлса ҳам Толиб ўзини зўрға босди.

— Кутасиз! — деди ўзини бамайлихотир тутиб.

Назира қошларини чимириб сўради:

— Қанча?

— Бир ҳафта, балки бир ой! Керак бўлса, бир йил ҳам кутасиз.

— Мен кутмайман. Аризамга ҳозирроқ имзо чекиб берасиз, — Назира шундай деб сумкасидан телефони чикарди. — Менимча, қайнотангиз гапини икки қилади-ганларни ёқтирмайди.

Толиб асабийлашиб, стол четини черта бошлади. У Назирани сўкиб юборишдан зўрға тийилиб турарди. Барибир бўлмади — столга бир мушт тушириб деди:

— Сен менга шарт қўйяпсанми? Кимсан ўзи, а, кимсан? Мен сенга нима деганим эсингдами: мен яхшига яхши, ёмонга ёмонман. Сен мен билан ўйнашяпсан.

Назира индамай телефонидан рақам тера бошлади. Толиб сакраб турди-да, унинг қўлидан телефони тортиб олди. Назира чўчиб тушди.

— Йўқол бу ердан, кўзимга кўринма! — деди эшикни кўрсатиб Толиб.

Назира эндигина ўрнидан турган эди, котиба югуриб кирди. У бир Толибга, бир Назирага қараб ҳайрон бўлганича сўради:

— Тинчликми, Толиб ака?

— Тинчлик, тинчлик, боринг жойингизга, — деди Толиб.

Котиба чиқиб кетгач, хонада оғир сукут чўқди. Толиб Назиранинг ҳам чиқиб кетишини кутар, аммо кейин нималар бўлишини ўйлаб, кўнглига ғулғула тушган эди. Вазиятни юмшатиш учун сокин оҳангда Назирага савол берди:

— Нега қайнотамга, куёвингизнинг қариндоши бўлмаман, дединг?.. Сендан сўраяпман.

Назира оғир хўрсиниб, жавоб берди:

— Нима қилай, ишга олсин, дедим-да! Ахир, қийнаиб кетдим. Ҳеч кимнинг мен билан иши йўқ.

— Шаҳарга кел, деб ким айтди? Юравер эди қишлоғингда.



Назира нимадир дейиш учун оғиз жуфтлади-ю, тилини тийди.

— Менга қара, уйингга кетақол, — муросага ўтгандек сўзлади Толиб. — Тинчимни бузма. Майли, пул десанг, пул бераман. Фақат инсоф билан сўра.

— Телефонимни беринг, — деди бунга жавобан Назира дадилланиб.

«Бунга мулойим гапирмаслик керак экан», деб ўйлади Толиб ва телефонни унга узатди.

Назиранинг кейинги гапи ҳам буйруқ оҳангида янгради:

— Аризамга қўл қўйиб беринг.

— Мана, — Толиб унинг аризасига имзо чекди. — Аммо кўзимга кўринма, олдимга яқинлашма. Ҳар ишга ҳам аралашаверма.

Назира стол устидан аризани олди-да, индамай чиқиб кетди.

Толиб қўлидаги ручкани тап эткизиб эшикка улоқтирди..

Тушдан кейин Валиев ҳовлиқиб кирди. Назирадан нолий бошлади.

— Начора, — деди Толиб. — Уни ким ишга қўйганини биласиз, менимча. Шундай экан, нолишни бас қилишингизга тўғри келади.

— Аммо камомад..

— Жим, — огоҳлантирди Толиб. — Бу ҳақда энди умуман гапирманг. Омбор катта, ҳаммасини кўздан кечиргунича жой-жойига қўйиб қўямиз. Аммо сиз тизгинни унга бериб қўйманг. Титкиласа титкиласин, бироқ ҳаддидан ошмасин. Ҳар гапга Довур Ҳалимовичнинг исмини тилга олиши мумкин, дакки бериб туринг.

Валиев ҳушёр одам эди, бошини чайқаб деди:

— Қайнотангиз мени кеткизмоқчига ўхшайди.

— Қўйсангиз-чи, нималар деяпсиз? — таскин беришга уринди Толиб. — Ҳаммаси яхши бўлади. Боринг, унга кўз-қулоқ бўлиб туринг...

Эртасига телефони жиринглаб, Толиб гўшакни кўтарди.

— Мен сизсиз яшолмайман, — деган эҳтиросли овози эшитилди Назиранинг.

Толиб нима дейишини билмай қолди. Жаҳли чиқиши керак эди, ундай бўлмади. Эс-ҳушини йиғиб олгунича Назира гўшакни қўйиб қўйди. «Бу мени ҳали сарсон қилади», деди. Назирага барибир ишониб бўлмайди. У атайин шундай қиляпти. Толибнинг хаёлини ўғирлаб, барча камчиликларини топмоқчи!..

Орадан уч кун ўтди. Бу вақт мобайнида Толиб юрагини ҳовучлаб юрди, ўтирди-турди. У деярли ишламади. Қўли ишга бормас, ўй-хаёли энди нималар қилиш мумкинлиги билан банд эди. Назиранинг унинг ҳаётига кириб келгани хаёлини остин-устун қилиб ташлаган, у мақсад-муддаосига етмаса сира қўймаслигини идрок этган сари кўнглига баттар ғулғула оралар эди. Ишдан кетиш ҳақидаги фикридан қайтди. Бу ҳақда Салтанатта шама қилган эди, у бор гапни айтди: «Дадам сизни тинч қўймадилар, ҳатто бизни сиздан ажратишлариям мумкин. Мен сизга бошида айтгандим. Ўшанда алоҳида иш қилганингизда бошқача бўларди». Толиб синиқ оҳангда сўради: «Сен мени ташлаб кетишинг ҳам мумкинми?» Салтанат жавоб берди: «Гап менда эмас, дадам юзига оёқ қўйганларни хиёнат деб тушунади, кейин ҳеч нимадан қайтмайди. Агар менга шарт қўйса, қандай қилиб у кишидан юз ўтираман?»

Толиб хотинидан бу гапни сира кутмаган эди. У ўксинди, ўзини ёлғиз, нотавон ҳис этди. Божаси ҳақида ўйлади. Ахир, юрибди-ку у. Оиласи ҳам тинч, ўзиники ялло! «Оч қорним — тинч қулоғим». Кўз қири билан Салтанатта қараб сўради: «Опанг-чи?» Салтанат енгил кулимсираб,



елка қисди. Уларнинг йўриғи бошқа демоқчи бўлди, шекилли!..

«Ҳамманг бир гўр», — деди ичида Толиб. Шу лаҳзада у алланечук ҳолда Назирани кўргиси келаётганини ҳис этди. Хаёлига қўққисдан бир фикр келди: «Яқинларинг сендан узоқлашса, душманингдан паноҳ излай бошлайсан». Салтанатта нисбатан совуқлик тўйиб, ич-ичидан зил кетди. Икки ўртада кўринмас, баланд девор пайдо бўлгандек эди.

Нималар бўляпти, илк муҳаббати унинг бошига бало орттиряптими? Йўқ, бўлиши мумкин эмас. Ҳаммаси Назиранинг найранги туфайли. У Толибни ўз тўрига илингирмоқчи. Назира қасос олмоқчи.

Нима қилиш керак?.. Наҳотки ё Салтанатта, ё Назирага муте бўлишдан бошқа йўл йўқ? Бу қандай бедодлик?

«Яхшиси, хотинингта бор гапни айт», — деди ички овози. Ҳа, айтиш керак, Назира атайин Салтанатнинг машинаси тагига ўзини ташлагани, кейин уйларига кириб келгани, мана энди ишга жойлашганини.. Ундан олдинги гаплар-чи? Бир вақтлардаги муҳаббат, висол оқшомлари, бола.. бола..

Йўқ, айтиб бўлмайди. Ҳаммаси тескари бўлиб кетиши мумкин. Салтанат ҳозирдан шунақа деяпти, бу гапларни эшитса, янги «қирра»ларини намоиш этишдан қайтмайди.

Толиб ширингина ухлаб ётган болаларининг бошини силади. Мана шу эгизакларини олиб, узоқ-узоқларга кетиб қолса-я! Балки қишлоғигадир! Акаси жа кўзи учиб кутиб ўтирибди-да! Отамерос ҳовли уники, икки кундан кўп турсанг, эр-хотиннинг ҳаловати йўқолиб, қовоғи уйилади.

Толибнинг бошқа йўли йўқ. Назирага бош эгади. У билан тил топишмаса бўлмайди. Агар кўнглини топса,

ўзаро муносабатлари ҳақида Назира ҳеч кимга айтмас керак. Аёл кишига пул бериб, уни моддий жиҳатдан таъминлаб турсанг бўлди-да! Аммо Толиб яна.. ўмарадими? Ўзи зўрға қутуляпти-ку!..

Салтанат уйқудан бош кўтараркан, кўзларини ярим очиб сўради:

— Ухламайсизми, нега ўтирибсиз?

— Ўйлангириб қўйдинг-да, хотин.

— Бир ўйласангиз, ўйлайверасиз-да! Тавба, уйимиз бўлса, оила бўлса, иш бўлса, яна нима керак? Дадам билан яхшилаб тил топишиш...

— Бўпти, ухла.

— Вақт ҳукмига ташланг, ҳаммаси яхши бўлади, — деб кўрпага бурканди Салтанат. — Ухланг энди, эрталаб туриш керак...

Салтанат шу гапга ёпишиб олган. Айниқса, чигал вазиятлар туғилса, вақт ҳукмига ҳавола қилади. Толиб эса сиқилиб адо бўлади. Бир иши битмагунча гўё барча-барча душмандай туюлаверади.

Нима бўлса бўлди, эртага Назира билан очиқчасига гаплашади, унга майл билдиради. «Болани кўрсат», дейди. Унинг отаси кимлиги билан нима иши бор? Кейин эса аста-секин Назирани ўзидан, йўқ, аввал ишхонадан узоқлаштиради. Бошқа бирор холдинг-молдингда ишлайдиган танишларига айтиб, ўша ёққа ишга жойлаб қўйса ҳам бўлар!

\* \* \*

Толиб ишга анча кеч борди. Борди-ю бир ғавғонинг устидан чиқиб, анграйиб қолди. Назира омбордан нимадир олиб чиқаётиб, посбонлар томонидан ушланибди. Валиевнинг оғзидан бол томарди:

— Сизга ўша заҳоти айтмоқчи эдим, телефонингиз ўчирилган экан. Нима қиламиз энди?



— Қизиқ, — деди ўйланиб Толиб. У қувонишни ҳам, хафа бўлишни ҳам билмасди. Бу иш Валиевнинг хийласи эканлиги тўғрисида ўйлади. — Ўзи қаерда?

— Посбонлар хонасида. Телефонини аллақачон олиб қўйганман.

Хонасига ортидан эргашиб кирган Валиевга Толиб савол аломати билан боқди. Унинг айтишича, арзимас матоҳ бўлсаям ўғирлик-да! Аммо Тоҳирова энди ҳамма айбни Валиевга тўнкаётган эмиш! Ҳалиям шу Валиев кўриб қолиб, кўчанинг ўртасидан қайтариб келибди.

«Яшаш учун кураш, — деди Толиб овоз чиқармай, — бунда кучлилар яшайди, кучсизлар ўлади».

Валиев далолатнома, ҳужжатларни пухта қилиб қўйибди. Фақат бош офисдагиларнинг рухсатисиз кейинги босқичга юраги бетламай турибди. Улардан эса Толиб изн олиши керак. Бу компанияда ташқарига чиқадиган бирорта иш Довур Ҳалимовичнинг рухсатисиз амалга ошмайди.

— Ҳар ҳолда ўғрини ишхонада олиб қолмасак керак? — деди Валиев Толибга илинж билан қараб.

— Яхши. Сиз чиқиб туринг, — эшикка имо қилди Толиб. Кейин бош офисга қўнғироқ қилиб, Довур Ҳалимовични улаб беришларини сўради.

Бироздан кейин Довур Ҳалимовичнинг салобатли овози эшитилди. Толиб унга бор гапни тушунтирди.

— Валиев дегин? — томоқ қириб қўйди Довур Ҳалимович. — Ҳм-м, тушунарли.. Сен аввал ўзи билан гаплаш.. Аслида нима бўлганини бил. Ким билан бўларди, ўша қиз билан!..

Толиб гўшакни қўяр-қўймас, Валиев яна хонага кирди:

— Нима дейишди?.. Мен милсага қўнғироқ қилман.

— Фойдаси йўққа ўхшайди, — деди Толиб. — Бу қиз анойи эмас. Балки кеча боргандир у ёққа. Ўзи билан гаплаш, деяпти.

— Ана холос, — шашпти тушди Валиевнинг. — Нима энди танкаси бор деб...

— Бас қилинг, чақиринг уни.

Назира келгани билан у нималар дейиши мумкинлигини Толиб тахмин қиларди. Ҳа, Назира анойи эмас. Валиевнинг қандайлигини билиб, керакли жойни олдиндан қашиб қўйган. Содда Валиев посбонлар билан келишишга келишган-у аёл макри нималарга қодирлигини англамаган. Иккинчи омбор кўчанинг нариги томонида. Посбонлар, олиб ўтаверинг, кейин расмийлаштирамиз, дейишган. Кейин эса.. Ҳаётда бундай ўйинлар камми?

Айни фурсатда Толиб Назирага гўё бу «жиноят»ни ўзи ёпгандек қилиб кўрсатиши ҳам мумкин эди. У бундай қилмади. «Кўп паст кетмаслик керак», — деди ўзига ўзи.

Назира гап бошламасдан туриб Толиб унга деди:

— Бориб жойингизда ишлайверинг.

Назира чиқиб кетгач, у посбонлар бошлиғидан барча далолатномаларни олиб қўйди: ҳар эҳтимолга қарши! Керак бўлиб қолар!

Хиёл ўтиб эса бош офисдан факс қовози келди. Унда Валиевнинг Назирага нисбатан қилиши мумкин бўлган ҳаракатлари битилган эди. Энг охирида кечаги сана. Имзо: Назира Тоҳирова.

«Яшаш учун кураш, — деди мийиғида кулиб Толиб. — Бунда айёрлар галаба қозонади».

У Назиранинг мушқули осон бўлганидан негадир енгил тортди.

Кейинги кунларда телефонга қараб қўядиган, Назиранинг қўнғироқ қилишини кутадиган бўлди. Ишлар маромида кетаётган бўлса-да, Толибнинг юрагида барибир



хавотир бор эди. У Назира билан очиқчасига гаплашиб, гина-кудуратларни унутиши ҳақида айтишни ҳам ўйлади, аммо бунга ғурури йўл қўймади. Гоҳ-гоҳ Толиб Назиранинг бола ҳақидаги гапи билан қизиқиб қолар, кейин бу ёлғон-яшиқдан иборат гап, деб ўйлар эди.

Шундай кунлардан бирида Толиб хизмат сафари билан хорижга кетадиган бўлиб, типирчилаб қолди. Тезда яқин танишларидан сўраб-суриштириб, пул тўплади-да, Валиевни ҳузурига чақирди.

— Нега кетасиз? — кўзлари ола-кула бўлиб сўради Валиев. — Мен айтмоқчи эдимки, қанча вақтга? Дарров қайтасизми?

— Икки ҳафтага, — жавоб берди Толиб. — Ҳалиям пул топмагандирсиз?

Валиевнинг дийдиёси фалакка чиқди:

— Қаёқдан топаман? Уйимда қоқ нондан бошқа нарса йўқ. Қуруқ ойлик билан пул жамғариб бўларканми? Маошим бурганинг кўзидек бўлса!

Толиб тортмадан қорозга ўроғлиқ пул олиб узатди:

— Мана! Кўп вайсаманг! Шу бутуноқ ҳаммасини солиб олиб, жойига қўйинг. Бемалол етади.

— Икки ҳафтагача менинг жойимни солишса керак.

— Яхши ният қилинг, — деб жеркиб берди Толиб.

У Назира ҳақида сўрагиси келди, бироқ шу топда бунни эп кўрмади. Нима бўлганда ҳам сафарга кетгунича Назира билан гаплашиб олиши керак. «Қайтиб келсам, сенга битта совғам бор», деб умидлантириб қўяди. Ана шунда индамай юрар балки? Акс ҳолда айтиб бўлмайди.

— Тоҳирова жавоб сўраб кетган экан, — деди котиба кечга яқин. — Валиевдан сўраб кетибди. Шу одам ҳам қизиқ-ей, бошлиқ нега сўрайди, нима иши бор, деб айтаверади.

Толиб котибага қараб, ўйланиб қолди. Кейин секингина бош ирғади. Котиба чиқиб кетгач, телефон гўшагини

олди. У қаёққа қўнғироқ қилмоқчилигини ўзи ҳам билмасди. Назиранинг рақамини билмайди. Гўшакни жойига ташлади. Оромкурси суюнчиғига бошини қўйиб, хануз ўйларди: «Қаёққа кетган? Бош офисгами?» Кейин яна телефонга ёпишди:

— Менга қаранг, бояги ишни қилдингизми, жойига қўйдингизми ҳаммасини?

— Ҳа, хавотирланманг, — деган овоз эшитилди. — Ҳаммасини тахт қилдим. Айтгандай, Тоҳировани нега сўрадингиз, Толиб Шокирович?

— Сиздан нима деб жавоб олди?

— Шахсий ишларим бор, деди. Бор, қури, дедим.

«Шахсий ишлар... Ё бирортасини топиб олганми-кан?» — Назирани рашк қила бошлаган Толиб гўшакни ташлади-да, жойидан турди. Уйга эртароқ боргани маъқул. Сафар олди болаларининг дийдорига тўйсин.

Машинада кетар экан, Толиб ноҳос ортидаги автоуловдан кимдир кузатиб келаётганини ҳис қилди. Салондаги ойнадан яхшилаб разм солди. Ғира-шира бўлгани учун машина ичидагилар кўринмасди. Оддий «Матиз».

— Ўнгга бур, — деди Толиб ҳайдовчига. Кейин секин орқасига қаради. «Матиз» ҳам ўнгга бурилди. — Кетавер... Тезликни ошир... Энди анови дўкон ёнида тўхтат.

«Матиз» шитоб билан ўтиб кетди.

— Ичида ким бор экан, кўрмадингми?

— Киракаш машина, шекилли? — деди ҳайдовчи.

Толиб атайин уй яқинидаги кўчада тушиб қолди. Кейин секин-аста одимлади. Хиёл ўтмай орқа томондан қадам товушларини эшитди. Бироз юргач, Толиб тўхтаб, кескин орқасига қаради. Шарпа ҳам тўхтади. Аксига олиб кўча чироқлари ўчирилган эди. «Тежамкорлар», — деди ичида ғижиниб Толиб. Қоронғида бирданига юрагига ваҳима оралади. Беихтиёр болалигини эсга олди. Кичкиналигида ғира-ширада ташқарига чиқиб келишга



юраги бетламасди. «Ҳозир ёш бола эмасман-ку», деди овоз чиқариб. Аммо барибир қадамини тезлатди. Худди орқадаги шарпа етиб келиб, унинг бошига урадигандек туюлиб кетди. «Нега машинадан түшдим?» — деди нафаси тиқилиб. Югурмоқчи ҳам бўлди, бироқ уй олдида қўни-қўшни туриши мумкинлигини ўйлаб, бу фикридан қайтди. Ваҳимага тушганидан ўзига-ўзи тасалли бермоқчи бўлди: «Назира аёл киши-ку, менга кучи етмас».

Уй олдигина ёруғроқ эди. Толиб ўзини босиб тўхтади-да, яна ортига ўтирилди. Энди шарпа ғира-шгира ичида қолган, узоқдан қараб турарди. Толиб дадилланиб, ўша томонга юрмоқчи бўлди, бироқ яна қўрқди. Шундан сўнг орқасига қараб-қараб, подъездга кириб кетди.

Толибни лифтда ҳам хавотир босди. Гарчанд лифт ойнасида ўзини кўраётган бўлса-да, худди орқасида ниқоб кийган шарпа туриб, гарданига мушт туширадигандек туюлди.

У лифтдан чиққанида пешанасини жиққа тер босган эди. Эшик қўнғироғини босмоқчи эди, зинада оёқ товушларини эшитиб, қўли муаллақ қолди. Иккинчи қўли билан чўнтагини пайпаслаб, телефонини маҳкам ушлади. Қадам товушлари тобора яқинлашгач, сас чиқармай кутиб турди. Кейин тезгина ортига бурилди-да, чўнтагидан телефонини чиқарди.

— Вой, ўлмасам, вой! — деди қўшни Нигора опа ёқасини ғижимлаб. — Қўрқитиб юбордингиз-ку!.. Салтанатхонга чиқувдим-а!

— Ассалом, — зўрға кулимсиради Толиб. — Салтанат... уйда бўлса керак. Мен ҳам ҳозир келдим.

— Ўтакамни ёрдингиз-а!

Толиб эшик қўнғироғини устма-уст босди...

У ювиниш хонасида анча қолиб кетди. Ойнага яқин келиб, юзига роса тикилди: «Эртага ҳамма жойимни учуқ босиб кетса керак».

Хайрият ишга бормайди.

— Нигора опани нима қилдингиз? — кулиб сўради хотини овқат устида. — Иккинчи бор уйлариңга келганим бўлсин, деди.

Толиб ҳам кулимсирамоқчи бўлди, аммо эплай олмади. «Хизмат сафарига кетсам, Назира оила аъзоларимга таҳдид қилса-я», деган ўй кечди бирдан. Индамай овқатланди.

— Нарсаларим тайёр-а? — деб сўради анчадан кейин.

— Ҳозир тайёрлайман, — шундай дея Салтанат ўрнидан турди.

Шу пайт эшик қўнғироғи жиринглади, Толиб эса хайрон бўлди. «Қўшнилари, — деб ўйлади, — булар бирови келса, иккинчиси ҳам келаверади, вақт бемаҳал демайди». Кейин балконга ўтиб кетди. Ўша томондан хотинининг, «вой, кириң, кирсангиз-чи», деганини эшитди. Ғўнғир-ғўнғир орасида келаётган овоз Толибга танишдай туюлди.

Салтанат тезда ичкари уйга кириб, бироздан сўнг озроқ пул олиб чиқди. Толибга қараб, эшикка имо қилиб қўйди. Кейин яна унинг «кирсангиз бўларди», дегани эшитилди. Ниҳоят хайрлашиб, эшикни ёпди.

Толиб уйга кираркан, сўради:

— Яна қайси қўшнинг?

Салтанат «қалайсиз», дегандек, унинг олдига намоийишкорона келди:

— Қанақа қўшни? Бу сафар ишхонангиздан!

— Нима? — хайрон бўлиб сўради. Хаёлига бирдан «Назира бўлса керак», деган фикр келди.

— На-зи-ра! — деди Салтанат. — Бечораниң пули тугаб қопти. Бошқа ҳеч кимим йўқ, юзимни қалин қилиб келавердим, дейди. Сизни айтди, билмасин, деди. Шунча айтдим, ўтириңг деб, кетишим керак, деди.



Толибнинг кўнглига яна ғулғула тушди. Демак, боя ортидан келаётган одам Назира бўлган. Энди эса гўё қарз сўраш баҳонасида огоҳлантириб кетди.

— Мен йўқлигимда келса, уни уйга киритма, — деб тайинлади у хотинига.

— Нега? — ҳайрон бўлди Салтанат.

— Жиянингни чақир ёки дадангнинг уйига бориб туринглар. Мен тинч бўламан, тушундингми?

Салтанат, хўп, деб бош иргаса-да, юзида савол аломати зоҳир эди. Балки, «авваллари бундай демасдингиз-ку», демоқчи бўлгандир.

Толиб эса ўз ўйлари билан банд, Назирадан тезроқ қутулмаса, ҳаёти осойишта кечмаслиги ҳақида бош қотирарди. Тегишли жойларга хабар қилиш ҳақида ҳам фикрлади. Ҳатто шу мақсадда телефон ёнига борди. Аммо рақам теришдан олдин бу иши учун хотинидан дашном эшитиши мумкинлиги ҳақида ўйлаб қолди. Қолаверса, Назира пишиқ-пухта, одатдагидек, ҳамма ишнинг олдини олиб қўйган бўлса керак. Аллақачон гувоҳлар ҳам топиб қўйгандир. Унинг айби исботланмаса, Толиб қўрқоқ, ношуд, тўхматчи бўлиб қолаверади. Ишхонадагилар ҳам, «келиб-келиб шу баҳонани топибди-да», деб гап-сўз қилдилар. Назира эса янада эҳтиёткор бўлиб, бошқа-бошқа ҳийлаларга ўтаверади..

Эртасига самолётга чиқишдан олдин Толиб дўстларига қўнғироқ қилиб, ўзининг оила аъзоларидан хабар олиб туришни тайинлади. У Назира билан бир бор бўлса-да, очикчасига гаплашиб олмаганидан афсус чекди. «Менга нима қилсанг қил, оила аъзоларимга тегма», дейиши керак эди унга.

\* \* \*

Сафар давомида унинг ўй-хаёли доимо уйда бўлди. Хотинига деярли ҳар куни қўнғироқ қилиб турса-да, барибир ҳаловат тополмасди.

— Намунча хавотирланасан? — деди Довур Ҳалимович ҳам ҳайрон бўлиб. — Ҳаммаси менинг уйимда дедим-ку! Пашша ҳам қўнмайди уларга. Сен ишни яхшилаб битир. Анови французни маҳкам ушла. Ўзини тарозига соладиганлардан у... Алло, эшитяпсанми?..

Толибнинг хаёли чувалашиб кетаётган эди. Назира билан гаплашиб олмоқчи бўлди. Аммо вақт алламаҳал бўлган, ҳозир ишхонада ҳеч ким қолмаган. Назиранинг телефон рақамини олмаганидан пушаймон бўлди. «Балки у мени соғиниб юргандир? — деган хаёлга борди ҳиссиётга берилиб. — Ҳар ҳолда биринчи муҳаббат... Мен ўша муҳаббатни ўлдирдим. Номардлик қилдим. «Қилган ишларингизга пушаймон бўлинг», деди у. Аммо мен пушаймон бўлмаяпман, балки... қўрқяпман. Энди шундай яшайман. Ахир, Назира, «бир умр таъқиб қиламан», деди-ку»!

Эшик тақиллаб, Толиб чўчиб тушди. Ким бўлиши мумкин? Ё яна таъқиб қилишяптими? Шу ерда ҳамми?

— Хўжайин, — деган овоз келди эшик ортидан.

Толиб эшикни хоҳлаб-хоҳламай очди. Шавқиддинов узр сўраб, ичкарига киришга рухсат сўради.

— Эшитдингизми, — деди кейин, — Валиевни ишдан ҳайдашибди.

Толиб ҳайрон бўлиб қараб, бошини чайқади. Шавқиддиновнинг нуқул совуқ хабарни хушхабардек етказишига ўрганиб қолган бўлса-да, ҳозирги гапидан жаҳли ҳам чиққан эди унинг.

— Нафақат ҳайдашибди, балки иши терговга оширилибди, — давом этди Шавқиддинов. — Камомади анча-мунча экан. Мен сизга айтгандим-а, шундан эҳтиёт бўлиш керак, деб.

Толиб индамади. Шавқиддиновнинг гўё ҳамдардлик билдириб, тағин ёлғон гапириши гашини келтира бошлади.



— Қандай қилиб? — сўради у. — Ахир биз келаётган пайтда ҳам бу ҳақда ҳеч гап йўқ эди-ку!

— Энди сиз нима қиласиз? — Толибнинг кўзларига тикилиб қаради Шавқиддинов. — Орқасидан эргаштириб кетса-я!

Толиб унга шунчалик ўқрайиб қарадики, Шавқиддиновнинг уни ўчди.

— Шунга айтиш учун кирдингизми? — деб сўради Толиб.

— Биламан, сизнинг айбингиз йўқ, — ўсмоқчилади Шавқиддинов. — Аммо Валиевдан ҳар балони кутса бўлади. Қолаверса, янги келган қизнинг орқасида кимдир турибди, шекилли. Балки ҳаммаси ўшанинг ишидир?

— Бу мени қизиқтирмайди, — деди Толиб ўзини хотиржам тутишга ҳаракат қилиб. — Қайтага яхши бўлибди. Довур Ҳалимович ҳам Валиевни кетказишимизни хоҳлаётган эди.

Бу гапни эшитиб, Шавқиддинов анча сергак тортди. Толибга зимдан қараб, сўнг кўзларини олиб қочди. Орага сукут чўкди...

Эртасига ҳам, индинига ҳам Толиб ишхона билан боғланганида Валиев ҳақида сўрамади. Унинг ўзига ҳам бу ҳақда айтмадилар. Бу эса Толибни хавотирга соларди. Гўё зимдан унинг устидан иш кўришаётгандек.

Ўйлаб-ўйлаб, қайнотасидан Валиев ҳақида суриш-тирмоқчи бўлди-ю, ўзини зўрға тийди. Назирани кўп ўйлади. Ундан яхшилиқ ҳам, ёмонлик ҳам кутишни билмасди. «Хотинимдан пул қарз олди-ку, менга ёмонлик қилмас», дейишгача борди. Нима бўлганда ҳам Толиб ҳимоясиз эмас: ўртада қайнотаси, Салтанат бор. Қамалишига йўл қўймасалар керак ҳар ҳолда. Умуман, Толибга нима айб қўйилиши мумкин? Ҳужжатда унинг ҳеч қандай имзоси йўқ, Валиевнинг олдидан ҳам тили қисик эмас. Қолаверса, бу жарима билан битадиган иш!

Сафардан қайтишдан бир кун олдин уюштирилган зиёфат Толибга татимади. Жаноб Ришарнинг тиржайиб сўзамоллик қилганлари ҳам қулоғига кирмади. Ҳў-хаёли ҳануз ишхонадаги гап-сўзларда, Назира, Валиев билан боғлиқ мапмашаларда.

Валиевга жарима солишлари мумкин, холос, деб ўзига таскин берарди у. Маъмурий жазо ҳам берилса керак. Чунки омбордаги ўмарилиш унча катта эмас. Ҳа, Толиб қонундан бохабар. Хотиржам бўлса бўлади, бироқ барибир Назирага нисбатан ҳадик, қўрқув унинг юрагини кемирарди. Ахир, сизни бир умрга таъқиб қиламан, деган. Тирноқ тагидан кир қидиради. Навбатдаги нишони Толиб бўлса ажаб эмас унинг! Аввал бошиданоқ шаҳардан қуритиш керак экан. Чунки Толибни яна бир ўй ваҳимага солади. Назиранинг бола ҳақидаги гапи бот-бот дилгир қилади. Бирор тўй-ҳашам ёки оилавий тадбирларда уни етаклаб келиб, «мана бу бола Толибники», деса-я? Ана кейин додингни Худога айтасан...

Толиб ҳамкорлар билан кечки сайр давомида ҳам тунд юрди. Уларга чарчаганлигини айтиб, баҳона қилди. Шавқиддиновга кўзи тушиб, жаҳли чиқди: у мийиғида кулиб турарди. «Балки бу Назира билан тил топишиб олгандир», — деб ўйлади Толиб. Душман душман билан топишади.

Зиёфат давомида ҳам, сайрда ҳам якка ўзи қолишни қанчалик хоҳлаган бўлса, Толиб меҳмонхонанинг люкс хонасида кўпчилик ичида бўлишни шу қадар истади. Тезроқ юртга қайтса, ҳамма гапни миридан-сиригача билиб олса! Кейин... кейин Назира билан гаплашиб олса! Унга нима дейди? Мени тинч қўй, хоҳласанг, мана, ишни топшираман, ўзинг ўтир шу курсига, фақат ҳаловатимни қайтариб бер. Мен бўларимча бўлдим, Назира! Сен ютдинг! Агар хоҳласанг, майли, оилам билан ҳам ажрашаман. Аслида ниятинг ҳам шу бўлса керак. Балки қишлоққа



ҳам кетарман. Ишқилиб сенинг таъқибларингдан халос бўлсам бўлгани! Менга... раҳминг келсин, Назира..

Самолётда Толиб кўзларини маҳкам юмиб ўтирди. Кутилмаганда олд томондаги ўриндиқдан Назиранинг овози эшитилгандек бўлди. Толиб ҳайрон бўлиб, кўзларини очди. Бошини қия қилиб қаради. Аёлнинг юзи кўринмади, аммо овози Назираники эди. Толиб секин қулоқ солди. Ажнабийча сўзлаяпти. Назира чет тилини билмасди, шекилли? Балки билар!.. Кейин ўша аёл телефонда ўзбекча гапирди. Эҳтимол таржимондир, бироқ у Назира бўлиши мумкин эмас. Ахир, Назира келолмайди. Нима учун келаркан? Шу қадар изма-из юриш мумкин эмас-ку!

Толиб яна кўзларини юмиб олди. Ўзининг тобора ваҳима-қўрқувга ботиб бораётганидан гаши келди. Ана шу ўй-хаёлларни деб тузукроқ режа ҳам туза олмаяпти. Кўрган одамидан душманлик қидирадиган бўлган..

Самолёт аэропортта қўнганида Толиб, йўловчиларнинг жиғига тегиб, биринчилардан бўлиб тушишга шошилди. У тўппа-тўғри ишхонага бормоқчи эди, кейин бу фикридан қайтди. Уйда ювиниб-тараниб келмаса бўлмайди.

— Намунча безовтасиз? — деди Шавқиддинов кесатиб. — Валиевга фақат жарима солишибди. Пишиқ экан аблаҳ.

— Сиз бу гапларни қаердан эшитяпсиз? — сўради Толиб унинг кўзларига қараб.

Шавқиддинов нигоҳини олиб қочди:

— Ҳа, энди ишхона билан боғланиб турамиз-да! Сиз хавотирланманг.

Толиб ўзини туголмади, унинг ёқасига ёпишди:

— Менга қара, ўв, тагдор гапларингни йиғиштир! Билиб қўй, мен ҳеч кимнинг олдида муттаҳам эмасман. Валиевга умуман алоқам йўқ, тушундингми?!

— Сизга нима бўлди? — деди қўрқиб кетган Шавқиддинов. — Мен... мен ҳеч нима демадим-ку! Илтимос, қўйворинг.

Толиб уни силтаб юборди. Шавқиддинов кимнинг одами? Назиранингми? У шу ҳақда ўйлаб, жиғибийрон бўлган эди. Кўр кўрни қоронғида топади. Ўзи ҳаммасига қўл силташ керак. Жонга тегди. Қишлоққа бўлмаса бошқа жойга бориб, яшаш керак. Ўшанда тинч қўйишар, безовта қилишмас, ортидан таъқиб этишмас.

— Мен сизни ҳурмат қиламан, — давом этди Шавқиддинов. — Сизни ўзимга яқин олиб, гап-сўзлардан воқиф этсам, нимаси ёмон?

— Бўлди, бас! — бақирди Толиб.

У машинага ўтириб, эшикни қарсиллатиб ёпди. Уйга кела-келгунча тундлиги очилмади. Салтанат эрини бу аҳволда кўриб, ҳайрон бўлди:

— Нима гап, мазангиз йўқми?

— Яхшиман, — тўнғилаб жавоб берди Толиб.

У илиқ сув остида ўзига келгандек бўлди. «Валиев қутулибди-ку, — деб ўйлади. — Шунисига ҳам шукр. Унда нега қўрқяпман? Кимдан қўрқяпман?..»

Ишхонага кетаётган Толиб яна ортидан кимдир кузатаётганини сезди. Ўзини билмаганга солди. Майли, бирор кун ушлаб олар ўша Назира ёки унинг одамини!

Котиба унга бир талай ҳужжатлар берди. Толиб танишиб чиқиб, енгил тортди. Кейин тезда Довур Ҳалимович билан боғланди. Юрагини ҳовучлаб гапирди. Қайнотаси у билан яхши гаплашди. Ишни дўндириб келгани учун мақтади. Кечқурун уйга келишни, бир ошхўрлик қилажакларини тайинлади. «Одобсизлик қилдим, телефон орқали боғланмай, ҳузурига борсам бўларкан», — деб ўйлади Толиб.

У бирмунча хотиржам тортса-да, барибир Назиранинг навбатдаги зарбасидан хавотирда эди. Кечгача



ҳадиксираб ишлади. Назиранинг хануз Толибни таъқиб этаётгани борасида ўзи билан гаплашиб олмоқчи ҳам бўлди. Кейин бу фикридан қайтди. Қўрқоқ олдин мушт кўтарар, бўлмасин. Иттифоқо, котиба Тоҳирова киришга рухсат сўраётганини айтди. Толиб ҳаяжонланиб қолди. Ўзини бардам тутиб, котибага розилигини билдирди.

Ёпирай, Назирага шаҳар муҳити ёққанми ёки ата-йин пардоз-андозни жойига қўйганми, ниҳоятда очилиб кетган эди. Толиб унга зимдан қараб, бир пайтлардаги яқинликни туйди. Юраги гупуриб кетди. Назарида Назира ҳам унга нисбатан илиқлик ҳис этаётгандек эди.

Қизиқ, Назира хийла вақт сукут сақлаб, ерга қараб ўтирди. Толиб унга зимдан роса тикилди. Мана шу гўзал қомат, ожиза вужудни бағрига босгиси келди. Фақат бироздан сўнг Назиранинг кўлидаги қоғозларга қараб, хавотир ичида жиддий тортди.

— Хизмат сафари яхши ўтдимми? — деб сўради ниҳоят Назира.

— Яхши, — жавоб берди Толиб олдидаги қоғозларни кўздан кечирган бўлиб. — Ўзингиз қалайсиз? Ўрганиб кетдингизми?

— Раҳмат.

— Валиев кетди, денг? — Толиб бу саволни истехзо оҳангида эмас, эшитган янгилиги сифатида берди.

— У — хавфли одам, — деди Назира руҳи тушгандек. — Жуда кўп ишлари очилиб қолди. Қилмишига яраша жазосини олди.

Толиб индамади.

Назира сўзида давом этди:

— Мана бу комиссия хулосалари, — шундай деб у ҳужжатларни узатди. Қўли Толибнинг кўлига тегиб, ҳар иккиси ҳам бир-бирига ялт этиб қарашди.

\* \* \*

Орадан бир ой ўтди. Назира билан муносабатлар илиқлашган бўлса-да, негадир Толиб таъқибдан қутула олмаётган эди. Бу ҳақда бир неча марта унинг ўзи билан гаплашиб олмоқчи бўлди, бироқ ғурури йўл қўймади. Толиб Назиранинг мақсадини билмаётган эди. Назира ҳанузгача ўша ниятда юрганига ишонгиси келмаётганди. Толиб ҳар гал уни кўрганида яна ўзгача ҳис-туйғулар қуршовида қоларди. Кундан-кунга кўркамлашиб бораётган Назира атайин Толибни ўзига муте қилмоқчидек таассурот туғдирарди.

Шавқиддиновнинг туғилган куни муносабати билан уюштирилган зиёфатда Толибнинг кайфияти бузилди. Аёллар уй-уйига кетгач, бироз ўтириб, у ҳам қўзғалмоқчи эди, Назира ҳақида гап очилиб қолди. Толиб сездирмай қулоғини динг қилди.

— Менимча, у ғирт бева, — деди ароқдан сархуш бўлган Парпиев, — лекин билдирмайди, умуман билдирмайди. Анови Матлубани қаранг, қийшанглагани қийшанглаган. Битта имо қилинг, агар ортингиздан эргашиб кетмаса, мен ҳар бало бўлай.

— Вей, нима деяпсиз? — эътироз билдирди кекса Йўлдошев. — Таъминот бўлимидаги Қосимовани айтяпсизми? Унинг эри бор, тиш-тирик керак бўлса!

Парпиев беўхшов кулиб юборди:

— Сиз, отахон, эри борлар бошқа эркаклар билан юришини билмайсиз, шекилли? Гаров ўйнаб айтаман: ўша Матлубага икки оғиз ширин гапиринг, агар майл билдирмаса, отимни бошқа қўяман.

Шавқиддинов бу гаплардан хижолат тортиб, Толибга мулозамат қилди:

— Зерикиб қолмадингизми, Толиб Шокирович? Хурсандман, мени шунча ҳурмат қилиб келдингиз. Яхши тилак билдирдингиз.



Толиб секин бош ирғади.

— Мен бир-икки гапга солиб кўрдим, — деди овозини пасайтириб Фулом. — Индамасам, бетимни юлиб ташлайдиган! Жа боевой қизми, дейман?

— Э, сиз ким бўлибсиз, кимсан, Валиевнинг таъзирини берган-ку! — керилиб сўзлади Парпиев. — Билагидан сал ушлаган экан, чунонам бобиллаб берибдики, шўрлик Валиев иштонини хўл қилишига бир бахя қолибди. Ҳзи айтди.

— Айтгандай, Валиев нима иш қиляпти ҳозир? — деб сўради кимдир.

— Россияга кетмоқчи эди, аллақачон кетгандир.

Толиб яна бироз ўтириб, ўрнидан турди. Ҳамма билан бир-бир хайрлашиб, даврани тарк этди. Уйга кета-кетгунча Назира ҳақида ўйлади. Ўтиришдан сархуш бўлган, шу топда у Назирани кўргиси келарди. Подъезд эшигига етгач, орқасидан қадам товушларини эшитиб, сергак тортди. «Бу — Назира, — деб ўйлади. — Унга нима керак яна?» Бурилиб қаради. Шарпа! Узоқдан қараб қора кўланка турарди. Толибнинг юрагига ваҳима оралади. Индамай подъездга кирмоқчи бўлди. Кейин дадилланиб, қўлларини мушт қилиб тутди. Яна шарпага ўтирилиб қаради-да, бирданига ўша томонга югурди. Шарпа эгаси қочди. Толиб унинг ёруғликка ўтишини кутиб чопди, бироқ кўланка қоронғиликка ўзини урди-да, кўздан ғойиб бўлди.

«У мени ўлдирмоқчига ўхшайди», — деб хулоса қилди Толиб.

Шу кеча у алаҳсираб чиқди. Тушида Назирани турли қиёфаларда кўриб, бир неча марта уйғониб кетди. Милиция ходимлари ҳам тушига кирди. «Нега бизга вақтида хабар қилмадингиз? — дейишди улар. — Мана энди аҳволингизни қаранг». Толибнинг жаҳли чиқди. «Аҳволимга нима қилибди?» — деди у. Кейин у ёқ-бу

ёғига қараб кўрқиб кетди. Унинг ҳамма жойи тилиб ташланган эди..

Толиб уйғониб кетиб, кўкси, қорнини пайпаслаб кўрди. Ўзига келгандек бўлди. Тонг оқариб келар, Салтанат донг қотиб ухларди..

Эрталаб ишхонада у биринчи бўлиб Тоҳировани ҳузурига чақиртирди. Назирани сўкиб ташламоқчи эди, аммо у кириб келгач, юраги дов бермади. Гапни узоқроқдан бошлади. Кейин муддаосини дангал айтди:

— Тоҳирова, мени таъқиб этишни бас қилинг. Акс ҳолда керакли идорага мурожаат қилишга мажбур бўламан.

Назира, қўлингдан келганини қил, дегандек кулимсиради. Бу эса Толибга ёқмади. У ўзини масхаралангандек сизди. Қовоғи солиниб, қошлари чимирилди.

— Менга қара, агар аёл киши бўлмаганингда алақачон сенинг таъзирингни бериб кўярдим, — деди Толиб ўзини босишга ҳаракат қилиб. — Мени тинч қўй, дедим, ўз билганингдан қолмаяпсан. Мен ҳам тинчингни бузайми, хоҳлайсанми? Мақсадингни жуда яхши биламан. Сен мени ишимдан, оиламдан айирмоқчисан. Менинг топганларим шу, ахир! Нима қиласан, ортимдан пойлаб? Шартингга кўнмаганим учун шундай қиляпсан, биламан, аммо, унутма, мен ҳеч қачон сеники бўлмайман! Худога шукр, ўз оилам бор. Сендек бузуқ, эрсираб қолганларга куним қолмаган.

Назиранинг бу гапларни эшитишга сабри етмай, кулоқларини бекитиб олди. Толиб эса авжига чиқди. У шу кунгача йиғиб юрган бор аламларини сочди. Ошириб-топириб гапириб юбораётганини сезса ҳам тилини тиймади. Назирани бутун оиласи билан сўқди. Унинг отаси қамалгани-ю яна бошқа билганларигача айтиб, тўқиб, бадном қилди.

— Қара-я, сендек маккоралар бировнинг машинаси тагига ўзини ташлаб, ўзига йўл очади, — деди Толиб —



Бундай ҳийлани онанг ўрғатганимиди? Қайнотамнинг ишончини қозонганигни қара-я!

— Илтимос, онамга тил теккизманг, — деб йиғлаб юборди Назира. — Бас қилинг. Менга сизнинг ҳеч нарсангиз керак эмас. Бу ҳаммаси тасодиф. Мен сизни уйингизда кўрганимдан кейингина фикрим ўзгарган. Аслида ўқишга келган эдим.

— Бекорларни айтибсан, — бақирди Толиб Назиранинг йиғлаётганидан куч олиб. — Сен ҳаммасини ўйлаб, пишитиб келгансан. Болани ҳам...

— Бола йўқ, — деди кўзлари ёшга тўлиб Назира. — Мен алдагандим. У алақачон ўлган.

Толиб нима деярини билмай овози ўчди. Унинг қалбида қандайдир ачиниш, раҳмдиллик, бир пайтлардаги қилмишидан афсусланиш туйғуси уйғонган эди. Айни топда шундоқ кўз олдида йиғлаётган Назиранинг сочларини силлагиси, уни овуттиси келди, бироқ барибир лаҳзада унга нисбатан ишончи йўқолиб, тағин ўзини ўнглаб олди. Назирани хонасидан ҳайдаб чиқармоқчи бўлди, кейин бу фикридан ҳам қайтди. Назира тўппа-тўғри Довур Ҳалимовичнинг ҳузурига арз қилиб борадигандек туйилди. У индамай Назиранинг йиғлашига қараб турди. Бироздан сўнг Толиб ҳеч ким эшитмаётганмикан, деб хонасидан чиқди. Қабулхонада телефонда валақлашаётган котиба қиздан бўлак одам йўқ эди. Толиб тезда хонасига қайтиб кирди.

— Бас қил, — деди у Назирага. — Бор, қишлоғингда йиғла. Сен ўзингча менинг раҳмимни келтирмоқчисан. Кучинг йиғлашга етар экан, нима қилардинг менга қарши чираниб? — Толиб бу гапларни шу қадар истеҳзо билан айтдики, мен шунчалик виждонсиз бўлиб боряпманми, деб ҳам ўйлади.

— Мен кетаман, — ҳиқиллади Назира. — Сизга нисбатан қилган ишларим ҳақида жуда кўп ўйладим. Шуни

тушундимки, мен барибир бошқа йўлдан кетолмас эканман.

— Йўғ-ей?! — аччиқ кулимсиради Толиб. — Виждонинг уйронибди-да! Қара-я, озроқ қолган экан-да? Уйимга борганинга, кейин қайнотамдан ёрдам сўраганинга мудраб ёттанмиди виждонинг? Ўша виждонингдан сўрачиди, нега ортимдан изма-из юрганинга сени сўроққа тутмаяпти экан?

Назира ёшли кўзлари билан Толибга норози қаради:

— Мен сизни изма-из... Мен... мен.. — шундай деди-да, орқага мункиб кетди. Чуқур-чуқур нафас олиб, кўзлари юмила бошлади.

Толиб бир зум ўзини йўқотиб қўйди. Назира атайин қиялпти, деб ўйлади. Аммо унинг кўзлари буткул юмилагач, капалаги учиб, эшикка қараб олди. Нима қиларини билмай, тезгина Назирага яқинлашиб, уни туртди. Кейин силкита бошлади. Назира гурс этиб полга қулади. Толиб янада саросималаниб қолди. Котибани бақириб чақирди, бироқ қалин эшик ва девор ортида ҳануз валақлашаётган қиз бунини эшитмади. Қолаверса, у одатда, чиройли чақирувчи қўнғироққа ўрганган эди.

Толиб жаҳл билан эшик томон юрган эди, Назиранинг инграганини эшитиб, у томонга ўтирилди. Кейин столи устидаги шиша идишдан бордоққа сув қуйиб, Назиранинг юзига сепди. Назира чўчиб, кўзларини очди, аммо унинг рангпар юзига қон югурмади. Толиб уни суяб, диванга ўтқазди. Сўнг котибани тўнғиллаб сўкканича чақирув тутмачасини босмоқчи бўлди.

— Ундай қилманг, — деди хиёл ўзига кела бошлаган Назира. — Бошқача ўйлашлари мумкин, мен ҳозир чиқиб кетаман.

Толиб унга ёвқараш қилиб турди. Назира оҳиста ўрнидан қўзғалди. Толибга ўтирилмай, эшикка йўналди. Кейин оҳиста чиқиб кетди.



«Назира касалмикан? — ўйлади Толиб. — Мен унинг асабига тегдим. Айтгандай... у нима деди? Кетман, деди-я? Ҳа, шундай деди. Ишқилиб яна бир балони бошламасмикан? Уни назоратдан қочирмаслик керак».

Толиб алламаҳалгача ўйланиб ўтирди. Кейин ишга кўмилди. Ўринбосарлар, бўлим бошлиқларини чорлаб, мажлис ўтказди. Жойлардаги ишлар билан қизиққан бўлди. Тушдан кейин бош офисга ҳам бориб келди. Жўяли баҳона топиб, Довур Ҳалимовичнинг ҳузурига кириб-чиқди. Қайнотаси ҳам иш билан андармон экан. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб, вақти камлигини қистириб ўтди. Толиб Назира ҳеч гап етказмаганига ишонч ҳосил қилиб, унинг хонасидан чиқди.

Кечга яқин у таъминот бўлими бошлиғи билан алоҳида гаплашди. Тоҳированинг ишини суриштирди. Яхши, ҳаммаси аъло эмиш. Валиев кетганидан сўнг бари изига тушибди, омбор тартибга келтирилибди. Ҳужжатлар ҳам жойида, яқинда, Толибнинг ўзи тайинлаганидек, омбордаги жами жиҳозларни рўйхатдан ўтказибдилар.

— Тоҳировадан шубҳаланяпсиз, шекилли? — деб сўради Парпиев гапининг охирида.

— Йўқ, гап бошқа ёқда, — деди Толиб нима дейишини билмай. — У ишдан кетмоқчи, шунга сўраяпман.

Парпиев бу гапни эшитиб, ҳайрон бўлди. Тоҳировани кеткизмаслик кераклигини айтди. Толиб ундан кўзини олиб қочиб, қандайдир оилавий муаммолар туфайли экан, деди.

— Менга бир айтгандай бўлувди, — дея эслади Парпиев. — Шунчаки гап, деб ўйлабман.

Толиб секин ўсмоқчилади:

— Ўзи унинг аҳволи яхшими? Ранг-рўйи синиқ эди?

— Бугун кўрмадим. Омбордан чиқмайди-да ўзиям. Биз эса, биласиз, ҳисобот тайёрлаш билан оворамиз.

— Яхши, бораверинг. Барибир ўрнига одам топиб қўйишга тўғри келади, — деди Толиб.

Парпиев «энди шуниси кам эди», деган қиёфада ўрнидан туриб, чиқиб кетди.

«Ҳа, одам топиш керак, — деб ўйлади Толиб. — Хўш, кимни? Валиевга ўхшаган товламачиними? Бунақалар бошингни айлангириб, ўзининг ифлос ишига сени ара-лаштирганини сезмай қоласан...»

Толиб қоронғи туша бошлаганида хонасидан чиқди. Зинадан ҳорғин тушаркан, биринчи қаватда Назирага дуч келди. Унинг афт-ангорига нигоҳ ташлаб, ичида ачиниш пайдо бўлди.

\* \* \*

Улар самимий суҳбатлашдилар. Бу суҳбат асносида Толиб узоқ йиллардан буён энди мириқиб дилини ёрди. Қишлоғи, болалиги, ота-онаси, акаси ва опаларини эслади. Қадрдон мактаби, ўқувчилик дамларини ширин хотирага олди. Барини қўмсади.

— Нима қилай, шаҳарга кўникиб кетдим-да! — деди у ўзига-ўзи гапиргандай. — Бугун-эрта, бугун-эрта билан умр ўтмоқда. Аммо сени тушунмадим, ишонмайман ҳам, орадан шунча йил ўтиб ўқиш деб келишинг...

— Шунақа одатларим бор, — кулимсиради Назира. — Баъзан хаёлимга келганини қиламан-у, кейин шаштимдан тушаман.

— Биламан, — деб қўйди Толиб. — Айтгандай, нега мазанг қочиб қолди? Мабодо... касал эмасмисан?

Назира анча муддат сукут сақлади, кейин жавоб берди:

— Балки касалдирман, лекин бугун касалликдан кўра ниҳоятда очқаган эдим. Икки кундан буён туз тотганим йўқ. Кўз олдим қоронғилашиб, зўрға ўтиргандим.

— Нега? — ҳайрон бўлди Толиб. Кейин ичида ўйлади: «Наҳотки пули бўлмаса?... Албатта, йўқ! Маоши



қанча ўзи? Янги ходимларга бериладиган пул урвоқ ҳам бўлмасди-ку!» Толиб чўнтагига қўл суқишни ҳам билмай қолди. Ҳозир ҳамма пулларини беришга ҳам тайёр эди у.

— Ресторанга борамиз юр, — деди Толиб.

Назира секин бош чайқади. «Эндими?..»

Толиб уйдан чиқишдан олдин ундан сўради:

— Балки кетмассаң, Назира?

Назира унга ялт этиб қаради:

— Неча йиллардан буён исмимни айтишингизни кутардим. Ғалати бўлиб кетдим.

Толибнинг ўзи ҳам ноқулай аҳволга тушган эди. Нима дейишини билмай қолди.

— Йўқ, кетишим керак, — деди Назира. — Биз энди ҳеч қачон учрашмаймиз. Мен қилмишларим ҳақида жуда узоқ ўйлаб кўрдим. Ўзимча алланималарни кашф қилдим. Бу дунёда ёмонлик қилиш ҳеч гап эмас экан. Айниқса, қасос ўтида ёнсанг, ҳар балога тайёр турар экансан. Бахтли бўлинг, Толиб ака.

Толибнинг кўнгли алланечук бўлиб, Назирани қучоқлаб олди. Назира қаршилик кўрсатмади. Унинг қаршилик қилишга кучи йўқ, юм-юм йиғларди.

— Бўлди, илтимос, — Толибнинг ҳам мижджаларига ёш келди. — Йиғлама, бас. Мен сени ҳеч қаерга юбормайман. Сен шу ерда бўласан.

— Кеч бўлди, боринг, — Назира унинг бағридан сирғалиб чиқди. Кейин тескари ўтирилиб, юзини қўллари билан тўсиб олди. Унинг нозик елкалари енгил титрай бошлади.

Толиб чўнтагига тезда қўл суқиб, бор пулини чиқарди-да, даҳлиздаги трюмо устига ташлаб, чиқиб кетди.

Назира эртага кетади, бироқ энди Толиб унинг кетишини астойдил хоҳламай қолган эди. Ажабо, нега одамзод шундай? Дастлаб бошқача хоҳиш билдиради,

кейин эса истаги ўзгаради. Гўрлигими бу? Назира кетади! Толибнинг яқин, азиз кишиси бу шаҳардан кетиб қолади.

У осмонга қараб, чуқур нафас олди. Кўкда митти юлдузлар хира ёғду таратиб турарди. Кейин оҳиста юриб кетди..

Хотинига қарагиси келмади Толибнинг. У ҳозир фақат Назира ҳақида ўйларди. Назирага ишониб-ишонмасликни ҳам билмас, унинг маънос қиёфаси кўз ўнгида гавдаланиб, қулоқлари остидан маҳзун овози кетмасди.

Толибнинг алламаҳалгача уйқуси келмади. Бу энди аввалги бедорлик эмас. У ширин энтикар, илк муҳаббатини қўмсаб, гўзал хотираларга берилган эди. Шу билан бирга Назиранинг таъқибларини эслаб, эртага, айнан эртага айна ҳақиқат рўёбга чиқишига ишонч ҳосил қилиши мумкинлигини ўйлар эди. Ҳар ҳолда эртага Назира кетади. Ана шунда.. ҳаммаси сокин, тинч бўлади. Майли, Толиб жилла қурса, унинг таъқибларини эслаб юрар.

Ярим кечаси кўзи илинган эди, Назиранинг қичкириғидан уйғониб кетди. Толиб сакраб ўрнидан турди. Эс-ҳушидан оғаёзди. Нималар бўляпти? Назира ёрдам сўраяпти, шекилли?

У анчагача бедор ўтирди. Назирага қўнғироқ қилмоқчи ҳам бўлди, рақамини билмаслигидан сиқилиб, ўзини қўярга жой топа олмади. Уйдан чиқиб кетиб, унинг ҳузурига бориш ҳақида ҳам ўйлади. Нима бўлганда ҳам айна дамда Назирани жуда-жуда кўргиси келарди.

Толиб тонгга яқин ухлаб қолди. Эрталаб зўрға кўзларини очди. Анчагача ўрнидан турмай ётди. Кўрган алоқ-чалоқ тушини хотирида жамлашга интилди. Натижа чиқмади.



Наридан бери нонушта қилди. Шошилмай уйдан чиқди. У анчайин ўйчан, аммо нималар ҳақида бош қотираётганини ўзи ҳам билмасди.

Ишхонага келгач, тўғри омборхона томонга юрди. Эшикдаги қулфни кўриб, ортига қайтди. Балки Назира аллақачон аризасини ёзиб, кетиб қолгандир. Кўнгли ғаш эди Толибнинг.

Котибадан Назиранинг ариза ёзганлиги ҳақидаги хабарни кутди, бироқ у ҳеч нима демади. «Демак, ҳали ишга келмаган, — деб ўйлади Толиб. — Кеча мазаси йўқ эди, шунга кечикаётганмикан?»

Аммо Назирадан тушгача ҳам хабар бўлмади. Толибнинг ичига ғулғула тушди. У индамай кетиши мумкин эмас-ку, ахир! Назира ҳақида Парпиевдан сўрамоқчи бўлди. Котибани ишга солди. Парпиев ҳам билмас экан. Кеча тугул икки кундан буён кўрганим йўқ, дебди.

Назира эртасига ҳам келмади. Толиб уни излаб, ижара уйига бормоқчи бўлиб турган эди, нохуш хабар келди: Назира Тоҳировани ўлдириб кетишибди. Толиб бу ҳақда эшитиб, сакраб турди, сўнг бўшашганича ўтириб қолди.

— Нега? Нега? — деди.

Тергов-суриштирув ишлари бошланиб кетди. Калаванинг учи келиб... Толибга қадалди. Ходимларни битта-битта сўроқ қилиш давомида ҳайдовчи бор гапни айтиб берган эди. Толибнинг бармоқ изларидан нусха олишди. Бу излар Назира Тоҳирова яшаган ижара уй эшигидаги изларга тўғри келарди. Ҳамма ҳангу манг. Эҳтиёт чораси сифатида Толибни қамоққа олиш ҳақида ордер берилибди. Довур Ҳалимовичнинг аралашуви ҳам фойда қилмади. Бари кўз очиб-юмгандек жуда тез содир бўлиб, Толиб довдираб қолган эди. У айби йўқлигини билса-да, озодликдан маҳрум этилиши мумкинлигини ўйлаб, кетмакет чекарди. Ўша куни Назира яшаган уйга борганига мингдан-минг пушаймон эди ҳозир.

Терговчи ёши анча катта, тажрибали экан, аммо бир гапни ҳадеб сўрайвериши Толибнинг энсасини қотириб юборди.

— Сиз Назира Тоҳировани аввалдан танигансиз, тўғрими? — дерди у ҳар сафар. — Ҳаммасини очиқ-ойдин айтсангиз, айбингиз енгиллашади.

— Мен ўша куни уни элтиб қўйдим, холос, — дея жавоб берарди Толиб

— Аммо ичкарига киргансиз-ку, тўғрими? Унга шахсий хусуматингиз бўлганми, айтинг.

— Нега хусуматим бўлсин? Тоҳированинг мазаси йўқ эди, шунинг учун уни элтиб, ичкарига киритиб қўйдим.

— Нима бўлганда ҳам у ўша куни ўлдирилган, охирги марта сиз билан гаплашган. Нималар деган эди?

— Ишдан кетмоқчилигини айтди. Бу ҳақда ишхонада ҳам айттанди менга. Парпиев билади, хайрият, унга маълум қилган эканман.

— Парпиев ҳақида айтдингиз, бироқ нима учун Тоҳирова айнан сизга кетмоқчилигини айтган? Парпиевга ҳам айтса бўларди-ку, нима деб ўйлайсиз? Парпиевнинг бўлимига тегишли бўлса...

— Уни мен ишга қабул қилганман. Шунинг учун ишдан кетмоқчилиги ҳақида ҳам, эҳтимол, менга айттандир?

Терговчи Толибга разм солиб тикилди. Толиб кўзларини олиб қочди...

Орадан бир ҳафта ўтиб, Толибни акаси билан учраштиришди. Акаси унга жаҳл билан гапирди. Бутун қишлоқда гап чиққанини етказди. Толиб шундоқ ҳам эзилган, хотини Саатанатдан хат-хабар йўқлигидан кўнгли озурда эди. У энди кейинги кунларини тасаввур қила олмас, айби йўқлиги, бу жиноятга алоқаси йўқлигини исботлашга қодир эмас эди.

Ниҳоят у бор гапни терговчига айтиб берди. Назира билан бир пайтлардаги ошиқ-мошиқлиги, аҳдлашувлари,



кейин уни ташлаб кетгани, ҳамма-ҳаммасини бирма-бир сўзлади. Фақат бу ҳақда ҳеч кимга, айниқса ўзининг оиласига билдирмасликни терговчидан илтимос қилди.

— Ҳеч бўлмаса адвокатингизга айтинг, — деди терговчи ачинган бўлиб.

— Йўқ, — бош чайқади Толиб. — Сиздан илтимос... Майли, Тоҳировани ўлдирмаган бўлсам ҳам бу ишни мен бўйнимга оламан. Хотиним мени жинойт қилганимдан кўра бир пайтлардаги ишларимни кечирмайди.

Судга тўрт кун қолганида Толиб ҳақиқий қотил ушлангани ҳақида эшитди.

— Уни Россияга кетган, дейишганди-ку?! — деди ҳайрон бўлиб.

— Биз ҳам шундай, деб эшиттандик, — жавоб берди адвокат. — Валиев атайин шундай гап чиқарган. Режа асосида иш тутган. У жинойтни устомон жинойтчилар каби қўлқопда бажарган. Роса аламзада экан ўзиям...

Толиб озодликка чиққач, қаерга боришини билмади. Тўрт-беш қадам юрибгина хотинига кўзи тушди. Салтанат йиғламсираб турарди...

У кечқурун уйда ўтиролмади. Кўчага чиқиб кетди. Тўйиб-тўйиб ичмоқчи эди, ичмади. Қопқоғи очилган шишага жимгина қараб ўтираверди.

Уйга алламаҳалда қайтди. Йўлакка етар-етмас, орқасидан қадам товушларини эшитди. Эътибор қилмади. Индамай подъездга кириб кетди. Таъқиб қилаётган одам ҳам ортидан қолмади. Аксига олиб, лифт ҳам ишламаётган экан, Толиб ҳорғин тарзда зинадан чиқа бошлади. Ортидан изма-из келаётган одам илдам ҳаракат қилиб, унга етиб олди. «Тўхта», — деди.

Толиб рўпарасидаги нотаниш кишига ҳайрон бўлиб қаради. Ким бу одам? Унинг нигоҳида савол аломати зоҳир эди.

— Сен уни ўлдириб, индамай қутулиб кетмоқчимисан? — деди нотаниш киши. — Йўқ, бунақаси кетмайди. Бир пайтлар бизни бадном қилганинг етар!

Толиб унга яхшилаб тикилиб эслади: Назиранинг отаси!

— Пулнинг кучи билан озод қилишдимми? — овози хириллаб давом этди у. — Бекор қилишибди. Яна тўрт-беш кун кутишса бўларди, сен ўлмай қолардинг! Ахир, мен икки ҳафтадан буён бекорга кутдимми?..

У Толибни гапиришга ҳам қўймай қўйнидан ўтқир пичоқ чиқарди...



---

---

## ТОҒЛАР БАҒРИДАГИ ҚИЧҚИРИҚ

*Тарқи суҳбат айладим, ҳамроҳи ноқобил билан.*

Машраб

Вазият тобора чигаллашиб борарди. Ҳайдарнинг ҳам, Манзуранинг ҳам боши берк кўчага кириб қолган. Ҳаммасига сабабчи — уларнинг ўртасидаги учинчи одам! Аслида у ҳам нотаниш эмас. Фолиб — синфдош! Қачон Манзурани кўз остига олибди-ю, қачон севиб қолган, иккаласи ҳам ҳайрон. Ҳайдар Фолиб билан гаплашай деса, Манзура сира қўймайди. Унга ўзи ҳам, кўнглимининг эгаси бошқа, дея олмайди. Қаҳри қаттол отаси туфайли! Ҳайдарнинг олдида эса кўз ёши тўкади. Худди эрта-индин Фолибдан совчи келиб, уни олиб кетишадигандек ҳадик-хавотирда. Энг ёмони, Манзура ва Фолибнинг оталари яқин дўст. Энди-энди аён бўлишича, бир пайтлар Мансур ака қизини Шокир аканинг ўғлига беражагини айтган экан. Бу ҳақда кунни кеча Фолиб Манзурага шипшибди. Қиз қулоқларига ишонмабди. Кейин уйда секингина онасидан сўрабди. Рост эмиш!

Ҳайдар бугун-эрта Манзураларникига совчи юбормоқчи бўлиб турганди, Манзура тўхтатди. Бир оғиз гап билан ҳаммаси барбод бўлишини тушунтирди.

— Бўлмаса ўша Фолибингизга тегинг-да, — деди аччиқланиб Ҳайдар.

Манзура баттар эзилди:

— Нега менга жаҳл қиласиз? Нима қилай, ахир?

— Фолиб нега сизни дейди, жавоб беринг?! Кўзингизни сузгансиз!

— Бу нима деганингиз, Ҳайдар? Фақат шўнақа қилиб кайфиятимни бузасиз-а! Бошимга ураманми уни? Ўзи қўймаяпти-ку!

— Билдирмасангиз, ана шундай юраверади-да!.. Мени айтмасангиз ҳам шама қилинг, «бошқани севаман», денг. Тавба, эртага тўй қилиб кетсаям индамай ўтиравера-сизми?

— Фолибни биласиз-ку, дарҳол бориб ота-онасига айтади. Кейин уйдагилар мени тинч қўйишармиди! Нақ зиндонбанд қилишади. Кўриб бўлсиз мени ўшанда! На учрашув бор, на муҳаббат!

Ҳайдар ўйланиб қолди. Ҳа, аҳвол анчайин жиддий. Нима қилиш керак? Лоп этиб қаердан пайдо бўлди Ҳайдар? Ўзи шундоқ ҳам бу иккаласи юрагини ҳовучлаб, пана-пастқамда зўрға учрашиб юришганди. Манзура бечора бу ҳақда яқин дутоналарига ҳам айтмаган.

«Бир неча йилдан буён севармиш». Севгинга ўт тушсин! Бошқа қиз қуриб қолганмиди сенга? Отасининг эркаси! Бир пайтлар айтган бўлса, айттандир Манзуранинг отаси! Шу гапни қўзғаб нима кераги бор?

Ростдан ҳам, агар Манзура ўз севгани борлиги ҳақида айтса, Фолиб гаранг аниқ-таниқ ота-онасига етказди. Мансур аканинг тепа сочи тикка бўлиши турган гап. Кейин Ҳайдарга йўл бўлсин! Манзура айтганидек, ҳаммаси тамом, деяверинг!

— Ҳайдар?

— Билмадим. Ўйлаш керак, Манзура... Менга қаранг, онангизга ҳам билдиrolмайсизми? Айтиб кўрарсиз балки?.. Ахир, қиз болалар онаси билан сирдош бўлишади-ку!

Манзура ҳафсаласи пир бўлгандек, хўрсиниб қўйди. Ҳайдар унга тикилиб, бир тарафдан кўнгли чоғ ҳам бўлди.



Ахир, бу қиз уни деб куйиб-пишяпти. Кўнгли алағда. Нима бўлса-да, муҳаббатларини асраб қолмоқчи.

Ҳайдар энтикиб, Манзурани ўзига тортди. Унинг ёноғидан оҳистагина ўпиб деди:

— Хавотир олманг, бир йўлини топамиз.

— Тезроқ ҳаракат қилиш керак, Ҳайдар, — деди маъюсланиб Манзура. — Юрагим ғаш. Еганимни ҳам, ичганимни ҳам билмаяпман. Фолиб телефон қилгани-қилган. Жонимга тегиб кетди.

— Демак, сенда кўнглим йўқ, десангиз ҳам парво қилмаяпти?

— Уялмайди. Тўйдан кейин кўнглинг бўп қолар, дейди. Афтинг курсин!

— Менимча, у сизни яқиндан бошлаб яхши кўриб қолган. Аввалдан шунақа бўлганида мен сезмай қолмасдим. У бир бекорчи бўлса, қиладиган иши йўқ!

— Яхши кўрмай ўлсин!.. Нима, бекорчилар яхши кўрадимиз?

— Бекор ётиб, хаёл суриб, сизни ўйлаб қолган-да! — кулди Ҳайдар. — Ёки мактаб пайтимиздаги суратларимизни бир-бир кўздан кечириб, юраги питирлаган. Менга қаранг, йўлингизни тўсмаяптими?

— Йўлимда пайдо бўлса, тескари бурилиб кетяпман. Ишқилиб уйдагиларига сездириб қўймасин!

— Нимани? — ҳайрон бўлди Ҳайдар.

— Севгисини-да!..

Ҳайдар унинг иягидан оҳиста кўтариб, кўзларига боқди:

— Мени яхши кўрасизми?

— Яхши кўрмасам ҳозир ёнингизда турармидим? Барибир ишонмайсиз-а, Ҳайдар? Нега шунақасиз?

— Йўқ, ишонаман. Шунчаки... Нима десам бўлади... Бир умр меники бўлишингизни хоҳлайман-да! Хавотирга тушиб қолдим, ахир!.. Мабодо сизни бировга бериб юбо-

ришса, чидай олмайман, Манзура. Мени яхши кўрасиз-а, мени дейсиз-а?

— Албатта... Фақат отам билиб қолиб, қасдма-қасдига иш тутмасин, дейман.

— Айтгандай, мен... Шокир ака билан гаплашсам-чи? Ҳаммасини тушунтирардим.

Манзура бу гапни эшитиб, ўйланиб қолди. Кейин бош чайқаб деди:

— Хўш, кейин-чи?.. Фолибга алам қилиб ҳам бу гапни отамга етказмайди, деб ўйлайсизми? Уни биласиз-ку!

Ҳайдар оғир хўрсинди:

— Ҳа, биламан. Демак, ҳамма гап Фолибда!

\* \* \*

Не-не хаёллар оғушидаги Фолиб Манзуранинг кулиб турган суратига термиларкан, телефон гўшагини қўлига олди. Ўша таниш рақамни терди. Рози бўлмагунича барибир қўймайди. Узоқдан ёр қидириб нима қилди?! Мана, ёнгинасида шундай қиз бор-ку! У ҳақида нега аввалроқ ўйламаганидан яна ҳайрон бўлди. Бинойидай қиз! Шунча вақт бирга ўқиб ҳам эътибор бермаган экан. Эътибор бериш тугул писанд ҳам қилмасди. Агар ота-онаси уйлантириш ҳақида сўз очишмаганида юравераркан ҳалиям лаллайиб!

— Алло, пучуқ қиз, — кулди у. — Қалайсан? Қачон катта бўласан?.. Эйтага?.. Яша!.. Менга қара, секингина опангни чақириб бер, кейин кўчада сенга ширинлик олиб бераман... Йўқ?.. Нега, қаерга кетди?.. Сен, пучуқ қиз, нимани биласан ўзи?.. Майли, мен телефон қилганимни айтиб қўйгин, хўпми? Фолиб акам телефон қилдилар, дегин. Бошқа боланинг исмини айтиб юбормагин яна!.. Бўпти...

Фолиб телефон гўшагини қўйиб, ҳовлига чиқди. Аттанг, Манзура билан гаплашгиси келганди-я! Қўнғироқдек овозини жон қулоғи билан эшитмоқчи эди.



— Хўш, буюғи тезлашяптими? — деб сўради сўрида сабзи тўғраётган онаси.

— Бўляпти, ойи, бўляпти, — тиржайиб жавоб берди Фолиб. — Ҳадемай қувониб қоласиз.

— Билиб қўй, ёзда тўй. Дадангни зўрға кўндирдим-а!  
Фолиб яна тиржайди:

— Дадам хоҳлаган қиз, ойи. Шунинг учун аввал ўзим гаплашиб олай, дедим.

— Тўйдан кейин гаплашиб олаверасан... Ўзи ким у? Ҳеч бўлмаса менга айт.

— Озгина сабр қилинг, озгина. Биласизми, менинг муҳаббатим бошқача бўлишини истайман, ойи. Қандайдир бошқача! Бир келин бўлсинки, бир хизматингизни қилсинки, ҳамманинг оғзи очилиб қолсин. Узоқдан эмас, шу яқин атрофдан у.

Роҳила опа қўлидаги ишни йиғиштириб, ўғлига савол-омуз тикилди:

— Гулнора эмасми, Нигоранинг қизи?

— Ҳо, ойи, билиб олмоқчимисиз?!

— Менга қара, агар ўша бўлса, тошингни тер. Уларнинг оиласи яхши эмас.

— Э, у эмас, — қўл силтади Фолиб. — Гулнорани бошимга ураманми? Сиз сабр қилинг, ойи. Балки яна икки-уч кундир! Менимча, сизга ҳам маъқул бўлади.

Роҳила опа индамай, яна ишга уннади.

— Ўқишим нима бўляпти? — сўради Фолиб ботинмай.

— Нима бўларди, даданг гаплашяпти. Аммо барибир бу йил кечикдинг-ов! Аттанг!.. Ўқигинг келмайди-да, болам. Шунча репетиторга қатнаганинг нима бўлди? Бошқа тенгқурларингга қара...

— Кимга қарай? — диққат бўлди Фолиб. — Фаридгами? Музаффаргами? Кимга?.. Ёки Шавкаттами? Юрибди-ку, ҳаммаси. Мен бор кучим билан ҳаракат қилдим. Ахир, ҳеч ким ипидан-игнасигача билмайди-ку! Дадам ўша одамга ишонмаганларида ҳозир ўқиб юрган бўлардим.

— Оббо! Қачонгача дадангта орқа қилиб юрасан-а?

— Нима қилай, ойи, икки йил йиқилдим.

— Сен дадангдан нолима, Голиб. Дадангнинг ишлари кўп. Шундоқ ҳам пушаймон бўлиб юрибди. Ўзинг ҳам ҳаракат қилгин эди. Аста-секин дадангнинг ёнига киришлар, тиргак бўлишлар. Ишлаб тур, десам, ишларинг ҳам келмайди. Одамлар нима дейди?

Голибнинг жаҳли чиқди:

— Ўқишга кириб битирмагунимча ишламайман, дедим-ку! Ўзларинг, ана, тўғри бўлади, мана, тўғри бўлади, деб юравердиларинг.

— Уйлантираминг, деяпминг. Эрта-индин совчиликка борсак, ўқингиз ўқийдимиз-ишлайдимиз, деб сўрашмайдимиз? Ҳадемай уйланарсан ҳам. Кейин ўқиб бўларканми? Ўқиш ҳақида гапирсам, институтдан йиқилганларни санаб берасан. Бошқаларниям айт. Сенга ёқмайди... Барибир ўқилиши керак, болам. Бизнинг оиладагилар ўқимаса, обрўйимизга тўғри келмайди, ўзинг яхши биласан. Биттаси бўлмаса, биттаси барибир гапирди. Буёқда укаларинг ҳам улғайишяпти. Уларга ўрнак бўлишинг керак-ку!

Голиб яна таъна қилмоқчи эди, гап чўзилишини ўйлаб, «хўп-хўп», дея қолди. Ҳозир фикри-зикри университетдан кўра Манзурада. У билан гаплашгиси келди.

\* \* \*

Яна учрашдилар.

— Мен бир режа туздим, — деди Ҳайдар. — Аммо сиз нима дейсиз, билмайман. Бошқа чора йўқ. Айтиб кўрдим, бирортасига рози бўлмадингиз. Охириги йўл қолди.

— Айтинг, — деди Манзура унга умидвор тикилиб.

Ҳайдар кўзларини олиб қочди. Бу гапларни айтиш оғир эди, албатта. Аммо ростдан ҳам кечаси билан ухламай, фақат шу йўлгина иккаласини бахтли қилиши мумкинлигини ўйлаганди. Даставвал бу режасидан кўрқиб



кетди. Ўзини ўзи койиди. Бироқ Фолибга раҳми келгани сайин Манзурадани айрилиб қолиш мумкинлиги кўз олди-га келаверди. Ахир, Фолиб олиб кетади бу бахтини! Икка-ласининг неча йиллик севгиси эмас, Фолибнинг кечагина куртак очган муҳаббати устун келади...

Ҳайдар қалтис режасини қанчалик хаёлидан қувмасин, у янада миясида айланаверди. Ҳа, бошқа бирортаям йўл йўқ!

— Нега индамайсиз? — туртди уни Манзура. — Қандай режа?!

— Айтишга тил бормади, Манзура. Аммо муҳаббатимизни қутқариб қолишнинг ягона йўли шу!

— Нега чўзясиз, шунчалик ёмон ишми?

— Билмадим, ёмонми-яхшими... Менга қаранг... Аввал айтинг: агар сизни мана шу Фолибга узатишмаса, бошқага бериш ниятлари йўқми, ишқилиб?

— Йў-ў-қ, — бош чайқади Манзура. — Мен мана шу Фолибдан хавфсираб турибман фақат.

— Яхши... Лекин бу хавфли иш, Манзура.

— Бошладингизми, айтинг.

— Эртага тоққа чиқамиз, тўғримми? Кўп синфдошларимиз боради. Энди сизнинг ҳам чиқишингизга тўғри келади. Анови Муяссар билан Шаҳнозага айтинг, уларнингизга бориб, отангизни кўндиришсин. Охирги марта дейишадими, бошқача гапиришадими, нима бўлгандаям, кўндиришсин. Ўзингиз ҳам ялининг. Фолиб ҳам чиқади, албатта...

— У мени тоғда ҳам тинч қўймайди-ку! — ҳайрон бўлди Манзура.

— Ҳамма гап шунда-да, Манзура! Бундан фойдаланиб қолиш керак.

Қиз елка қисди:

— Тушунмадим.

— Мен алдаб-сулдаб, унга роса ичираман. Кейин сиз... — Ҳайдар уёғини айтишга қийналди. Анчагача жим турди.

— Нима мен?..

— Сиз ҳеч кимга сездирмай бир ўзингиз қир томонга кетасиз. Фурсатдан фойдаланиб, мен Фолибни жазавага соламан. «Манзура қир томонга кетди. Орқасидан боргин, сезиб юрибман, севиб қолгансан», дейман. Турган гапки, у сиз кетган томонга жўнайди. Бошқаларга сездирмайман, чалғитиб тураман. Олдингизга боргач, қирнинг лабига чақириб, кейин пастта итариб юборасиз. Ҳеч ким ҳеч қачон сиздан шубҳаланмайди.

Ҳайдардан бу гапни эшитган Манзура қотиб қолди.

— Мен роса ўйладим, бошқа йўли йўқ, — давом этди Ҳайдар. — Кейин сиз қирни айланиб ўтиб, гўё ҳеч гап бўлмагандек, бошқа томондан қайтиб келасиз. Бу пайтда ҳамма ҳар ёққа сочилиб кетган бўлади. Кечки томон йиғилсак ҳам катта гап. Шундан кейингина ким бор, ким йўқлиги суриштириш бошланади.

— Нималар деяпсиз? — Манзура бу ишни худди ҳозир қилиши керакдек талвасага тушиб қолди. — Мен бундай қилолмайман.

Ҳайдар босиқлик билан яна сўзлай кетди:

— Менга қаранг, бу ишни аввал ўзим қилишни ҳам ўйладим. Афсус, бўлмас экан. Фолиб менинг ортимдан қирга бормайди-ку, тўғрими? Ўзим алдаб олиб чиқай деганимгаям кўнмайди. Майли, шундай қилдим ҳам дейлик. Аммо у ерда ҳам қирнинг лабига келишга ундасам, рози бўлмайди. Шартта орқасига қайтиши ҳам мумкин. Сизнинг ортингиздан эса қаёққа бўлсаям кетаверади. Ичини қиздираман-да! Дугоналарингизни чалғитиб тураман. Фолибнинг ортингиздан бориши кераклигини эса фақат ўзига шипшийман. Сиз қилганингизни ҳеч ким кўрмайди.

Манзура узоқ ўйланиб қолди. «Сиздан бу гапни кутмагандим», дейишини кутганди Ҳайдар. Йўқ, ундай демади.



— Мен бошқалар кўриб қолишини ўйлаётганим йўқ, — сокин сўзлади Манзура. — Бу ишни қилолмайман, шуни айтмоқчиман.

— Манзура, бир кун қолди, — эслатди Ҳайдар. — Энг қулай фурсат шу! Эртага ҳал қилмасак, муҳаббатимизни асраб қололмаймиз. Бундан бошқа чора йўқлигини жуда яхши англаяпсиз. Акс ҳолда ҳадемай сизга совчиларини юборади, шу билан тўй-томоша!.. Эшитдим, Голибни ёзда уйлантиришмоқчи экан.

— Йўқ, бундай қилолмайман, — Ҳайдарни қучоқлаб олди Манзура. — Мен қўрқяпман, қўрқиб кетяпман, Ҳайдар.

Орага сукут чўкди.

Ҳайдар ҳафсаласи пир бўлиб, унинг қўлларини бўйнидан олди.

— Унда бахтли бўлинг, — деди. — Бугун — охириги учрашувимиз!

Манзура кўзларини катта-катта очди:

— Унақа деманг. Яхшиси, бошқа йўлини излайлик. Илтимо-о-о-с...

— Топинг, — бефарқ гапирди Ҳайдар. — Мана, мен бошқа йўлини тополмадим. Ўзига бор гапни айтинг, десам, кўнмасангиз, қочиб кетайлик, десам, отам оқ қилади, десангиз. Онангизга билдиринг ҳам дедим, кўнмадингиз. Яна нима қилай? Агар севгимизни асраб қолиш фақат ўзимга боғлиқ бўлганида жонимни ҳам аямасдим. Бирор-таям таклифимга рози бўлмадингиз, охиригисига кўнинг-да!

— Бошқаларга сездириб қўйсам нима бўлади? — Манзура ноилож рози бўлаётган эди.

— Ҳамма ўзи билан ўзи бўлади, деяпман-ку сизга! Қолаверса, бу томондан айланиб келгунингизча қанча вақт ўтади, биласизми? Мен ўзим уч-тўрт бола билан Голибни излаб кетган бўламан.

— Қир томонда ҳеч ким бўлмасмикан?

— Нега бунча хавотирланасиз? Ким ҳам бўларди у томонда?!

Манзура бироз сукут сақлаб, кейин йиғлаб юборди:

— Уни қандай қилиб итариб юбораман, Ҳайдар?

— Агар мени кўз олдингизга келтирсангиз, бу иш қўлингиздан келади. Одамлар севгиси йўлида не-не ишларни қилишмаган, тўғрими?

Манзура кўз ёшларини артди:

— Қўрқиб кетяпман, Ҳайдар...

— Қўрқманг, ҳаммаси яхши бўлади... Хуллас, режани тушундингиз? Келишдик, эртага ишга киришамизми?

Манзура секингина бош ирғади.

\* \* \*

Манзура уйга келгач, эртага қўл урадиган иши нақадар мудҳиш эканлигини янада чуқурроқ идрок этди. Ўзини қўярга жой тополмади. Худди Ҳайдар уни бунга мажбурлаётгандек, ундан хафа ҳам бўлди. Ўзича бошқа йўлини қидирди. Ўйлаб-ўйлаб, барибир тополмади. Шунга қарамай, вақт ўтган сайин юраги орқага тортаверди. Оила дастурхон атрофида жамулжам бўлганида тузукроқ ўтиролмади. Манзуранинг ҳаловати йўқолган эди.

— Эртага қизингизнинг синфдошлари тоққа чиқаётган экан, — деди ойиси отасига. — Рухсат берасизми?

Мансур ака қизига бир қараб қўйиб индамади. Кейин овқатланишда давом этиб деди:

— Синфдошлари билан чиқадиган бўлса, нимаям дердик! Кеч қолиб кетмайсизларми?

Манзура ичидагини айтди:

— Менинг боргим келмаяпти.

Ойиси билан укаси кулди.

— Тавба, жон деб турибсан-у, боргим келмаяпти, дейсан-а! — деди Сожида опа. — Даданг айниб қолмасин тагин. Қоронғи тушмай қайтарсизлар-а?



— Ҳа, — деб қўйди Манзура...

Кечки овқатдан сўнг Манзура ўзини ҳарчанд иш билан андармон қилмасин, кўз олдида Ҳайдар билан Фолиб гавдаланаверди. Аксига олгандай, отаси тоққа чиқишига рози! Нима қилсин? Эртага Ҳайдар барибир қўймайди. Имо қилавериб бўлса-да, шу ишни қилишга ундайди. Манзура қандай қилиб Фолибни итариб юборади? Ахир, ўша қирдан тушиб кетган одам тирик қолмайди-ку! Ҳайдарнинг ҳам нияти шу аслида! Нега ўзи қилмайди? Қўрқоқ! Бошқалар шубҳаланиб қолармиш!

Яхшиси, Манзура Фолиб билан яхшилаб гаплашиб кўрса-чи? Бор гапни айтса?! «Илтимос, фақат ҳеч кимга гапириб юрманг», деса-чи?.. Бўлмайди-да! Фолиб барибир айтади. Алаmidан ҳам шундай қилади. Иродасиз, худбин! Фақат ўзини ўйлайди.

Ҳа, Ҳайдарни тушуниш керак. Роса ўйлаган бу ҳақда. Ҳақиқатан ҳам бир кун қолди. Энг қулай имконият — эртанги тоғ сайри! Фақат Манзура бу ишни қилишга журъат тополмаса нима бўлади? Маст-аласт Фолиб тегажоелик қилишдан ҳам тоймайди ўшанда. Бор кучини йиғиб, қирдан итариб юбориши керак, вассалом! Ҳайдар иккаласининг бахти ана шунга боғлиқ бўлиб турибди.

Кейин бир гап бўлар! Ҳеч гап йўқдек, Ҳайдар билан тўйи ўтказилади. Қирдаги жиноят ҳам унутилиб кетади... Унутилиб кетармикан? Манзура виждон сўроғига рўбарў келмасмикан? Ахир, одам ўлдириб, кейин бамайлихотир яшаш осонми? Наҳотки, ўзларининг бахти деб бир жонга раҳмлари келмаса?

Фолиб, Фолиб! Жимгина юргандинг-ку! Нега ҳаловатимизни бузасан? Севишганлар орасида, албатта, битта чақир тиканак ўсиб чиқиши шарт экан-да! Азалдан қолган қонуният! Ўқишга киргин эди, йўқолиб кетардинг ўша ёқларга! Бошга битган бало бўлдинг! Қўшни эканлигимиз энди эсингга тушиб қолдими? Бу қизнинг ҳам

кўнгли, юрагининг эгаси бордир, деб ўйлаб кўрмадингми ҳеч?

Ғолиб бугун ҳам кўнғироқ қилибди. Манзуранинг сингласига тайинлаб ҳам қўйганмиш!

— Ўчир овозингни, — деди кўрқиб кетган Манзура. — Ўйдагилар эшитмасин.

У отасининг бир вақтлардаги ваъдаси эсига тушиб қолишидан хавотирда эди. Ишқилиб кўча-кўйда, бирор даврадами, Шокир ака билан юзма-юз келиб қолмасин. Ғолибнинг отаси уйи ёки чойхонага чақириб қолмасин. Ўша гап қўзғалади-да дарров!

Эски гап қандай қилиб Ғолибнинг эсига тушди? Айтилган бўлса, айтилгандир. Манзура ойисига Ғолибнинг шум қилиқлари тўғрисида бир гап гапирмоқчи, бундай такасалтангларнинг келажаги йўқлигини билдирмоқчи ҳам бўлганди. Аммо тилини тийди. Назарида ҳар бир гапи билан тилидан илинмоқчидек туюлиб кетди ўзига. Ойиси шартта отасига айтса нима бўлади? Отаси, лафз ҳалол, деб улардан совчи келишини пойласа ҳам ажаб эмас!

Отаси ваъда берган бўлса, Манзура ҳам кўнгли, инонихтиёрини Ҳайдарга топширган, иккаласи аҳд-паймон қилишган.

Ҳаммасига ўзинг айбдорсан, Ғолиб! Ўртамизда пайдо бўлмаганинда шу машғум режа ҳам йўқ эди. Ҳайдар айтганидек, одамлар севгиси учун нималар қилишмаган.

\* \* \*

Ғолибнинг кўнгли чоғ. Эртага Манзура ҳам борса керак. Агар бормайдиган бўлса, ўзи кириб, Сожида опани кўндириб чиқади. «Қизингиз бугундан бошлаб менинг паноҳимда бўлади», деб шама қилиб ҳам қўяди. Кейин тоғда Манзура билан тўйиб-тўйиб гаплашади. Кўнглидаги кечинмаларини айтади. У нима деса, десин!

Тоғ сайридан қайтгач, онасига «ўша қиз» Манзура эканлигини маълум қилади. Балки онасининг ўзи ҳам би-



лар? Индамай кузатиб юргандир? Сожида опага айтиб қўйган бўлиши ҳам мумкин, эҳтимол! Бу ҳақда эшитган отасининг ҳам чеҳраси ёришиб кетса керак. «Қара-я, бўлажак келин ёнгинамизда экан-у, эътибор бермабмиз, ўғлинг ҳам чатоқ», деб қўяди. Мансур аканинг ваъдаси ёдига тушса ҳам ажаб эмас. Хуллас, иш пишиб турибди. Манзура билан ҳаётини боғлайдиган ришта қўлида, шундоқ тортса, у югуриб келади.

Сожида опа ҳам рози бўлиши турган гап. Қизи қўшни хонадонга узатилади-ю, йўқ дермиди? Жон десин Фолибдек куёвга! Тўйни ҳам шунақанги вадаванг қилиб ўтказишсинки, бир умр Манзуранинг ёдида қолсин. Синфдош дугоналари ҳасаддан ёрилиб ўлсин...

Ич-ичига сизмаган Фолиб, кеч бўлишига қарамай, Манзураларникига қўнғироқ қилди. Гўшакни Сожида опа кўтарди. Фолиб яхшилаб саломлашиб, мақсадини айтди.

— Манзура ухляпти, шекилли, Фолибжон, нима гапинг бор эди? — сўради Сожида опа.

— Эртага тоққа чиқаётган эдик, у ҳам борадимийўқми, билмоқчи эдим, — чайналди Фолиб, кейин беихтиёр ёлғон қўшиб гапирди: — Рўйхат қилиш менга топширилганди, хола.

— Боради, — деб жавоб берди Сожида опа. — Дада-сидан ўзим рухсат олиб бердим. Ёш бола эмассизлар-ку, эҳтиёт бўласизлар-да!

Фолиб бу гапни, «қизимни сенга топширдим, эҳтиёт қиласан» қабилида тушуниб, тиржайиб қўйди. Хайрлашиб гўшакни қўйгач, қийқириб юборди...

Укаси кирганида у яна Манзуранинг альбом ичидаги суратига термилиб ўтирарди. Дарвозахонада бир жўраси чақираётганмиш! Бемаҳалда ким бўлди экан? Э, нима фарқи бор? Эртанги тоғ сайрининг муҳокамасидир-да! Бу болалар ҳали-бери ухлашмайди энди! Пул сўраб келаверишади.

Ғолиб дарвозадан чиқиб, Ҳайдарга кўзи тушди.

— Ие, Ҳайдар, сенмисан, жўра, кел. Кир уйга.

— Йўқ, раҳмат. Шунчаки ўтиб кетаётгандим, бир йўқлай, дедим. Ишларинг яхшими, уйдагилар соғ-саломатми?

— Шукр, ҳаммалари яхши. Кир уйга.

— Ҳалиги... эртага сен ҳам боряпсанми? — сўради Ҳайдар.

Шунчаки сўрадимиз ёки атайин сўроққа тутдимиз, Ғолиб англай олмади.

— Албатта, бораман-да, жўра, — жавоб берди у. — Ахир синфдошлар билан ҳар куни чиқяпмизми тоққа? Нима эди?

— Йўқ, ўзим шунчаки! Кимлар бораётганини билмоқчи эдим.

Ғолиб ичидаги гапни сақлаб туролмади:

— Бошқаларни билмадим-у, мен билан Манзура, албатта, борамиз. Қўшнимиз-ку!

Ҳайдар индамади. Афтидан, нима дейишини ҳам билмасди. Ўртага ноқулай жимлик чўкди. Атроф қоронғи бўлса-да, Ғолибнинг чакнаган кўзларидаги нур порлаб турарди. Айни дамда у дилидаги гапларни Ҳайдар билан бўлишгиси, орзулари ҳақида мақтангиси келди. Аммо бу ўртоғининг қандайдир гапи борлигини ўзича тахмин қилиб, оғзини пойлади. Тоққа чиқиш-чиқмаслигини билиш учунгина келганга ўхшамайди. Худди шундай бўлди.

— Ғолиб, менга юз минг сўм пул керак, бериб туроласанми? — деб сўради Ҳайдар.

— Шунақа демайсанми? — самимий гапирди Ғолиб. — Уялмасдан сўрайвер-да! Ҳозир олиб чиқаман.

— Тўхта, — деди Ҳайдар, — илтимос, уйдагиларинг менга бераётганингни билишмасин. Ноқулай. Кейинги ҳафтада қайтараман.



— Хўп, оғайни, — шундай деб Фолиб ичкарига кириб кетди...

У пул олиб чиқиб, Ҳайдарнинг қўлига тутқазганида ҳам кайфияти яхши эди. Тезроқ тонг отиши, янги кун келиши, кейин эса Манзуранинг ортидан соядек эргашиб, хилватда у билан суҳбат қуришни кўз олдидан кетказмасди. Манови Ҳайдар, тўйнинг қачон, деб сўраса-чи? Кимга уйланмоқчисан, деб қизиқмайдиам! Шундоққина тўрт-беш уй наридаги дарвозани кўрсатиб юборарди. Агар бу ҳақда Фолибнинг ўзи гап бошласа, эртага барча йигитлар калака қилишлари мумкин.

— Раҳмат, — деди Ҳайдар. — Энди бора қолай, эртага кўришамиз.

Хайрлашишди.

\* \* \*

Манзуранинг ноқулай аҳволда қолганини кўрган Ҳайдар ачиниб кетди. Бечора, икки йигит зимдан кузатаётганини сезяпти-да! Боя машина устида ҳам Фолиб унга интиқ тикилаётганини кўриб, рашки келган эди. Сўнги умид-илинжи бугунги кундан бўлгани сал таскин берарди, холос. Ишқилиб Манзура панд бериб қўймасин. Дугоналари ёнида у янада гўзал кўриниб кетди. Йўқ, севгилисини Фолибга бериб қўядиган аҳмоқ йўқ. Насиб этса, Ҳайдар у билан бахтли бўлади.

Қизлар картошка, сабзи арчиш, йигитлар эса қўлбола ўчоққа ўтин қалаш билан овора эдилар. Ҳайдар Манзурага қанчалик илҳақ қараётган бўлса, Фолибга шу қадар адоват билан боқарди. Шу аснода ўзини Фолибга яқин тутиб, мактаб давридаги шўхликларини тилга оларди.

Ҳайдарнинг ташаббуси билан йигитлар овқат пишгунча ичкиликни бошлаб юборишди. Нима қилиб бўлса-да, Ҳайдар Фолибни маст қилиши керак. Аммо аксига олиб, у ичишдан бош тортарди. Ниҳоят, биринчи пиёла-

дан сўнг Фолиб кейинги қадаҳларни қайтармади. Унинг бўлар-бўлмасга кулиб, қаҳ-қаҳ уриши эшитила бошлади. Манзурадан эса батамом кўз узмай қолди.

Овқат сузилгач, Ҳайдар янада ҳаракатчан бўлиб қолди. Фолибнинг пиёласига тўлдириб қуйиб узатаверди.

— Ол, жўра, гўштнинг тагида қолиб кетади, — дерди у Манзурага тикилаётган Фолибни чалғитишга уриниб. — Буни физика ўқитувчимиз Санжар ака учун оламиз! Сени кўп мақтарди, эсингдами?

«Ишқилиб бу анқов ўчиб қолмасин», деб ҳам ўйлади Ҳайдар ичида. Йигитлар қорин тўйғазиб, қартабозликка ўтишганида у секин йўталиб, Манзурага ишора қилди. Қиз эшитмадими, эшитмаганга олдими, индамай ўтираверди. Анчадан кейин ўрнидан туриб, арчазор томон юра бошлади. Муяссар ортидан эргашган эди, нимадир деб, якка ўзи кетди.

— Менга қара, юр, анови дарахт панасига борамиз, — деди Ҳайдар Фолибга. — Манови қиморбозлар орасида нима бор бизга? Ўша ерда шакарғуфторлик қиламиз. Сен иккита пиёла ол. Тур.

Ҳайдар ярим шиша ароқ, ликопчадаги гўштни кўтариб, ўрнидан турди. Аммо Фолиб кўзлари бесаранжом бўлиб, Манзурани излар, жойидан қимирламасди.

— У ерда нима қиламиз? — деди кекириб. — Менга шу ер маъқул.

Ҳайдар секин унинг қулоғига шивирлади:

— Юрсанг-чи, сенга зўр гап бор, Манзура ҳақида.

— Нима?

Ҳайдар «жим» ишорасини қилиб, унинг ичини янада қиздирди. Икковлон чеккароққа ўтдилар. Яна қуйилди.

Ҳамма ўзи билан ўзи овора: кимдир ухлаган, кимлардир ён-атрофга сочилиб кетган, уч-тўрт йигит ўйинга берилган, баъзилар ўчоқ атрофида куймаланишарди. Ҳайдарнинг тахминига кўра, Манзура ҳали



қирга етиб бормаган. Фолиб бир сўз демай, унинг гапини кутарди.

— Манзурани севиб қолибсан-да! — деди ўлганининг кунидан тиржайиб Ҳайдар. — Қойил!

Фолиб унга ҳайрон бўлиб қаради.

— Биламан-да, — давом этди Ҳайдар. — Келганингдан буён кўз узолмаяпсан-ку!

— Мен унга уйланмоқчиман, — дангал гапирди Фолиб. — Нима, мумкин эмасми?

— Секинроқ, — кулди Ҳайдар. — Ким сенга уйланма, деяпти? Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич! Сенга зўр гап айтаман. Ҳозир айни мавриди! У билан ёлғиз гаплашиб ол. Сен билан гаплашиш учун атайин туриб кетди-ку! Униям сенда кўнгли бор.

— Қаердан биласан?

Ҳайдар унинг пиёласига тўлдириб қуйди:

— Ич, ҳозир айтаман.

Фолиб бир зумда пиёлани бўшатди.

— Қайси томонга кетди? — деб сўради кейин атрофга қараб. — Ўзи у билан гаплашмоқчи эдим.

— Шошма. Аввал қандай қилиб билганимни айтай-да!

— Айт-чи!

— Мен онамдан билдим. Сожида опадан эшитибди. Қайсидир қариндошларига узатишмоқчи экан, Манзура рози бўлмабди. Сенда кўнгли борлигини билдирибди. Онаси ҳам индамабди. Совчи юборишингни кутишяпти, овсар!

Фолиб тиржайди:

— Йўр-ей! Зўр-ку! Совчилар ҳам ҳадемай бориб қолишади. Аммо ўзи нега бунча ноз қилади?

— Ноз қилади-да! Кўнгли борлигини айтсинми сенга? Бугун иккалангни кузатиб, аниқ сездим. Сени севади. Кеча уйингга борганинга айтмоқчи эдим-у, бугунни мўлжалладим. Мана бунақа ўтириб айтган бошқача-

да, дилни дилга ёриб, тўғрими? Ишқилиб тўйингга чақирасанми?

— Ие, албатта, чақираман, жўра! Қуй, мановиндан!.. Қайси томонга кетди?

— Секинроқ гапир, — яна пичирлади Ҳайдар, пиёлага ароқ қуяркан. — Шаҳноза билан Муқаддас эшитса, улар ҳам эргашади. Менимча, қир томонга кетди. Бориб, дилингдагини тўкиб сол. Ҳеч кимга билдирма, халақит беришади.

Ғолиб бу қадаҳни ҳам бўшатиб, ўрнидан турди. Кейин Манзура кетган томонга равона бўлди.

Ҳайдар қарта ўйнаётган йигитлар ёнига қайтди:

— Менгаям сузинглар, бир кўзингга кўрсатай сенларнинг!

— Кейинги ўйиндан қўшиласан, — деди қартасидан кўз узмаётган Музаффар. — Ғолиб қани? Роса ўчибди-ку бола!

— Билмасам, — жавоб берди Ҳайдар ўзини ухлаганга солиб, аслида юраги така-пука эди. — Э, бўпти, ўзларинг ўйнайверинглар, биз дам оламиз.

У кўзларини юмиб ётаверди. Қулоғи динг! Қандай чидайди энди? Манзура икки-уч соатда қайтмаса керак. Нима бўларкан?

Кечадан буён ухламаганими ёки мастлик таъсир қилдими, барибир кўзи илинди. Қанча ухлади, билмайди. Бир пайт кимдир оёғидан туртди. Музаффар экан:

— Тур-эй! Кимдир қичқирди. Бир бало бўлмаганми-кан?

Ҳайдар дастлаб Музаффар нима деганини илғлай олмади. Кўзларини катта-катта очганча қарар экан, Манзура эсига тушиб, сакраб турди. Етти-саккиз чоғли йигит ён-атрофга қулоқ солганча жим туришарди. Қизлар эса индамай қозон-товоқни йиғиштириш билан банд. Ҳайдар, нима гап, дегандек, Музаффарга тикилди. У эса елка қисди-да, «жим» дегандек имо қилди.



— Э, бирортаси кўрқитиш учун атайин бақирган, — деди кўл силтаб Шавкат. — Ё ичига сизмай қичқирган, ё «хаммангни бир кўрқитиб кўяй», деган.

— Ўғил болами, қиз болами? — ичи қизиб сўради Ҳайдар. У юз ифодасини овсар қилиб кўрсатишни ҳам унутмади. — Балки, кўй-кўзидир?.. Оббо, нега индамай-сизлар, ким қичқирди ўзи?

— Қиз боланинг овозига ўхшади, — жавоб берди Музаффар. — Додлаб юборди ўзиям!

Ҳайдарнинг ичи така-пука бўлди. Манзура бақирганмикан? Нега? Аслида Ғолиб қичқариши керак эди-ку, агар қирга чиққунча кайфи тарқаган бўлса! Тагин у Манзуранинг ўзини жар лабидан итариб юборган бўлмасин!

— Сизлар нега индамайсизлар? — ўчоқ бошидаги қизларга бақирди Ҳайдар. — Ёки эшитмадиларингми? Қиз боланинг овози деяпти-ку!

Шаҳноза кўлидаги ишини ташлаб, йигитларга яқин келди. Буларнинг авзойини кўриб, аввал кулимсиради, кейин аҳвол жиддийлигини ўйлаб, юзи бошқача тус олди.

— Менимча, овоз мана шу томондан келди, — деди у қир томонни кўрсатиб. — Бизникилар бўлмаса керак. Ахир қир томонга ҳеч ким кетмаганди-ку! Чўпон болалар бақиряпти, деб ўйладик-да биз.

Музаффар гапни чўрт кесди:

— Бу қирнинг қанақалигини биласизми ўзи? Шунақанги хавфлики, чўпон болалар ҳам кўрқади бо-ришга. Отамнинг айтишича, бу қир тебраниб турармиш!

— Нималар деяпсан? — жаҳли чиқди Шавкатнинг. — Кетдик, ундан кўра синфдошларни излайлик. Ҳадемай қоронғи тушиб қолади. Бу гаранглар ҳам юради довраб. Қачон йиғиламиз-у, қачон уйга қайтамиз энди?

Ҳайдар таклиф киритди:

— Манови тепаликка чиқиб, «кетяпмиз», деб бақариш керак. Ростдан ҳам қоронғи тушса, қийин бўлади.

Ён-атрофдан етти-саккиз нафар йигит-қизлар кириб келишди. Улар ҳам ўзларича ким қичқирганини муҳокама қилишарди. Бирови, «қиз бола эди», деса, бошқаси, «йўқ, ўғил боланинг овози эди», дейди.

Ҳаммадан ҳам Ҳайдар азобда эди. Манзура қайтиб келгунича ич-эттини еб қўяди. Умуман, қайтиб келармикан? Нега қайтмайди, албатта, қайтади. Музаффар янглиш эшитган бўлиши керак. Ишқилиб итариб юборганмикан?

Кўз олдида Фолиб билан Манзуранинг яккама-якка олишуви жонланиб, баттар хавотирга тушди. Нега шундай режа тузди-я?! Манзуранинг кучи етадимиди-йўқми, нима учун яхшилаб ўйлаб кўрмади? Йўқ, кучи етарди. Қир лабига чақириб, шундоққина итариб юборса бўлди эди. Тўхта, Фолиб унинг қўлига маҳкам ёпишиб, иккаласи тушиб кетган бўлса-чи? Ахир, жон ширин! Агар шунақа бўлмаган бўлса, нега Музаффар, қиз боланинг овози эди, дейди? Балки Манзура кўрққанидан додлаб юборгандир? Кайфи тароқ Фолиб нималар рўй берганини англашга улгурмагандир ҳам, эҳтимол? Агар...

Агар Фолиб ўлмаган бўлса, кечаги пулини қайтариб беришга тўғри келади — ҳозир қўққисдан шу ҳақда ўйлаб Ҳайдар ўзидан уялиб кетди! Пул керак эди-да! Шайтон васвасага солаверди: «Фолиб барибир ўлиб кетади, пулни шундан ол», деяверди. Юз мингни ундан олаётганида ҳам «сен барибир ўлиб кетасан-ку», деган гап калласида айланаверганди кеча. Бу пулни Ҳайдар ўзининг пулига қўшиб... никоҳ узуги олмоқчи эди. Қаердан пул топганини Манзурага айтмасдан, албатта!..

— Тураверамизми шу ерда? — асабийлашди Ҳайдар. — Юринглар, излайлик. Ахир, бошқа ҳеч ким келмаяпти-ку!

— Рамиз, Элдорлар ҳозир келишади, Юлдуз, Жамила, Сурайё, Хосиятлар билан бирга, — деди Васида. — Орқамизда эди улар.



Фарид қўшимча қилди:

— Малика ҳам ўшаларнинг ёнида. Пардани эса пастда кўргандим. Тавба, ким бўлиши мумкин бақирган?

— Қир томонга бориш керак, — деди Музаффар. — Бу ерда кутганимиз билан фойдаси йўқ.

Ичи сиқилиб кетган Ҳайдар Муяссардан шунчаки сўраган бўлди:

— Манзура қаерда, айтгандай?

Муяссар арчазор томонга ишора қилди:

— Мана шу томонга кетганди, анча бўлди. Лола тераман, деди, шекилли? Кайфияти йўқ экан, индамай қўя қолдим. Бир ўзим айлангим келяпти, деди.

Шавкат Ҳайдардан сўради:

— Фолиб-чи, у қаерга кетди?

— Мен қаердан биламан? — кўзларини олиб қочди Ҳайдар. — Гандираклаб юргандир-да! Мен сизларнинг ёнларингда эдим-ку!

— Йўқ, бирон жойга кетаман, демадимми? Бирга ўтиргандинг, шекилли?

Ҳайдарнинг жаҳли чиқди:

— Катта аммасиникига! Қизиқсан, бу тоғ бўлса, қаерга кетганини айтиб кетадимиз, овсар?

Шавкат индамай қолди.

\* \* \*

Сожида опа нимадир юмуш билан банд эди. Телефон жиринглаб, гўшакни Мансур ака олди. Ким биландир гаплашиб, ранги ўзгарди.

— Ҳозир, ҳозир бораман, — деди-ю, гўшакни ташлаб ичкарига кириб кетди. У эндигина ишдан қайтиб, устбошини алмаштириб чиққан эди. Яна ишга киядиган кўйлагини эгнига илиб чиқди. Йўл-йўлакай тутмаларини ўтказиб, дарвоза томон юрди.

— Нима гап? — кўнгли алағда бўлиб сўради Сожида опа.

Мансур ака индамай чиқиб кетди.

Сожида опанинг юраги бир кўнгилсизлик бўлганини сезди. Негадир эрталабдан бери қизини ўйлайвериб, хавотирга тушган эди. Худди Манзура ўзини бир бало қиладигандек туюлаверди. Қизи хомуш кетгани учунми, энди Сожида опанинг ичини ит тирнади. Эри ҳам индамай жўнагани янада баттар таъсир қилди. Ким эди кўнғироқ қилган? Нега хўжайинининг афт-ангори ўзгарди?

Аксига олиб, бошқа болалари уйда эмас — Манзуранинг дугоналаридан бирортасиникига юборарди. Ўзи қайтишдимикан? Қайтишмаган бўлса, бирор хабар бордир? Тоғу тошда телефон ҳам ишламайди, кўнғироқ қилай, деса!

Сожида опа чидай олмай, кўчага чиқди. Энг яқин хонадон — Фолибларникига ўтади. Гап орасида сўраган бўлади.

Уларнинг дарвозасини тақиллатиб, секин кириб борди. Ҳовлида Роҳила опа куймаланиб юрган экан. Сўрашишди. У ёқ-бу ёқдан гаплашдилар.

— Қачон қайтишаркан? — чидай олмади Сожида опа.

— Болаларми, ҳадемай келиб қолишса керак.

Бу жавоб уни қониқтирмади. Кўнгли таскин топмади. Аммо кўнглидаги хавотири ҳақида айттиси келмади. Айттиси келмади эмас, худдики айтса, амалга ошадигандек, хаёлидаги нохуш ўйни қувишга ҳаракат қилди. Роҳила опа унинг нимадир демоқчилигини сезиб, оғзини пойлади.

— Ёш бола эмас-ку улар, нега хавотирланасиз? — деди шунчаки гапирган бўлиб.

— Хавотирланиш эмас, бир сўрай девдим-да, — жавоб берди Сожида опа. — Ҳалиги... отаси ким биландир телефонда гаплашиб, шоша-пиша чиқиб кетди...

Роҳила опа бу гапни эшитиб, ҳайрон бўлди. Яна нимадир дейишини кутди. Сожида опа индамагач, таскин берди:



— Балки хўжайинингизни ишхонадан чақиришгандир? Ахир, бўлиб туради-ку!

Сожида опа бироз сукут сақлаб, бошини чайқади:

— Й-ў-ў-қ, агар ишхонадан чақиришса, албатта, айтарди. Индамай кетди. Ранги ўзгарган эди.

Энди Роҳила опа бир зум қотди. Дарҳол кўз олдига Фолиб келди. «Ичма, деб тайинлагани билан ичган бўлса... Бирорта жўраси билан жанжаллашиб...»

— Шу тоққа бало бормиди? — деди Сожида опани баттар таҳликага қўйиб у. — Қайси аҳмоқдан чиққан фикр экан-а! Уф, мен ҳам кўрқиб қолдим.

— Юринг, борайлик, — деди Сожида опа.

— Қаёққа?

— Ўша тоққа!

— Вой, бу нима деганингиз? — зўрға кулимсиради Роҳила опа. — Озмунча йўлми? Биз боргунча улар қайтиб келишади, қўшнижон. Намунча хавотирланасиз, кўрасиз, ҳаммаси яхши бўлади, — шундай деди-ю, оёғидан мадор кетаётганини илғади. — Сиз, яхшиси, уйингизда ўтириб туринг. Балки хўжайинингиз бошқа ёққа кетган бўлса, қайтиб келар.

— Айтганингиз келсин, — ўрнидан турди Сожида опа. — Тўхтанг, ўғлингизга бир телефон қилинг-чи!

— Телефонини ташлаб кетган, у ёқда ишламайди, деганди.

— Ҳа-я, — у эсига тушгандек гапирди. Ичида телефонини олиб кетмагани учун Фолибдан жаҳли чиқди. Ҳеч бўлмаса, йўлга чиқишганида, уланармиди? Манзуранинг телефони ишламаётганига эса анча бўлди. Укаси, бугун-эрта устага кўрсатаман, деб юрганди.

Роҳила опанинг ҳам юраги сиқилиб, ўғлининг ён дафтари топти. Ундан уч-тўртта жўрасининг телефонига қўнғироқ қилди. Жавоб йўқ!

Сожида опа уйга баттар эзилиб қайтди. Бироқ ўтиролмади. Дарвозадан чиқиб-кираверди. Телефонни пой-

лади. Эрига нега кўнғироқ қилмагани ёдига тушиб, шоша-пиша унинг рақамини терди. Ўчирилган! Нега? Ниманидир яширишяптими ундан?..

\* \* \*

Бу пайтда тоғда тўс-тўполон эди. Ҳамма бор, Манзураддан бўлак. Бир-икки қиз қирда қичқирган айнан Манзура эканлигини айтишди. Аммо салкам беш юз метрли қир пастига тушишга ҳеч кимнинг юраги дов бермади. Йигитлар катта йўлга чиқиб, йўловчи машинадагилардан бу ҳақда Манзуранинг отасига етказишни илтимос қилишди.

Ҳамма саросимада, ҳудди кимдир гапирса, Манзуранинг ёрдам сўраб чақириши эшитилмайдигандек. Нега бу ерга йиғилиб олишганини ўзлари ҳам англай олмасдилар. Қизларнинг Манзурани қидириб келиш кераклиги ҳақидаги талаблари ҳам инobatта олинмади. Унинг овози ўша ёқдан келдими, демак, қичқирган — Манзура!

Айниқса, Ҳайдар кўрқиб қолган. Унинг икки кўзи Фолибда! Ана шу бир бало қилган, Манзурани, унинг Манзурасини қирдан итариб юборган. Аммо бу ҳақда ўзига айтолмади. Айтса, сири очилиб қолиши тайин. Энг катта айбдор бўлиб қолади.

Ҳайдар Фолибга эътибор билан қараб, унинг қўллари титраётганини сизди. Нима бўлган? Ростдан ҳам у Манзурани итариб юбордимикан? Бу ҳақда Фолибдан сўрашдан ўзини зўрға тийди. Сабр қилади, акс ҳолда ишнинг пачаваси чиқиши мумкин.

Таъқиб этувчи нигоҳга чидай олмадими, Фолибнинг ўзи Ҳайдарга яқинлашди. Нимадир сўраган бўлиб, уни секингина четга имлади. Ҳайдар тезда у кўрсатган томонга ўтди.

— Мен мана бу томонни кўриб келаман, — деди Фолиб, тепаликка имо қилиб. — Бир жойда турганимиз билан фойдаси йўқ. Ана, Ҳайдар ҳам ўша тарафга юряпти.



Тепаликкача индамай чиқишди. Ҳайдар аввалига унга ташланмоқчи эди. Кейин ўйлаб кўрса, нотўғри бўларкан. Фолиб унинг режаси ҳақида билиб қолиши мумкин. Аммо Манзура билан ораларида нима гап ўтган, шу ҳақда боши қотиб, сиқиларди. Манзура ўзи билан Ҳайдарнинг муҳаббати ҳақида айтган бўлиши ҳам мумкин-ку! Ёки эҳтиётсизлик қилиб, ўзи қирдан тушиб кетганмикан? Э, гапира қолсанг-чи, Фолиб! Йўқ, аксига олиб у Ҳайдарнинг гап бошлашини кутарди. Шубҳаланиб қолган бўлса-я! Нега шубҳаланади? Агар шундай бўлганида боя ҳамма-нинг олдида айтарди-да! Нима дерди — мени Ҳайдар қир томонга юборди, дермиди?

— Манзурани қаердан қидиришни биласан, шекилли? — сўради ҳеч гап бўлмагандек Ҳайдар. Фолиб бу саволга нима деб жавоб беришини кутди. Фирт маст эди, уни қир томонга юборганимни ҳам эслай олмаса керак, деб ҳам ўйлади.

Фолиб аввал атрофга аланглаб олди. Кейин сокин овозда деди:

— Ҳайдар, сендан илтимос, бир умрлик қиёматли дўст бўлайлик, бу сирни шу ерда кўмиб кетайлик.

— Қанақа сир? — яна сўроққа тутди Ҳайдар уни. Шу топда юраги тез-тез ура бошлади.

— Менга қара, оғайни, нима десанг, розиман, илтимос. Айб унинг ўзида. Мен бунақа қилмоқчи эмасдим. Ундан кутмагандим ҳам.

Ҳайдар яна ўзини тушунмаганга солди. Шунга мажбур эди у:

— Фолиб, ўзингни босиб ол. Менга шунчалик ишонибсанми, очигини айт, нима бўлди? Ким ҳақида гапиряпсан? Манзура ҳақидами?

— Ҳа, Манзура ҳақида, — ютиниб олди Фолиб. — Сен мажбурлаб, ўша ёққа юборгач...

Ҳайдарнинг ичи шув этиб кетди:

— Кимни?

— Мени-да, кимни бўларди! Хуллас, бордим. Кўзимга бошқача кўриниб кетди. Қучоқламоқчи бўлдим. У эса, сен айтгандек, муҳим гапи борлигини айтиб, чеккароққа юринг, деб айтди. Хўп, дедим. Қир лабига яқинлашдик. Нима гап, дедим. Қўлини ушламоқчи бўлдим. Яхши кўради, деб ўйлабман-да, Ҳайдар. Қизларнинг айёрлигини қаердан биламан? Бир пайт мени итариб юборса бўладими! Шартга ушлаб қолдим. «Қўйвор», деб бақирди. Қўлимни бўшатсам, ўзим пастга тушиб кетардим. Жон ширин экан, жўра. Кейин нима бўлди, билмайман... Ўзи тушиб кетди. Бақирганлари ҳозиргача қулоқларим тагидан кетмаяпти.

— Ўлдими? — бўшашиб сўради Ҳайдар.

— Ахир, ўзидан бўлди-да, ошна. Шунча баланддан йиқилади-ю ўлмайдами? Кейин орқамга қарамай қочдим... Энди нима қиламиз, Ҳайдар?

Ҳайдар бу саволдан бир учиб тушди.

— Бу нима деганинг? Сен ўлдирган бўлсанг, мени нега қўшяпсан?

— Сени қўшганим йўқ, ошна, маслаҳат сўраяпман.

— Бу гапни қолдириб бўлмайди, Фолиб. Ҳозир отаси келса, ҳаммасини айтиб бер.

— Нима?! — Фолибнинг кўзлари қинидан чиқиб кетгандек бўлди. — Менга қара... қанча десанг, бераман. Илтимос. Ахир, уни яхши кўришимни фақат сен биласан, шунинг учун ўзингга айтяпман. Нима қилай, ичимда сақлаб туролмадим.

— Мен нима қилай? — Ҳайдарнинг гаплари ҳиссиз эди. У шунчаки йўлига савол бераёттанди. Ҳозир ўзи ва Фолибдан кўра Манзура ҳақида ўйлаётган эди. Манови айиқкелбат Фолибнинг жафига мушт туширгиси ҳам келди. Ўзини зўрға тийди.

Фолиб аввалги гапларини такрорлади:



— Сен ҳеч кимга айтиб қўймасанг бўлди, Ҳайдар. Қирга кетганимни фақат сен билганинг учун айтяпман. Кеча берган пулимдан кечаман, қайтаришни ўйлама. Яна қанча сўрайсан?.. Тушун, мени қамаб қўйишлари мумкин.

Болалар турган жойдан Мансур аканинг қаттиқ-қаттиқ бақир-чақири эшитилди.

\* \* \*

Ҳайдар билан Фолиб нима қиларини билмай қолишди. Мансур ака кимни сўкяпти номаълум, аниқ-таниқ эшитилмасди. Барибир бу ерда туриш ҳам дуруст эмас. Худди унинг келишини билиб, атайин кетиб қолгандек таассурот қолиши мумкин.

— Юр, борайлик, — деди Ҳайдар.

Фолиб унга илтижо билан боқди. Бошқа пайтда катта гапирадиган, отасининг эркаси бўлган бу йигитнинг ҳозирги туриши Ҳайдарга эриш туюлди. Фаши келди. Шу билан бирга ўзини бир қадар устун сезиб, ғурурланиб қўйди. Кейин тўйқус Манзура эсига тушиб, юзи қаҳрли тус олди. Фолибнинг маънос нигоҳига дош беролмай, таслим бўлиши мумкинлигини ўйлаб, деди:

— Ҳа, нега бундай қарайсан? Юр, бу ерда тураверамизми?

— Нима қилдик, дўст? Келишдикми?

Ҳайдар унга синчиклаб қаради:

— Мен қотилга дўст эмасман, билдингми? Йиғиштир бунақа гапингни!

— Секинроқ гапир, жўра. Сента ишониб айтдим. Илтимос, мени қотил, дема. Эҳтиётсизлик туфайли бўлди. Ахир, унинг ўзи мени аввал итариб юборди, тушунмаяпсанми?

— Юр, дедим... Бўпти, ўзинг қолавер.

— Тўхта. Бир марта ишим тушганида шунақа қилмагин.

Энди орқасига қайтаётган Ҳайдар унга ўтирилиб қаради:

— Ишинг тушганида?.. Нималар деётганингни биласанми? Сенга шерик бўлайми? Ахир, Манзурани ўлдирдинг-а?! Ўйлаб гапиряпсанми?.. Нега мени аралаштирасан, тавба? Яхшиси, ҳаммасини бўйнингга ол, Фолиб.

— Унақа дема! Ахир, мен энди уйланаман, деб турибман. Уйдагилар тўй қилишмоқчи, кўпчилик билади.

Ҳайдар унга ёвқараш қилди:

— Кўпчилик қотиллигингни ҳам билсин. Мен барибир айтаман. Акс ҳолда бир умр виждоним қийналиб ўтади.

Фолибнинг кўзларидан ёш оқди. Ҳайдар унга нисбатан шафқатсизлик қилаётганини ана шунда тушунди. Ҳозиргина ўзи тилга олган «виждон» сўзи қалбини тилкалаб ўтган эди. «Мен Манзурани севардим, биласанми? Мана шу режани ҳам ўзим тузгандим. Сендан қутулмоқчи эдик», деб юборгиси келди. Зўрға лабини тишлади. Таскин бергиси келди. «Шу гап шу ерда қолади», демоқчи бўлиб, оғиз жуфтлади.

— Икки миллион бераман, — деди ён-атрофга қараб олган Фолиб.

Ҳайдар ялт этиб унга қаради. Ҳозиргина айтмоқчи бўлган гапи ҳам оғзида қолди. Шунча пул?.. Икки миллион?.. Ахир... бу пулга қанчадан-қанча ишларини битирса бўлади. Ҳайдарнинг Манзура ҳақидаги ўйлари ҳам ана шу рақамга келиб тақалди-қолди. Икки миллион... кучлилиқ қилди.

Аммо сир бой бергиси ҳам келмади, албатта. «Бўпти, розиман», демайди-ку, худди шу таклифни кутиб тургандек!

— Фолиб, нималар деяпсан? — деди у зўрға. Шундай оҳангда айтдики, унда ҳеч қандай ҳис йўқ эди. Нимадир дейиши керак эди — айтди.

Фолиб эса буни ўзича тушунди.



— Биламан, раҳминг келяпти, — деди у кўз ёшини артиб. — Тўғри, гап пулда эмас, аммо нима қилай, қамалиб кетишни хоҳламайман. Қишлоқда қандай қилиб бош кўтариб юради оиламиз? Аммо гапим-гап: мен икки миллионни сенга рози бўлиб бераман. Ҳалиги юз мингдан ташқари!

Ҳайдар унга анқайиб қараб қолган, нимадир дейиши кераклигини билар, аммо тили калимага келмасди. Аллақачон Ғолиб беражак пулларда эди хаёли. Шайтон кўнглига васваса солган, ичи қизигандан-қизирди. Агар ўша икки миллионни олса, пасткашлик бўлишини биларди, аммо...

Ён томондан шох-шаббаларнинг шитирлаши эшитилмаганида, улар яна анча вақтгача туришлари ҳам мумкин эди. Икковиям ўша томонга қаради. Қўрқиб ҳам кетишди, худди Манзуранинг отаси келиб, шартта бўйинларидан бўғиб оладигандек.

— Юр, юр, — деди ўзига келиб Ҳайдар.

Ғолиб пичирлади:

— Айтмадинг-ку, розимисан? Ҳайдар, Ҳайдаржон?..

Рўпарадан Музаффар билан Шавкат чиқиб келишди. Иккаласининг ҳам ранги-қути ўчган. Мансур ака роса қутурганга ўхшайди.

— Қирга кетдими? — сўради Ҳайдар.

Шавкат жавоб берди:

— Ҳа... Онангни... қайси гўрдан келди шу Манзура?.. Роса аҳмоқ одам экан-ку! Бунчалик деб ўйламагандим. Кайфиятни бир тийин қилди. Биз энди ҳар бир қизнинг оёғидан ип билан боғлаб қўёлмаймиз-ку!

Музаффар эътироз билдирди:

— Нима қилсин, қизи-да! Уради, сўкади. Ҳозир кўзига бирор нарса кўринармиди!.. Ҳали кўрасан!

Ҳеч ким гапирмади.

\* \* \*

Сожида опа бўларича бўлди. Нега айнан эрини чақиришгани, унинг қаерга кетганини билолмай тобора ўртанарди. Кўз ўнгида қизи гавдаланаверди. «Ишқилиб бир бало ўрламаган бўлсин», дерди юраги ҳаприқиб. Чидай олмай, укасига қўнғироқ қилди. Уёқдан Комил гўшакни олар-олмас, Сожида опа йиғлаб юборди.

— Ҳа... ҳа, опа, нима гап? — қўрқиб кетди Комил.

Сожида опа гапиролмади. У пиқиллаб йиғларди.

— Опа, тинчликми?... Оббо!..

— Комил... тез кел, — зўрға гапирди Сожида опа.

— Хўп-хўп. Уйда мисиз? Опа...

— Уйдаман.

Комил гўшакни ташлади.

Нега рози бўлди? Нима бор эди ўша тоғда? Синфдош бўлмай кетинглар! Тинчгина бағригинасида олиб ўтирса бўлмасмиди?

Балки ҳеч гап йўқдир? Агар шундай бўлса, нега эри югура сола кетади? Ҳеч нима демай? Ишхонадан чақиришганида бунақа ҳовлиқиб кетмасди. Тагин телефони учиргани-чи!..

Комил учиб кирди. Сожида опа уни қучоқлаб, яна ҳўнграб юборди. Ранги ўчган Комил атрофга аланглар, аксига олиб ҳеч ким йўқ, нима қиларини, юзидаги савол аломатига қаердан жавоб олишини билмасди.

— Поччам қани? — деди юрагига хавотир тушиб. — Уйда бўлиши керак эди-ку! Жиянлар-чи, опа?

— Жиянларинг қўшниникида, — ҳиқиллади Сожида опа. — Катта жиянинг йўқ, Комилжон! Мен тамом бўлдим.

Комилнинг жаҳли чиқди:

— Опа, тушунтириб гапиринг. Қаерга кетган эди?

— Тоққа, ука, тоққа. Синфдошлари билан.

— Нима қилгги шўнга? — сўради Комил, бирор корҳол бўлибдими, дейишга ботинолмай. Кейин дабдуруст-



дан юраги шув этиб кетди. Бирорта дугонаси билан ҳазиллашиб ўйнаб, жардан думалаб кетган бўлса-я! Бекорга чақирмагандир? Бўлиши мумкин эмас! Опасига ўхшаб ваҳимачилиги эсига тушиб, бу нохуш ўйни калласидан қувмоқчи бўлди.

— Кўнглим сезяпти, Комилжон, бир гап бўлган. Поччанг югуриб чиқиб кетди.

— Э, ўзингизни босинг, — деди у опасига. — Манзура ёш бола эмас, нега йиғлайсиз? Ҳализамон келиб қолади... Поччам ҳеч нима демадимми?

Сожида опа бош чайқади. Шу пайт кўчадан машина овози ва ғала-ғовур эшитилиб, у титраб кетди. Эрининг дод-войи қулоғига чалинди. Кўчага югуриб чиқмоқчи бўлди, аммо оёқлари ўзига бўйсунмади.

— Опа, ўзингизни босинг, — уни суяб, сўрига ўтқазди Комил. — Сиз ўтириб туринг, мен ҳозир...

У дарвозага яқинлашмасдан қий-чув кучайиб, поччаси кириб келди. Қўлида гиламга ўралган алланима!

Сожида опанинг кўзлари катта-катта очилиб кетди: ана шу қизи! Манзурагинаси! Эрталаб ўз оёқлари билан чиқиб кетиб, энди отаси кўтариб кирган қизи! Тўрт-беш чоғли одамга ҳам қарамади. Ўз-ўзидан оёғида куч пайдо бўлиб, бақирганича эри томон отилди.

Мансур ака сассиз йиғлаб, гиламни очди. Манзура абадий уйқуда ётар, бошдан-оёқ қонга беланган эди. Сожида опа қизининг мурдасини қучоқлар экан, овозининг борича дод солди. Йиғи орасида, «қайси яшшамагур сени бу кўйга туширди?» деб роса қарғанди. Синфдошларини гўрдан олиб, гўрга солди. Дарвоқе, уларнинг бирортаси ҳам юрак ютиб, бу ҳовлига киришмаган эди. Айниқса, Ғолиб уйларига пусиб олган, худдики ҳозир келиб, қотил сифатида унинг қўлларига кишан солишадигандек қалтираб қолганди. Отаси, ойиси алақачон Мансур акаларникига, укалари ҳам

ўлиқдан қўрқсалар-да, азбаройи қизиқиш устун келиб, уларнинг ортидан кетишган эди.

— Энди нима бўлади? — деди Фолиб овоз чиқариб. — Ҳайдар барибир айтиб беради. Унинг ўрнида мен бўлганимда ҳам бу гапни ичимда сақлай олмасдим.

Фолиб тура солиб, Ҳайдарларнинг уйига қўнғироқ қилмоқчи бўлди, аммо қўллари титраб, рақамни теролмади. У терлаб-пишган, ўзини ҳар қанча қўлга олишга уринмасин, ҳансираб-ҳансираб нафас оларди. Боя тоғда бироз ўзига келгандай бўлувди, аммо Мансур аканинг ҳайқириғи, синфдош қизларнинг изиллаб йиғлаганини кўриб, нақадар мудҳиш ишга қўл урганини англаб етди.

Хаёллари ҳам чалкашиб кетяпти. Гоҳ тезда Ҳайдарни топиб, у билан гаплашишни ўйласа, гоҳ шаҳарга қочиб кетиш, гоҳ эса ҳаммасига иқрор бўлиб, ўзини мелисага топширишни ўйларди.

— Нега вақтнинг ўтиши қийин-а! — деди у тишлари такиллаб. — Тезроқ кўмишмайдими? Эртани кутиш шартми?

Манзурани тезроқ кўмишса-ю у билан боғлиқ ҳамма гап унутилса! У ҳақда бошқа ҳеч қачон ҳеч ким гапирмаса!

Шундай бўлади. Бўлиши керак.

\* \* \*

Уч кун ичида Ҳайдарнинг кўнглидан нималар ўтгани ўзига аён. Манзура неча марта тушига кирди, аниқ билмайди. Ўйлайвергани сари Фолибнинг мунгли қиёфаси ҳам кўзига кўриниб кетади. Унга раҳми келади. Аслида...

Аслида Ҳайдар Фолиб беражак пулларни ҳам хаёлидан чиқаролмаётган эди. Фолиб қаёқдан ҳам шу гапни айтди! Икки миллион икки қуловидан кириб, калласидан чиқмай қолди. Ҳатто, агар бу пул кам, яна қўшгин деса,



Ғолиб яна қўшажагини хаёл қилди. Шу-у-н-ча пулга нималар олиш мумкин, э-ҳе!

Ана шунда Ҳайдарни яна виждони сўроққа тутар, гўё Манзура ўлишини била туриб, Ҳайдар уни шу ишга мажбурлаб юборгандек қийналиб кетарди. Бир ёқдан нафс бандаси, иккинчи ёқдан виждон сўроғи уни эзғиларди.

Ҳайдар Манзуранинг суратига тикилиб, узоқ йиғлади. Наҳотки, энди уни сира кўрмаса? Ипақдек нозик қўллари ушламаса? Кулиб турган юзидан бўса олмаса? Нега бундай бўлди? Айиқкелбатга бас келолмадимми? Эҳтиёт бўлиши керак эди-ку! Эҳ, қизгина! Хоҳлаб-хоҳламагани-я бу ишни!..

Терговчилар ҳаммани чақиравериб, роса сўроққа тутишар, аммо тузук-қуруқ жавоб олишолмасди. Барча бир хил кўрсатма беради: Манзуранинг қир томонга кетиб қолганини ҳеч ким билмайди. У, ҳатто дугонаси Муяссар, Шаҳнозаларга ҳам айтмаган...

Кечга томон Ғолиб келиб, дарвозахонадан Ҳайдарни имлади.

Ҳайдар ташқарига чиқар экан, у билан совуқ кўришди. Агар пул ҳақида офиз очса, юзига тупуришни ўйлади. Кейин... яна бу фикридан қайтди. Манзуранинг хуни учун ҳам Ғолибни азобга гирифтор қилади. Ахир, унинг баҳоси бор-ўғи икки миллионми? Шу пул билан қутулиб, Ғолиб кейин хотиржам юрмоқчими? Йўқ, бекорларни айтибди! Уни туғилганига пушаймон қилдирсин! Пулини ҳам олади, ўзини ҳам қон қақшатади.

Ғолиб ҳол-аҳвол сўрашиб, бошқа нима деярини билмай қолди. Ичидагиларни айтишга юраги дов бермаётгани.

— Раҳмат сенга, жўражон, — деди Ғолиб ниҳоят. — Агар ўшанда айтиб қўйганингда ҳозир қаршингда турмасдим... Энди ҳаммаси жойига тушяпти, Ҳайдар. Лекин-чи, терговчининг кўзлари тешиб юборар экан.

Мен зўрға гапни айлангирдим. Қасам ичганимдан кейин ҳадеб сўрайвермади. Мансур акаям яхши-да, бу бола қилмайди, деган экан. Сал-пал ўзимга келдим-ей!

— Сен шу гапларни айтиш учун олдимга келдингми? — энсаси қотди Ҳайдарнинг. — Тергов ҳали-бери тутамайди, билиб қўй.

— Тўғри айтасан, аммо ҳар ҳолда биринчи босқичи яхши ўтганидан хотиржамман-да! Нима бўлгандаям энди мендан шубҳа қилишмайди.

Ҳайдар унга олайиб қаради. Бу нима деяпти? Битта қизнинг ўлимига сабабчи бўлган-у, валдираётган гапини! Аҳмоқ!

— Нега хўмраясан? — кулиб, унинг елкасига қоқди Фолиб. — Тўғрисини айтяпман-да! Ҳадемай ўқишга кетишни мўлжаллаяпман, мени умуман эрдан чиқариб юборишади. Тўй кейинга қолди, албатта. Қўшнимизнинг қизи ўлган бўлса-ю биз қандай қилиб данғир-дунғур қилиб тўй қиламиз?

Ҳайдар ростдан ҳам уни тушунмади. Фолиб нега келган ўзи? Мана шулар ҳақда гапириш учунми ёки, «кўриб қўй, мен қутулдим», дейиш учунми? Пул... пулни ҳам бергиси йўқ, шекилли! Наҳотки осонгина қутулиб кетаман, деб ўйласа?

— Ҳалиги... — чайнади Фолиб, — тоғда сенга айтган гапларни унутдингми-йўқми, демоқчи эдим.

Ҳайдар ўсмоқчилади:

— Қайси гапни?

— Ўша гапни-да! Мени Манзуранинг орқасидан юборганинг...

— Тўғри гапир, — дўқ урди Ҳайдар.

— Сенга ҳаммасини айтиб бердим-ку! Ўзи айбдор, дегандим... Энди... шу гап орамизда қолсин, хўпми?

— Хў-ў-ш? — унга тикилди Ҳайдар, бу қараши билан ўша «гап»нинг нархини келишмоқчи эди.



— Нима, хўш?

Ҳайдар чидаб туролмади. Ён-атрофга қаради-да, Фолибни чеккароққа олиб ўтди. Унинг нақ башарасига бурнини теккизиб гапирди:

— Менга қара, сендан пулни ўша пайтда олишим керакмиди? Лафз қилдинг-ку, эркак! Менга қанча ялиндинг!

— Ҳайдар, шошма... Ўша пайтда мен нима деётганимни билмаганман-да!

— Энди нима демоқчисан?

— Айтадиганимни айтиб бўлдим-ку!

Ҳайдар нима деярини билмай қолди. Фолиб, қўлингдан келганини қил, дегандек турибди. Тезроқ нимадир ўйлаб топиши керак.

— Яхши, — деди ўзини хотиржам тутишга ҳаракат қилиб Ҳайдар, — унда нега келдинг? Майли, қамалмасан, лекин шундай қиламанки, қишлоқда сен ҳам, отонанг ҳам бош кўтаролмай қоласизлар. Манзурани итариб юборганингни сен менга ўз оғзинг билан айтиб бергансан.

— Ахир, сенинг гувоҳинг йўқ-ку! — деди Фолиб худди бу гапни қаердандир ўрганиб олгандек.

— Мен учун муҳими, сенинг айтганинг, тушунарлими? Қолаверса, терговда мен нималар деганимни сен ҳали сўраганинг йўқ.

Фолиб бир ютиниб олди:

— Нима дединг?

Ҳайдар ичида фолиблик ҳиссини туйди. «Мен сенга устимдан кулишни кўрсатиб қўяман ҳали», деди. Энди Фолибни аяб ўтирмайди. Шундай қилиш керакки, ҳар сафар чақирганида у капалаги учиб, ҳузурига югуриб келсин. Худди Фолиб қилганидек, энди Ҳайдар унинг елкасига қўл ташлаб деди:

— Энди буёғи билан ишинг бўлмасин. Сен осонгина ҳал бўлади, деб ўйлабсанми, юравер. Эҳ, Фолиб!.. Тергов-

чига ҳаммасини айтиб бердим. «Сен индама, бироз вақт берайлик-чи», деди.

Ғолиб бу гапга бир ишониб, бир ишонмади. Унинг феъли шундай ўзи: жуда кўп иккиланади, қатъиятсиз. Айтган гапидан қайтаверади. Ана шу боис ҳам Ҳайдарнинг жаҳли чиққан, ундан қақшатқич ўч олишга киришган эди. Ғолиб нега пул ҳақида айтди ўшанда? Оғзига сув солиб турса бўларди-ку! Жилла қурса, бошқа бирор нарса ваъда бериши ҳам мумкин эди. Пул билан тинчитмоқчи бўлди. Ҳайдар бир кун аввал юз минг сўраб келгани учун бўлса керак аслида! Пулга муҳтожлиги иш беради, деб ўйлади-да! Мана энди Ҳайдар тинч қўйиб бўпти! У ёққа ўтсаям, шу гапни қўзғайверади, бу ёққа ўтсаям!

— Нега нафасинг чиқмай қолди, Ғолиб? — деди кулимсираб Ҳайдар. — Қўрқиб кетдингми-а? Ҳозиргина сайраб тургандинг-ку, биродар? Ё мени аҳмоқ, деб ўйладингми? Гапир.

Ғолиб нимадир деди, аммо унинг ўзи ҳам тушунмади. Ялиндими, мақсадга ўт қабалида гапирдими, ҳеч қандай маъни йўқ эди.

Ҳайдар давом этди:

— Кутиб тур, ҳозир пулингни олиб чиқаман.

— Қўйсанг-чи, ошна, — гўлдиради Ғолиб ниҳоят. — Ўша пулдан кечдим, дедим-ку сенга. Атайин жиғимга тегяпсан-а? Шундай пайтда бир-биримизни суяйлик, жўражон.

— Мен сенинг жиғингга тегяпманми? — ясама кулди Ҳайдар. — Сен ўзинг-ку менинг жаҳлимни чиқараётган.

— Айтиб қўймадингми, ишқилиб?..

Ҳайдар бу гапни эшитмагандек, кўзларини юмди-да, яхшилаб керишиб олди. Ҳатто, уйқуси келаётгандек эснаб ҳам қўйди. «Ҳаҳ, қўрқмайсан-а?! Пулни бермагин қани! Нафақат бу пулни, ҳали бошқасиниям берасан. Энди бир умр тинч қўймайман. Сенга ўхшаганларга ўзимни хор



қилдириб бўлман! Мен, аввало, Манзура учун ўч оламан. Шундай қиламанки, сен бу дунёдан уйланмай ўтасан. «Мендан шубҳаланишмайди, эмиш!»

Ҳайдар Манзура нолиб айтган гапларни эсга олишга ҳаракат қиларди. Фолибнинг дабдурустдан унга уйланмоқчи бўлиб қолгани-ю, қўнғироқ қилганлари, гапирган гапларидан нимадир топиши керак эди.

— Айтдим, дедим-ку, сенга. Бироз шошма, дейишди. Яна бир гап, Фолиб: агар Манзуранинг отаси билса, тириклайин ўлдим, деявер! Қамоққа тушишгаям улгуролмайсан.

Фолибнинг янада ранги ўчди. У кўзларини йириб очган, юзидаги ифодага кўра, Ҳайдардан раҳм-шафқат кутаётгани яққол кўриниб турарди. Ростдан ҳам Мансур ака билса, тинч қўймайди. Нафақат Фолибни, балки оила аъзоларини ҳам.

Унинг тили танглайига ёпишиб қолганди. Нега келди Ҳайдарнинг олдига? Боплаб кетмоқчи эди. Яна учтўрт кун юрганида Ҳайдарнинг эсидан чиқиб кетарди, эҳтимол! Энди эса яна эски гапни ёдига солиб, ўчиб қолган чўғни алангалатиб юборди. Ҳақиқатан ҳам, Мансур ака билиб қолиши мумкинлигини ўйламаган экан. У сира шубҳаланмагани билан мана бу Ҳайдар айтади. Шунга ишора қиляпти...

Ҳайдар анча вақтгача Фолибдан жавоб кутди. У лол-мим демагач, яна отни қамчилади:

— Манзурага ҳар куни қўнғироқ қиламан, деганларинг эсингдами? Балки телефон қилганингда гўшакни сингилчаси олгандир, опангни чақириб бер, дегандирсан?

Фолиб Ҳайдарнинг кўзига қарашдан қўрқиб қолди. У эса ҳануз жавоб кутарди. Хаёлида умид учқунлари айланиб, шундай деди:

— Сингилси... айтмаса керак? Кичкина қизча-ку! Ким ҳам ундан сўраб ўтирарди, Ҳайдар? — Фолиб бир тараф-

дан Ҳайдарнинг калласи ишлаётганига тан берди. Бир зумда шунча гапни қалаштириб ташлади-я! Бунинг бир балоси бор. Терговчилар ўргатишганмикан? Кейин бирдан ҳайрон бўлиб сўради: — Сен сингласи билан гаплашганимни қаердан биласан?

Ҳайдар кўзини ундан узмай жавоб берди:

— Фолиб, мен тахмин қиялман. Нега оддий нарсаларни ўйламайсан? Кичкинтойлар қизиқувчан бўлишади. Шундай экан, телефон жирингласаям югуриб бориб бошқалардан аввалроқ гўшакни олишга ҳаракат қилишади.

— Бу гапинг тўғри, — ютиниб қўйди Фолиб. — Аммо ҳеч ким ундан бу ҳақда сўраб ўтирмайди-ку!

Ҳайдар кулиб юборди. Шунақанги кулдики, унинг Фолибни атайин масхара қилаётгани сезилди. Кейин бошини қашлар экан, афтини буриштирди.

— Сен ҳам гапни чўздинг-да! Нега ҳеч ким сўрамас экан? Энг биринчи бўлиб, мана, мен сўрашим мумкин. Опанга кимлар телефон қиларди, дейман. Дугоналарини айтади, кейин камида уч-тўрт марта сениям номингни тилга олади. Ахир қайта-қайта қўнғироқ қилгансан-ку, тўғрими? Қизчага, бу ҳақда ота-онанга айтиб бер, десам, тамом-да шу билан. Ҳамма шубҳа-гумон сенга қаратилади. Аввал синфдошлардан сўраб кўради. Ўшанда сен бир ўзинг кетиб қолганингни айтишмайди, деб ўйлайсанми? Ҳеч ким айтмаса ҳам мен...

Бу сўзларни эшитиб, Фолиб жойида ўтириб қолди. Кейин бошини чангаллади. Ҳайдар унга пўписа қилаётганини англади, аммо гапларида жон борлигини ҳам тан оларди. Манзурага қўнғироқ қилганлари, умуман, уни ёқтириб қолгани, кейин ўша куни тоққа чиққанларига лаънатлар ўқиди. Манови Ҳайдарга-ку, нима деса деди ўзича. Лаънат, ҳамма-ҳаммасига лаънат! Севгига ҳам, уйланишга, синфдошларига, фожиага сабабчи бўлган тоққаям! Наҳотки, чораси йўқ?!



— Ҳайдар, пул учун қиялпсан-а шу ишларни? — бошини кўтармай сўради Фолиб.

— Мен ҳали ҳеч иш қилганим йўқ. Иш энди бўлади. Ўша сингилчаси ота-онасига айтмаса, Мансур акага ўзим шипшийман, Манзуранинг ортидан кетганингни! Шундоқ синфдошимизни ўлдирдинг. Сен — қотилсан! Қилмишингга яраша жавоб беришинг керак!

— Бўлди, Ҳайдар, илтимос, — ялинган оҳангда гўлдиради Фолиб. — Нега бунча қийнайсан?

— Мен қийнадимми? Ўзинг бошладинг-ку!

— Кечир... шунчаки ҳазиллашдим. Ҳазил ҳам эмас, нима деса бўлади... Жаҳлинг чиқди, биламан. Кечир. Бас, энди шу ҳақда гаплашмайлик.

Ҳайдар индамади. У Фолибнинг ҳозирги аҳволидан бир шодланса, бир ачинарди ҳам. Мана, муросага келяпти. Аммо ҳали жиловни қўлдан бериб қўядиган телба йўқ.

Ҳайдар Фолиб пул ҳақида гапиришини кутди, аммо у ҳамон бошини эгиб ўтирар, чурқ этмасди. Ҳайдарнинг тоқати тоқ бўлди. Буёғи — қорни ҳам оч! Оила жамулжам бўлиб, энди кечки овқатга ўтирганларида Фолиб чақириб қолганди.

— Хўш, гапир, — жаҳл билан деди Ҳайдар. — Ҳозир тўппа-тўғри уйингга борамиз.

Фолиб унга бошини кўтариб қаради:

— Бераман ўша икки миллионни, фақат ҳозир эмас. Уйдагиларга билдирмай олишим керак. Бироз кут.

— Йўқ, ҳозир берасан, — очкўзлик қилди Ҳайдар. — Сенинг қанақалигингни билиб олдим. Қолаверса, энди икки миллион эмас, беш миллион берасан! — шундай деб у чор атрофга қараб олди.

Фолиб титраб кетди.

\* \* \*

Мансур ака бўларича бўлган. Ўйлайвериб, роса эзилди. Хотини шифохонада ётибди. Олдига борганида ўзини ҳарчанд дадил тутмасин, эркак боши билан йиғлаб юборяпти. Кўз олдидан Манзурасининг гоҳ кулиб турган чеҳраси, гоҳ маҳзун қиёфаси намоён бўлаверади.

Наҳотки, у ўз жонига қасд қилган бўлса? Нега, нима учун? Ахир, бунга сабаб бўлувчи бирор асос йўқ эди-ку! Тўғри, Мансур ака оилада қаттиққўл, талабчан, аммо ҳадеганда фарзандларини уришавермайди. Уларни яхши кўради, меҳрибон. Нима бўлганда ҳам Манзура ота-онаси, оила аъзоларини яхши кўрарди. Сира гап қайтармасди раҳматли.

Не гаплари бўлган экан-а ичида? Бу ёшда қандай ўй-хаёлда юрган эди? Балоғат палласи...

Хотинидан бот-бот сўраб кўрди. Йўқ, Манзура бирортаям йигит ҳақида сўз очмаган, хатти-ҳаракатларида ҳам бу сезилмаган. Дугоналари шундай дейишди. Унда гап нимада? Нега айнан тоққа борганида шу фожиа рўй берди? Ўзини қирдан ташлаб юборди? Йўқ, қизи ундай қилмаган бўларди. Унда нега қир тагидан жасади топилди? Ахир ўша жаҳаннам тепага унча-мунча одам бормайди-ку! Синфдошлари нега у билан қизиқишмаган? Ҳеч кимга керак эмасмиди қизи?

Йўқ, бу ерда бир гап бўлиши керак. Кимдир итариб юборган. Қай қиз кўролмасди уни? Аслида бир ўзи кетгани, дейишди-ку! Қирга демаган ўшандаям. Шу атрофни айланиб қайтаман, деган. Кайфияти бўлмаган, нималарнидир ўйлаб хомуш юрган. Касал бўлиши мумкин эмасди. Бирор киши... уни ўз жонига қасд қилишга ундаганмикан? Йўғ-ей, бўлиши мумкин эмас! Қайси аҳмоқ шундай дейди? Тағин Манзурага-я!..

Мансур ака ўйлайвериб-ўйлайвериб, боши ғувиллаб кетди. Кейин кичкина қизчасини қучоқлаб, ҳўнг-ҳўнг



йиғлади. Ўша куни тоғдан жасадини олиб келаётганида ҳам Манзура ёнида эди. Мана, энди йўқ! Энди ҳеч қачон уни кўрмайди, овозини эшитмайди. Нақадар даҳшат!..

Кундузи маъракага келган-кетганлар нима деб таскин беришларини билмас, тақдирга йўйиб, сабрли бўлишни уқтиришарди. Биринчи, иккинчи куни синфдошлари кўринмаган бўлса, учинчи кундан ҳар куни келиб-кетадиган бўлишди. Ҳаммасининг боши ҳам, дуойи фотиҳа ўқилгач, кўп ўтирмай, тезгина кетиб қолишади. Мансур аканинг кўзига қарай олишмайди. Юраклари дов бермайди. Мансур ака эса уларнинг ҳар бирини кузатиб ўтиради. Худди бировини ножўя ҳаракатидан қизининг қотили шу эканлигини билиб оладигандек. Бундай пайтда қайниси Комил секин унинг тиззасига уриб қўяди. Шундоқ ҳам қабрга қўйганларидан кейинги Мансур аканинг айтганлари овозага айланган: «Қонга — қон, жонга — жон!»

Мансур ака парво қилмайди. Унга қолса, буларнинг ҳаммасини бир қилиб дўппосласа! Қизининг қотилини топиб бермагунларича тепкиласа!..

Бундай мусибат ҳеч кимнинг бошига тушмасин! Хотини шифохонадан қачон чиқади-ю, кейин қандай юради, номаълум! Ўрнидан туролмай ётибди. Мансур ака зўрға ўзини босади. «Ҳаммасига сен сабабчисан, тоққа чиқишига сен рухсат сўрадинг», деб бор аламини хотиндан олгисиям келади. Аммо унинг аҳволини кўриб, тилини тишлайди. Ахир, абгор бўлиб ётибди. Унга янада қийин!..

Маъракалар ўтиб бўлсин, Мансур ака қизининг синфдошлари билан битта-битта гаплашади. Манзура шунчаки ўлиб кетадиган қиз эмасди. Иродали, ақл-идрокли эди. Чиройли эди. Ҳа, чиройли эди... Тўхта, ана шу чиройи сабаб бўлмаганмикан ўлимига? Нега бу ҳақда аввалроқ ўйламади? Қизини нега кўз қорачиғидек асра-

мади? Ота-она учун фарзандлар ҳамиша гўдак мисоли туюлганлиги учунми? Баловат ёшида кўз-қулоқ бўлиши керак эди-ку!

— Комил, ука, ичим ёниб кетяпти, — деди у қайнисига ёрилиб. — Бирортасини майиб-пайиб қилиб қўяман. Мен энди яшолмайман.

Комил ёш боши билан поччасини босиқликка чақирди. Бу кунлар ҳам ўтиши, айбдор ўзи топилишини айтиб, таскин берган бўлди. Опасини эҳтиёт қилиш кераклигини тайинлади. Ҳали орзу-ҳаваслар бор, бошқа фарзандлар улғайишяпти...

Мансур ака беихтиёр қизининг китоб, дафтарларини қўлига олди. Дафтардаги чиройли ҳуснихатни кўриб, ўпкаси тўлди. Варақлаётган эди, ичидан қандайдир қовоз тап этиб ерга тушди...

\* \* \*

Ҳайдар Фолиб ўйлагандан ҳам пишиқ чиқди. Қизиқ, мактабда унчалик кўзга кўринмай юрарди. Ҳамма гап ичида экан. Отаси кўп гапирарди, писмиқлардан қўрқиш керак, деб. Аммо Ҳайдарни писмиқ, деса, писмиқ эмас, қув деса, қувга ўхшамайди. Пихини ёрганлардан дейиш кўпроқ тўғри келади. У икки миллионни шунчаки олмади.

— Э, й-ў-ў-қ, ошна, — деди кўзларини қисиб қараркан Ҳайдар. — Бунақаси кетмайди. «Ҳаммаси бўлиб беш миллион сўм қарзим бор, шундан икки миллионини бердим», деб тилхат ёзасан!

— Бераман, дедим-ку, Ҳайдар! Мана, келишганимиздай, икки миллионни олиб келдим. Мениям тушун, уйдан олиб чиқиш осон, деб ўйлайсанми?

Ҳайдар унга дона-дона қилиб жавоб берди:

— Агар тилхат ёзмайдиган бўлсанг, иккинчи кўзимга кўринма! Ўзи шундоқ ҳам сен билан пачакилашиб ўти-



рибман. Майда гаплик қилма, ишни шарт-шурт битир. Шу билан, менга деса, Америкага кет!

— Менга ишонмаганингга айтяпман-да, Ҳайдар, — ўпкалади Фолиб. — Шуни ёзиб бермасам, ишонмайсанми? Синфдош дегани шунақа бўладими?

— Албатта, ишонмайман! Сен нафақат бу тилхатни, балки бошқасини ҳам ёзасан. «Ҳайдар Икромовга ҳеч қандай даъвом йўқ», деб ёзиб берасан! Тезроқ бўл, менинг вақтим йўқ!

Фолиб ўзини ҳанг-манг бўлиб қолгандек кўрсатди:

— Бу нима учун керак?

— Керак! Мен ўзим биламан. Эртага сендан ҳар нарса кутиш мумкин. Билиб қўй, мен пул учун қилмаяпман бу ишни! Беш миллион бошқа мақсадга керак. Ҳаммаси Манзура учун сарфланади. У энг яхши синфдошимиз эди.

— Бу нима деганинг?

— Хотирасини абадийлаштириш учун ишлатамиз. Синфдошлари номидан, тушундингми?

Фолибнинг чинакамига алами келди:

— Тушундим, аммо нима учун менинг пулим ҳисобига?

Ҳайдар ундан шу гапни кутган эди. «Сен ўлдирганинг учун-да, гапварс», демоқчи эди-ю, яна гап чўзилишини ўйлаб индамади. Шу топда Манзуранинг унга норози қараб турган қиёфаси гавдалангандек бўлди. Сесканиб қўйди. Пулларни кўз олдига келтираркан, яна отни қамчилаши кераклигини англади.

Бу Фолибга нима деб тушунтирса бўлади? Роса эзмада! Кўрқоқ ҳам! Тумшуғига бир туширсанг-у, кетиб қолсанг! Ана шу кўрқоқлиги туфайли ҳам қирда Манзурадан шубҳаланган, оқибатда унинг ўзини итариб юборган. Умуман айтганда, ўлгиси келмаган экан, ўлмай қолибди!

— Гап бундай, Фолиб, — деди Ҳайдар уф тортиб. — Яхшиси, сен умуман менинг кўзимга кўринма. Сенга яқин

ошнам деб ёрдам бермоқчи эдим. Афсус, яхшиликни билмас экансан. Ўзинг ўйла, гап пулдами, анқов?! Ҳаётинг қил устида турибди-ку сенинг! Тил бесуюяк, ошна, шундоқ айтворсам... Мансур ака кўзлари қонсираб юрганини биласанми ўзи? Бир офиз гап, айтсам, тамом!.. Ёзмайман, дегин, кетавер! Нима қиласан эзмаланиб? Ма пулинг ҳам бошингда қолсин!

Ғолиб норози қараб қўйиб, стулга ўтирди. Қоғоз, ручка аллақачон тайёрлаб қўйилган эди. Нима деб ёзай, дегандек Ҳайдарга қаради. Унинг юзи тунд эди.

Хуллас, Ҳайдар тажрибали одамлардай айтиб турди, Ғолиб икки қоғозга икки хил матн ёзди. Имзо чекишидан олдин Ҳайдар яхшилаб ўқиб чиқди. Кейин Манзуранинг ўлимидан анча аввалги санани ёздириб, қўл қўйдириб олди. Шундан сўнг елим халтани очиб, мингталик тахламларни кўз қири билан санаб чиқди.

— Уйдагиларим эртага милиция чақиринса, нима бўлади, Ҳайдар? — деди Ғолиб маъюс оҳангда.

Ҳайдар кулимсираб жавоб берди:

— Сен ҳали икки миллионга шунча хавотирлансанг, қолганига нима қиларкансан? Пулларинг кўп-ку ёки ҳар кўни қайта бошдан санаб қўясизларми?

Ғолиб хўрсиниб деди:

— Барибир бир кун эмас, бир кун сезиб қолишади-ку! Мен олганимни билишса...

— Ўшанда сен бошқа жойда бўласан, ахир айтдинг-ку!.. Қолаверса, бу ҳақда Манзурани қирдан итариб юборишдан аввал ўйлашинг керак эди... Хўш, қолганини қачон олиб келасан?

— Бир ҳафтадан кейин...

Ҳайдар унга хавотир аралаш қараб деди:

— Сенга раҳмим келганидан шунча муддат бердим. Тагин айнаиб қолма, сени биламан-да!.. Бошингни кўтариб юр, ўғил бола бунақа бўлмайди.



Ғолиб ўрнидан турди. У Ҳайдарга тобора банди бўлиб бораётганини ҳис қиларди. Бир тарафдан, тилхат ёзиб бергани яхшидек туюлди. Ҳар қалай ўртадаги нархни беш миллиондан оширолмайди-да! Мана, аста-секин қутуляпти, қолганини ҳам келтирса, бўлди шу билан! Ҳайдар бу пулни нима қилса, қилсин, аммо Манзура учун ишлатмасин — негадир шундай деб ўйлади. Уни яхши кўрганидан буён лаънат ўқигани учун бўлса керак.

— Мен кетдим, Ҳайдар. Ишқилиб уйдагиларинг гапимизни эшитишмаганмикан?

— Ўзинг ҳам жуда қўрқоқсан-да! Улар ҳовлида-ку!.. Э, ошнажон, мен борман-ку, нимадан қўрқасан? Кеча Мансур акани кўрган эдим. Негадир сени сўради. Кўринмайди, деди. Ишқилиб шубҳаланиб қолмаган бўлсин. Роса мақтадим. Ўшанда ёнимда эди, кун бўйи ухлади, десам бўларкан. Бу гап айтарман... Дарвоқе, Ғолиб, эсимдан чиқай дебди. Пулнинг қолганини энди уйимизга олиб келма. Бошқа жойда берасан.

— Менга фарқи йўқ, Ҳайдар.

— Пулни ўша қирда берасан... Нега оғзинг очилиб қолди? Манзура ўлган жойни зиёрат қилиб келишимиз учун айтяпман... Рози бўлмасанг, мана, пулларингнинг кераги йўқ, тилхатларинг қўлимда!

Ғолиб Ҳайдарга синчиклаб қаради. Унинг жаҳли чиққани яққол сезилган эди.

— Ўзинг эзмаланма дейсан-у, яна алақандай талаблар қўясан! — деди у. — Нима, мени ўша ёққа олиб бориб, итариб юбормоқчимисан?

— Нима?! — Ҳайдарнинг ҳам жаҳли чиқди. — Мен талаб қўйяпманми ҳали? Шундай де? Билиб қўй, мен сенга ўхшаган қотил эмасман. Зиёрат қилиб келамиз, деяпман. Наҳотки шунга ақлинг етмаса? Сен ўзи қизиқ экансан, яхшилик қилмоқчи бўлсам, тушунмайсан.

Ғолиб ҳеч нима демади. Унинг қовоғидан қор ёғиларди. Ҳозир индамай кетолмасдиям! Ҳайдарга қолса,

эшак қилиб миниб олмоқчи уни! Ҳаммасига ўзи сабаб-чи. Нега шунга арзи ҳол қилди? Пул-ку, майли, бир гап бўлар, кейин-чи? Кейин ҳам Ҳайдар кетма-кет шарт қўймайди, деган кафолат йўқ-ку! Қачон шунинг олдига келса, кайфияти бузилади! Ўзи шундоқ ҳам баъзида кечалари уйқуси ўчиб, Манзурани кўз олдидан кеткизолмай жони ҳалак. Бу эса гоҳ Мансур ака билан қўрқитади, гоҳ қолган пулни фалон жойда берасан, дейди. Зиёрат эмиш! Ўйлаб топган гапини-чи! Зиёрат қилмоқчи бўлсанг, мана, қабр бошига боргин... Йўқ, ўша ерда бир бало қилмоқчи у! Ниманидир режалаштиряпти.

Ғолиб кечагина ҳаммасига қўл силташни ўйлаганди. Ҳайдарга, «қўлингдан келганини қил», демоқчи эди. У шунчаки қўрқитаётганга ўхшади-да! Энди эса талмов-сираб тилхат ёзиб берди! Мана, ёзганлари Ҳайдарнинг қўлида турибди. Шартга юлиб олиб қочиб кетса-чи?! Пул қолса, қолаверсин! Икки миллион! Кам пул эмас! Ғолиб ачинади, албатта. Отаси не машаққатларда топган. Аммо ана шу пул учун ҳам Ҳайдар тилини тишлаб юриши мумкин. Бошқаларга айтолмайди-да! Нима дерди? Аммо қандай қилиб тилхатни олиб, бу ҳовлидан қочиб чиқади? Уйдагилари шубҳаланиб қолишади-ку!

— Нега индамайсан? — сўради Ҳайдар. — Яхшиликимни билмаяпсан, шекилли.

Ғолиб хўрсиниб деди:

— Қирга бўлса, қирга-да! Аммо уч миллион ҳам анча пул! Ўша ерга кўтариб борамизми?

— Қачон берасан, шуни айт.

— Билмадим, очиги, — Ғолиб шундай деб билдирмай унга яқинлашди. Тилхатни шартга тортиб олади-ю, ўзини эшикка уради. Ҳовлини кесиб ўтиб, дарвозадан чиқса, у ёғи бежавотир. Бир зум ҳам тўхтамайди. Югураверади-югураверади.



Айни шу пайт эшик очилиб, Ҳайдарнинг онаси кўринди. Фолиб шоша-пиша салом берди. Ҳайдар у ёзиб берган тилхатларни секин чўнтагига тикди.

— Ҳа, ойи, нима гап, келинг, — деди ўзини хотиржам тутиб.

— Сени кимдир чақиряпти, чиқиб қара, — деди онаси. — Фолибжон, яхшимисан, уйдагилар тузукми? Дарс қиляписизлар, шекилли?

— Ҳа, ойи... бугун бироз чўзилиб кетди, — жавоб берди Ҳайдар. — Ҳозир чиқамиз. Фолиб ҳам кетмоқчи бўлиб турганди.

Бирга чиқишди. Фолиб хавотирланиб қолганди: ким сўраб келган бўлиши мумкин Ҳайдарни? Ҳамтовоғи бормикан ё?

Дарвозага чиқишгач, Фолиб Мансур акага кўзи тушди-ю оёқларига титроқ кирди. У эмас, Ҳайдар ҳам кўрқиб кетди, лекин Фолибдан кўра анча пишиқ — мумкин қадар сездирмасликка ҳаракат қилди. Бу одам нега келади? Наҳотки, бирор нарсани сезган бўлса? Ҳайдар яшин тезлигида Манзурага хат ёзган-ёзмаганини эслади. Ёзмаган бўлиши керак. Манзура бундан жудаям кўрқарди.

Мансур ака билан қуюқ сўрашдилар. Фолиб гапини сал йўқотиб қўйганди, Ҳайдар чалғитиб, сездирмади. Аммо яна нималар деб ҳол сўрашни билмай, нуқул уйга таклиф қила бошлади. Фолиб лом-мим демас, бу ерда қолишни ҳам, уйига кетишни ҳам билмасди. Ўзини бепарво тутишга уринди.

— Бошқа сафар кирарман, — деди Мансур ака. — Ўзим шунчаки сени йўқладим-да! Ҳар ҳолда... синфдошисан. Сизлардан бекорга хафа бўлган эканман. Энди-энди шу ҳақда ўйлаяпман.

Ҳайдар ҳам, Фолиб ҳам ўзларига келгандек бўлишди. Айниқса, Фолибнинг кўнгли тўлиб, Ҳайдарга ғалати қараб қўйди.

— Янга яхшими, жавоб бериб қолишса керак, — сўради Ҳайдар.

Мансур ака оғир хўрсинди:

— Қаёқдан яхши бўларди! Ётибди ҳалиям. Дўхтирлар аниқ гап айтолмаяпти.

Орага сукут чўқди.

Шундан сўнг Мансур ака Фолибга қараб қўйди-да, оҳиста сўз бошлади:

— Ҳайдар, сен билан холи гаплашсам, девдим. Бир-икки масалада... Хавотирли жойи йўқ.

Ҳайдар ичидан зил кетиб, Фолибга қаради. У эса энди-гина оёғидаги титроғини босган, рангига ранг кира бошлаган эди.

— Мен кетдим унда. Эртага келарман, — деди Фолиб. Назарида Мансур ака сўрайдиган гап айнан ўзи билан боғлиқдек туюлди.

Ҳайдар хайрлашди:

— Яхши. Эртага яна такрорлаймиз ҳаммасини! Адабиётни кўпроқ ўқишимиз керак.

Фолиб қоронғилик қаърига сингиб кетди.

Ҳайдар Мансур аканинг оғзини пойлади. Ичи қизиди.

— Ўша куни Манзура сенга ҳеч нима демаганмиди? — сўради Мансур ака.

— Менга?... Менга нима дейиши керак эди?

— Мабодо дейман-да! Дугоңларининг айтишича, ўша куни Манзуранинг кайфияти бўлмаган экан. Билмасам, нималарни ўйладийкан? Уйда эътибор бермагандим. Қизимнинг ўз жонига қасд қилганига ишонмаяпман-да!

Ҳайдар сездикки, Мансур ака ниманидир яширяпти. Фолибни нима учун кетказди? Бу гапни унинг олдида айтсаям бўларди-ку! Наҳотки, Манзура ойисига Ҳайдар ҳақида бирор гап айтган бўлса? Айтмагандир. Агар айтганида Ҳайдарга, албатта, билдирарди. Айтмаган. Юра-



гини ҳовучлаб чиқарди учрашувга. Ўн беш-йигирма дақиқа бўларди ўшандаям. Телефон қилишни-ку, қатъий тақиқлаб қўйганди. Навбатдаги учрашув ўша вақтда келишиб олинарди.

— Мансур ака, бирор нарса топиб олдингизми? — сўради сабри чидамай Ҳайдар. — Негадир менга шундай туюляпти.

— Ҳа, бир хатини топиб олдим. Аммо кимга ёзган, билолмаяпман. Балки шунчаки ёзгиси келгандир? Ижод дейдими...

«Бунинг менга нима дахли бор?» дегиси келди Ҳайдарнинг. Нима деб ёзган хатда? Манзуранинг бундай одати йўқ эди-ку! Балки... балки охириги кеча ёзгандир? Ухламай чиққанга ўхшовди. Кўнглидаги ҳамма гапни қовғозга туширгандир?

— Билмасам, — деди Ҳайдар, — Муяссарми, Шаҳнозами, ўшалардан сўраб кўрмадингизми? Хоҳласангиз, мен сўрашим мумкин, сизга ноқулай бўлса.

Мансур ака индамади. У хатни қолдириб чиққан, негадир ўз-ўзидан оёқлари шу томонга етаклаб келган эди. Фолибни кетказгани — бориб, онасига айтса, улар гап-сўз чиқаришларини ўйлади.

Аммо ростдан ҳам дугоналаридан сўраса бўларди. Хотини қачон чиқади-ю, қачон улар билан дардлашади? Ота бўлиб қизининг ўғил бола синфдошидан бу ҳақда суришгирганидан ўзининг ҳам ори келди.

— Ўша хатни ўқисам бўладими, балки нимадир ойдинлашар?

Мансур ака унга зимдан қаради:

— Нима ойдинлашади?

Ҳайдар чайналди:

— Ким билсин, эҳтимол, сиз айтгандай, шунчаки ёзган бўлиши ҳам мумкин. Ҳар ҳолда бирортаси билан яхши кўришганини билмайман, Мансур ака.

— Бу гапни ҳеч кимга айтма. Биласан-ку, одамлар тили билан юради. Қизимнинг гўри совимасдан туриб номини бадном қилишмасин тағин. Сени синфдошимнинг ўғли деб айтяпман. Раҳматли отанг билан бир вақтлар сирдош эдик.

— Шокир ака-чи? — деб юборди Ҳайдар.

— Учаламиз юрардик. Сизлар билмайсизлар, туғилмаган эдиларинг-да!

Ҳайдар бошини чайқади.

— Ростдан ҳам билмас эканман, — шундай деди-ю, нега бу ҳақда аввалроқ эшитмаганман, деб ўйлади. Кўз олдида Манзура гавдаланди: у ҳам билмасмиди?

— Сизларни Фолибжон билан кўриб, эсимга тушди. Ишқилиб у хафа бўлмадими, бориб дoston қилмасин, дедим-да?!

Ҳайдар шоша-пиша деди:

— Йўғ-ей, нега хафа бўлади? Ўзи кетмоқчи бўлиб турувди.

— Менга қара, гапнинг дангали, Фолиб ҳақида сўрамоқчи эдим. Қизимга бир-икки телефон қилган экан?

Ҳайдарнинг кўнглидан хавотир аралаш рашк алангаланиб ўтди.

Мансур ака сўзида давом этди:

— Синглисига, бу ҳақда ҳеч кимга айтма, деган экан. Очиғи, кичкиналигида қулоғини тишлатиб қўйган эдик. Мастурамдан бу ҳақда эшитиб, Фолибни уйига йўқлаб боргандим, укаси шу ёққа кетганини айтди. Келавердим. Йўлда балки сенга ёрилгандир, деб ўйладим. Шунинг учун кетаверсин, дедим.

Ҳайдар бу гапни энди эшитаётгандек ўзини қизиққан кишига солди.

— Балки қизим шунга атаб ёзгандир хатини, нима деб ўйлайсан?

— Фолиб менга ҳеч нима демади. Фақат дарҳ қилдик. Яқинда шаҳарга кетармиш-ку! — Ҳайдар бу гапларни



Мансур акадан кўзини олиб қочиб айтди. Ичида тобора ёлғончи бўлиб бораётганини ўйлаб виждони қийналди. Хавотир-ҳадик ҳам дилини кемириб борарди. Агар шу кетишда бўлса, Мансур ака эрта-индин воқеанинг тагига етадигандек туюлди. Фолибнинг ўзидан ўсмоқчилаб сўраса, тамом — довдираб ҳаммасини айтиб беради. Биринчи бўлиб икки миллион пул ҳақида вайсаб юборади.

— Э, билмасам, бошим қотиб қолди, — деди Мансур ака. — Аммо барибир қўймайман. Маъракалари ўтиб олсин. Подадан олдин чанг чиқармай деяпман-да!

— Сиз бу ҳақда тагин Фолибнинг ўзига айтиб юрманг, — тайинлади Ҳайдар. — Бошқалар эшитса, уларнинг ўртасида бирор гап ўтган, деб ўйлашади.

— Нима қилай бўлмаса? Кетади, деяпсан-ку!

— Мен ўзим сўрайман. Аста-секин. Агар ростдан ҳам кўнгли бўлган бўлса, менга айтади, тўғрими? Сиз ҳеч нима деманг. Ўзи шундоқ ҳам кўрқитиб қўйдингиз. Юраги йўқ-да бунинг! Менга хатни беролмайсизми? Балки ўша хатни ўзига кўрсатарман?

— Ҳозир ёнимда йўқ. Терговчиларга бердим. Улар суриштиргунча ўзим чидай олмадим.

\* \* \*

Роҳила опа ўғлидаги ўзгаришларни сизди. Аввалига синфдош қиз ўлганига қайғуряпти, деб ўйлаганди. Фолибнинг талмовсираб қолгани, гоҳида шўх-шодон, гоҳида тунд одамга айланиб, пул ҳақида сўрайверишини ўйларкан, кўнгли алағда бўлди. Авваллари репетиторда ўқиш учун шаҳарга кетишни орқага ташлагани-ташлаган эди, энди эса тезроқ жўнаб кетиш тараддудига тушган. Бугун эса кейинги ҳафталарда кетишини айтиб, янада ҳайрон қолдирди.

— Манзурани яхши кўрармидинг, болам? — деб сўради Роҳила опа ундан туйқус.

Ғолибнинг афти бошқача бўлиб кетди. Жавоби кескин бўлди:

— Бу нима деганингиз?... Йўқ!

— Унда нега бошқача бўлиб қолгансан? Уйда ўтиролмайсан, укаларингга бақирасан?

Ғолиб юзини девор томонга буриб ётди. «Манзуранинг ўзи айбдор, ўзидан бўлди, мени итариб юбормоқчи эди», демоқчи бўлди. Ахир, қачонгача ичида сақлайди? Бу мавзуда гаплашадигани фақат Ҳайдар! Аммо нуқул пулни қистагани-қистаган у. Тоққа юр, эмиш! Анойингни топдинг! Ғолиб ўша ёққа бориб, Ҳайдарни ҳам итариб юборишни ўйлади, аммо бунга журъат қилолмаслиги, шундоқ ҳам битта синфдошининг бошига етганини ўйлаб, мазкур режасидан қатъиян воз кечди. Ҳайдар наҳотки Ғолибдан қутулмоқчи? Нега? Пулни олсанг бўлди-ку! Нима қиласан тоққа судраб? Қайтага уйингда олсанг яхши эмасми? Ёки ўша ерга яшириб келмоқчимисан? Ғолибни итариб юбориб, бамайлихотир қайтасан!

Йўқ, деди иккинчи хаёли, балки ўша ёққа олиб бориб, виждон сўроғига тутмоқчидир? Аммо нима учун пулни қирда берасан, деяпти?

Ғолиб Ҳайдар уни эрта-индин ўша қирга судраб, ниётига етадигандек, ўзи ўлиб кетадигандек, қўрқиб кетди.

Роҳила опа ўғлининг сочларини силади.

— Ўзим, ойи... — деди Ғолиб. — Фақат мен эмас, ҳамма синфдошлар хафа бўлиб юрибмиз. Ахир, кечагина юрган эди-да у! Бугун йўқ!

— Ҳамма дейсан! Музаффар, яна бир-иккита жўраларинг тўйларда юрибди ичиб... Сен кўзимга қараб гапир.

— Бу нима деганингиз? — ўрнидан туриб онасига юзланди Ғолиб. — Нима, Манзурани сен ўлдиргансан, деяпсизми?

Роҳила опа чўчиб тушди:



— Вой, бу нима деганинг? Нафасингни ел учирсин-ей! Нега бундай дерканман? Тавба!

Фолиб яна ётиб олди.

— Қайси она боласига шундай дейди? Кўп ўйлама дейман-да! Асабий бўлиб қолдинг. Кейин... нега бундай дейсан? Бирор гап чиқдимми? Кимдир итариб юборганмишми, а?

Фолиб яна ўрнидан турди. Айни дамда Ҳайдарнинг ҳузурига боргиси, Мансур ака унга нималар деганини билгиси келарди. Ҳайдар айтиб қўйса-чи? Кейин тезда Фолиб берган пулларни уйга келтириб ташлаб кетса-я?! Бу ишга улгурмайдиам! Мансур ака ундан олдин етиб келади. Фолибнинг куни битади. Ҳозир... ҳозир келади.

Фолиб эшик томонга қараб, йиғлаб юборди.

Роҳила опа қўрқиб кетди. Ўғлини шу ишга алоқадор деган тахминга боргани учун ҳам бошидан ҳуши учди. У нима деб юпатиш қандай таскин беришни билмас, таҳликада эди. Ўзи йиғлаганида эри индамас, кўнглини бўшатиб олишини кутарди. Шундай қилмоқчи бўлди. Аммо дилидаги аччиқ хавотир бунга йўл бермасди. Нима гаплигини сўрамагунча ўзи ҳам адои тамом бўлишига ишонч ҳосил қилди. Нима деб сўрайди? Манзурани сен ўлдирдингми, дейдимми? Асло! Ўғли қотил эмас! Бундай ишга қўл урмайди у.

Роҳила опа бошқача йўсинда гапирди:

— Ўзингни бос, болажоним. Манзурани шунчалик яхши кўришингни билмаган эканман.

Фолиб ўпкасини босолмай жавоб берди:

— Ҳа, уни яхши кўрардим, ойи, аммо...

— Нима, аммо? — ўғлидан нохуш хабар чиқишини ўйлаб, юраги така-пука бўлди онанинг.

— Э-э... — Фолиб бошқа ҳеч нима демай яна афти буришиб кўз ёши тўқди. — Ҳозир отаси келиши мумкин, ойи. У мени ўлдирди.

— Нима?! Сени ким ўлдираркан? Кимнинг отаси келади? Манзуранингми?

— Ҳа...

Роҳила опа диванга сўяниб қолди.

— Нима бўлди, гапирсанг-чи! — деди паст овозда у. — Яхши кўриб қолган экансан, бизга айтгин эди. Уришиб қолганмидиларинг? Сени биламан, сўкинган бўлсанг...

— Унинг ўзи мени итариб юбормоқчи бўлди, ойи. Кутмагандим. Мажбур бўлдим кейин. Акс ҳолда ўзим қирдан учиб кетардим.

Роҳила опа ҳанг-манг бўлиб қолганди:

— Нега сени итаради? Қасди бормиди?

— Билмадим, — деди Фолиб. У ўзини босиб олган, сал енгиллашган, аммо шу билан бирга бор гапни онасига айтиб бераётганидан пушаймон ҳам эди. — Уни итариб юбормоқчи эмасдим. Ушлаб қололмадим фақат. Мен уни ўлдирганим йўқ, ойи.

Роҳила опа индамади. У қулоқларига ишонмасди. Энди нима бўлади? Бу гапни қўни-қўшнилар эшитса, обрў-эътибор қаёққа кетади? Ҳамманинг олдида юзлари шувут бўлади-ку! Ўғли-чи? Қамаб қўйишлари аниқ.

— Отаси... отаси нега келади? — деди Роҳила опа шоша-пиша. — У биладими?

Фолиб Ҳайдар ҳақида айтгиси келмаган, агар айтса, пул ўғирлаб чиққани ошкор бўлишини ўйлаган, шу боис онасининг Мансур ака билан боғлиқ савол беришини билиб, жавоб тайёрлаб қўйганди:

— Билмайди, ойи... Келади, деб қўрқиб кетяпман-да!

— Ҳеч ким билмайдими, ишқилиб?

— Йўқ. Ўша куни унинг изидан қирга бир ўзим борганман. Ҳеч ким йўқ эди. Гаплашиб олмоқчи эдик. Унинг ўзи...

— Нима, ўзи?..



— Ўша ерда гаплашиб олмоқчилигини айтганди. Ишониб борибман. Бундай ниятини билганимда сираям бормасдим...

Роҳила опа узоқ йиғлади. У энди бир маромдаги ҳаётлари изидан чиқипини ўйлар, бу ҳақда эрига айтса, нималар бўлишини тасаввур қиларди. Ўғлини қулочкашлаб уради, тепади. Хотининиям калтақдан бебаҳра қилмайди. Асабийлашиб, ҳамма жойни ағдар-тўнтар қилиб ташлайди. Кейин...

Кейин ўзини босиб олади-ку барибир. Бирор чора ўйлаб топар. Фолиб, ҳеч ким билмайди, деяпти-ку! Ростдан ҳам шундай бўлсин.

У ўғлига қараб ачинишни ҳам, нафратланишни ҳам билмади. Шу ишга қандай қўли борганига ақли етмасди. Бир тарафдан оналик туйғуси устунлик қилиб, ўғлимни итариб юборса нима бўларди, деб ўйларди. Иккинчи тарафдан кечагина кўча-кўйда салом бериб юрадиган қизнинг кушандаси ўғли эканлигини билиб, титраб кетарди.

Бу ердан кўчиб кетиш керак. Мумкин қадар тезроқ! Акс ҳолда барибир кимдир бор гапни эшитади. Фолибнинг ўзи оғзидан гуллаб қўйиши мумкин.

— Даданга айтмасак бўлмайди, Фолиб, — деди Роҳила опа.

Фолиб онасига ғалати қаради. Худди отасига ҳозир айтиб қўядигандек, қўрқиб кетди. Тўғри, Шокир ака уни шартта меласага топширмайди — минг қилсаям фарзанди, жигарбанди! Қайси ота шундай йўл тутиши мумкин? Бироқ... бироқ оладиганини олади Фолиб! Ахир, бу оиладан қотил чиқиши ақлга сиғмайдиган гап! Қотил... Йўқ, Фолиб қотил эмас, у ўзини ҳимоя қилган, холос. Нима қилиши керак эди, Манзурага индамай жиловини тутқазиб, осмонўпар қирдан итариб юборавер дейиши

керакмиди? Ўшанда уйдагилари қон-қон йиғлашарди-ку, қайтага.

Ғолиб тилга кирди:

— Йўқ, ойи, дадамга айта кўрманг, илтимос.

Роҳила опа эрига айтса, нима бўлишини яна бир карра кўз олдига келтирди. Аввал оғзи ланг очилади, қулоқларига ишонмайди. Кейин тутақиб кетади. Хотини-ку, майли, ўғлини ҳам бир бало қилиб қўйиши мумкин. Бундай иснодга чидаб бўларканми?!

Иснод?! Аслида ҳеч ким эшитгани йўқ-ку! Эшитгунча кўчиб кетишлари керак.

— Дадангга айтмай нима қилмоқчисан, болам? — йиғлаб юборди Роҳила опа. — Ҳали-замон одамлар эшитса, нима деган одам бўламиз?

— Эшитмайди, ҳеч ким эшитмайди, — деди Ғолиб зўрма-зўраки ўзини ҳам бу гапга ишонтиришга уриниб.

— Ахир, отаси келади, деяпсан-ку, уйланмай кеткур!

— Келмайди... Келмаса керак. Дадамга айтманг, илтимос... Ўзи сизга ҳам айтмоқчи эмасдим.

— Нега бундай қилдинг, Ғолиб? Орқасидан бормаслигинг керак эди.

Ғолиб гапиролмай қолди. У аламини кимдан олишини билмасди. Боя Ҳайдар билан узил-кесил гаплашиб олмани баттар алам қиларди. Боз устига Мансур ака келиб қолиб... Нималар дейишган экан? Нега у Ғолибсиз гаплашиб олмоқчи бўлди? Наҳотки қизчаси бирор гап айтиб қўйган бўлса? У-ку, майли, Ҳайдарни бир-икки силтаса, у ҳаммасини ошкор қилса — тамом!

Йўқ, ошкор қилмайди, ошкор қилолмайди. Ахир, пулни олди-ку! Нима деб айтади?.. Аммо дўппи тор келса, пулни ўзи мажбуран ташлаб кетди, дейишдан ҳам тоймайди у. Умуман, пул ҳақида гапирмаса-чи? Ким билиб ўтирибди? Мансур акага айтмагани билан Ғолибни қўрқитишда давом этаверади. Пулнинг қолганини ўша



қирда дейдими, бошқа ердами, рози бўлса бўлмасмиди  
Ғолиб? Эй-й-й...

У аламини онасидан олди:

— Сизлар... сизлар айбдорсизлар ҳаммасига! Уйланти-  
рамиз, деб қўймадиларинг!

Роҳила опа унга ўқрайиб қараркан, деди:

— Уйлантирамиз, дедик, ҳа, тўғри, лекин Манзура-  
ни қирдан итариб юбор, демадик-ку! Сендан неча бор  
сўрадим, айт кимлигини, дедим, айтмадинг! Айтганинг-  
да, белгили қилиб қўярдик. Мана бунақа гаплар ҳам  
бўлмасди. Айбни қилиб, энди бизга тўнкамоқчимисан?

Ғолиб тутақиб кетди:

— Ҳа, мен айбдорман, бўлдимми? Олиб бориб топши-  
ринг мелисага!

Роҳила опанинг кўзлари катта-катта бўлиб кетди:

— Вой, бундай дема, Ғолиб. Агар...

Шу пайт эшик очилиб, Ғулом кирди. У ҳайрон эди.  
Онаси ва акасини бу аҳволда кўриб, баттар ҳайрати ошди:

— Ҳа, тинчликми?

Улар жим эдилар. Ғулом жавоб кутарди. Чиқиб ке-  
тишни ҳам билмади. Онасига савол аломати билан қараб  
тураверди.

— Шундай ўзимиз, — жавоб берди Роҳила опа. — Да-  
данг телефон қилмадимми?

Ғулом бош чайқади. Кейин акасига бир қаради-да,  
индамай чиқиб, эшикни оҳиста ёпди.

Роҳила опа унинг қадам товушларини эшитиб тургач,  
Ғолибни койиган бўлди:

— Нега бунча бақирасан? Бунақада кўчадагилар ҳам  
эштади.

Ғолиб бошини қуйи солиб деди:

— Ойи, мен нима қилай, айтинг... Еган-ичганимниям  
билмаяпман. Қўрқиб кетяпман. Ҳозир... ҳозир Мансур  
ака келса, нима бўлади?

Роҳила опа ўғлига таскин бермоқчи бўлди, аммо гаплари зардали чиқди:

— Қилғилиқни қилиб қўйиб, энди ҳаммага дoston қилмоқчимисан? Сен, боланинг бошқа гапинг ҳам борга ўхшайди. Ишқилиб ҳеч кимга айтганинг йўқми-а? Нега бунча «Мансур ака, Мансур ака», дейсан? Нима гапинг бўлса, очигини айт, шунга қараб иш тутамиз энди.

Худди онаси зўр чора топадигандек, Фолиб бошини кўтариб қаради:

— Нима қиламиз, айтинг, бирор йўлини ўйладингизми?

— Аввал сен айт, деяпман, ҳеч ким билмайдими?

— Йўқ... ой, йўқ... Фақат... сизга айтяпман. Бирор йўлини топинг, илтимос.

Роҳила опа бироз ўйланиб туриб, ичидагини айтди:

— Бу ердан кўчиб кетишимизга тўғри келади, болам.

Фолиб бу гапни кутмаган эди. Шу боис талмовсираб қолди. Туғилган, болалиги кечган, ҳозиргача она гўшаси ҳисобланмиш бу жойлардан кетишларини кўз олдига келтирди. Кўнглида аллақандай норози ҳислар жўш урди. Қандай... нега кетишади? Битта шу кўнгилсизликни дебми? Отасининг иши нима бўлади? Укаларининг ўқиши-чи? Қариндош-уруғ, қўни-қўшни, ёр-биродарлар, дўстларни қолдириб-а?! Уларга нима дейишади? Индамай, сассиз кетиб қоладиларми?.. Кетиш-ку, майли, эртага Ҳайдар ҳаммага гап тарқатса-чи? Ўйлашмайди, кўчиб кетишганининг сабаби шу экан-да, деб. Бутун қишлоқ гапиради-ку! Ҳайдар... Ҳайдар... Нега туғилган экансан-а?

Йўли битта. Ўша гап: қирга боришгач, Фолиб Ҳайдарнинг ўзини итариб юборади. Ахир, у — ягона гувоҳ! Қутулади, вассалом! Уч миллионни қайтариб олиб келади. Эплай олармикан? Кучи етади унга! Аммо у ҳам йигит, Фолиб бирор марта куч синашмаган бўлса-да, ҳозир ўзига



нисбатан ишончсизликни ҳам туйди. Қолаверса, оғзини очганича қир лабига бориб ҳам турмайди. Ахир Ғолиб Манзуранинг умрига зомин бўлганини билди у. Ана шу туфайли эҳтиёткорликни унутмайди. Балки қўйнига бирор нима солиб борар. Ахир бежизга таклиф қилмаяпти-ку! «Пулни ўша ерда берасан» эмиш!

Барибир Ғолиб бориши шарт! Бор кучи билан курашади. Яшаб қолиши учун ҳам шундай қилиши керак. Тилхат-чи?.. Э, бир гап бўлар! Ким ҳам суриштириб ўтирарди? Ахир, Ҳайдар пулни олгунча ҳам ҳеч кимга айтмаслиги аниқ-ку! Аммо Мансур ака...

Ғолиб бошини чангаллаб олди.

Бир чора ўйласа, иккинчи тўсиқ пайдо бўляпти. Ростдан ҳам кўчиб кетишга тўғри келармикан? Ҳайдарга пулни бергандан кейин, албатта! Оббо! Ҳали пулни қандай қилиб олади? Уни қўлга киритмасдан туриб, отаси аввалги пул ўғриланишини билиб қолса-чи?

— Ойи, — бақириб юборди Ғолиб, — энди нима қиламан? Ҳаммаси расво бўлиб кетди.

Роҳила опа хавотирланиб, эшикка қараб қўйди:

— Бақирма, дедим, шарманда! Ахир, йўлини айтяшман-ку!

Ғолиб ўрнидан туриб, деворга мушт туширди.

— Ҳаммаси бефойда! Тушунярсизми, бир тийинга қиммат! Энди... Мен тамом бўлдим, ойи! У ёқдан у, бу ёқдан сизлар. Бошим айланиб кетди. Ўйлайвериб, ўлиб кетаман, ойи.

Роҳила опа ўғлини тинчлантираркан, ҳайрон бўлди:

— У ёқдан... ким? Нималар деяпсан? Манзурани айтяпсанми? Ахир унинг ўзи сени итариб юбормоқчи бўлган-ку!.. Бўлди, бас, агар даданга айтмасак, сен ҳам ёрилиб кетасан, мен ҳам. Ҳозир билдирмаганимиз билан эртага барибир айтишимизга тўғри келади. Индамай ўтирмаймиз-ку, Ғолиб. Даданг бирор чорасини ўйлаб то-

пар. Менимча эса кўчиб кетишимиз керак, ҳали ҳеч ким эшитмай туриб. Ўшанда сен ҳам анча тинчланишинг мумкин.

Ғолиб ҳамма гапни онасига айтишни ўйлади. Аммо нима десин? Икки миллион пулни уйдан ўғирлаб, Ҳайдарга бердим, дейиш... Қотиллиги етмагандай, ўғри ҳам дейишсинми? Онаси ҳушидан кетиб қолиши мумкин. Кейин отасига аниқ етказди. Қўрққанидан ҳам айтади. Йўқ, бу сир бўла қолсин!..

— Ойи, сиз... укаларимнинг олдига боринг, — деди Ғолиб. — Мен бир жойга кўнғироқ қилишим керак. Укаларим хавотирланмасин.

Роҳила опа ўйланиб туриб, секин ўрнидан қўзғалди. Эшик томон юрди-ю, бирдан ортига ўтирилиб, сўради:

— Нима дединг? Кимга телефон қилмоқчисан?

— Биттасига, — жавоб берди Ғолиб, ўзини бепарво кўрсатишга уриниб, — бошқа масалада, ойи.

Роҳила опа хонадан чиқиб, ичкарига қулоқ солишни режалаштирди-да, эшикни очди. У эри келса, кўзига қандай кўринишни ҳам ўйлаб, боши қотган эди.

Ғолиб тезгина эшикни ёпиб, телефонга ёпишди.

Гўшакни Ҳайдарнинг ўзи кўтарди. Ғолиб эшикка хавотирли назар ташлаб, пичирлаб сўзлади:

— Мең, Ғолибман. Яхшимисан? Мансур ака нега келибди?

Ҳайдар индамай гўшакни тарақлатиб қўйди.

Ғолибнинг жаҳли чиқди. Ўзини қўярга жой тополмади. Кейин Ҳайдарни тушунган бўлди. Олдида кимдир бордир, қолаверса, телефонда бу гапларни айтиш тўғри келмайди. Бориш керакмикан? Ҳа, шундай қилади. Акс ҳолда бугун туни билан ухламай чиқиши турган гап! Фақат ўзи эмас, онаси... отаси ҳам ўйлаб-сиқилиб, тунни бедор ўтказишса керак.



Қандай қилиб чиқса экан? Онаси қўярмиди? Яхшигина баҳона топиши керак. Пул... Озроқ бўлсаям пул олиб борса, дуруст эди. Ҳайдар сал-пал тинчирди. Пулни қандай қилиб олади? Энди онаси унинг ҳар бир қадами-ни пойлаб юради...

Худди шундай бўлди. Роҳила опа унинг йўлини тўсди:

— Ҳеч қаяққа кетмайсан. Даданг келмагунча сени уйдан чиқармайман.

Ғолиб нима деб баҳона топишни билмасди. Гапни айлантирди:

— Ойи, уйда ўтириб, эзилиб кетдим. Кўчага чиқиб келай. Уйда ўтирганим билан биттаси бўлмаса, биттаси шубҳаланиб қолади. Дарров қайтаман.

Роҳила опа бўш келмади:

— Кечаси чиққанингдан нима фойда?! Эртага чиқасан. Уйда ўтирасан ҳозир. Ҳадемай даданг келади.

Ғолиб у деди, бу деди, ўзини бечора, афтодаҳол қилиб кўрсатди, ишқилиб онасини кўндирди. Ўртоқларимдан бирортаси билан чақчақлашмасам, ёрилиб кетаман, деди. Онаси, бировга гуллаб қўйма, деб тайинлаб-тайинлаб, кейин рухсат берди.

\* \* \*

Ғолиб Ҳайдарнинг олдига келгунча ўйлайвериб, хаёли рожа чувалашди. Гапни нимадан бошлаб, қандай тугатишгача чамалади. Унинг калласига бошқа ўй ҳам келган эди: ўзи нима учун Манзура Ғолибни итариб юбормоқчи бўлган, ахир Ҳайдар бошқача гапирган эди-ку! Аммо бу гапни мавриди билан айтиш лозим. Сал-пал хушомад қилиш ҳам керак, шекилли! Акс ҳолда Ҳайдарнинг жиғига тегиб қўйиб, ишнинг пачавасини чиқариш ҳеч гап эмас. Мансур ака нима деганиниям дарров айта қолмайди. Гапни пулга бураверади.

Қўнғироқ қилганида гўшакни ўзи кўтаргани каби дарвозани тақиллатганида ҳам Ҳайдарнинг ўзи очди. Секин кўчага чиқаркан, у ёқ-бу ёққа қаради.

— Ҳеч ким йўқми? — деди пичирлаб.

— Йўқ, — жавоб берди Фолиб. — Мен ўзим келдим.

Ҳайдар унга нописанд ва савол аломати билан қаради:

— Яна нега келдинг? Одамни хит қилиб юбординг-ку!

Фолиб сал кулимсираган бўлиб, ялинганнамо оҳангда деди:

— Телефонда айтдим-ку, Ҳайдар. Мансур ака нималар деди? Мени нега кетказиб юборди? Хавотирланяпман-да, жўра.

Ҳайдар ундан кўзини узмай, ачинган алфозда ух тортиб қўйди. Кейин бошини сарак-сарак қилди. «Чатоқ», дегани эди бу!

Фолиб ён-атрофга тезгина қараб оларкан, чўнтагидан газета варағига ўралган пул чиқарди. Дарвозага ҳам разм солиб қўйди-да, паст овозда деди:

— Мана, Ҳайдар, бир юз элик минг. Қўлимга тушганини олиб келяпман. Ушла, жўра. Қолганиниям тезлаштираман. Хотиржам бўл, қолган ҳаммасини қирда қўлингга тутқазаман.

Ҳайдар бир пулга, бир Фолибга қаради. Кейин ёлғондакам эснаб қўйди. Унинг энсаси қотган эди. Энди пулни ялиниб-ёлвориб қўлига тутқазиши керак. Борига шўкр қилмайдими, тавба!

— Ушла, Ҳайдар...

— Йўқ, энди фойдаси йўқ, — шундай деди-ю, индамай тураверди.

Фолиб пул узатган кўйи қотиб қолди. Ҳайдарга мунгли нигоҳ ташлади. Мансур ака нималар деганини билиш учун ҳозир у йиғлаб-сиқташга ҳам тайёр эди.

— Нималар деди, айттин энди.



— Мен сенга минг марта айтдим, яхшилигимни билмайсан, деб. Агар Мансур ака мен билан учрашмаганида тўппа-тўғри уйлариингга бориб, оёғингдан осарди, тушуняпсанми?.. Ҳалиям мен қайтардим. Фолиб мутлақо унақа бола эмас, дедим.

— Мен эканлигимни билибдими?

— Қизини итариб юборганимни, демоқчисан, шундайми?

Фолиб чуқур нафас олди:

— Ҳа, шундай, бўлдими? Кўнглинг жойига тушдими?

Ҳайдар унга яқин келди.

— Сен менга кекирдагингни чўзма, акс ҳолда ёмон бўлади. Сен мен нима десам, шуни қилишга мажбурсан. Мансур ака нималар деганини айтмасам, нима қилардинг? Яхшиликни билмаган галварс!

Бошқа пайт бўлганида Фолиб улкан гавдаси билан Ҳайдарни эзфилаб ташлашга тайёр бўларди. Ҳозир эса тили қисик, бу эса йигит кишига жуда-жуда алам қиларкан. Гўё, Фолиб — унинг малайи! Ростдан ҳам нима деса, қилишга мажбур. Кут, деса, кутади. Йўқол, деса, йўқолади.

Мансур ака жиддий гап айтганга ўхшайди. Ҳайдар роса ўзини тарозига соляпти. Акс ҳолда пулни кўриб, бироз бўлса-да юмшаши тайин эди. Ёки юз эликни писанда қилмай қўйдимикан?

— Менга осон тутма, — деди Фолиб йўрон бўйнини бироз эгиб. — Бўларимча бўлганман. Уйда ўтиролмадим. Сал қолди, ойимга айтиб юборишимга.

— Нима? — унинг оғзига тикилди Ҳайдар. — Пул берганингни айтмоқчи эдингми?

— Йў-ў-қ, бу ҳақда айтиб бўларканми? Манзура ҳақида демоқчи эдим.

Ҳайдар енгил тортгандек туюлди. Фолибга бошқача кўз билан қаради, аммо ҳалиям отдан тушгиси йўқ эди:

— Энди, ошна, ўзинг биласан, онангга айтасанми, отанггами, буёғи сенинг ишинг... Пул ҳақида айтсанг ҳам

майли, мен тилхатингни яшириб қўйганман. Мендан қарзи бор эди, дейман-қўяман... Майли, гап бунда эмас. Мансур ака негадир сендан шубҳаланиб қолган. Қизчасини саволга тутибдими ёки унинг ўзи айтибдими, мендан сен ҳақингда сўради. Қулоғини тишлаганингниям айтди. Эҳтиёт бўл.

— Сен нима дединг, Ҳайдар?

— Нима дердим?.. Яна яхшилиқ қилдим-да! Телефон қилган бўлса, синфдош сифатида сим қоққандир, дедим. Мен ўзим ҳам қўнғироқ қилиб турардим, дедим. Сен учун шундай дедим, тушуняпсанми? Мен уларнинг уйига бирор мартаям телефон қилмаганман. Уларнинг рақаминиям билмайман, — Ҳайдар шундай деб жўрттага сукут сақлаб турди.

— Раҳмат, — деди Фолиб астойдил.

Ҳайдар сўзида давом этди:

— Сен, яхшиси, тезроқ кетишинг керак. Мансур аканинг кўзига кўринма. Иложи бўлса, эртагаёқ!

— Бир ҳафталардан кейин кетоламан, — жавоб берди Фолиб.

— Чўзиб нима қиласан? Мен сени деб жон куйдириб ётибман-у...

— Ахир, сенга пул беришим керак-ку!

— Секинроқ, — гарчи бу гап Ҳайдарга ёққан бўлса-да, гўё огоҳлантириб қўйган бўлди. — Бу ишниям чўзма. Эртагаёқ бергин-у, қушдай енгил бўлиб кетавер! Бировга айтган номард!

— Мансур ака, нега кетди, деб уйдагилардан суриштириб қолмасмикан? Бирдан йўқолиб қолсам, шубҳаси кучаяди-да!

Ҳайдар кулди:

— Калланг ишлайдиган бўлиб қолибдими сениям! Яхши!.. Тўғри ўйлабсан. Мен ҳам шундай хаёлга борган бўлардим. Аммо, айтдим-ку, мен Мансур ака билан гаплашиб, уни шашгидан туширдим. Сендан заррача



шубҳаланмай қўйди. Бу гап Шокир аканинг қулоғига етиб борса, сиздан қаттиқ ранжийди, дедим. Буёғини ўйламабман, бошим гангиб қолган-да, деди. Ҳозир энг муҳими, сенинг кетишинг, — шу гапдан сўнг Ҳайдар хўрсиниб қўйди: — Отиғи, мен... пулни тўлиқ олиб келсан, деб ўйлагандим.

— Ҳозирча, дедим-ку, Ҳайдар.

— Умуман, нима қилардинг, мени бу ишга аралаштириб? Тинчгина юргандим-а! Тавба, ким бўлса, мени йўқлаб келади. Мансур акани қара, тўппа-тўғри сенинг олдинга бориши мумкин эди-ку! Одамлар яхшилик қилишимни билсалар керак-да, нима дединг?!

Ғолиб бош ирғаб деди:

— Албатта, — ичида эса, агар сен бирор идорага бошлиқ бўлганигда, мақтовлар билан семириб ёриларкансан, деб қўйди.

У шу чоққача бу синфдошини чуқур билмаганидан ҳайрон қолди. Фойдаланиб қолиш керак. Ахир, у мақтов кутяпти. Отаси баъзида айтиб қолади: одамларни мақтагин-у ишингни битир. Ишинг шундай енгил кўчадики, ишонмай қоласан. Аммо Ғолиб ҳеч кимни мақтаб ўрганмаган. Бу хаёлигаям келмайди. Гўё улкан гавдаси бор-у ичи пўкка! У ўз-ўзига ана шундай баҳо берди. Шу аснода дастлабки муваффақиятни қўлга киритаётгандек, суюниб ҳам қўйди.

— Хайрият, сен бор экансан, — деди мумкин қадар ёқимли гапиришга ҳаракат қилиб. — Шунча ишимга ёрдам бердинг. Катта раҳмат сенга. Ҳақиқий дўст экансан.

Ҳайдар майин кулимсиради:

— Бировларга яхшилик қилиш керак, ошна. Сенга, албатта, қайтади. Пулни айтдим-ку, нима учун сўраганимни. Манзуранинг хотирасини поклашимиз учун. Ҳамма синфдошлар қойил қолишади.

— Мен бир ҳафтадан кейин кетишни мўлжаллагандим. Очиги, пул масаласи бироз оғир... Уйдан олиб, сенга бераман-у, кейин шартга кетвораман. Мансур акани бир амаллаб чалғитиб турарсан, дўстим.

Ҳайдар ўйланиб, жавоб берди:

— Бир ҳафта кўп, оғайни. Кел, дангалига келишайлик, уч кун! Бундан ортиқ эмас. Фақат сенинг фойдангни кўзлаб айтяпман, унутма! Бўлмаса, менга нима?! Ҳарақатингни кўр!..

Ғолиб ўз ўйларидан пул олиб чиқишини кўз олдига келтирди. Ахир, икки миллионни келтиргунча бир ўлибтирилди, гўё! Эртага нима бўлишини сира-сира жиддий ўйламаяпти. Мана шу Ҳайдарнинг оғзини ёпса бас. Кейин отаси билиб қолиб, уриб-тепсаям майли! Ҳа, бутун фикри-зикри ана шу пулда бўлиши керак! Балки онаси билан маслаҳатлашар! Терговчиларга бераман, деса, ишонар! Отасига айтмаса керак, ҳойнаҳой! Билмайди, эрта тугул ярим соатдан кейин нималар содир бўлишини ҳам билмайди.

Ҳозир эса отаси қайтмай туриб уйга бориши керак. Онасига бояги гапларни ҳозирча сир тутиб туриши, ўзи бир йўлини топганини уқтиради. Ахир, айна дамда энг хавfli одам — Мансур ака эмас, мана шу Ҳайдар! Уч кун бўлса, уч кун-да! Ҳар бир кунга бир миллиондан! (Ҳайдарнинг мияси ишланига қаранг!) Балки уч миллионни олиб, уйдан қочиб ҳам кетар! Бу ҳам бир йўли! Мол аччиғи — жон аччиғи! Айтиб бўларканми, отаси Ғолибни уриб, майиб қилиб қўйса-чи? Жаҳли ёмон! Онаси ҳам орага қўшила олмайди. Уйга шошилиши керак!

— Мен қайтдим унда, — деди Ғолиб, пулни қўйнига тикаркан. — Роппа-роса уч кундан кейин пул қўлингга бўлади. Ваъда бераман!

Ҳайдар пулга қараб қўйди. Чамаси, олмаганидан пушаймон эди. Бир томондан, қолган пулни тезроқ қўлга



киритиши мумкинлигидан қувонаётган эди. Барибир Фолибни хотиржам қўйиши мумкин эмас. У тағин айниб қолиши мумкин. Шунинг учун хайрлашув олдидан охириги гапини айтган бўлди:

— Менга қара, уч кундан ошмасин. Биласанми, нега бундай деяпман? Мансур ака ҳали яна олдимга келади. Уни алдаб туришим керак. Дарвоза олдида қаққайиб гаплашмайман-ку! Кўнглига йўл топишим керак. Бирорта ошхонага таклиф қиларман балки! Яна бир режа ўйладим. Агар билсанг, Мансур аканинг машинаси бузилиб ётибди. Шунини тузатириб берсам, ғалаба бизники! У оталаримиз билан яқин дўст бўлганини айтиб ўтди... Демак, машинасини тузатиб беришимиз учун яна пул керак бўлади. Бу ҳам сенинг фойданга, Фолиб. Сен менга яна қўшимча пул ташлаб, кетадиган жойингга кетаверасан, мен ўша пулга машинасини таъмирлатиб қўяман. Қалай, маъқулми?

Фолиб зўрға ўзини босиб турарди.

Шу пайт ён томондан қадам товушлари эшитилиб, иккаласи ҳам чўчиб тушди. Келаётган Фулом эди. Шошапиша гапирди:

— Ака, сизни роса изладим. Тез юринг, дадам чақиряпти. Жаҳли чиққан...

Фулом етказган хабарни эшитиб, Фолиб бир сапчиб тушди. Нимқоронғида бу билинмади, албатта. Оёқларига титроқ кирди. Ҳайдар ҳам хавотирга тушган бўлса-да, сездирмасликка ҳаракат қилди. У пулдан хавотирга тушган эди. Агар Шокир ака билиб қолган бўлса, роса шовқин кўтаради. Майли, билса, билаверсин, ўғлининг тилхати қўлида! Аввало, Фолибнинг ўзи тан олмасликка ҳаракат қилади.

Фолиб эса ҳамма гапни онаси айтиб қўйганидан шубҳада.

— Нега чақиради? — деб сўради у укасидан. — Ахир, мен ёш бола эмасман-ку, кўчага чиққанымга жаҳли чиққандир-да!

Фулом елкасини қисди:

— Мен қаердан биламан! Ойимга бақриб кетди. Кейин мени чақириб, сизни топиб келишни буюрди.

Ҳайдар гапга аралашди:

— Бўпти, сен боравер, ҳозир орқангдан етиб олади. Гурунг қизиганди-да, эҳ!

— Йўқ, — бош чайқади Фулом. — Дадам, ўзинг билан олиб кел, деди. Юринг, ака.

Ҳайдар қанча кўндиришга уринмасин, Фулом сал нарироққа ҳам кетмади. Шунақа одати бор унинг. Бир ёпишиб олса, сира қўйвормайди. Қулоқ-чаккасига туширсанг, дод солади.

Ғолиб худди тилдан қолгандек, ҳеч нима демасди. Ҳайдарнинг жаҳли чиқди:

— Айт, укангга, нега индамайсан? Ҳозир бораман, де.

— Бормасам, бўлмайдиганга ўхшайди, Ҳайдар, — деди ниҳоят Ғолиб. — Биласан-ку, дадамнинг жаҳли ёмон.

Ҳайдар баттар жиғибийрон бўлди. Қанақа бола бу, укасига гапи ўтмаса! Жеркиб, уриб ташламайдими!

— Бўпти, унда икки дақиқага уйга кир, — деди ноилож Ҳайдар. — Сенга дискни бериб юборай. Эртага яна келиб, безовта бўлиб юрмайсан.

Ғолибнинг дарвозадан ичкарига киргиси йўқ эди. Ноилож Ҳайдарнинг таклифига кўнди. Фулом ҳам ортидан эргашган эди, шу ерда кутиб туришни буюрди.

Дарвозахонадан киришгач, Ҳайдар уй томонга қараб олди-да, Ғолибни чеккароққа тортди.

— Менга қара, отанг сезиб қолганга ўхшайди, — деди шоша-пиша. — Агар мен ҳақимда айтсанг, ўлдим, деявер. Манзурани итариб юборганингни ўша заҳотиёқ терговчиларга етказаман.



Ғолиб жавоб бермас, унинг икки кўзи дарвозахонада эди.

— Ўв сенга гапиряпман, — дўқ урди Ҳайдар. — Иккала қулоғинг билан ҳам эшит: эртага эрталабдан қирга йўл оламиз. Пулни қуртдай қилиб санаб берасан. Бўлди, бошқа кутмайман, етар!..

— Бу нима деганинг? — деди алам билан Ғолиб. — Учкун муҳлатга келишдик-ку! Дарров айнима-да!

— Уйда қандай муаммоларинг бўлса, бу сенинг ишинг, тушунарлими? Мен бошқа кутмайман. Охири марта айтяпман, эртага соат ўн бирда катта йўлдаги бекатда кутаман. Ўн биру ноль-нолда! Агар бир дақиқа кечиксанг, хафа бўлма.

Ғолиб нима деярини билмасди. У асабийлашганидан тишлариниғижирлата бошлади. Нима десин мановига? Сира тушунмас экан-да! Уйда нима гаплигини билмайди-ю пулни қистагани-қистаган! Аҳмоқ синфдош! Шартга кетиб қолса-чи, қўлингдан келганини қил, деб? Эртага... эртагаёқ қўлларига кишан солиб олиб кетадилар Ғолибни. Бутун қишлоққа шарманда бўлади. Буюрмайли, қамалгани-чи? Қамоқда ўлиб кетар балки!..

— Э, ака, бўлинг, — бақирди Ғулом ташқаридан.

— Ҳозир, чиқяпман, — деди Ғолиб, кейин Ҳайдарга қўл чўзди. — Бўпти, келишдик. Ўзимнинг ҳам жонимга тегди. Эртага оласан ўша пулингни! Қирда бўлса, қирда-да!

Ҳайдар дарҳол қўл ташлади:

— Яшавор, ўрил бола гап шундай бўпти. Қирга кетаётганингни ҳеч кимга айтма.

Ғолиб дарвозадан чиқиб, уйга шошилди, орқасидан укаси етиб олди. Ҳайдар тирқишдан шарпалари нимқоронғида кўздан ғойиб бўлгунича уларни кузатиб турди. Кейин бамайлихотир дарвозани ёпиб, ичкаридан қулф урди.

«Эртага олиб келармикан?.. Олиб келади! Қўрқиб қолган-ку! «Ўзимниям жонимга тегди», деди-ку! Албатта, жонингга тегди-да, ахир сен одам ўлдиргансан. Қотилсан! Энди ўзингнинг ҳам фурсатинг етадиган бўлиб турибсан».

Ҳайдар хонасига кириб, қўрқа-писа яшириб қўйган пулларни яна бир бор кўздан кечирди. Энтикиб кетиб, уларни силаб қўйишни ҳам унутмади. Қаердадир ўқиганди, шундай қилса, пуллар уни яхши кўриб қоларкан.

Кейин телевизор қўйилган хонага ўтди. Уйдагилар сериал кўриш билан овора эдилар.

— Кел, ўғлим, шу кунларда кўп дарс қиладиган бўлдинг, овқатланмадинг ҳам, — деди онаси.

— Бу йил ўқишга бормасам бўлмайди, ая, — жавоб берди Ҳайдар. — Аммо қанча ўқисам ҳам сира тугамайди.

Синглиси телевизордан кўз узмай, дастурхон ёзди.

Ҳайдар яхшилаб овқатланди. Фикри-хаёли эртага қўлига тегадиган пулларда! Олади-ю, Фолибни йўқ қилади! Акс ҳолда эрта-индин ҳаммасини оғзидан гуллаб қўйиши ҳеч гап эмас бу анқовнинг! Пулни олиб келмасачи?! Айтади, терговчиларга эмас-у, Мансур акага шама қилиб қўяди. «Шу Фолиб негадир Манзура ҳақида кўп гапиряпти», дейди. Салгина гижгижласа бас, Мансур ака тўппа-тўғри унинг олдига боради. Ёқасидан олмасаям ўсмоқчилаб сўроққа тутади. Фолиб довдираб қолади. Бор гапни айтмайди, албатта! Яхши кўргани, уйланмоқчи бўлганини маълум қилади.

Кейин эса у юрагини ҳовучлаб Ҳайдарнинг ҳузурига чошиб келади. «Нарх кўтарилди, энди икки баравар қилиб олиб келасан». Фолиб бу гапни эшитади-ю, улкан гавдасига номутаносиб равишда йиғлаб юборади. Ахир олти миллион келтириши керак-да! Хўш, олдингиси билан саккиз миллион! Эҳ, бир бало қилиб ўн миллион



қилса эди. «Круглий сумма»га нима етсин! Ҳа, майли, бориға шукр!

Ҳайдар овқатланиб бўлгач, секингина чиқиб, ошхонага ўтди. Пичоқни тайёрлаб қўйиши керак. Эртага бирров киради-да, қўйнига яшириб, олиб кетади. Ярим кунга ҳеч ким билиб қолмас, ахир рўзғорда пичоқ битта эмас-ку!

Қирга чиқа солиб, Фолибга санчиши керак. Кейин кеч бўлиши мумкин. Унга бас келиш қийин. Жуда бўлмаса, тош билан бошига туширади. Ахир, Ҳайдар Манзура эмас-ку, қир лабида қалтираб турса!.. Хўш, кейин Ҳайдар Фолибни судраб боради-да, қирдан пастта улоқтиради. Ишқилиб, бекатда иккаласи турганини таниш-билишлар кўришмаса бўлгани!..

Ҳайдар ошхонадан чиқар экан, дарвоза томонга қараб қўйди. Назарида худди Шокир ака келиб, эшикни тепадигандек, қўрқиб кетди. Келса, келсин! Фолибнинг тилхати бор-ку!.. Тўхта, нима учун икки миллион берган, деб сўрашса-чи? Нима деб жавоб беради?.. Фолибнинг ўзи билади, деса, у ҳам ҳеч вақо дея олмайди-да! Шаҳарлик бир дўстимнинг машинасини ҳайдаб, пачоқ қилган эди, тилхатни менинг номимга ёзган, дейди, вассалом! Ўша болани топиб бер, демайдилар-ку! Керак бўлса, топиб берадиям! Шаҳарлик болаларга юз минг берсанг, кўнадигани қанча! Демак, ана шу аввалги гап! Буниям жуда қисталанг қилишса, айтади! Энг муҳими, Ҳайдар ўзини дадил, хотиржам тутиши керак!

Ҳайдар хонасига кирди. Тилхатни яширган жойидан олиб, яхшилаб ўқиб чиқди. Кейин жойига қўймоқчи эди, назарида кимдир илиб кетадигандек туюлди. Бирдан эшик очилиб, чўчиб тушди. Тилхатни чўнтагига солишга ҳам улгурмади. Бу оний лаҳзаларда худди Шокир ака кираётгандек, ранги ўчиб кетди. «Ўзимни дадил тутишим керак эди-ку», дейишга ҳам улгурди.

— Вой, нега кўрқиб кетдинг? — сўради кириб келган онаси кулимсираб. — Ўғил болаям шунақа бўладими?!

Ҳайдар базўр кулимсиради:

— Хаёл сураётгандим-да, ая, шунга... Тинчликми, бирор киши чақирягтимми?

Онаси ҳайрон бўлди:

— Ким чақирарди! Ярим кечаси бўлса! Эртага бозорга борасан, шуни айтмоқчи эдим. Синглинг қайсидир дугонасининг тўйига бораркан. Кечаси юрмасин. Кундузи бориб кела қол, дедим.

— Эртага бир ишим бор-ку, ая, — деди Ҳайдар қандай баҳона топиш ҳақида ўйларкан, шу топда калласига жўяли фикр келмасди. — Соат ўн бирларда... Зарур, муҳим иш.

— Индинга қолдира қол, ўғлим. Бизгаям ёрдаминг тегсин-да!

— Ёрдам беряпман-ку!

— Шу, автобустга чиқариб юборганинг ёрдамми, тавба!

Ҳайдар бош чайқади:

— Эртага ишимни ҳал қилмасам бўлмайди, ая. Ҳужжатлар билан боғлиқ бу... Бўпти, ўн яримгача вақтим бор, кейин аниқ айтолмайман. Ўқишга ҳужжат тўғирлолмаяпман, ая. Боя Ғолиб шу масалада келувди, — оғзидан унинг исми чиқиб кетди Ҳайдарнинг. Кейин амаллаб гапини тузатди. — Бир танишини айтди. Ўзинг бориб, учраш, мен айтиб қўяман, деди.

Онаси индамай чиқиб кетди. Ҳайдар алланечук бўлди. Яна виждони қийналди. Онаси нимадир деб чиққанида ҳам бунақа таъсир қилмасди.

Э, тўғри-да, шунча пули бор одам бозорда помидор сотиб ўтирадими! Онаси озгина шошмай турсин. Ҳайдар Ғолибни бир ёқли қилгач, ҳамма пулларни олдига ёйиб қўяди. «Сизларга айтмагандим, аслида бизнес қилаётгандим», дейди. Ўқишга бормаслигини ҳам ўшанда маълум



қилади. Онаси бунча пулни кўриб, ҳайрон бўлади, кейин қувониб кетади. Ўғлининг не-не машаққатлар билан Фолибдан олганини билмайди-да!

Ҳайдар яна пулларни очиб кўрди. Тахлам-тахлам пуллар уни ўзига оҳанрабодек тортарди. Тезроқ Фолибдан қутулса эди!.. Эртага қутулади! Жуда бўлмаса, индин куни халос бўлади! Кейин бемалол яшайди. Пулларни «айлантиради». Зўр, зўр бўлади.

Шу пайт жавондаги токчадан тўп этиб, фотоальбом тушди-ю, Ҳайдар енгилгина чўчиб кетди. Расмлар сочилиб, айнан Манзуранинг дугоналари билан бирга акс этган сурат альбом устига чиқиб қолди. Ҳайдар бошидан-оёғигача музлаб кетди. Манзуранинг нигоҳлари уни таъқиб қилаётгандек эди:

«Севгимизни пуллаяписизми, Ҳайдар?»

\* \* \*

Фолиб минг бир азобда уйга кириб борди. Отасининг қаҳр-ғазабга миниб ўтирганини тасаввур қилган эди у. «Майли, пулни ўғирлаганимни билса ҳам Манзура ҳақида билмасин», дерди юраги пўкиллаб.

Худди шундай бўлди. Отаси ундан гумон қилибди. Фолиб бор маҳоратини ишга солиб, қилган ишидан тонди.

— Қизиқ бўлди-ку, онаси, — деди Шокир ака хотинига. — Оз эмас, икки миллион йўқолади-ю, ҳеч ким билмайди. Яқин орада ҳеч қаёққа кетмаган бўлсак, бу хонага бегоналар кирмаган бўлса! Бу қандай гап, ахир?! Нималар бўляпти?

— Дада, менга пул керак бўлса, доим ойимдан олмаң, — деди дадилланиб Фолиб. — Бунча пулнинг менга нима кераги бор? Яқин орада ҳеч нарса харид қилганим ҳам йўқ. Мана, Фуломдан сўрашингиз мумкин.

— Яқинроқ кел-чи, — буюрди отаси. — Кўзларингга бир боқай!

Ғолиб онасига бир қараб қўйиб, отаси томон сурилди. Шокир ака худди ўғрига тикилаётгандек, унга синчиклаб боқди:

— Ҳозир қаердан келяпсан?

— Ҳайдарларникидан. Мана, Ғуломдан сўранг, — жавоб берди Ғолиб.

Ғулом бу гапни тасдиқлади.

— У ерда нима қилдинг?

Гапга онаси аралашди:

— Дадаси, сизга нима бўлди? Жўрасининг олдига борган-да!.. Аввал яхшилаб излаб кўрайлик, балки бошқа жойда тургандир. Шунча пул ўз-ўзидан чиқиб кетмайдими-ку!

Шокир ака хотинига ўшқириб берди:

— Ўзи сен аҳмоқсан! Оғзингни очиб ўтирганингдан кейин чиқиб кетаверади-да! Мен нима азобларда топиб келаман, сенлар шунақа қилиб совурасанлар! Ишласанг ҳам майли эди. Уйда ўтирасан-ку бекорчи бўлиб! Сен, галварсга неча марта айтдим, шу пулни бошқа жойга қўй, деб. Йўқ, дединг! Сейф олишга ҳам қўймадинг. Сочилиб ётганидан кейин йўқолиб кетаверади-да!

— Сочилиб ётгани йўқ, — деди секин онаси.

— Қани бўлмаса?! Санаб кўрдим, нақд икки миллион йўқ! Ўв, қайси аҳмоқ пулни шундоққина жавонга қўяди-а? Калланг борми ўзи?

Ғулом биларонлик қилди:

— Дада, мелиса чақириш керак. Балки ўғри-пўғри олиб кетгандир? Дарров аниқлайди. Ҳозир ўғри кўпайиб кетганмиш!

Шокир ака яна Ғолибга тикилиб ундан сўради:

— Мелиса чақирамизми, ўғлим?

Ғолиб аввал укасига, кейин отасига қаради:



— Бу нима деганингиз, дада? Ҳалиям мендан кўр-япсизми? Чақирсангиз, чақираверинг! Кейин ёзиб беринг, мана шу ўғлим олган, деб.

Шокир ака индамай, хотинига қараб қўйди.

— Фолиб, Фолибжон, — деди онаси, — дадангга ҳам шунақа гапирасанми? Нега сени ёзиб берарканмиз? Ўйлаб гапир!

Фолиб жиғибийрон эди. Уйдан пулни ўғирлагани оила шаънини асраш учун, ахир, Манзурани ўлдиргани ҳақидаги сир очилиб, қамалиб кетса нима бўлади? Биринчи гап Шокир акага найзадек тегди-ку! Шундай фарзандни ўстирибсиз-да, Шокирбой, дейишмайдими? Эл ичида қадди букилмайдими? Нега Фолибни ҳеч ким тушунмайди? У ёқдан Ҳайдар қисталанг қилиб сўраяпти. Бу ёқда уйдагилар сиқа бошлашди. Нима қилсин? Бунақада жинни бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

— Тўғри-да, ойи. Мен сизларга керак эмасман-ку! Бе-раверинглар мелисага!

— Ўчир овозингни! — Шокир ака шундай деб Фолибнинг юзига тарсаки тортиб юборди. — Ўйлаб гапир, бола!

Роҳила опа тезда Фолибнинг олдини тўсган, кўзлари жавдирар эди.

— Мен бу уйдан кетаман, — деб йиғлаб юборди Фолиб.

Шокир ака бу гапни кутмаганди. Ҳанг-манг бўлиб қолди.

— Сенга бир гап бўлган, — деди секингина. — Нега бунча асабийлашяпсан?

Фолиб индамади. У бошини эгиб олган, кўз ёшларини артарди.

— Бор, дамингни ол. Эрталаб гаплашамиз.

Фолиб ўрнидан қўзғалди. Кетади, ростдан ҳам кетади. Шаҳарда қариндошлари кўп. Ўшаларнинг олдига боради. Улар сиздирмаса, бошқа бирор жойга йўл олади. Бу ерда

жиғибийрони чиқиб юрадими? Айби нима? Ўз жонини асраб қолмоқчи бўлганими? Қай бирига тушунтирсин буларнинг? Ўлган айбдор эмас-у, ўлмаган гуноҳкор, жиноятчи экан-да! Нима, Фолиб ўлиб кетиши керакмиди ўшанда индамайгина?..

Йўқ, у ҳеч қаерга кетмади. Ўйловлар залвориданми, у ёқ-бу ёққа юриб чарчаганмикан, бирпасда кўзи илиниб, ухлаб қолди...

Кўзларини очганида кун ёйилиб кетган эди. Қизиқ, туш ҳам кўрмабди. Беихтиёр кечаги гапларни эслади. Отасининг дўқ-пўписаси, тарсаки тортгани, ўзининг йиғлагани ёдига тушиб, таъби хира бўлди. Бугун Ҳайдар билан учрашиши керак эди-ку!

Фолиб сакраб турди. Соатга қаради: ўн бўляпти. Нега ҳеч ким уйғотмади? Ахир, отаси гаплашмоқчи эди-ку! Ишга кетмаганмикан? Кетган. Онаси, безовта қилманг, дегандир-да!

Фолиб ташқарига чиқмай, очиқ деразадан укаси Фуломни чақирди. Кичик укаси Мурод кўриниб, унга савол аломати билан қаради.

— Дадам қани?

Мурод ажабланиб жавоб берди:

— Ишда.

— Ойим-чи?

— Чақирайми?

— Йўқ-йўқ... Бор, ишингни қил.

Юз-қўлини юваётган эди, Мурод уни телефонда кимдир чақираётганини айтди. Фолиб ҳайрон бўлиб, гўшакни олар экан, ён-атрофига қараб қўйди. Ичкаридан онаси тикилиб турарди.

— Ўйлаб кўрдингми? — овоз келди гўшакдан.

Фолиб ким гапираётганини англай олмади.

— Менман, танимасликка олма. Бекатга келасанми ё чиқиб овора бўлмайми?



— Ҳаммаси жойида, — деди пичирлаб Фолиб. — Айтилган вақтда чиқаман.

Фолиб гўшакни қўяр экан, нонуштага ўтирди. У онасининг нигоҳларидан ўзини олиб қочишга ҳаракат қиларди. Бепарво тарзда, бемалол чой ичди.

Роҳила опа унинг ёнига келиб ўтирди. Ҳадеганда гапиравермади. Анчадан кейин отасини ранжитганини сўзлай бошлади. Хафа бўлиб кетибди ишга. «Ўғлингдан кутмагандим», дебди.

— Ростдан ҳам сен олганинг йўқми?

Фолиб онасига хўмрайиб қаради.

— Мен кечаси билан ухлаганим йўқ, ўғлим. Пулни эмас, кечаги гапларингни ўйлаяпман. Манзура кўз олдидан кетмаяпти. Сенга нималар бўляпти ўзи?

— Дадамга айтмабсиз-да!

— Бас қил. Ҳаддингдан ошяпсан. Даданг айтди, уйдан чиқмасин, деди.

— Нега? Сизларга бир баҳона топилса бўлди, дарров сиқувга оласизлар!.. Мен бир жойга бориб келишим керак.

— Қаёққа?

Фолиб лом-мим демай ўрнидан турди. Хонаси томон юрди-да, онасини тинчлангирди. Битта ишни тезда битириб қайтишини айтиб, кейин бир умр бўлсаям уйдан чиқмасликка ваъда берди. Онаси ҳар қанча қистамасин, айтмади.

Ичкарига кираркан, сумкасини олиб, бир тўда қоғоз қийқимларини текислаб-текислаб солди. Чўнтагидан озроқ пул олиб, устига қўшиб қўйди. Кинода шунақа қилишади-ку! Ҳайдар ҳам бир кўриб қўйсин! Кейин лаш-лушларини титкилаб, букма пичоқни топди. Чап чўнтагига солди. Соатга қаради: ўн яримдан ошибди. Тезроқ чиқиши керак. Аммо онаси сумкани кўрса, типирчилаб қолади. Ичини кўрсат, дейди. Пул йўқ бўлсаям, бунча қоғозни қаерга олиб кетяпсан, деб сўрайди. Фолиб

қандай чиқиб кетсин — онаси ҳовлидаги сўрида ўтирибди! Икки кўзи шу томонда! Индамай тезгина чиқиб кетмоқчиём бўлсин, онаси ортидан эргашади.

Худди шу пайт ичкарида телефон жиринглаб, онаси ўрнидан қўзғалди. У кириб кетар-кетмас, Фолиб тезда чиқиб, ҳовлини кесиб ўтди. Дарвозага етгунча онаси орқасидан қувиб келаёттандек туюлди. Сумкани олдинга ўтказиб, қучоқлаб олди. Йўқ, онасининг овози эшитилмади. Фолиб дарвозага етганида беихтиёр ўгирилиб қаради. Хавотир олиб эмас, худди сўнгги бор чиқиб кетаёттандек, кўнгли ғалати бўлди. Кейин зудликда чиқиб кетди...

Ҳайдар бекатда кутиб турган экан. У сумкани кўриб, сир бой бермасликка ҳаракат қилди. Совуққина кўришдилар. Ортиқча гаплашишмади.

Автобус ҳали-бери келадиганга ўхшамасди. Иккаласи ҳам бетоқат бўла бошлашди. Бир-бирига билдирмай, зимдан қараб қўяди. Фолиб бу йўлдан отаси ўтиб қолиши мумкинлигидан хавотирда эди. Агар кўриб қолса, шартта машинани тўхтатиб, югуриб келади. Шунинг учун йўловчи машиналарга юзини бироз ўгириб турди.

Ҳайдар узоқроқда турибди. Иккала кўзи ҳам автобус келадиган тарафга қараган. Йўловчи машинада ҳам кетишлари мумкин-у, кейин гап-сўз болалайди-да! Ҳайдовчи одам барибир гапга солади, сўрайди. Ҳайдар бўлмаса, Фолиб ким эканликларини айтиб қўйиши мумкин. Кейин тергов-суриштирув ишлари олиб борилса, юзага чиқиб қолади бор гап. Агар автобус бўлса, кўпчилик ичида билинмайди. Йўловчиларнинг эсидаям қолмайди...

Ниҳоят автобус кўринди. Келишиб олишди: Фолиб олд эшикдан, Ҳайдар орқадан чиқиб олади...

Манзилга ета-етгунча иккисининг хаёлида бир режа: омон қолиш! Бир-бирига билдиришмайди, албатта. Демак, кимдир ўлиши, Манзуранинг ортидан кетиши керак!



\* \* \*

Ғолиб ўзидаги ҳаяжонни сездирмаслик учун у ёқ-бу ёққа қараган бўлади. Қайсидир қўшиқни хиргойи қилиб, ҳуштак чалиб ҳам қўяди. Билдирмайгина Ҳайдарга қараб олади. У жиддий кайфиятда, ичидагини билдирмасликка уринса-да, Ғолиб барибир сезди: қўрқяпти!

Синфдошлар билан ўчоқ қуриб дам олган жойга келдилар.

— Бироз ўтирайлик, — деди Ғолиб. — Оёғим оғриб кетди. Чиқамиз-да ўша қирга.

Ҳайдар кўнмади:

— Э, ўша ерда дам оламиз. Юқоридан ҳаммаси чиройли кўринса керак, нима дединг?

Ғолиб буни ўзича тушунди: «Аблаҳ, ҳали юқоридан томоша қилдираман», деб ҳам айтмоқчимисан? Йўқ, чучварани хом санабсан, ошна! Ўлиб кетадиган аҳмоқ йўқ!

— Ўтирмасам бўлмайди, ошна, — деди чуқур уф тортиб Ғолиб. — Роса чарчадим.

Ҳайдар ноилож ўтирди. Теваракка назар солди-да, секин Ғолибнинг сумкасига ўгринча қаради.

— Ҳа, ичинг қизияптими? — зўрма-зўраки кулди Ғолиб.

— Қани, бир кўрсат-чи! — Ҳайдар ҳам кулди.

— Нега кўрсатарканман? Ё умрингда пул кўрмаганмисан? Юқорида дедингми, юқорида кўрасан!

— Хўп, бир учини чиқар!

— Бекорларни айтибсан!

Ҳайдар бошқа ҳеч нима демади.

Анча ўтирдилар. Ҳатто, Ғолиб сумкасига бошини қўйиб, осмонга тикилиб ётди. Хаёлидан не-не кечинмалар ўтди. Уйдагиларни эслади. Укаси Ғуломга ҳаваси келди. Қандай яхши! Ўй-ташвиши йўқ. Сиқилмайди, эзилмайди. Ёши кичкина бўлса-да, Ғолибга ўхшаб

ийглайдиганлардан эмас. Чунки, сабаби битта: гами йўқ, вассалом! Марҳум бобосининг сўзларини ёдга олди: «Эҳ, болам, одамни гама-андух қаритади...» Бир куни нос чекиб ўтириб, шундай деган эди. Фолиб қизиқиб, «нима гамингиз бор, бобо?» деб сўраган. Назарида, ҳеч қандай андуҳи йўқ эди-да бобосининг! Кексалик гаштини суриб юрибди. Бобоси бу саволига индамай қўя қолган. Анчадан кейингина, «мендай бўлсанг, тушунасан», деган. Мана, бобосининг ёшига етмай, гама-алам чекиб юрибди Фолиб. Шу бугун, аниқроғи, ярим-бир соатнинг ичида манови елимдан қутулса, кейингина ташвишлари арийди. Акс ҳолда тизгинсиз оғир ўй-хаёллар гирдобида юраверади.

— Э, ароқ олиб келмабмиз-да! — деб қўйди сал нарида ёнбошлаган Ҳайдар. — Шунча жойга келибмизми, одамга ўхшаб уйга қайтардик.

Фолиб бош чайқади:

— Ароқнинг ўйи куйсин! Ахир, ароқ ичиб... шундай бўлди-ку!

— Қандай? — атайин ўсмоқчилади Ҳайдар. — Нимани айтяпсан ўзи?

Фолибнинг гаши келди. Жаҳли чиқа бошлади: «бу ўзини гўлликка соляпти ё атайин калака қиляпти».

Кейин ўрнидан сакраб турди:

— Кетдик. Мен зўр дам олдим.

Ҳайдар секин қўзғалди.

Қир роса узоқ экан. Фолиб ўша куни Манзуранинг ортидан ҳаллослаб югурганида билинмаганди. Бир амаллаб етиб олишди.

Ҳайдар ваҳимага тушгандек, ҳансираб гап бошлади:

— Вой-вўй!.. Фолиб, қойил сенга, қандай қилиб чиққансан? Жомолунгма чўққисидан ҳам баланд-ку! Сен-ку, майли, Манзура қандай чиқди экан? Умуман, нима учун чиққан ўзи?



Ғолиб елкасини қисиб, қўлини секингина чўнтагига тикди-да, пичоғини пайпаслаб қўйди. Шу билан кўнгли таскин топгандек бўлди, гўё.

— Хўш, сумкангни оч қани, — буюрди Ҳайдар. — Би-  
либ қўй, бир сўм кам бўлсаям ҳисобга кирмайди.

Ғолиб бўш келмади. Унга шарт қўйди:

— Йўқ, аввал ваъда бер, бошқа безовта қилмайман,  
де. Яхшиси, қасам ич. Шундай қасам ички, мен чиппа-  
чин ишонай! Ахир, озмунча пул оляпсанми!

Ҳайдар мийиғида кулди:

— Қасамингни сотасан, демоқчисан-да!

— Аслида ҳам шундай-да, ошна! Аслида-ку, кафолат  
керак менга. Ахир мен сенга ёзиб бердим-ку! Майли,  
сенга ёз, демайман. Бюрократ эмасман. Бўла қол, қасам  
ич!

— Нима деб? — ундан кўзларини узмай сўради Ҳай-  
дар.

— Билмадим... Энг яхши инсонингни ўртага қўйиб  
қасам ич!

Ҳайдар бошқача бўлиб кетди. «Энг яхши инсоним-  
ни сен ўлдиргансан-ку», демоқчи бўлди. Ҳозир Ғолиб  
кўзига аввалгидек бўш, ландовур эмас, қандайдир қув,  
айёр кимсадек кўринди.

— Яхшиси, сен ёзган тилхатни йиртиб ташлай қо-  
лай, — бирдан калласига келган бу фикрдан Ҳайдар-  
нинг ўзиям қувониб кетди. — Сени ўйлаб олиб келган-  
ман. Ишонгандим-да, пул келтиришингга!

Ғолиб ундан ҳам хурсанд бўлди.

— Нима?! Ростдан ҳам олиб келдингми? Қани кўр-  
сат-чи!

Ҳайдар қўлини қўйнига солди:

— Нега кўрсатарканман? Аввал сен пулни чиқар!  
Манзурани ўлдирган сенми ёки менми? Ҳалигача ҳеч  
кимга айтганим йўқ, шу эсингда бўлсин! Бўла қол, сум-  
кангни оч!.. Нега чўзясан?

— Майли, яқинроқ кел, — деди Фолиб сумкасини кавлаган бўлиб. Қўлига илашган қоғоз тахламлари устидаги пуллардан икки-учтасини олиб кўрсатди. — Мана, ишондингми энди?

— Йўқ, ҳаммасини кўрсатасан! — Ҳайдар қўйнидан қўлини олмай унга яқинлашди.

Фолиб ҳозир андак кечикса, ўзининг ҳаётига нуқта қўйиладигандек, яна чўнтагига қўлини солиб, пичоғини ушлади. Кейин ўрнидан турди. Ҳайдар хиёл чўчиб, орқага тисарилди.

— Бўйнимнинг томири тортишиб қолди, — деди ўнг қўли билан гарданини ушлар экан, афтини бужмайтириб Фолиб. — Мана, сумка, олавер!.. Ваҳ, бўйним-а!

Ҳайдарнинг нафси устунлик қилдими, беихтиёр яқинлашиб, сумкага энгашди. Аммо шунда ҳам эҳтиёткорликни унутмади — Фолибнинг узоқлашаётганига амин бўлиши керакдек, қараб-қараб қўйди. Тезгина сумкани тутқичидан ушлаб кўтарди-да, чеккароққа ўтди. Шунда ҳам Фолибдан кўзини узмади. Кейин шошилмай ўтирди-да, сумкани кавлашга тушди. Чеҳраси ёришгандек бўлди.

— Ёп тезроқ, галварс, — деди шоша-пиша Фолиб. — Бирор киши кўриб қолади.

Ҳайдар дарҳол сумкани ёпди. Кейин атрофга қараб, Фолибга тикилди-да, кулимсиради.

— Нега куласан?

— Куламан-да! Бу ерга ким ҳам келарди?.. Галварс эмиш! Ўзинг-ку галварс! — Ҳайдар шундай деб сумкани қайтадан очди. Фолиб яқинроқ борган эди, шартта ўрнидан турди. — Яқинлашма!

Фолиб индамай унга сари қадам ташлайверди. Қўрқиб кетган Ҳайдар қўйнидан пичоқни чиқарди, лекин лом-мим демади.

— Ие, бу нима қилганинг?



— Яқинлашма, дедим, сенга! Эшитмадингми? Пулларни олиб келмабсан, шекилли? Ваъдага вафо шуми?

— Сен ҳовлиқмай, аввал яхшилаб кўр, — шундай деб Фолиб тўхтаган жойидан у томон яна бир қадам ташлади. — Мен ҳам тезроқ қутулсам яхши эмасми? Ахир, ўзимнинг ҳам жонимга тегди, жўражон. Ишонадиганим битта сенсан. Наҳотки, пулларни олиб келмаган, деб ўйласанг?

Ҳайдар сакраб турди-да, сумка ичидагини тўқди. Озроқ пул ва оддий қоғоз тахламлари тушди. У пичоғини Фолибга тўғриласа-да, азбаройи қўрққанидан орқага тисарилаверди. Рақибининг улкан ва бесўнақай гавдаси энди чинакамига чўчитаётган эди Ҳайдарни. У ёқ-бу ёқни қаради-да, шартта ердан тош олди.

Фолиб яна тўхтади. Аммо энди у ҳам киссасини кавлаб, чопқи чиқарди. Ҳар эҳтимолга қарши Ҳайдар улоқтирадиган тошга чап беришни ўйлаб, сергак турди. Орага сукунат чўккан, икковлон ҳам нима деярини билмасди. Кўпроқ Ҳайдар қўрқиб қолган эди. У тошни нишонга теккизолмаслиги ҳақида ҳам ўйлаётганди. Ажабо, бунчалик бўлади, деб хаёлигаям келмаган. Ўйлаб режалаштириш бошқа-ю рақибинг билан юзма-юз бўлгандаги аҳвол бўлакча экан.

Чапга қараб қочса-чи? Фолиб бир зумда етиб олади. Кейин кўтара солиб, қирдан отиб юборади. Манзурани ҳам шунақа қилган бўлса керак. Қолаверса... ўзининг оёқлари қалтираб кетяпти. Эгилиб-букилиб қочиб бўларканми!

Мана шу Фолибни гумдон қилса, шу билан тинч-хотиржам яшарди. Йўқ, содда кўрингани билан бало экан. Унга бас келиш қийин. Осонликча таслим бўладиганлардан эмас. Пичоқ ҳам кор қилмайди, шекилли! Қолаверса, унинг қўлида ҳам қурол бор. Нега шу ерни айтди-я?! Бошқа жой қуриб қолганмиди? Бу ерга ажал

етаклаб келди, шекилли! Манзура билан шундай бўлганда! Бундан чиқди... ким чақирса, ўзи ўладими?.. Йўқ-йўқ, унақа эмас.

Ҳайдарнинг кўзига онаси, уйдагилари кўриниб кетди.

Тўхта, Фолибни яна бир авраб кўрса-чи!

— Менга қ-қ-қара, кетдик, уйга қайтамыз-з, — унинг овози титраб чиқди. — Анув-в-в пуллариингни ҳам қайтариб бераман уйда.

Фолиб қовоғини очмай деди:

— Ҳа, жон ширин эканми, Ҳайдар? Энди кеч, ошна! Бугун уйга фақат бир киши қайтади. Албатта, мен!

Ҳайдар ютиниб олди. Унинг ранги оқара бошлаган эди. Фолибнинг олдидаги кечаги фолиблик, масрурликдан асар ҳам қолмаганди ҳозир.

— Менга қара, яхшиси, сен жимгина ўзинг қирдан сакрай қол, — таклиф қилди Фолиб. — Куч ишлатиб ўтирмайлик. Манзуранинг орқасидан оқ йўл сенга!

— Тўхта, Фолиб, эшит. Мен тилхатни олиб келганим йўқ, — терлаб кетган пешанасини тезгина артиб олди Ҳайдар. — Уни уйда қолдирганман. Ойимнинг қўлида. Агар менга бирор гап бўлса, мелисага боринг, деб тайинлаганман.

— Алдама! — қичқирди Ҳайдар. — Шунча лақиллатиб келганинг етар! Онанг бу гапларни билмайди, сен айтолмагансан! Акс ҳолда бу ёққа келишингга сира рози бўлмасди.

Ҳайдар унинг бошини мўлжаллаб қўлидаги тошни отиб юборди...

Шу куни қир узра яна бир аянчли қичқириқ янграб кетди.

\* \* \*

Улар қуюқ сўрашдилар. Уй бекаси меҳмонни ичкарига таклиф қилди. Келган аёл унча хотиржам кўринмасан.



да, мезбон буни сезмасди. Ҳатто ҳовли томонга қараб-қараб қўйганини ҳам илғамади. Унинг нима мақсадда келганини билиш учун оғзини пойлади. Меҳмон эса айтарли гапи йўқдек, турли мавзуларда уни суҳбатта тортарди.

— Э, бизам юрибмиз, рўзғор ташвишлари, деб. Болалар ҳам катта бўлиб қолишди. Кўз очиб-юмгунча экан, қаранг.

— Ҳа, тўғри айтасиз. Умр ўтиб кетавераркан-да!

— Тўнғичингиз кўринмайди?

— Билмадим. Қаергадир кетган эди. Айтмади. Қўшниларга қўнғироқ қилибди, ишим чиқиб қолди, эртага бораман, деганмиш! Ҳозирги ёшларнинг ишиям чиқиб қолаверади, нима дедингиз?

— А?.. Ҳа, бизникиям шу...

Яна анча ўтирди. Кейин бирдан «тураман» лаб қолди. Дарвозагача безовта қилгани учун узр сўраб борди. Ташқарига чиқишга йўл қўймади. «Овора бўлманг», деди. Кейин шоша-пиша чап томонга қараб кетди. Орқасига икки-уч марта қараб қўйди.

Йўлда унга бир шарпа қўшилди.

— Ишқилиб сездирмадингизми?

— Билмасам... Икки ҳушим сенда бўлди. Топдингми? Анча ҳаялладинг?

— Топдим, ойи. Ҳаммаси жойида, аммо қалтираб, адойи тамом бўлдим.

— Тамом бўлган сен эмас, мен бўламан. Сен шу бугуноқ чиқиб кет. Ким сўраса, икки-уч кун бўлди кетганига дейман. Ҳеч кимга қўнғироқ қилма. Ҳали даданга нима дейман?

— Ўйланг, ойи, ўйланг... Бир-иккита жўраси қўймади, денг. Дадам сезмасин, ишқилиб.

Роҳила опа йўлда тўхтади. Кейин ўтириб қолди-да, йиғлаб юборди. Фолиб ҳам тўхтади. У энди янада асабий,

серзарда бўлиб қолган эди. Уйларига киришга юраги дов бермай, онасини дарвоза ташқарисидан чақириб олган, кўзлари ола-кула бўлганича бор гапни тушунтирган эди. Аллақачон узоқдаги бир дўкондан Ҳайдарларнинг қўшнисига сим қоқиб, унинг номидан хавотир олмасликларини, эртага қайтишини айтиб қўйди. Шундан кейин ҳам ҳаяжони босилмади.

Онаси унинг иккинчи бор қотилликка қўл урганини эшитиб, сал бўлмаса ҳушидан кетиб қолди. Қандай бола бўлди-я бу? Авлодларида йўқ эди-ку жинойтчилар! Синфдошларининг қотили! Одамлар эшитса нима дейди? Ахир, бу — фожиа-ку! Шунчалик разолатга бориш мумкинми?

Ғолиб Ҳайдар пул талаб қилиб, мажбурлаганини қанчалик таъкидламасин, ўғли кўзига бегонадек кўриниб кетди. У қотди-қолди. Ғолибни фақат кўриб турар, мутлақо эшитмасди. Ўғли ўкириб йиғлаб юборганидан кейингина ён-атрофни идрок эта бошлади. Минг қилсаям, боласи! Ёки милицияга топширсинми?

Оила шаънига иснод! Буни билади, бироқ нима қилсин?

— Ойи, сиз гапга солиб турасиз, мен тезгина хонасига кириб тилхатни олиб чиқаман. Шундай қилмасак бўлмайди. Юринг, ҳозир фақат ойиси бор. Бўла қолсангиз-чи!..

Энди эса юришга мадори йўқ! Юрагида оғриқ ўрмай бошлаган. Боши ҳам лўқ-лўқ қилиб оғрияпти.

— Ўтираверасизми бу ерда? Юрсангиз-чи!.. Бирор киши кўриб қолади, ойи.

— Бу ёққа бер тилхатни, — деди Роҳила опа.

Ғолиб қўлидагиғиғимланган қоғозни онасига узатди. Роҳила опа уни ой ёруғига солиб, зўрға ўқиб чиқди. Кейин майда-майдалаб йиртди. Қоғоз парчаларини бу ерга ташлашга кўзи қиймай, панжалари билан маҳкам қисди.



— Сен боравер, — деди чуқур-чуқур нафас олиб кейин. — Мен ўзим етиб оламан. Ана, такси кўч, аммо танишлар бўлса, ўтирма. Борганингдан сўнг кўнғироқ қил. Хавотирланиб ўлмаин яна. Йўқ, яхшиси, эртага телефон қил.

— Ойи, уйнинг олдиғача юринг, ўша ерда хайрлашамиз.

Роҳила опа гапиролмай, бош чайқади. Кўзларидан дув-дув ёш оқарди унинг. Ҳиқиллаб гапларини такрорлади:

— Боравер, кеч бўляпти... Болам, мендан хавотир олма.

— Э, ойи, пулим кам. Шаҳарда нима қиламан кейин?

— Кетавер, дедим. Ҳозир яна бир балони бошлайсан. Ўзим пул юбораман эртага... — Роҳила опа ўпкаси тўлиб, яна йиғлаб юборди. — Нега бундай қилдинг-а, Фолиб?

— Бўпти, албатта, юборинг, ойи!.. Ишқилиб дадамга айтиб қўйманг, — шундай деб Фолиб қоронғилик қўйнига кирди-да, кўздан ғойиб бўлди.

У шошилиб кетаркан, бугунги воқеалар, Ҳайдарнинг жон талвасасида ялиниб-ёлворганларини кўз олдига келтирди.

Ҳозир йўл-йўлакай қўлини сумкасига тиқиб, пичоқни ушлаб кўраркан, шунча жойдан олиб келганига пўшаймон еди. Тоғу тош орасига улоқтириб юборса бўларди-ку! Раҳматли Ҳайдар гўғри айтган, буни галварс, деб!

Фолиб бирдан тўхтади. Ўзининг чопқиси қолиб кетибди! Ваҳоланки, ўша қирда вақт ўтишини кутиб анча ўтирди. Энди терговчилар уни топиб олишса, далилий ашё сифатида дарҳол қайд этадилар. Кейин бармоқ изларини текшира бошлайдилар. Шошилмай ўл, овсар!..

— Олиб келиш керак! — Бу Фолибнинг ўз-ўзига буйруғи эди. Аммо қандай қилиб? Кечаси борадими?.. Ҳа, боради. Бормаса бўлмайди... Пиёда-я?! Ахир, йигирма саккиз чақирим!.. Барибир бориш керак! Юрмайди, югуради! Ана шунда тезроқ етиб олади. Қайтиб келгани-

ча эрталаб бўлиб қолса ажаб эмас. Бирорта уловга ўтиради. Йўлда тушиб, шаҳарга қараб кетади. Ўшандагина хотиржам бўлади...

Ниҳоят, у қоп-қора тун аро тоққа етганида тили осилгудек бўлиб қолган, кимдир рўпарасидан чиқиб, сал чертиб юборса, гурс этиб қулаб, ухлаб қолиши тайин эди. Дарвоқе, мана шу жойда Ҳайдар иккаласи бир озгина дам олишганди. Раҳматли, пулингни кўрсата қол, деб ялингандек бўлганди.

Ғолиб ҳартугул тоққа етди, аммо буёғи янада даҳшат — қирга чиқиб олиши керак. Майли, ўша ерда ўзини ерга ташлаб, ярим соатгина мизғиса бўлгани. Озмоз куч тўпласа, ғизиллаб қайтади. Чопқини топа олармикан? Топади! Ахир, ой нури шундоқ қирга тушиб туради-ку!..

У бир амаллаб қирга чиқди. Оёқлари майишиб кетаверди. Тиззалари чирт-чирт этиб оғрияпти. Сира бунақа оғримаган. Томирлари узилаётганмикан? Худди бир тиззасидан Манзура, иккинчисидан Ҳайдар томирларини битта-битта узиб олаётгандек туюлди. Аммо Ғолиб улардан кўрқмади. Ахир ўлиб кетишган-ку! Бироқ аламларидан Ғолибнинг томирларини чирт-чирт узиш билан овора!..

Ғолиб боши карахт ҳолда ўтлоқ устини синчиклаб қарай бошлади. Қаерда экан? Кўкқисдан орқа тарафидан овоз эшитилиб, у жойида қотди. Ярим тунда изидан тушишдимикан? Бўлиши мумкин эмас. Ахир, ҳеч ким йўқ эди-ку!

Ғолиб энкайган кўйи тураверди. Энди орқасидаги овозлар баландроқ эшитила бошлади. Аммо Ғолибга ҳеч ким буйруқ қилмади. Кўзлари тушмаганми ё? Сухбатлашишяпти, чоғи? Ғолиб яхшилаб қулоқ тутди.

— Эрта-индин барибир у ҳам ўлади. Отасининг эркаси бўлса ўзига!



— Бировга ўлим тиламанг, — бу қиз боланинг овози эди.

— Ўлим тилаганим йўқ, бор гапни айтяпман. Ўлмайдиган одам йўқ дунёда.

— Файласуфман, денг?

— Файласуфдан қаерим кам, айтинг?

— Ана шуни деб бўлди-да! Файласуф бўлмаганингизда ҳаммаси жойида эди.

— Қайтага яхши бўлди-ку! Мана, энди биргамиз.

— Йўқ, мен сиздан олдин...

— Ўзингиздан бўлган-да! Аёллик макрингизни ишлата олмагансиз.

— Гап унда эмас. Қирқ йил қирғин бўлса, ажали етган ўлади...

Йигит беўхшов кулди:

— Ана, сиз ҳам файласуфлик қияпсиз.

— Файласуфлик эмас, мақол бу. Ҳаётий мақол. Менга қаранг...

— Лаббай?

— Барибир мени яхши кўрмас экансиз-да! Пул ишламоқчи бўлдингиз-ку!..

Ғолибнинг онг-шуури ўтмаслашиб қолган бўлса-да, қулоқлари динг эди.

— Э, яна шу гапми? — эътироз билдирди йигит. — Энди-и-и... у жазосини тортсин, дедим-да! Сизни улоқтириб юбориб, индамай юраверадими?

— Э, қўйинг... Икковларинг роса тортишдиларинг, мен кўриб турдим-ку!

— Нима бўлгандаям ундан қутулдик, тўғрими?

Қиз индамади...

Ғолиб секин ортига ўтирилиб қаради. Унга орқа ўтириб ўтирган икки шарпага кўзи тушди. Қўрқа-писа яқинроқ борди. Қизни овозидан таниган, лекин қулоқларига ишонмаган эди. Энди эса кўзлари билан кўрди: Манзура!

Ёнидагиси эса... Ҳайдар! Иккаласиям Голибнинг устидан кулиб, уни масхара қилиб ўтиришарди.

— Ўша мечкайга текканингизда нима қилардингиз?

— Ўзимни осардим. Йўқ, аввал қорнини тешиб, кейин ўзимни осардим.

Бу гапдан иккаласиям нашға қилиб яна кулишди.

Голибга алам қилиб кетди. Боя иккала тиззасига ёпишиб олишгани ҳақиқат экан-да! Ҳозир қутулади улардан. Шундоқ гарданларидан ушлаб, яна пастга улоқтиради. Йўқ, яхшиси, икки оёқлаб тепиб юборади. Оёқларининг кучини сезишсин! Ҳозир... Ҳозир...

\* \* \*

Тонгга яқин кўҳна қир томондан акс садо бериб, яна бир ҳайқириқ янгради...



## МУНДАРИЖА

Нотаниш .....	3
Йўқолган зирак ҳангомаси .....	79
Кечир мени, муҳаббат... ..	171
Таъқиб .....	196
Тоғлар бағридаги қичқириқ .....	246

*Адабий-бадғий нашр*

**Анвар Намозов**

## НОТАНИШ

### *Қиссалар*

Муҳаррир *И. Аҳмедов*

Рассом-дизайнер *Б. Зуфаров*

Техник муҳаррир *Л. Хижова*

Кичик муҳаррир *Д. Холматова*

Мусахҳиҳ *М. Якубджанова*

Компьютерда тайёрловчи *Д. Габдрахманова*

Нашриёт лицензияси АИ № 158.14.08.09.

Босишга 2014 йил 6 ноябрда рухсат этилди. Бичими 84x108<sup>1/32</sup>.

Офсет қоғози. «Lazurski» гарнитурасида офсет усулида босилди.

Шартли босма табоғи 17,64. Нашр табоғи 15,86. Адади 2000 нусха.

Буюртма № 14-424.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10

e-mail: [iptduzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:iptduzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)













**“O‘ZBEKISTON”**

ISBN 978-9943-28-153-0



9 789943 281530